

Ҳ. ҲАСАНОВ

География фанлари кандидати



Ўртаосиёлик
ГЕОГРАФ
васайёхлар

„ЎЗБЕКИСТОН“ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1964



МУҚАДДИМА

Ўрта Осиё — ер юзининг энг қадимий сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан биридир. Ўртаосиёликлар дунё тарихига, кишилиқ маданиятига улуғ ҳисса қўшган, сўнмас ёдгорликлар яратган халқлардандир.

Бу меросимизнинг бир қисми табиёт фанлари, хусусан география соҳасида бўлиб, тилга олиш, ўрганш, тарғиб қилиш ва фахрланишга арзигуликдир.

Афсуски, илмий меросимизни текширишда кўпгина қийинчиликлар учрайди.

Дастлаб. қўлёзмалар бутун бўлмай, талай қисми йўқолиб кетганлиги, борларининг ҳам жуда тарқоқ ҳолда дунёнинг турли мамлакатларида, турли кутубхоналарида сақланаётганлиги ва булар тўғрисидаги маълумотлар етарли эмаслиги ҳар бир тадқиқотчининг ишини оғирлаштиради.

Чунончи, Абу Райҳон Берунийнинг 150 дан ортиқ асар ёзганлиги маълум. Аммо шундан ҳозир 30 тачасигина «омон» қолган, Заҳириддин Бобирнинг шоҳ асари «Бобирнома»нинг ярмидан кўпроғи қўлёзма ҳолидаёқ йўқ бўлиб кетган.

Яна, талай вақтгача ўртаосиёлик олимларни «араб олими», «эрон олими» деб чалкаштириб келиндикки, бу фикр, бир томондан, умуман фан ва маданият тарихига буржуача қараш бўлса, иккинчи томондан, биз — ўртаосиёликларнинг ва, албатта, бутун совет халқининг меросини камситиш бўлар эди.

Ҳайрият, бундан чорак асрча муқаддам атоқли совет олимлари С. П. Толстов, Т. Н. Қориниёзий, М. Е. Массон, Т. Райнов, Яҳё Фуломов, Б. Ғофуров, Ҳ. Ж. Мамед-

бейли ва бошқалар ўртаосиёлик кўпгина олимларни китобхонларга таништира бошладилар. Улуғбек, Беруний, Бобир, Ибн Синоларнинг юбилейлари шарофати билан ҳамда XIX аср иккинчи ярмидаги илғор маърифатпарварларнинг фаолиятини ёритиш борасида фан ва маданиятимиз тарихининг янги саҳифалари очилди, улуғ ва доно кишиларимиз аниқланди, уларнинг хизматлари тақдирлана бошланди.

Сўнгги йилларда чет эл шарқшунослари орасида ҳам ўртаосиёлик олимларга алоҳида эътибор бериб, мақола ёзаётганлари бор. Афсуски, Эронда ва Араб мамлакатларида нашр этилган янги асарларда ўрта асрларда яшаган деярли ҳамма олимларимизни «форс олими», «араб олими» деб ҳамон даъво қилинмоқда.

Араб ва форс маданиятининг ўртаосиёлик олимлар ижодига таъсирини инкор этмоқчи эмасмиз. Ахир кўпчилик китобларнинг араб-форс тилида ёзилганлиги ўша таъсирнинг далилидир. Бироқ шунинг ўзигина ўртаосиёлик олимларни «араб» ёки «форс» олими дейиш ҳуқуқини бермайди. Чунки, масалан, Абу Райҳон Беруний ўзи Хоразмда туғилган, вояга етган, демак қадимий хоразмликлар тилида сўзлашган. У ерда тожиклар, ўзбеклар, туркман ва қорақалпоқларнинг ота-боболари яшаган. Асарларини эса араб тилида, қисман тожик-форс тилида ёзган, бир қанча ўзбекча (туркий) сўзларни ҳам қўлланган. У Эрон ва Ҳиндистонда яшаган, умрининг охири Афғонистонда ўтган. Нега энди у араб олими бўлсин?

Бошқалар тўғрисида ҳам шундай эътирозлар билдириш мумкин.

«Араб фани» нинг фақат тилигина арабча эди, бу тил бамисоли Шарқнинг латини бўлди, ҳақиқатда эса «араб фани» ни (арабларнинг ўзи билан бир қаторда) Эрон, Закавказье, Кичик Осиё, Урта Осиё, кейинчалик Испания олимлари яратган эдилар!»¹.

Шу билан бирга, Урта Осиёдаги кўпгина олимларни суриштирмай-нетмай, ёппасига «ўзбек олимлари» деб аташ ҳам мақбул эмас. Чунки булар ичида тожик, туркман, қozoқ, қирғиз, уйғур халқларининг узоқ ўтмишдаги фарзандлари бор. Демак, ўртаосиёлик ҳар бир халқ бу олимлар билан фахрлана олади.

Беруний ҳам ўзбек халқининг, ҳам қорақалпоқларнинг, ҳам тожик ва ҳам туркманларнинг фарзанди,

Одиллик ва объективлик яна шуни тақозо этадики, Беруний эронийларнинг ҳам, ҳиндларнинг ҳам, афғонларнинг ҳам фарзанди. Ибн Синони тожиклар ҳам, ўзбеклар ҳам, эронийлар ҳам ўзимизники деса бўлади.

Маҳмуд Қошғарий ҳам уйғур, ҳам қozoқ, ҳам қирғиз, ҳам ўзбек, ҳам туркман, ҳам турк, ҳам татар халқларининг аждодидир.

Хивалик Абулғози Баҳодирхон ўзбек, туркман ва қoraқалпоқ халқларининг фарзанди.

Хуллас, булар ўртаосиёлик олимлар, умуман Шарқ олимларидир.

Уларга нисбатан «Шарқ олимлари» дейиш бирмунча маъқулроқ, аммо баъзан қўлланилаётган «мусулмон олимлари», «араб тилида ёзган олимлар», «туркий олимлар», «форсий олимлар» каби иборалар бир ёқламаки, уларнинг ҳаммасидан кўра «ўртаосиёлик олимлар» иборасини энг афзал кўрдик.

Мақсадимиз — Урта Осиёда туғилиб ўсган, шу Урта Осиёнинг ўзига хизмат қилган ёки турли сабаблар билан узоқ ўлкаларга кетиб қолиб, ўша ерларда ҳам обрў қозонган, умуман Шарқ оламида ўз олимлиги билан донг чиқарган, дунё фанида из қолдирган мухтарам ватандошларимизнинг илмий фаолиятини ўрганиш ва қисқача бўлсада баён этишга интилишдир, токи шу чоққача тўла тушунарли бўлмаган нарса мумкин қадар тушунарли бўлсин.

Ахир Урта Осиё географиясининг тарихи билан Иттифоқимизда 3—4 шарқшунос олим шуғулланади, холос. Шу география тарихини жам қилган биронта яхлит асар йўқ. Ҳолбуки, бундай китоб ва қўлланмаларга муҳтож бўлган китобхонларимиз кўп — ўлкашунослар, географлар, табиатшунослар, умуман Ватанимиз фани тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар шунга иштиёқ.

Буюк рус танқидчиси В. В. Стасов Урта Осиё маданиятини ўрганишнинг аҳамияти тўғрисида шундай деган эди: «Қаерни қазисанг ҳам, ҳамма ерда ажойиб асори-атиқалар топилади.

...(Хоразм ва сўғд халқларини) бизнинг қадимий тарихимиз учун, худди скифларни ўрганишчалик муҳим аҳамияти бор.

Урта Осиё маданиятини ўзимизда, қўлимизда мавжуд бўлган материаллардан ўрганмай, хорижийлар

Урта Осиёдан Париж, Лондон ёки Берлинга олиб кетган материаллар асосида ўргансак — уят бўлади»².

Биз юзлаб буюк олимлар орасидан фақат табиатшунос, географ, картограф ва сайёҳларни танлаб олдик. Уларнинг асарлари, саёҳатлари, табиий география, картография, терминология, топономика, иқлим соҳасидаги меросини таҳлил қилмоқчи бўлдик. Ва шундай хулосага келдикки, ўртаосиёлик табиатшунос ва географларни ҳақиқий араб ва форс география фанига ҳам асос солган отахонлар қаторига дадил қўшиш тўғри бўлар эди. Олимларимизнинг асарлари, араб тили орқали, Европага ҳам бориб етган, латин тилига таржима қилинган ва Европа фанининг ривожланишига ҳам таъсир этган.

Шу муносабат билан «Правда» газетасининг ажойиб бир бош мақоласини эслаб ўтиш ўринлидир.

«Правда» «Географияни аъло даражада ўрганингиз» сарлавҳали бош мақоласида, география ўқитишнинг бир қанча масалалари билан бир қаторда фан ва саёҳатлар тарихини ўрганишга доир муҳим йўл-йўриқлар берган эди. Мақоланинг темамизга тегишли сатрларини айнан келтирамиз. Мактабларда «география шу қадар зерикарли қилиб ўқитиладики, Ватанимизнинг ҳаёти ва тарихидан ажратиб қўйилгани шу яққол бир мисолдан ҳам кўриниб турибди. Ўқувчиларимизнинг турли саёҳатлар ҳамда табиатшуносларнинг ҳаётига ниҳоятда қизиқшларини била туриб, география ўқитувчилари уларга ўз ватандош сайёҳларимиз тўғрисида бир оғиз гапирмайдилар.

Натижада ўқувчиларни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашнинг жуда қимматли воситаси фойдаланилмай қолаётир. Ахир ўқувчиларимиз Миклухо-Маклай, Пржевальский, Қозлов ва бошқа машҳур рус географлари ҳамда сайёҳларининг фамилияларини эшитганда ҳайратда қоладилар.

География фанини, машҳур рус сайёҳларининг кашфиётлари ва фаолиятини география ўқитувчиларигина эмас, балки ёзувчиларимиз ҳамда нашриётларимиз ҳам унутиб қўйганлар.

Рус география фанининг тарихига, буюк рус сайёҳлари ва географларининг ҳаёти ва ижодига эътиборсизлик билан қараш — ёш авлодни тарбиялашда география фанининг аҳамиятини тушунмасликдан келиб чиққандир»³.

«Правда» нинг бу кўрсатмалари аллақачон амалга оширилди. Ҳозир мактаб программалари ва дарсликларида рус сайёҳларининг (Никитин, Дежнев, Гвоздев, Беринг, Крузенштерн, Лисянский, Ломоносов, Белингаузен, Лазарев, Семенов-Тяньшанский, Федченко, Пржевальский, Миклухо-Маклай, Седов, В. А. Обручев ва бошқалар) фаолиятига етарли эътибор берилмоқда.

Булар тўғрисида минглаб мақола, китоб ва ўнлаб кинофильм, диафильм, альбом, откреткалар яратилган⁴, олтин медаль ва мукофотлар таъсис этилган.

Аммо, дунё географиясининг умумий тарихига доир йирик монографияларда ҳам ўртаосиёлик олимларга тегишли ўрин берилмаган. Чунончи, Дж. Бейкернинг⁵ географик кашфиётлар ва текширишлар тарихи китобида «Албируни» тўғрисида ярим бетгина маълумот бор, вассалом.

И. П. Магидовичнинг «Географик кашфиётлар тарихидан очерклар» асарида⁶ Хоразмий тўғрисида икки сатр, Беруний тўғрисида 9 сатр ёзилган, холос.

Университет студентлари учун мўлжалланган география тарихи программаси ва қўлланмасида «Араблар ва уларнинг географик билимлари», «Араб географлари ва сайёҳлари» сарлавҳалари билан 8 саҳифа материал берилган, шунинг 26 сатри Беруний билан Еқутга бағишланган, бошқа ватандошларимиз тилга ҳам олинмади⁷.

Фақат Рихард Хеннингнинг «Номаълум ерлар» номли асарида ўртаосиёлик олим ва сайёҳлардан баъзилари қисқа ва элементарроқ тарзда, баъзи хатолар билан бўлса ҳам, ҳар ҳолда баён этилган⁸.

«Қисқача географик энциклопедия» мизда Хоразмий ва Беруний тўғрисида ниҳоятда қисқа маълумот берилган⁹. Фақат С. Умурузоқов Қирғизистон территориясини текшириш тарихини ёзганда маҳаллий географларнинг асарларидан мумкин қадар фойдалана билди¹⁰.

Бироқ, «Правда» нинг ўша танбеҳи ва кўрсатмалари ўрта Осиё географиясининг тарихига нисбатан ҳали ҳам ўз кучида турибди. Чунки студент ва ўқувчиларимиз, кенг китобхонлар оммаси ўртаосиёлик олимларимизнинг географик мероси ва саёҳатларидан деярли бе-хабарлар. Ҳолбуки, ўрта Осиёда атоқли географ олим ва сайёҳлар озмунча бўлмаган, улар ажойиб асарлар ёзганлар.

Ўрта Осиёда география фанининг тараққиётини, бизнингча, қуйидаги етти даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр — IX — X асрлардаги Ўрта Осиё география фанининг тугилиш даври, Муҳаммад Мусо Хоразмий — Балхий география мактабидир. Автори номаълум бўлган «Худуд ул-олам» сарлавҳали қўлёзмани ҳам шу даврнинг энг охири асари деб ҳисоблаш мумкин.

Иккинчи давр — асосан XI асрга тўғри келади, қисман XII—XIII асргача давом этган, бу Беруний география мактабидир. Бу даврда Беруний таъсирида Ибн Сино, Носир Хисрав, Маҳмуд Қошғарийлар ижод қилдилар.

Учинчи давр — бутун XV аср давомида иш кўрган Самарқанд, Ҳирот географлари мактабидир. Яъни: Ҳофизи Аbru, Ғиёсиддин Наққош, Улуғбек, Али Қушчи, Абдураззоқ Самарқандийлар.

Тўртинчи давр эса XVI асрнинг боши ва ўртасига тўғри келади, бунда Заҳириддин Бобир, Муҳаммад Хайдар мирза ва уларнинг замондошлари талай қимматбаҳо асарлар ёздилар.

Бешинчи давр — XVI—XVII аср Ўрта Осиё географияси (Балх географлари мактаби, Ғиждевий, Утамиш ҳожи) даври.

Олтинчи давр — XVIII аср охири ва XIX аср давомида юз берган саёҳатлар, саёҳатномалар даври бўлиб, икки палладан иборат. XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярми ҳамда XIX асрнинг 70-йилларидан то охиригача ва XX аср бошлари — яъни Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишидан кейин тузилган янгича географик оқим давридир. XVIII аср охири ва XIX асрда хоразмлик Мунис, Баёний ва Огаҳий, фарғоналик Ҳакимхонтўра, бухоролик Аҳмад Дониш, хўжандлик Ҳожи Юсуф, Мирзо Сирожиддин, Шайх Сулаймон Бухорий, Фурқат ва бошқаларнинг фаолияти кўзга яққол ташланади, XX аср бошидаги баъзи саёҳатлар ва географик асарларни ҳам шунга қўшиб кетиш лозим бўлади.

Еттинчи давр — Ўрта Осиёда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнгги давр бўлиб, ҳам мазмуни, ҳам шакли, ҳам мақсади жиҳатидан янгича бўлган географик фаолият давридир. Бу даврнинг ўзини бир неча паллаларга бўлиш мумкин.

Албатта, юқорида «етти давр» деб атаганимиз — бирмунча шартлидир. Бундан сўнгги илмий тадқиқот-

лар натижасида янги «давр»лар аниқланса ажаб эмас. Аммо шу «етти давр» орасида ҳам географик фаолият сўниб қолмаганини биламиз. Бу «давр»ларни камайтириш, бир-бирига қўшиб юбориш ҳам мумкин, чунки улар бир-бирига уланиб кетган.

Шу билан бирга, биз талқин қилаётган география тарихи фақат саёҳатлар, илмий тадқиқотлар, географик ўлчашлар ва картографик ёдгорликлар тарихигина бўлиб қолмай, айтилиши вақтда географик асарлар обзори, умуман географик маданиятимизнинг йилномаси ҳамдирки, китобда бир қанча авторларнинг географик асарларига умумий обзор берилди. Булар даврлар бўйича эмас, балки айрим шахслар номи билан ёзилди.

Кўриниб турибдики, араб алифбесидagi қўлёзмалар асосида Ўрта Осиё география фанининг тарихи бир минг бир юз йилга яқиндир. Бу шу даража буюк ва фанлар тарихида ниҳоятда бой, географик мероси бепоен даврки, уни ҳеч ким, ҳеч маҳал ва ҳеч қаерда тўла ёзиб тугата олмаса керак. Биз шу узоқ географик тарихнинг фақат айрим саҳифаларини, атоқли намояндаларини, энг йирик асарларини тилга олишгагина қурбимиз етади.

Хусусан, ўрта асрлар ва асосан Беруний — Бобир географик мактаблари ҳамиша кўз ўнгимизда турди. Берунийгача ва Бобирдан сўнгги даврлар асаримизнинг асосий мақсади ва мавзуи бўлмай, фақат қўшимча, умумий тасаввур бериш мақсадида ёзилган обзор мақолалардир. Демак, бизнинг китобча ўртаосиёлик олимларнинг географик меросидан бир шингил, холос.

Энди, китобимизда қўлланилган «Ўрта Осиё» тушунчасининг чегараларини изоҳлаб қўяйлик. Табиий географик жиҳатдан ҳам, тарихий географик жиҳатдан ҳам «Ўрта Осиё» тушунчаси ҳозиргидан анча кенгроқдир. Хусусан Ҳирот ва Балх (Шимолий Афғонистон) Ўрта Осиё тарихида минг йиллар мобайнида, то XVII асргача, Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тарих саҳифасида шуҳрат қозонган эди. Бу нарса ҳар кимга аён, шундай бўлса ҳам яна уқтириб ўтмоқчимизки, кўп географ олимларимиз ва сайёҳларимизнинг географик асарлари айтилиши вақтда ҳам Шимолий Ўрта Осиёга (Хоразм), ҳам Марказий Ўрта Осиёга (Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона), ҳам Жанубий Ўрта

Осиёга (Ҳирот — Балх) боғлиқдир. Ўрта Осиёнинг шарқий қўшниси — собиқ Қашқар вилояти билан ҳам маданий алоқаларимиз мустаҳкам бўлган.

Хусусан ўрта асрлар фанининг тарихини ёзганда Ўрта Осиёнинг маданий ва табиий чегараларини шундай кенг маънода тасаввур этиш маъқулроқ бўлди.

Совет шарқишуноси Б. Н. Заходер халифалар даврининг географик меросини ўрганиш тўғрисида 1943 йилда мақола ёзиб, Ўрта Осиё — Хуросон географик мактаби бўлганлиги ва бу гуруҳ «классик араб географиясидан материалнинг тақсимланиши ва ҳажмига кўра» фарқ қилишини исбот этди¹¹.

«X асрдаги географик асарларимизнинг асоси Ўрта Осиёда, балхлик олим қўли билан яратилган. (Шарқда) бамисоли маданият вилоятининг макони бўлганки, унинг маркази Хоразмдир, кенгроқ айтганда бутун Ўрта Осиёдир» (И. Ю. Крачковский). Хуросоннинг шарқида (яъни Ўрта Осиёда) яратилган география билан Ўрта денгизга яқин районларда ёзилган географик асарлар орасида фарқ борлигини В. Минорский ҳам эслатиб ўтган¹².

Ўртаосиёлик олимларнинг географик меросига бағишланган биронта монографик асар борлигини билмаймиз. Лекин айрим брошюралар, мақолалар ёки айрим шахсларга бағишланган хусусий тадқиқотларгина маълум.

Бу соҳада бизнинг китобча бирон нусхага асосланмаган, бирон намунадан андаза олмагани учун, тузилиши жиҳатдан, баёни ва безатилиши жиҳатдан, эҳтимол, унча мукамал бўла олмагандир. Чунончи, бирон олимнинг географик меросини ўрганиш учун, унинг ҳаётини қайси меъёردа ёзиш керак эди — бизга етарли аниқ бўлмади. Бир олимнинг ҳаёти камроқ, бошқасиники кўпроқ ёзилди. Шунингдек, қўлёзмалардан кўчириб олган географик саҳифаларнинг бир қисмигина китобчада берилди, қолганлари — фан учун анча муҳим ва қизиқарли бўлсада, китобчадан ўрин ола олмади ва бошқалар.

Биз шундай деб тахмин қила оламизки, олимларимизнинг географик мероси айни вақтда ўша замондаги ўртача табақа китобхонларнинг географик савияси қандай бўлганлигини кўрсатиб туради. Умуман, қадимий маданиятимиз даражаси кўзгуларидан биридир.

Хуллас, Урта Осиё география фани тарихига қўйилган бу пойқадамимиз камчиликлардан ҳоли эмасдир.

Манбалар. Уртаосиёлик олимларнинг географик мероси баён этилган ушбу китобча аввало эски ўзбек тили, тожик-форс тили ва араб тилида ёзилган қўлёзмалар асосида тайёрланди. Қўлёзмаларнинг кўпроғи ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг (Ўз ФАШИ) қўлёзмалар фондидан кўрилди. Баъзилари Ленинград, Душанба кутубхоналарида, бир қисми чет эл кутубхоналарида сақланаётган асарларнинг микрофильмларидан кўрилди.

Чунончи, эски ўзбек тилидаги қўлёзмалар орасида оригинал географик асарлар, араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар ҳам бор.

Уртаосиёлик авторларнинг форс-тожик тилларидаги қўлёзмалари орасида оригинал асарлар билан бирга араб тилидан таржима қилинган асарлар ҳам бор.

Биз китобни ёзишда ЎзССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходимларидан кўп маслаҳатлар олдик. Улар таржима қилишда ва қийин текстларни ўқишда, зарур манбалар билан таништиришда бизга ҳамиша самимий ёрдамларини аямадилар. Шу ўринда биз Шарқшунослик институтининг дирекциясига ва бутун илмий ходимларига, қўлёзмалар фондининг лаборантларига ниҳоятда миннатдорчилик билдириб ўтайлик.

Иккинчи асосий манба — атоқли рус шарқшунослари В. В. Бартольд ва И. Ю. Крачковскийнинг тарихий-географик асарлари бўлди.

Булар шу қадар улуғ тадқиқотчилар эдики, қисман географларимизнинг фаолияти тўғрисида улар айтган мулоҳазаларга янгилик қўшиб бўлмади. Кўпчилик олимлар тўғрисида бор маълумотларга бир қанча қўшимча қила олдик. Бир гуруҳ олимларимиз фаолиятини эса янгича изоҳлашга тиришдик.

Айниқса марҳум академик шарқшунос-географ Игнатий Юлианович Крачковский (1883—1951) ишимизга ғойибона маслаҳатгўй ва раҳнамо бўлдилар. Биз асосан Крачковский йўлидан юришга интилдик. Унинг фикрларига эргашдик, асарларидан керагича фойдаландик. Урта Осиё географиясига оид сўзларини баъзан айнан такрорладик. Агар ушбу китобимиз Крачковский ёзган «Шарқ географияси тарихи» тўпламига, яъни

асарларининг тўртинчи томига кичик бир қўшимча бўла олса — ўзимизни бениҳоя бахтиёр билар эдик. (И. Ю. Крачковскийнинг асарлар тўплами IV томидан олинган сатрлар қисқача: «Крачковский, IV, стр...» деб кўрсатилади).

Географиянинг отаси Страбон дуруст айтган:

«Агар биз, ўзимиздан бурун бажарилган ишларга андак бўлса ҳам янгилик қўша олсак, шунинг ўзи биз бошлаган ишни маъқуллашга асос бўла олади».





МУҲАММАД ХОРАЗМИЙ

Амударё этаклари — Хоразм воҳаси Осиё қитъасининг энг қадимий обод вилоятларидан биридир. Бу вилоятда минг йиллар муқаддам буюк давлатлар, гавжум шаҳарлар, савдо-сотиқ авж олган бозорлар, мустақкам қалъалар, деҳқончилик, канал ва боғлар, илм-фан муассасалари бўлганлиги проф. С. П. Толстов раҳбарлигида 1937 йилдан буён ўтказилаётган кенг археологик текширишларда аниқланди ва исбот этилди. Бу вилоят Ўрта Осиёга араблар келмасдан олдин, араб маданияти ва ислом дини тарқалмасдан олдин мавжуд эди.

Араблар истилоси даврида ҳам Хоразм ана шундай илғор вилоятлардан бўлиб қолди. XII—XIII асрларда Хоразм воҳасида аҳоли ниҳоятда зич жойлашган (ҳар кв. км. га 200 киши тўғри келган бу эса ҳозиргидан ҳам зичроқ)¹³. Бутун Шарқ илм-фанининг буюк намоёндалари — Хоразмий, Беруний, Замахшарий сингарилар шу ерда туғилиб, шу ерда вояга етишгани, сўнгра дунёнинг бошқа вилоятларига бориб, у ерларда ҳам фанни тараққий эттиришгани ҳеч ажабланарли эмас.

«Қадимий Хоразмий фанининг Шарқ фани тарихидаги ўрни жуда муҳимдир. Биз Хоразмнинг исломгача бўлган — антик ва афригий даврини озгина биламиз. Аммо моддий ва маданий ёдгорликларини астойдил таҳлил қилиб, айта оламизки, Хоразмда аниқ фанлар — геометрия, тригонометрия, астрономия, топография, химия, минералогия ва табиий фанлар ўша даврдаёқ юксак даражада бўлган... Географик билимларнинг тараққиёти ва жамланиши орқасидагина хоразмлик савдогарлар узоқ саёҳатларга отланганлар (бу тўғрида араб ва хитой манбаларида айтилган). Кейинчалик сўнг-

ги афригий давридаги Хоразм Араб халифалиги таркибига кирганида, хоразмлик олимлар дарҳол машҳур бўлиб кетдилар ва «араб фани» деб аталган фаннинг яратувчилари орасида энг муҳим ўринни эгалладилар». (Толстов, По следам, стр. 267).



Бундай олимлар орасида энг тўнғич ва кўзга кўринган сиймо, шубҳасиз, Муҳаммад Хоразмийдир. Уни «барча замонларнинг энг улуғ математикларидан бири» деб кўкка кўтарган эди америкалик атоқли шарқшунос Д. Сартон.

Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий, қисқача Муҳаммад Хоразмий — VIII аср охирида Хоразмда туғилган, IX аср ўрталарида (тахминан 847 йилда) Бағдодда вафот этган. «Афсуски, Хоразмийнинг туғилган ва вафот этган йиллари, кўпгина ўртаоСИёлик қадимги олимларники сингари, аниқ белгиланган эмас. Баъзи маълумотларга кўра, у 780 йилда туғилган ва 830 йилда вафот этган деб тахмин қилинади» (Т. Н. Қориниёзий). Хоразмийнинг тарих, математика, астрономия ва география соҳасидаги хизматлари ниҳоятда улуғдир. Бу ҳақда жаҳон адабиётида ҳам, совет адабиётида ҳам етарли ёзилган¹⁴.

Хусусан, Хоразмийнинг математикага доир асарлари — арифметика ва алгебраси европа тилларига кўп марта таржима қилиниб, математика фанида ва амалиётда қўлланди. Хоразмийнинг нисбаси латинча китобларда Алгоритмус, Алгорисмус, Алхоарисмус, Алкаурес-

мус, Алхохаритмус ва ҳоказо шаклларда ёзилиб, янги арифметика — алгоритм (алгоризм) номини яратди. Бу номлар аслда «Хоразмий» эканлигини шарқшунос Ж. Рейно 1849 йилдаёқ аниқлаб берган эди.

Бу — ҳиндча саноқни ва шунга асосланган арифметик амаллар системасини билдира бошлади. Унинг «Алжабр ва муқобала» исмли бу асарининг номидан «алгебра» термини ҳам пайдо бўлган.

«Хоразмийнинг асарларида ҳинд алгебраси билан грек геометрияси бирлаштирилган эди, бу эса ҳозирги математика фанининг манбаларидандир.

Аммо ал Хоразмийнинг буюклиги унинг шахсий математик иродасидагина эмас, у шунинг учун зўрки, у Хоразм математикасининг кўп асрлик анъанасига таянган эди. Хоразм фани эса суғориш, саёҳатлар, қурилиш ва савдо-сотиқнинг амалий эҳтиёжлари заминидан ривожланган¹⁵. Хоразмий, ўз ватанининг ана шундай етук фани билан... арабларни таништирди, сўнгра, латинча таржималаридан европалик илм аҳли ҳам танишди.

Яна шундай хабар ҳам борки, ал Хоразмий, халифанинг Хазарияга юборилган элчилари орасида қатнашган ва географлик вазифасини бажарган. VIII—IX асрларда хоразмлик кишининг бундай хизмати жуда ўринли эди.

Яна шуни айтишимиз мумкинки, Шарқий Европа географияси ва этнографиясига доир дастлабки маълумотларга айни Хоразмийнинг ўзи асос солгандир. Бу маълумотлар эса кейинчалик барча шарқий географик асарларда биридан-бирига ўтиб, энг аниқ ва ўзгармас маълумот бўлиб қолди» (Толстов, По следам, 267—268).

Хоразмийнинг дастлабки машғулотларидан бири ҳиндларнинг «Сиддханта» астрономик ва математик асарини таҳрир этиш бўлди. Ривоятларга кўра, 772 йилда бир ҳинд олими Сиддханта китобини Бағдодга олиб келган. Олимнинг шу китоби халифа Мансурни қизиқтириб қўйганки, у дарҳол арабчага таржима қилишни буюрган. Шундан сўнг китоб 773 йилда биринчи марта араб тилига «Синдиҳинд» номи билан таржима қилинган эди. «Ўша вақтда бу асар Шарқ олимларига қўлланма бўлиб юрар эди. Лекин асарнинг кўп жойларига тушуниш қийин бўлиб, анча-мунча жойида хатолар ҳам бор эди... Хоразмий бу асарни ўқиб, унинг қийин ва янглиш жойларини топди ва уни қайтадан ишлади, китобга

бир неча янги боблар қўшди, тушуниб бўлмайдиган ифода-ларини енгиллаштириб, ўз тажрибалари асосида тузатди ва «Қисқача Синдиҳинд» деган ном берди. Шу билан янги, ажойиб бир илмий асар ҳолига келади. Уша даврда «Синдиҳинд»ни билган кишилар Хоразмийнинг бу янги асарини зўр қувонч билан қабул қилдилар» («Қирқ олим», 9-бет).

Аммо Хоразмийнинг география соҳасидаги фаолиятинигина таърифлаб ўтмоқчимиз.

Бир китобнинг тарихи шундай: араб халифалигининг пойтахти Бағдод шаҳри — тарихий Мадинат ус-Салом — VIII аср охири — IX аср бошларида обод бўлди, юксалди. Хорун Рашиднинг ўғли ал Маъмун (813—833 йилларда ҳокимлик қилган) даврида эса олимлар академияси — «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлар уйи») уюштирилиб, унга барча мамлакатлардан машҳур олимлар, таржимонлар жалб қилинди. Дастлаб Бағдодда кутубхоналар очилиб, Ғарб ва Шарқ антик дунёсининг маданий мероси ўрганила бошланди ва ҳинд, грек, суриялик, пахлавий, санскрит тилларидан кўпгина асарлар араб тилига таржима қилинди. Жалб қилинган олимлар орасида ўртаосиёликлар, жумладан Муҳаммад Хоразмий, ал Фарғоний, Аббос бин Саид Жавҳарий ва Аҳмад бин Абдулла Марвазий ҳам бор эди.

Шу даврда Хоразмий, Бағдод обсерваториясининг ер юзи айланасидаги градус миқдорини ўлчаш экспедициясида қатнашган. Бунинг тафсилоти шундай:

Тарихдан маълумки, дастлаб ер айланасининг узунлигини ва меридиан градусининг миқдорини милоддан 250 йил илгари александриялик Эратосфен (милоддан илгариги 276—194 йилларда яшаган, Александрия, ҳозирги Искандария шаҳридаги машҳур кутубхонанинг мудир, математик, географ ва астроном олим) ўлчаб кўрган эди. У Мисрдаги Александрия шаҳри билан Сиена (ҳозирги Асвон) орасидаги масофани ўлчаб ва бу иккала шаҳар бир меридианда деб тахмин этиб, 22 июнда қуёш нурларининг қанчалик тик тушишига қараб (Сиенада 90° бурчак билан, Александрияда деярли 83° бурчак билан тушади), иккала шаҳар орасидаги меридиан ёни бутун ер меридианининг $1/50$ га тўғри келишини аниқлади. Шунда Ер меридиани 39 700 км бўлади, яъни ҳақиқий узунлигига (40 004 км) анча яқин келади.

Посидоний ҳам (милоддан илгари 135—50 йиллар) Ер меридианини (Ўрта денгиздаги Родос ороли билан Александрия орасида) ўлчади, аммо анча кичрайтириб ҳисоблади. Шу хато ўлчовни Птоломей ҳам маъқул кўрган эди.

Араб халифалиги зўрайган IX асрда Бағдод олимлари Ер меридианини ўлчашга киришдилар. Бунда Бағдод ва Дамашқ обсерваторияларининг ходимлари қатнашди.

Олимлар 827 йили икки гуруҳга бўлиниб, экспедицияга чиқдилар. Бир гуруҳ — Сурия чўлида, Ракка ва Пальмира (Тадмур) шаҳарлари орасида (Фрот дарёси ёқасида), иккинчи гуруҳ — Шимолий Ироқдаги Жабали Синжор (Синнор) тоғи этагида ишлади. Иккала жой ҳам 36° шимолий кенглик ёнида эди. Икки экспедициянинг кузатишлари бир-биридан сал тафовут қилиб қолди — 57 ва 56 $\frac{1}{4}$ мил. Ривоятга кўра, халифа Маъмун бу икки хил рақамнинг ўртачасини — 56 $\frac{2}{3}$ милни белгилаб берган (Крачковский, IV, стр. 83).

Агар арабларнинг 1 мили 1973 метрга тенг деб олсак, меридианнинг 1 градуси 111,8 км га барабар бўлади.

Хоразмийнинг ўзи ана шу ўлчов экспедициясида ва кузатишларни ҳисоблашда қатнашган.

Кейинчалик Маъмун-Хоразмий давридаги бу кузатишларнинг якуни IX асрдан кейинги барча географик ва картографик асарларга андаза бўлди, ҳатто латинчага таржима қилиниб, Европа фанига ҳам кўчди, аммо XIV—XV аср Ғарб олимлари араб милининг ғарб милига тенг эмаслигига эътибор бермадилар ва натижада кўпинча хато қилдилар. Шундай хатолардан бири Колумб томонидан Американинг кашф этилишига ёрдам берди. Колумб бир градуснинг узунлигини 56 $\frac{2}{3}$ итальян милида ҳисоблайверди, ҳолбуки итальян мили араб милидан 384 метр қисқа эди. Шундай қилиб, бир градуснинг узунлиги 22 км кам ҳисобланди ва Ғарбий Европа билан Шарқий Осиё қирғоқлари орасидаги масофа аслига қараганда талайгина камайиб кўринди. «Агар Колумб асл масофани билганда эди, эҳтимол, ўзининг кичик кемаларида океан бўйлаб узоқ сафарга журъат этмаган бўлур эди» (Наллино).

Айни шу даврда халифа Маъмун: осмоннинг ва жаҳоннинг батафсил карталари тузилсин, деб топшириқ берди.

«Жаҳон карталари» аслда дунё атласи бўлиши керак эди. Уни тузишда 70 тача олим ишлади, уларга Муҳаммад Хоразмий бошчилик қилди.

Бу карталар йиғиндисини баъзан «Маъмун дунё картаси» ҳам дейилади. У 840 йилларга яқин тугалланган бўлса керак.

Шу карталар муносабати билан ёзилган Хоразмийнинг «Сурат ул-арз» китоби ўз даврида жуда машҳур бўлган, ундан ҳамма билимдонлар фойдаланган. «Хоразмий географияси» деб машҳур бўлган таълимот олимнинг айна шу «Сурат ул-арз» номли китобига асослангандир.

Китобнинг мазмунини қуйидагича тасаввур этса бўлади: бир неча ўнлаб карталар тузилган-у, уларга изоҳнома ҳам илова қилинган. Шуларнинг ҳаммаси «Китобу сурат ул-арз» деб аталган. «Арз» сўзи — ер, дунё маъносида, «сурат» — умуман қиёфа, кўриниш маъноларида бўлса ҳам, кўпинча «география» сўзининг ўрнида ишлатилган, шунинг учун китобнинг номи «Ернинг сурати» ёки «География» деб таржима қилиниши мумкин. Китобнинг иккинчи номи—«Китобу расм ар-руб ал-маъмур» («Маъмуранинг расми», «Аҳоли яшайдиган чоракнинг расми») бўлганлигини Абул Фидо эслатиб ўтган.

Аммо бу китобнинг фақат битта қўлёзмаси топилган, у ҳам ярим-ёрти. Атласдан эса 4 тагина карта қолган. Қўлёзма 1878 йилда Қоҳирада топилди, бир неча йилдан сўнг Страсбург шаҳридаги кутубхонага ўтиб қолди. (Страсбург — ҳозир Франциянинг шарқидаги йирик шаҳар, аммо у қўлёзма келтирилган 1880 йилларда ва то 1918 йилга қадар Германия қарамоғида эди).

Аммо изоҳноманинг ўзи бирмунча мукамал ҳолда сақланган. Изоҳлар асосан зиж тарзида, яъни рақамлар жадвали билан ёзилган. Ҳар саҳифада икки қатордан жадвал қилиниб, унда турли жойлар иқлимлар бўйича терилган ва координаталари кўрсатилган. Жами дунёдаги 537 энг муҳим жойнинг номи, ғарбдан шарққа қараб, кетма-кет ёзилган.

Аввало шаҳарлар санаб ўтилган, сўнг тоғлар алоҳида (203 ном), денгизлар алоҳида, ороллар алоҳида, энг кейин дарёлар ёзилган.

Масалан, намуна тариқасида шу жадвалдан («зиж» дан) айрим парчалар кўрсатайлик (қавс ичига ёзилганларни биз қўшдик).

Китобу сурат ул-арз

| Адад | Шаҳарлар номи | Тул (меридиан) | Аرز (параллель) |
|------|---|-------------------|--------------------|
| | Хаттиство (экватор)нинг нариёғидаги шаҳар номлари Рофот шаҳри, денгиз бўйида | 65°00' | 8°00' |
| 11 | Биринчи иқлим, унинг параллели 16°27' | | |
| 43 | Нубанинг шаҳри Дункула | 53°00' | 14°30' |
| 45 | Загова | 60°15' | 11°00' |
| 72 | Ғоно | 44°30' | 10°45' |
| | Сижилмоса шаҳри | 31°00' | 21°00' |
| | Иккинчи иқлим, унинг параллели 24°00' | | |
| 76 | Жарми, Ҳабаш мамлакатининг (марказ) шаҳри | 41°40' | 19°40' |
| 95 | Таёс, Қулзум (Қизил) денгиз бўйида | 58°00' | 17°00' |

Экваторнинг нариёғидаги тоғлар

| Номи | Бошланғич чегара | | Охири чегара | | Ранги | Йуналиши |
|---|------------------|-----------|--------------|-----------|-------|----------|
| | меридиан | параллель | меридиан | параллель | | |
| Жабали Қамар (Ой тоғлари), Нили Мисрнинг манбаи | 46°30' | 11°30' | 61°50' | 11°30' | қизил | жанубий |

Биринчи иқлим, унинг параллели 16°
Биринчи иқлимдаги тоғлар


Иккинчи иқлим, унинг параллели 24°
Иккинчи иқлимдаги тоғлар

Сўнгра, жумладан, шундай сарлавҳалар бор: «Ғарбий ташқи денгиз» (Атлантика океани), «Қулзум денгизи ва Яшил денгиз» (Қизил денгиз ва Ҳинд океани), «Денгиздаги оролларнинг тасвири», «Чашма номлари» ва ҳоказо.

Баъзан Хоразмий картага туширилмаган жой номларига ҳам изоҳ беради, демак, картада бор номларнинг қўшниларини ҳам тасвирлайди.

Хоразмийнинг «Сурат ул-арз» китоби катта бир атласга илова қилинган изоҳнома эканлиги юқоридагилар-

дан аён бўлади. Атласнинг карталаридан бири — Нил ҳавзасининг суратидир. Иккинчиси, денгиз қирғоқлари турли шаклларининг схемаси; учинчиси — «Жазират ул-жавҳар» («Жавҳар тошлар ороли» ёки «Ёқут ороли») картаси, унда ҳаммаёғи тоғлар билан қуршалган бир



орол тасвирланган; тўртинчиси — Азов ва Қора денгиз картаси ҳозир бор. Булар бошқа карталардан фарқ қилади. Йўналишлари: юқори томон — шимол, паст томон — жануб тарзида чизилган, яъни компас йўналишига мос келади.

Хоразмийнинг географик мероси асосан учта атоқли шарқшунос географнинг тадқиқотлари ва асарларида баён этилган: Хоразмий тўғрисида дастлаб К. Наллино¹⁶ 1895 йилда каттагина мақола ёзди, сўнгра Ганс Мжик кўп йиллар давомида шуғулланиб, унинг асарларини

1916 йилда бир парчасини, 1926 йилда тўла текстини (араб тилида), сўз боши ва изоҳлар билан нашр эттирди. Хоразмий изоҳлари асосида бир қанча реконструкция-карталар ҳам чизди. Уртаосиёлик олимпимизнинг буюк қиёфасини, фан тарихидаги хизматлари ва «география» сини дунё фани олдида янгитдан тиклагани учун Мжикдан биз ғоятда миннатдормиз. Венгриялик шарқшунос К. Цегледи Хоразмий географияси билан шуғулланиб, «Хоразмийча Дунай бўйи мамлакатларининг картаси»ни қайта тиклаб берди¹⁷.

Рус тилида Хоразмий географияси И. Ю. Крачковский асарларида баён этилган (Крачковский, IV, стр. 91—105). Хоразмийнинг Африкага доир тасвири ва жадваллари яқиндагина рус тилига таржима қилинди¹⁸.

Муҳаммад Хоразмийнинг географияси, бошқа ўртаосиёлик географларнинг илмий меросига қараганда анча мукамал текширилган ва китобхонларга маълум қилинган. Биз ҳам шу тадқиқотларга асосланиб, Хоразмий географиясига доир баъзи масалаларни муҳокама қилиб кўрайлик.

Даставвал, «Сурат ул-арз» китоби оригинал асарми ёки, баъзилар кўр-кўрона даъво қилаётганларича, Птоломейдан айнан кўчирилган, грекчадан таржима қилинганми?

Бу масала — Птоломей билан Хоразмий муносабатлари шарқшунос ва географлар орасида кўпдан бери мунозарага сабаб бўлиб келган.

Маълумки, Клавдий Птоломей — Шарқда уни Батлимус ал-Қалавдий деб атаганлар — II асрда (милоднинг 90—168 йиллари) Мисрда, Александрия шаҳрида (ҳозирги Искандария) яшаган грек олимпидир. У аввало астрономия билан шуғулланиб, «Мегале синтаксис» («Буюк асар») номли 13 та китоб (жадваллари билан) ёзди. Булар кейинчалик араб тилига таржима қилиниб, «Алмажистий» («Алмижистий») номи билан машҳур бўлди. Унинг: Ер қимирламай (бир жойда) туради, унинг теварагида Қуёш ва юлдузлар айланади, деган геоцентрик фарази айни шу китобда баён этилган. Унда географияга доир маълумотлар ҳам бор (иқлимларнинг чегаралари ва параллеллар энг узун кунга ва сояга қараб аниқланади).

Абу Наср Форобий ва Абул Вафо Бужжоний каби олимпларимиз ҳам «Алмажистий» асарини янгидан таҳ-

рир қилганлари, изоҳатлар, қўшимчалар ёзганликлари маълум. Шамсиддин Муҳаммад бин Ашраф Самарқандий (XII аср охири — 1204) ҳам «Алмажистий»га шарҳ боғлаган. XV асрда Самарқандда турган, «Афлотуни замон» ҳисобланган Қозизода Румий ҳам «Алмажистий»га шарҳ ёзган.

Кейинчалик бу китоб араб тилидан латин тилига таржима қилиниб, «Альмагест» деб аталди.

Птоломейнинг иккинчи асари — «Қарталар чизиш қўлланмаси» (ёки «Географиядан қўлланма»), қисқача «География» дейилаверади. 8 қисмдан (жилддан) иборат бўлган бу асар ўз замонасида унча маълум бўлмай қолди, сўнгра тамомила унутилди. XV асрда бу китоб ўрта аср Фарбий Европасининг географ ва картографлари учун яна «кашф этилди», латин тилига таржима қилиниб, европаликларга маълум бўлди. XVI асрда 20 марта нашр этилди, 1754 йилга келиб, 50-нашри бошилиб чиқди.

Птоломей «география»сига бир қанча карталар (27 та мамлакат карталари, 64 та кичик вилоятлар карталари) ҳам илова қилинган эди. Буларни Птоломейнинг ўзи ишлагани аниқ. Аммо биттасини — энг катта дунё картасини — Птоломейдан кейин яшаган александриялик Агафодемон, китобдаги тасвирлар асосида чизганлиги ҳам аниқланган¹⁹.

Птоломейнинг йўқолиб кетган бу асарини XV асргача сақлаб қолган Шарқ географлари бўлди. VII асрда арман географи Анания Ширақий (Ширақаци) «География» номли асарида Птоломей географиясидан фойдаланган. Хусусан бизнинг Муҳаммад Хоразмийнинг хизмати туфайли фан тарихида сақланиб қолди. Европаликлар худди шу Хоразмийнинг китоби орқали Птоломей «География»си борлигини билдилар, унинг эскирган ва чала қўлёзмаларини (картографиянинг асосий принциплари баён этилган 1-жилд ва турли жойларда куннинг узунлигини таққослаган ҳамда 94 районнинг жадвали берилган 8-жилддан бошқаларини) кутубхоналардан қидириб топиб, латинчага таржима қилдилар.

Айтгандай, Птоломейнинг «География» китобини эронлик адиб ва географ Убайдулла ибн Хурдодбех араб тилига таржима қилган эди²⁰, олим ал Киндий топшириғи билан арабчага таржима қилинганлиги ҳам маълум²¹. Ироқли астроном Собит ибн Қурранинг

(834—901) таржимаси энг яхши чиққан эди, деб айтилади китобларда. Аммо бу таржималар дунёга тарқалмай, йўқ бўлиб кетган. Булардан кейин ҳам Птоломей асарларининг арабча вариантлари яратилган.

Энди биз, Птоломей географиясини Хоразмий географияси билан таққослаб кўрайлик.

1) Птоломейнинг китоби асосан текстдан иборат. Хоразмийнинг китоби зиж-жадвал тарзида тузилган.

2) Птоломей ер юзини — «одамлар яшайдиган чорак»ни 94 «епархия» ва 21 зонага бўлиб тасвирлайди, Хоразмий эса Ерни етти иқлимга бўлиб, ҳар иқлимни алоҳида изоҳлаган. 94 «епархия» тилга ҳам олинмайди.

3) Птоломей ҳар бир зонада шаҳарлар, тоғлар, дарёларни кетма-кет тасвирлаган бўлса, Хоразмий аввало ҳар бир иқлимдаги шаҳарларни, сўнгра ҳар бир иқлимдаги тоғларни (ва ҳоказо) айрим-айрим изоҳлайди.

4) Жойларнинг географик координаталари иккала авторда аксари икки хил.

5) Карталари ҳам, тузилиши ва мазмуни жиҳатдан, иккала авторда фарқ қилади.

6) Хоразмийнинг «етти иқлим» тўғрисидаги таълимоти ҳам жуда оригинал ва янгиликдир (бу тўғрида кейинроқ, «Етти иқлим» бобида гапирамиз).

Яна бир фарқи, жумладан, шуки, Птоломейда «Германия»гина ёзиб қўйилган бўлса, Хоразмийда унинг ёнига «билод ас-Сақолиба» (Славянлар мамлакати) қўшилган, Сарматия ҳам иккига ажратилган: Дунайдаги булғорлар ва Кавказдаги олонлар, иккала Скифия бирлаштирилиб, билод ат-Турк (Турклар мамлакати) дейилган (Минорский, Мусулмон, 20-бет).

Птоломейнинг, умуман грекларнинг ҳисобича Урта денгизнинг ғарбдан шарққа томон бўйи 62° га чўзилган, Хоразмий эса бунини 52° деб кўрсатди (аслда 40° га яқинроқ).

Хоразмийнинг асарларида Ернинг катталиги тўғрисида ҳам мулоҳазалар бўлган, бу тўғрида бошқа Шарқ географлари (Ибн Фақиҳ, Еқут, Димашқий, Қазвиний) эслатиб ўтишган. Масалан, Ибн ал Фақиҳнинг айтишича, Хоразмий Ер ясси юзасининг майдони 9 минг фарсах, шунинг 12 дан бир қисмидагина одамзод яшайди, деган²².

Умуман, Шарқ географиясига, гўё Птоломей билан Марко Поло орасидаги бўшлиқни тўлдириб турган бир

ямоқ, деб камситиб қаровчи европалик олимлар ҳам бўлди. «Аммо бу одил баҳо эмас. Ахир александриялик машҳур олим (Птоломей) асосан узунлик ва кенгликлар каталогини берди, венециялик машҳур сайёҳ (Марко Поло) эса баъзан миш-миш гапларга берилиб кетиб, ҳақиқий воқеаларга афсоналарни ҳам аралаштириб юборди. Аммо Шарқнинг география билими улардан ўзгача ва анча пишиқ бўлди» (Минорский, Мусулмон, 19-бет).

Бир араб географининг айтишича, Птоломей ўздан кейинги авлодга асарини яхшилаб текшириб кўриш, мунозора ва муҳокама қилишини топширган. Албатта, Птоломей асарларининг Шарқ география фанининг тараққиётига таъсири жуда катта бўлди. «Греklarнинг математик географиясини ўрганиш натижасида араблар орасида илгаридан ҳукмрон бўлган ҳинд-эрон фанининг таъсири иккинчи қаторга сурилиб қолди» (Крачковский, IV, стр. 82).

Аввало, «Сурат ул-арз» — Хоразмийнинг улкан географик меросидан фақат бир парчаси, унинг астрономия ва географияга доир асарларининг бизгача сақланиб қолган бир қисмидир, холос.

Шу билан бирга «Сурат ул-арз» — Птоломей географиясининг таржимаси эмас. Хоразмий Птоломей асарлари билан бевосита грекча қўлёзмалардан ўқиб танишган ёки сурияликлардан билиб олган бўлсада, Птоломей маълумотлари тубдан ўзгартирилган, тузатилган, бошқатдан ишланган. Унга жуда кўп янги материал, хусусан Шарқ мамлакатлари географиясидан маълумотлар қўшилганки, натижада тамомила янги бир географик асар юзага келди.

Албатта, Хоразмий ўзига хос ва улуғвор хислатлари бўлгани билан, у ҳам «осмондан тушган» эмас эди. Ўздан олдин ўтган олимлардан ўрганган, уларнинг асарларини ҳурмат билан ва таҳсин этиб танқидий равишда кўздан кечирган.

«Бир халқдан иккинчи халққа ўтадиган (адабий) мавзуларни инкор этиб бўлмайди. Таъсирларни, албатта, эътиборга олиш зарур, бироқ, бошқалардан ўрганилганликнинг ўзини қайд қилишгина кифоя эмас, балки унинг сабабларини ва айниқса бошқалардан олинган материал янги асарда қанчалик ўзгартирилганлигини аниқлаш муҳимдир»²³.

Аммо Хоразмий ижодига асосан грек фани таъсир эт-

ган, дейиш тўғри эмас. Шунингдек, ҳинд-эрон фанн кўпроқ таъсир этган,²⁴ деб ҳам бўлмайди. Баъзилар: «араблар» дан бурунроқ грек ва ҳинд маданияти туфайли юксалган сурия-эрон анъанаси Хоразмийга таъсир этган деб тахмин қилдилар. Ҳолбуки, Хоразмий ижодининг асл манбаларини «даставвал унинг ватанидан — Хоразмдан излаш ўринлидир, чунки бу ерда қадимдан миллий илмий традицияларнинг мавжуд бўлганлиги шубҳасиздир» — Хоразмдаги тарихий-археологик текширишлар худди шундай хулосага келтиради²⁵. Хоразмий Шарқ халқларининг илмий меросини шундай юқори поғонага кўтара олдики, у IX аср бошларида араб тилида Шарқнинг янги география фанини яратди.

1894 йилда Италия Фанлари академиясининг махсус комиссияси Хоразмийнинг бу асарини ҳар томонлама текшириб, ўз даврининг жуда қимматли қўлланмаси бўлганлиги ва умуман географиянинг тараққиётига ижобий таъсир этганини тасдиқлади.

«Тарихчиларнинг хабар беришича, Хоразмий халифа Восиқнинг (842—877) топшириғи билан бир афсонани аниқлаш учун Кичик Осиёга юборилган... Бунда айтилишича, Кичик Осиёнинг бир шаҳрида анчагина киши уйқуга кетиб, кўп вақтлар шундай қолиб кетган эмиш. Сўнгра улар бир уйғониб, ғорга қочиб кирган ва яна уйқуга чўмиб ва шу ерда абадий қолиб кетганлар.

Халифа Византия ҳокимига хат ёзиб, бу ишда ёрдам беришини сўрайди. Ҳоким Эфес шаҳридаги бу ғорга бориш учун Хоразмийга одам қўшиб беради. Одамлар Хоразмийга ҳар хил ваҳимали гаплар айтади: «Унга борган омон қайтмайди, балога гирифторм бўлади» дейдилар. Византиялик баъзи бир мутаассиблар бундай «муқаддас» жойни оёқ ости қилгани учун Хоразмийни анча таҳқирлайдилар. Лекин Хоразмий буларнинг ҳаммасига ҳам парво қилмай, ғорга дадил киради ва у ердан суяклардан бошқа ҳеч нарса топмайди...» («Қирқ олим», 11—12-бетлар).

Хоразмийнинг фалсафий қарашларига келганда шуни айтиш керакки, Ўрта Осиёда ислом дини кенг тарқалиб, мустаҳкамлангандан кейин ҳам, илғор «фан ўз ютуқларини ҳимоя қилиб, динга қарши курашди ва ўша даврнинг гениал мутафаккири ал Хоразмийнинг асарларида янада тараққий эттирилди.

...Хоразмий IX асрнинг бир гуруҳ йирик олимларидан биридирки, улар фан билимларини мустаҳкамлаб, динни чегаралаб қўйиш тарафдори эдилар.

...Буюк олимларимиз ал Фарғоний ва Хоразмийнинг фикрича, диннинг мавжудлиги турган гап, аммо дин фан соҳасига аралашмаслиги лозим. Бу — ҳақиқатда иккиланиш назариясининг бир кўриниши эди»²⁶.

Шундай қилиб, Муҳаммад Хоразмий фақат Урта Осиёнинг буюк географ олимигина эмас. У — Шарқ географиясининг асосчиси, узоқ Испаниядан то Қашқаргача барча табиатушunos, географ ва сайёҳ олимларга илҳом берган, намуна бўлган йўлбошчидир. Хоразмий географияси бир неча юз йиллар мобайнида қайта-қайта кўчирилиб турди, ҳар ким тарафидан тўлдирилиб, қисман ўзгартирилиб, янгича таҳрир қилиниб, турлича сарлавҳалар ва имзолар билан маълум қилиб турилди.

Чунончи, X асрнинг биринчи ярмида Ироқда яшаган Сухроб (Ибн Серапион) «Сурат ул-арз»ни ўзича таҳрир қилиб, «Етти иқлим китоби» номи билан чиқарди. Фақат унга сўзбоши қўшди (эҳтимол, бу ҳам Хоразмийнинг ўзидан олингандир), материал тартибини бир оз ўзгартирди.

XI асрда Испанияда аз-Зарқалий тузган «Толедо жадваллари»нинг анчагинаси Хоразмий асаридан кўчириб олинган.

Улуғ Беруний ҳам Хоразмийни эҳтиром билан тилга олади, ўзи кўп жиҳатдан Хоразмийга ўхшайди, аммо ундан икки аср кейинроқ яшагани учун ундан анча ўзиб кетган эди.

Итальян шарқшуноси Қ. Наллино Хоразмийга шундай юксак баҳо берди: «Европадаги ҳеч бир халқ Хоразмий эришган ютуққа эришишга ва бундай асар яратишга қобил эмас эди».

АБУЛ АББОС ФАРҒОНИЙ

Бағдод обсерваториясининг ходимларидан бири, Муҳаммад Хоразмийнинг замондоши Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қасир (Қодир) ал Фарғоний эди. Унинг нисбасидан аёнки, Абул Аббос асли фарғоналикдир. У IX аср бошларида туғилиб, 860—870 йиллар орасида вафот этган бўлса керак.

Фарғоний геодезияга доир китоблар, жумладан «Ал Комил фил Устурлоб» («Устурлоб тўғрисида мукамал маълумот») ва «Фи саноат ул-Устурлоб» («Устурлоб санъати тўғрисида») ва «Етти иқлим» китоби ҳамда астрономияга доир каттагина («Жавоми илм ан-нужум вал ҳаракат ас-самовия») деган китоб ёзган. Бу китобда осмон ва юлдузлар тўғрисида, уларнинг ҳаракати ва туркумлари тўғрисида умумий маълумотлар берилган.

Бу асарни XII асрдаёқ кремоналик Герардо латин тилига таржима қилиб, бутун Европага ёйди. XIII асрда Европанинг бошқа тилларига ҳам таржима қилинди. Қарийб XV асргача бу асар асосий астрономия дарслиги сифатида фойдаланилди. 1669 йилда эса голланд арабшуноси ва математиги Яков Голиус Амстердамда китобнинг арабча ҳам латинчасини ёнма-ён нашр этиб, яна ал Фарғоний, европача Альфраганус номини машҳур этди. Ҳатто итальян адиби Дантенинг «Илоҳий комедия»-сида ҳам улуғ Альфраганус тилга олинган. 1464 йилда Падуя шаҳрида Фарғоний тўғрисида докладлар ҳам ўқилган. Умуман, Альгоритми (ал Хоразмий) билан Альфраганус (ал Фарғоний) Шарқ мамлакатларидан кўра Ғарбда — Европа мамлакатларида кўпроқ машҳур бўлиб қолган эди, деган фикрлар ҳам бор.

Фарғонийнинг астрономик асарида географияга доир қисмлар анчагина. Уларда иқлимлар ва мамлакатларнинг жойланиши тасвирланган. Агар олимнинг геодезия, картография ва ер юзи географияси соҳасидаги асарларини жам қилсак, яхлит бир географик оқим кўринади. Шунинг учун ҳам, академик И. Ю. Крачковский Фарғонийни «ўртаосиёлик астроном ва географ» деб атади.

Фарғоний Птоломейнинг астрономик асари «Алмажисти»га изоҳлар ва иловалар ёзгани, ўз асарларида ислом календарининг тузилишини таърифлагани, қуёш соатини яшаш усулини баён этгани ҳам маълум. Шунингдек, юқорида тилга олиб ўтганимиз «Маъмун жижи» тўғрисида ҳам унинг ўзи сақланмаган) асосан Фарғонийнинг астрономик асарида билиб олинган. Шу маълумотлар орқали «Маъмун жижи»нинг мазмуни Европага тарқалган.

Фарғонийнинг хизматларидан яна шуларни айтиш керак: 861 йилда у ал Мутаваккилнинг буйруғи билан Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчовчи асбобни тузатиш ва ўрнатиш учун Фустот (ҳозирги Қоҳира) шаҳрига борган.

Астрономияга доир китобининг охирида турли жойларнинг жадвали бор. Шуниси ҳам қизиқки, Фарғоний тузган жадвал Хоразмийнинг жадвалидан («Иқлим» ларнинг чегаралари, бошланғич меридиан кабилар) фарқ қилади. Ҳолбуки иккалови бир даврда, бир шаҳарда ижод қилишган.

Фарғоний жадвалида аввало шарқ томондаги вилоятлар кўрсатилиб, бирин-кетин ғарбга томон баён этилган.

«Аммо биринчи иқлим Машриқдан, Син мамлакатининг чеккасидан бошланади... Сўнгра Қулзум денгизини кесиб ўтиб, Ҳабаша мамлакатидан ва Нили Мисрдан ўтади... Сўнгра бу иқлим Мағриб ерлари томон ёйилиб, Барбар мамлакатининг жанубидан ўтади ва Мағриб денгизига етади».

Демак,— дунё вилоятларининг рўйхатини тузишда ҳинд-эрон географиясининг таъсири кучлироқ бўлган.

Афсуски, Фарғонийнинг ҳамшаҳарлари бўлган астроном ал Туркий, унинг ўғли Абул Ҳасан (IX—X асрлар) тўғрисида бирон аниқроқ маълумот топа олмадик.

* * *

Тарих, фалсафа, қонуншуносликка оид бир қанча асарлари билан машҳур бўлган Ҳаким Термизий (тўла исми Абу Абдулла Муҳаммад ибн Али Термизийдир, 868 йилда вафот этган — қабри Термизда) географияга доир «Солнома ва наврузнома» номли асар ҳам ёзган.

Бу асарида қадимий туркий календарь — мучал йили таҳлил қилинган, деҳқончилик ишлари, обиҳаво шароити ва табиий офатлар тўғрисида ўз замонасига кўра изоҳлар берилган.

Урта Осиё фани тарихида Марв шаҳри ва унинг олимлари алоҳида бир «илмий марказ» бўлди. IX асрдаёқ Аҳмад ибн Абдулла Марвазий (марвлик, тахаллуси Ҳабаш ал Хасиб) ва унинг ўғли Абу Жаъфар ибн Ҳабаш, шунингдек Ҳамид бин Абдулмалик Марвазий астрономия ва математик географияга доир асарлар ёздилар. Бағдод ва Дамашқда тузилган астрономик зижлар шуларнинг иштирокида ишланган.

IX асрнинг энг охирида яшаган Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ат Таййибу ал Сарахсий, асли Туркманистоннинг

Сарахс шаҳридан бўлиб, Бағдод халифаларининг хизматида юрган.

И. Ю. Крачковский бу шахсни «юнонлар таъсиридаги математик-географлардан ва айни вақтда тасвирий география тарафдорларидан биридир» деб таърифлайди.

Сарахсийнинг географик асарларидан: «Денгизлар, сувлар ва тоғларнинг фойдаси», «Йўллар, вилоятлар, денгизлар, шаҳарлар тўғрисидаги китоб» маълумдир.

X аср астроном ва географларидан яна бири — Аҳмад ибн Муҳаммад Сағоний Устурлобийдир. Унинг ватани Сағаниён (ёки Чағониён, Сурхондарёнинг Денов қисми) бўлиб, дастлаб Бухоро ва Самарқандда таълим олган, астрономия билан шуғулланган.

998 йилларда Бағдодга келиб, олим Абу Саҳл Кўҳий раҳбарлигида обсерватория учун осмонни кузатадиган бир қанча аниқ асбоблар, жумладан янгича астролябия (устурлаб) ясаб берган. Шунга кўра уни Устурлобий деб аташган («Қирқ олим», 28-бет).

ЖАЙХОНИЙ

X асрда Бухоро сомонийлар давлатининг пойтахти эди. 914 йили Аҳмад бин Исмоилнинг вафотидан сўнг, гўдак ўғли шаҳзода Наср бин Аҳмад тахтга ўтирди, аммо у давлатни бошқаришга ҳали ёшлик қилар эди. Шу даврда бутун ишни улуг вазир Жайхоний бажарди. У, айни вақтда буюк географ, фанимиз тарихида ажойиб бир сиймодир.

Абу Абдулла Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср Жайхоний IX аср охирида (870 йилларда) туғилган бўлса, 914 йилдан то вафотига қадар вазирлик қилди. У 942 йилда «вайроналар тагида», яъни ер қимирлаш вақтида ҳалок бўлган²⁷.

Жайхонийнинг хизмати ва ҳиммати шулар:

Биринчидан, у ўзининг юксак лавозими ва баланд қўлидан илм-фан манфаатлари учун фойдалана билди. Хусусан, географик машғулотларга ва саёҳатларга хомийлик қилди: машҳур Абу Зайд Балхийни қўллади, Абу Дулофни саёҳатга йўллади, араб сайёҳи ибн Фадлонни 921 йил сентябрида Бухорода меҳмон қилди. Ибн Фад-

лоннинг Волга ва Булғордан келтирган маълумотларидан ўзи ҳам фойдаланди.

Иккинчидан, ўзи фаннинг бир неча соҳаларига онд кўпгина асарлар ёзди. Жумладан, дунё географиясидан каттагина асар яратди.

Араб географи Мақдисий: «кутубхонада Жайхонийнинг етти жилдлик география китобини кўрдим» деб эътироф этган.

Китобнинг номи «Китоб ул-Масолик вал мамолик» («Масофалар ва мамлакатлар китоби») бўлганлигини Абу Райҳон Беруний ўзининг «Осори боқия» асарида уқтириб ўтган. Китоб яна «Китоб ул-Масолик фи маърифат ул-мамолик» («Мамлакатларни билишда масофалар китоби») деб аталгани ҳам маълум.

Китоб тахминан 907—922 йиллар орасида ёзилган бўлса керак.

Афсуски, Жайхонийнинг ўша ажойиб географик китоби шу чоққача топилгани йўқ. Аммо X—XII асрларда жуда машҳур бўлиб, эски географик адабиётда ҳурмат билан тилга олиниб турган. У китобдан Беруний, «Худуд ул-олам» асарининг номаълум автори ҳам, ибн Руста, ал Бакрий, Гардизий, Авфий, Харақий, Идрисий ва бошқалар ҳам фойдаланганлар. Аммо китобнинг умри қисқа бўлди — ўша замондаёқ йўқолиб кетди.

В. В. Бартольд бир мақоласида: «Бу китоб, дому дараксиз йўқолиб кетганга ўхшайди» деган, кейинчалик: «Бир кун эмас бир кун, Ўрта Осиёда ёки Ҳиндистонда Жайхонийнинг асарлари топилиб қолар деб умид қилиш мумкин» деди²⁸.

Гарчи Жайхонийнинг асл асари топилмаётган бўлса ҳам, ундан кўчирилган парчалар кўпгина китобларда турли олимларнинг асарларида нақл қилинган. Шу парчалар асосида Жайхоний географиясининг мазмунини тасаввур эта оламиз.

Жайхоний тўғрисида шундай маълумотлар бор.

Ал Мақдисий айтади: «Абу Абдулла ал Жайхоний Хуросон амирининг вазири эди. У фалсафа, илми нужум ва ҳайъат фанларидан хабардор эди. У дунёни етти иқлимга бўлиб, ҳар бир иқлимга биттадан сайёрани тайинлаган эди. У гоҳо юлдузлар ва ҳандаса тўғрисида муҳокама юритарди, гоҳо Ҳинд санамларини, гоҳо Синд мўъжизаларини тасвирлайди, айни вақтда солиқ ва даромадларни тақсимлайди. Унинг номаълум манзиллар

ва унутилган довлар тўғрисида ёзганларини ўзим ўқидим.

У, шарққа ва ғарбга, шимолга ва жанубга борадиган йўллар тўғрисида гапириб, у томонлардаги даштлар, тоғлар, водийлар, қирлар, ўрмонлар ва дарёларни тасвирлайди. Шундан унинг китоби қалингина бўлиб кетди.

...ал Жайхонийнинг китобига (диққат билан) қарасанг, топасангки, у ибн Хурдодбеҳ асарини ўзига қўшиб олган...» (Бартольд, 1, 57).

Ал Масъудий айтади: «Жайхоний ёзган китобда дунёнинг тасвири, ундаги ажойиботлар, шаҳарлар, пойтахтлар, денгизлар, дарёлар, халқлар ва уларнинг маконлари ва бошқа турли қизиқ-қизиқ ҳикоялар бор».

Жайхонийнинг феъл-атвори тўғрисида шундай ривоятлар ҳам бор: у одамлар билан қўл беришганда ё газлама қўлқоп, ё қоғоз қўлқоп билан кўришган, мушукни жуда ёмон кўрган.

Берунийнинг «Осори боқия» ва «Минералогия» китобларида ҳам Жайхоний бир неча марта тилга олинган. Масалан: «Ал Жайхоний ривоят қиладики, Ҳинд денгизда бир дарахтнинг илдизлари бор, булар денгиз бўйидаги қумга тарқалган. Дарахтнинг япроқлари қалинлашиб, нўвдадан узилиб тушади ва урғочи арига айланади-да, учиб кетади» («Осори боқия», 244).

«Жайхоний ҳикоя қиладики, Бухоро билан Деҳинав орасидаги бир қишлоқда бир тепалик бор, уни хазина қидирувчилар кавлашганда, сув (отилиб) чиққан, сувни тўхтата олмаганлар ва сув ҳозирга қадар тинмасдан оқиб турибди.

Яна шуниси ҳам ажойибки, буни ҳам Жайхоний «Ал Масолик вал мамолик» китобида ҳикоя қилади, Қайрувондаги жоми мачитда икки устун бор экан. Улар нимадан ясалгани номаълум, аммо Жайхоний айтадики, бу устунлардан ҳар жума куни қуёш чиқишидан олдин сув сирқиб чиқади. Ажиб ҳол, шу ҳодиса жума кунига тўғри келади» («Осори боқия», 290).

Беруний, айрим жойлардаги ҳаво турларини таърифлаганда, шундай мисол келтиради: «Жайхоний айтадики, хитойлар қадим замонларда Хўтандан ҳоқон пойтахти томонга борадиган йўлда бир тоғ тепасидан иккинчи тоғ тепасига кўприк қурган эмишлар. Қимки шу кўприкдан ўтса, шундай жой борки, одамнинг нафаси сиқилади ва тили шишиб кетади. Шу кўприкдан ўтганларнинг аксарини

қазо қилади, кўплари қутилиб қолади ҳам. Тибет аҳли бу (жойни) «Заҳар тоғ» деб атайди» («Осори боқия», 298).

Гап — баланд тоғлардаги ҳаво сийраклиги, тоғ касали тўғрисида бўлса керак.

Яна Беруний асарини варақлайлик:

«Жайхоний «ал Масолик вал мамолик» китобида ҳикоя қиладириким, Табария шаҳрининг шарқ томонида Балинас шаҳри бор эмиш, Урдун (Иордан) дарёси ўша ердан бошланар экан. Урдун дарёсидаги тегирмонлар шанба кунлари тўхтаб қолар ва ун торта олмас эмиш, чунки дарё суви шанба кунининг охиригача камайиб турар эмиш».

Беруний бу воқеага шундай салбий шарҳ беради: «Табий фанларда бу ҳодисага асос топа олмайман» («Осори боқия», 314).

Беруний шанба ва якшанба кунларининг тарихи муносабати билан Қуддуси Шариф мачитидаги алангани ҳикоя қилади. Сўнгра, Мисрдаги бир қишлоқ бутхонасининг ертўласида мақбара чироғини тасвирлайди. Шунда Жайхонийга асосланиб, ер тўладаги «мўъжизалар» ҳикоя қилинган.

«Минералогия» китобида (саҳифа 155) Рим шаҳридаги Стефано бутхонасида сақланаётган қимматбаҳо тожтахтни айтганда ҳам Жайхонийдан нақл келтирилган.

Жайхоний географиясининг учинчи хусусияти шуки, у ёзма манбалардан, жумладан ибн Хурдодбеҳ асаридан фойдаланиш билан бирга, талай географик маълумотларни бевосита турли мамлакат одамлари билан суҳбатлашиб йиғар эди.

Мақдисийнинг айтишича, Жайхоний чет эллик сайёҳлар ва меҳмонларни суҳбатга чақириб, улардан: мамлакатлари, борадиган йўллари, даромадлари, юлдузларнинг баландлиги ва соя тушиши, фалакнинг айланиши тўғрисида суриштириб турган.

Ҳатто Рус, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатларга хатлар юбориб, у мамлакатларнинг ҳолати, сарой ва девон тартиби ва урф-одатларини сўраб билган. Жумладан, Тункатдан то Хитойнинг пойтахтигача 140 кунлик масофа эканлигини элчилардан суриштириб билган. (Тункат — Оҳангарон водийсида бўлган).

Тўртинчидан, Жайхоний ўз асарида Шарқ мамлакатларига анча ўрин берган. Унда Марказий Осиё ва Урта

Осиё, Ҳинд водийси, турк қабилалари, Узоқ Шарқ тўғрисида янги маълумотлар кўп. «Жайхоний, Ғарб мамлакатлари тўғрисида ёзган Шарқ авторларига асосий манба бўлибгина қолмай, Шарқ тўғрисида ҳам шунчалик бой материал берган эди» (И. Ю. Крачковский).



Жайхонийнинг диний қарашлари изчил бўлмагани, баъзан ўзгариб тургани ҳам маълум.

Тарихий география фанида Жайхоний асарининг умумий мазмунини тиклашга кўп урунилди. Чунки Жайхоний ўзидан кейинги географик адабиётга жуда катта таъсир кўрсатган эди. Бу таъсирнинг йўллари И. Маркварт тузган схемада айниқса яққол кўринади. Бу схемага кўра, Ибн Руста ва Бакрий — Жайхоний асаридан бевосита кўчириб олганлар, Авфий эса — «Худуд ул-олам»дан, Гардизий — Жайхонийга бевосита боғлиқ бўлган номаълум авторлар орқали материал олган (Заходер, Каспий, стр. 48).

Жайхонийнинг Шарқий Европа ва Каспий вилоятлари тўғрисида ёзган маълумотлари кейинчалик бутун Ўрта Осиё-Хуросон олимларининг шу ерлар тўғрисидаги тасаввурига асос бўлди, чунки бошқа олимлар Жайхоний сўзларига таяниб, уни сал кенгайтириб ёздилар.

АБУ ЗАЙД БАЛХИЙ

Урта Осиёнинг жанубида яшаган атоқли географлардан бири Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал Балхийдир (850—934)²⁹.

У Балх ёнидаги Шамистиён қишлоғида туғилган (бу қишлоқ Балхга сув берадиган 12 ариқнинг бири Фарбанги суви бўйида эди), касби муаллимдир. Бағдодга бориб (Ёқутнинг айтишича, у карвонга эргашиб, пиёда борган) 8 йил тургани, қўшни мамлакатларни кезгани, Маккага бориб келгани ва сўнгра ўз юртига қайтиб, ўзининг доно ва олимлиги билан шуҳрат қозонгани, фалсафа, астрономия ва география билан машғул бўлгани, бухоролик Жайхоний уни ўз даргоҳига ишга чақирганида, Амударёдан нарига ўта олмайман деб бормагани, 919 йилда, вақтинча, Балх вазирининг саркотиби бўлиб ишлагани ва 500 дарҳам ойлик олгани маълум.

Шундай бўлса ҳам, Балхий Жайхоний билан дўстона муносабатда бўлган. Унга ҳатто Жайхоний турли совғалар юбориб турган. Лекин, Балхийнинг ҳаётлигида, хусусан қариган чоғида уни кўп таъқиб қилганлар. Жумладан, исмоилийлар мазҳабидаги саркарда Хусайн ва укаси Саълуқ моддий ёрдам бериб туришди, аммо бир «ғайри-диний» асар ёзгани учун, ёрдамдан маҳрум қилинди.

Балхий 60 тача асар ёзган, уларнинг кўпчилиги йўқолиб кетган, аммо «Осмон ва олам китоби», «Ер суратининг тасвири» каби айрим асарлари бор.


Биз учун энг муҳим бўлган географик асари — «Сувор ул-ақолим» («Иқлимлар сурати»)дир. Бу китоб турли манбаларда турлича ном билан аталган: «Ашкал ул-биллод» («Мамлакатларнинг шакллари»), «Тақвим ул-булдон» («Шаҳарларнинг тақсимланиши»). Номларининг бундай хилма-хиллиги шундан далолат берадики, уни кўпчилик олиб ўқий олмагандир, чунки ўша замонда ҳам нодир асар ҳисобланган. Эҳтимол, карталар тўпламига ёзилган изоҳотдан иборат бўлгандир.

Китоб 920 йилда ёзилган. У вақтда Балхий 70 ёшга бориб қолган эди.

Балхий ҳақида географ Мақдисий шуларни айтган: «Абу Зайд Балхий ўз китобида карталар ва ернинг тасвирини бермоқни мақсад қилган эди. Ерни йигирма

қисмга тақсимлаган, ҳар бир тасвири қисқа-қисқа тушунтирган».

Яна Мақдисийнинг айтишича, Балхий дунёни қуш шаклида тасаввур этган: тумшуғи Қулзумда (Қизил денгиз), бўйни Ироқда ва думи Ҳабашистон билан Хитой орасида. Аммо Мақдисий айтган қуш шаклидаги дунё карталарининг нусхалари кўп, қайси бири асл Балхий-



ники эканлиги аниқ эмас эди. Аммо яқиндагина Афғонистонда, Кобулда топилган форсча дунё картаси гарчи Истахрий асари ичида бўлса ҳам, Балхийнинг тасаввурига жуда яқин, ҳатто Балхийнинг қўлёзмаларига тегишли бўлса эҳтимол. Бу картага назар солинса Мақдисийнинг айтганлари тасдиқланади. Бу картани В. Ф. Минорский топиб, таҳлил қилди. (Минорский, Мусулмэн, 24—27-бетлар).

Картада ҳақиқатан қушнинг тасвири кўринади. Карта бир неча марта кўчирилганидан, янги афсонавий

шакллар ҳам қўшиб қўйилган. Аммо Балхийнинг асосий идеяси ўзича қолган.

Қартанинг юқориси — жануб, пастки томони — шимол. Доиранинг энг сиртидаги қалин қора айлана — «Кўхе Қоф ва дарёе Муҳит» деб, яъни ерни ўраб олган дунё океани билан афсонавий Қоф тоғлари ёзилган.

Доира ичидаги қушнинг боши — шимол тарафдан Сақолаба, Рус ва Рум билан, жануб тарафдан — Армания ва Озарбайжон билан ўралган, яъни Қаспий — Қора денгиз демакдир. Ундан шарқроқдаги оқ доирача — Орол денгизи бўлиб, Жайхун билан Сайхун унга тортилган. Дум томони эса — Африкадаги Жабали Қамар (Ой тоғлари) этагида, Нил дарёсининг манбаларидир. Ғарб томондаги шакл — Урта денгиз, шарқ томондаги, ичида тўртта оқ ороли бор шакл — Ҳинд океанидир.

Хуллас, картада географик жойланиш анчагина янглиш бўлса ҳам, унинг умумий қиёфаси ва идеяси қизиқарлидир.

Гарчи «Сувор ул-ақолим»нинг асл нусхаси сақланмаган бўлсада, бу асарни эронлик Истахрий ҳали Балхий ҳаёт йиллардаёқ таҳрир қилиб, ўз юрти Форс вилояти, Ҳузистон ва Шимолий Ҳиндистонга доир янги маълумотлар билан кенгайтириб ёзди, буни эса ироқлик сайёҳ ибн Ҳавқал Урта денгиз мамлакатларига доир маълумотларни яна қўшиб, янги вариантини тайёрлади. Ана шу кейинги икки асар ҳозиргача етиб келган.

Истахрий Эрондан Самарқандга ўтган вақтида йўл-йўлакай Балхда тўхтаб, Балхий билан суҳбатлашган ва унинг асарини олиб кетган бўлиши мумкин. Истахрийнинг ўзи эса 952 йилда ибн Ҳавқал билан учрашиб, жиддийгина мунозара қилган ва географияга доир китобини янги маълумотлар қўшиб яна давом эттиришни топширган.

Бу ҳақда ибн Ҳавқал дейди: «Мени шундай китоб ёзишга ундаган асосий сабаб шу бўлдики, мен ёшлигимда турли мамлакатлар ҳақидаги ҳикояларга жуда қизиқар эдим, ҳатто шаҳарларнинг ҳаёти билан танишгим келар эди, саёҳлардан, савдогарлардан, ўқимишли кишилардан ҳа деб сўрайверар эдим...

...Ибн Хурдодбеҳ ва ал Жайхонийнинг китоблари ҳаммиша ёнимда юрар эди.

Мен Абу Исҳоқ ал Форисий (Истахрий) билан учрашдим. У менга Ҳиндистоннинг картасини чизиб кўрсатди,

лекин хато қилди. Эрон картасини боплаб чизди. Мен Озарбайжон (картаси)ни чизиб кўрсатдим, у маъқул топди, Жазирани ҳам яхши деди. Унинг Мисрни тасвирлаши ўхшамади, Мағриб ҳам аксари нотўғри бўлди. У менга айтди: «Сен менинг ушбу китобимни қараб чиқ, хатоси бўлса тузатиб ёз». Мен унинг китобидаги бир неча картани тузатдим, лекин кейинчалик, алоҳида китоб тузишни маъқул топдим».

Шундай қилиб, хоҳ Истахрий, хоҳ ибн Ҳавқал асарини — улар ҳам «Китоб ул Масолик вал мамолик» деб аталади — варақласангиз, шу китобларнинг заминиди Балхийнинг қўли бор деб билаверинг. Учала олим — Балхий — Истахрий — ибн Ҳавқал эса — Шарқ географиясида классик даврнинг кетма-кет ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрда ижод қилган намояндалари, гўё бир илм занжирининг бир-бирига боғланган халқаларидир.

Буларнинг асарларида жам қилинган дунё ва айрим вилоят карталари фан тарихида «Ислом атласи» номи билан машҳур бўлди. Албатта, бу карталарнинг баъзилари Балхийдан бурун ҳам — ўртаоғиёлик Мусо ал Хоразмий, Жайхоний ва бошқалар қўли билан чизилган эди. Лекин X асрда Балхий ва унинг мухлислари томонидан бутун Шарқ картографиясининг самаралари жам қилиниб, яхлит бир асар шаклига солинди.

Балхий — Истахрий — ибн Ҳавқалнинг асарида ер юзи 20 та «иқлим»га бўлинган. Турган гапки, буларнинг «иқлими» мутлақо «етти иқлим» тушунчасига мос келмайди, балки дунёнинг 20 вилояти, шарқдан ғарбга қараб шартли равишда «иқлим» деб аталаверган. Шуларнинг ҳар биридаги шаҳарлар, йўллар, мева, маҳсулот ва ажойиботлар бирма-бир санаб, таърифлаб берилган.

НАРШАХИЙ

Абу Бакр Муҳаммад бин Жаъфари Наршахий — X аср биринчи ярмида (899—959) Бухорода яшаган тарихчи олимдир. У «Тахқиқи ул вилоят» номли асар — Бухоро вилоятининг тарихини 944 йилда чиройли иборалар билан араб тилида ёзиб қолдирган. Бироқ одамларнинг араб китобларини ўқишга кўпинча рағбатлари бўлма-

ганлигидан у китобни форсчага таржима қилиш зарурати туғилди. Шундан сўнг, 1129 йилда бу асарни Абу Наср Аҳмад бин Муҳаммад ал Кубавий тожик тилига, қисқартириб ва баъзи ўзгартиришлар билан (масалан, бошқа асарлардан олинган парчаларни қўшиб) таржима қилди. Бу китобни 1179 йилда Муҳаммад бин Зуфар яна қисқартириб, таҳрир қилиб, кўчириб чиққан. Шу энг кейинги, икки марта қисқартирилган нусха сақланиб қолган. Илгариги қўлёзмалар ҳали топилганича йўқ.

«Тахқиқи ул вилоят» китобини баъзан «Ахбори Бухоро», «Бухоро тарихи», кўпинча «Наршахий тарихи» деб атайдилар³⁰.

«Тарих»да Бухоро тўғрисида турли ривоятлар ва ҳикоялар, ҳокимларнинг ҳаёти ва урушлари ёзилган. Аммо биз учун унинг географик томони — Бухоро шаҳарининг топографияси ва бутун вилоятнинг табиати, шаҳарлари, бойлиги, саноати ва аҳолиси тўғрисидаги маълумотлар жуда муҳимдир.

Наршахий Мовароуннаҳр тушунчасига изоҳ бериб, айтади: «Мовароуннаҳр — Амударёдан то шарқ томон шаҳарларининг энг нарисигача бўлган ерлардир».

Бухоро шаҳрининг Нумужкат, Мадинат ус-Суфрия («Мис шаҳар»), Мадинат ут-Тужор («Савдогарлар шаҳри»), Фохира деган номлари бўлганини айтиб, «Хуросонда ҳеч бир шаҳарга бунча кўп ном берилмаган» дейди.

«Бухорода Жуйи Мулиён каби гўзал истиқомат жойдан афзал жой йўқдир, чунки бу ерда саройлар, боғлар, гулшанлар, мевазорлар, дарахтзорлар бор, уларни доимо оқиб турувчи сувлар ишғол қилгандир. Минг тарафга қаратиб дарахтзорлар ва гулшанлар томон ўтказилган ариқлар бир-бири билан кесишади. Бу қадар кўп оқар сувни кўрган ҳар кимса унинг қаердан келиб, қаёққа оқишидан ҳайратда қолади. Уларнинг шундай жойлашишини энг моҳир усталар ва меъморлар ўйлаб топганлар».

Бухоро ёнидаги Байкенд шаҳрининг (ҳозирги Яккатут темир йўл станцияси ёнида бўлган қадимий шаҳар, ҳозир вайроналари қолган) жуда улуғлаб, шундай ми-соллар келтирилган: «Байкенд аҳолиси, биров Байкенд-ни қишлоқ деса, хафа бўладилар. Агар бир киши Байкенддан Бағдодга борса ва ундан: қаердансиз?— деб сўрасалар, у: Байкендданман, дейди-ю, Бухороданман демайди.

...Байкенднинг ҳамма аҳолиси савдогар бўлиб, улар Хитой мамлакати ва денгиз орқали бориладиган мамлакатлар билан савдо қилганлар ва жуда бой эдилар.

Байкенддан то Форобгача бўлган 12 тош масофалик жой қум чўлидир».

Зарафшон дарёси Рудизар ва Ҳарамком деб тилга олинади. «Ҳарамком суви Байкендга оқиб боради. Байкенд (нарисиди) тўқайликларга ва катта кўлга туташади. У кўлни... Баргин Фарах дейдилар, Қоракўл деб ҳам атайдилар. Ишончли кишилардан эшитилишича, унинг кенглиги 20 тошдир. «Масолик ва мамолик» китобида айтилишича, уни Сомчан кўли деб атайдилар. Бухоро сувининг ортиқчаси (орқадагиси) ўша жойга йиғилади ва унда сув жониворлари яшайди. Хуросоннинг ҳамма жойидаги қуш ва балиқ жами (бунга) тенг келмайди».

Автор Шопурком (ҳозирги (Шофиркон) номининг тарихини шундай ривоят қилади: Шопур ов қилишни яхши кўрар экан. Бир куни овга чиқиб, у ком томонга қарабди, у ёқда ҳеч бир қишлоқ ва ободонлик бўлмай, чакалак ва ов жойи экан. У жой Шопурга ёқиб қолибди. Бухор худот (ҳоким) у жойни Шопурга берипти. Шопур у ерда катта анҳор қазитиб, уни ўз номи билан «Шопурком» деб атаган.

Наршахийнинг шу ахбороти муносабати билан бир сўзнинг маъносини англатиб кетайлик. Урта Осие топонимиясида «ком» сўзи «дарё», «канал» маъносиди бўлиб, бир қанча топонимлар (географик номлар) таркибига қўшилган. Чунончи: Шопурком, Комимех (ҳозир Комимех), Комидаймун.

Амударё тўғрисида: «Амударё лабидан то Форобгача 1 тош. Сув тошса ҳалиги 1 тош масофа ярим тош бўлиб қолади. Гоҳо Аму суви тошиб, Форобгача боради».

Наршахий Бухоро вилоятидаги шаҳарларга қисқа-қисқа таъриф (характеристика) ҳам берган.

«Афшина — катта бир шаҳар бўлиб, қалъаси бор. Бир неча қишлоқлар унга қарашлидир. Одамлар у жойни табаррук дейдилар. Ҳафтанинг муайян бир кунда у ерда бозор бўлади».

«Карминада (араблар ва шоирлар) кўп бўлганлар. Қадимда Карминани бадъяи хурдак (кичкина тоғора, кичик обдаста) деб атаганлар. Бухородан то Карминагача 12 тошдир».

«Нур — катта жой. Кўпгина работлари бор».

«Тавовис, бу вилоят бўлиб, (асл) номи Аруққудир. Ундаги кишилар бой ва зебу зийнатга берилган одамлар... Ҳар бир киши уйида битта-иккита товус сақлайдиган бўлган.

(Аммо) бундан илгари араблар товусни (кўрмаган) эканлар, бу жойда товусни кўп кўравериб, у қишлоқни «зотул ат-тавовис»—«товуслар эгаси» деб атаганлар, унинг асл номи унутилган, ундан кейин «зот» сўзини ташлаб, Тавойис деб қўя қолганлар... Ундан Бухорогача 7 тош».

«Зандани қишлоғида карбос кийимли мата тўқилади, уни занданичи, зандачи дейдилар. Ироқ, Форс, Ҳиндистонга сотадилар».

Яна: Бухородаги катта ёнғин тасвири, вилоятдаги ариқлар, экинлар, масофалар тўғрисида мукамал маълумотлар бор.

Юқоридаги парчалардан кўриниб турибдики, Муҳаммад Наршахий — фақат сомонийлар даврининг тарихчигина бўлиб қолмай, Бухоро вилоятини ўз кўзи билан кўриб, тасвирлаб ёзган географларимиздандир.

«ХУДУД УЛ-ОЛАМ»

Бу илмий кашфиёт 1892 йилда юз берди.

Рус шарқшуноси, капитан А. Г. Туманский Бухорога келиб, Мирзо Улуғбекнинг «Улуси арбаъ» («Тўрт улус») номли тарихий бир асарини топиб бўлмасмикан, деб кўп вақтгача обдон суриштирди. Китоб тилини биладиган мирзалар жами китобфурушларни, хонадон ва мадрасаларни қидириб чиқдилар, аммо истаган нарса топилмади. У қайтиб кетди.

Кейинчалик, Туманскийнинг Бухорода қолган таржимони Абдулфазил Гулпойгоний шаҳардаги бир китобфурушдан қалингина бошқа бир қўлёзмани топди. Бу қўлёзма тўртта асардан иборат эди:

1. Муҳаммад ибн Нажиб Бакроннинг «Жаҳоннома» номли асари, 27 varaқ.

2. Муҳаммад Нишопурийнинг музика ҳақидаги рисоласи, 2 varaқ.

3. «Худуд ул-олам» сарлавҳали асар, 30 varaқ.

بسم الله الرحمن الرحيم

كتاب
معدد العالمين المشرق الى المغرب
صاحب كتابه الميرزا محمد باقر
رحمه الله تعالى ابو الوفاء...

تتمتعوا بقرائن...
تتمتعوا بقرائن...

بسم الله الرحمن الرحيم
الحمد لله رب العالمين
والصلاة والسلام على
سيدنا محمد وآله الطاهرين
الطيبين الطاهرين
البررة الطاهرين
الامينين
البررة الطاهرين
الامينين

در تمام اماكن از سر تا پايه...
انچه خداوند بندگان را...
مهمتر از اينست كه...
عز و احترام خود را...

در تفسير اين كتاب...
از اين نام بود...
از راه تصور است...
در اين كتاب...

از شرف ديوي كه آنرا آل كبيره...
از شرام اليه...

بجز اين...
از اين...

4. Фаҳриддин Муҳаммад ар-Розийнинг «Жами ул-луғам» номли асарини, 49 җилда.

Булар ҳаммаси бир муқованинг ичига тикилган эди. Тўпламдаги учинчи қўлёзма — «Худуд ул олам мин ал машриқ илал мағриб» («Шарқдан ғарбгача олам чегаралари») сарлавҳали бўлиб, ким томонидан ёзилгани бирон саҳифада кўрсатилмаган. Аммо кўчирилган йили ва хаттот исмигина ёзилган.

Бу қўлёзма тўғрисида Гулпойгонини 1892 йил 25 октябрда Петербургга хат ёзиб, шарқшунослар орасида биринчи бўлиб ахборот берган. Гулпойгонийнинг мактубида шулар айтилган эди: «Мен Бухорода турганимда «Улуси арбаъ» китобини ҳар қанча изласам ҳам, қўлимга тушмади (бадаст наёмад), лекин бир нусха кўҳна китоб топилди, бисёр хуб, тўрт рисоладан иборат. Биринчи рисола жуғрофиядан бўлиб, нақш (хари́та) муқаддимасидан иборатдир, иккинчи рисола ҳам жуғрофийдир... Унда ёзилган шаҳар исмлари ҳозир ҳеч маълум эмасдир...». А. Г. Туманский 1893 йилнинг баҳорида яна Бухорога келганида, қўлёзма унга ҳадя қилинган. Шунда Гулпойгоний «қўлёзма нашр этилсин, токи фан учун сақланиб қолсин», деб шарт қўйган эди.

Қўлёзма Туманскийнинг ихтиёрига ўтди. У дастлаб 1893 йил 2 майда, Самарқанд газетасида «Самарқанднинг узоқ ўтмишидан» сарлавҳаси билан, шу қўлёзмадан парча келтириб, кичик ахборот берди. 1894 йилда шарқшунос барон В. Розен қўлёзмани бошдан оёқ ўз қўли билан кўчириб чиқди, В. А. Жуковский ҳам қўлёзмани ўқиб, керак жойларини кўчириб олди. Туманскийнинг ўзи эса 1896 йил 19 апрелда Петербургда, Россия археология жамиятининг Шарқ бўлимида батафсил доклад қилди, каттагина мақола ёзди, қўлёзманинг умумий мундарижаси ва баъзи сатрларининг таржимасини берди³¹. Шу-шу бўлди-ю, шарқшунослар орасида бу асарни «Туманский қўлёзмаси», «Аноним асар» қисқача «Худуд ал-олам» деб атадилар. Туманский 1920 йилда чет элда вафот этди. Қўлёзманинг ўзи ҳам, автори сингари, яна номаълум бўлиб қолди.

Хайриятки, кўп ўтмай, қўлёзма яна топилди, «қайтадан туғилди». Марҳум Туманскийнинг рафиқаси, Истанбулда истиқомат эта туриб, ўша вақтда Парижда бўлган шарқшунос Владимир Минорскийга газета орқали

муружаат қилган ва «қўлёзма менинг сандиғимда» деб хабар берган. Минорский дарҳол уни олдириб, асарнинг ҳақиқий ватанига — Россияга қайтариб юборди. (Минорский, Мусулмон, 31-бет). Шундай қилиб, Бухорода топилган бу қимматли географик асар, қўлёзма ҳолида ҳам Петербург — Истанбул — Париж маршрути бўйича «саёҳат» қилиб, яна Ленинградга қайтиб келди. Ҳозир қўлёзма СССР Фанлар академияси Осие халқлари институтининг Ленинград бўлими кутубхонасида сақланмоқда (№ С 612).

Атоқли олимимиз академик В. Бартольд революциядан олдин ҳам бу асарга катта аҳамият бериб, ўзининг бир қанча мақолаларида ҳамда Туркистонга доир монографияларда ундан парчалар келтирган. Энди эса, қўлёзмани қўлга олиш биланоқ, қўлёзма саҳифаларининг фотосуратини (факсимиле), қисқача рус тилида кириш сўзи ёзиб, босмага тайёрлади. Бартольдининг бу китоби 1930 йилда нашр этилди.³² Бартольд бу асарни тўла таржима қилиб улгурмади, чунки ундаги жуда кўп географик номларнинг ёзилиши ва талаффузи ноаниқ эди.

«Худуд ул-олам»нинг бу фотосурати яна саёҳатни давом эттирди. 1935 йилда Эронда Сайид Жалолиддин Теҳроний фўрсча текстни ҳамда Бартольд ёзган муқаддиманинг таржимасини нашр эттирди. Яна бу асарни В. Минорский инглиз тилига таржима қилиб, батафсил изоҳлар билан 1937 йилда Лондонда нашр этди.³³ Аммо бу таржима кўп машаққат билан юзага келди: уни бир неча шарқшунос олим кўриб, таҳрир қилди, Лондон, Париж ва Брюссель кутубхоналари юзлаб китобларни таржимон ихтиёрига бериб турди, Оксфорд университетининг шарқшунослар коллективи жой номлари ва цитаталарни аниқлашда ҳамда бошқа маълумотлар топишда кўп ёрдам берди. Минорскийнинг хотини эса Бартольдининг русча муқаддимасини инглиз тилига таржима қилиб, 4500 тача карточка тузди ва асар таржимасини машинкада 4—5 марта қайта-қайта босиб берди.

«Худуд ул-олам» китобидаги маълумотлардан совет шарқшунослари ҳаминша фойдаланиб турадилар. Туркманистон тарихи, Ўзбекистон тарихи ва бошқа бир қанча китобларда «Худуд ул-олам»нинг маълумотлари келтирилган. «Худуд ул-олам»нинг Қаспий денгизига ва

унинг теварагига оид боблари Б. Н. Заходернинг «Каспий мажмуаси» китобида нақл қилинган³⁴. Аммо, ҳануз бу асарнинг русча ёки ўзбекча тўла таржимаси йўқ. Айрим мавзуларигина турли авторларимизнинг мақолаларида, тарқоқ ҳолда таржима қилинган.

* * *

«Худуд ул-олам» асари 983 йилда Амударёнинг чап соҳилидаги Жузжон вилоятида (Балхдан ғарбда) ёзилган. Асар шу вилоятнинг ҳокими амир Абул Хорис Муҳаммад ибн Аҳмадга бағишлангани маълум.

Форс-тожик тилида ёзилган бу асарни ўз замонасида ҳам, то XIX аср охиригача ҳам худди шу ном билан бирор кимса эшитгани ёки тилга олгани маълум эмас, ҳатто бирон рўйхатда ҳам қайд қилинмаган. Бироқ, бизнингча, бу тамомила номаълум асар бўлмаса керак, чунки биринчидан, асар ёзилгандан 300 йилча кейин (1258 йилда) шу қўлёзмани қайта кўчиришган экан, демак XII асргача қўлдан-қўлга ўтиб юрган. Иккинчидан, эҳтимол китоб яна бошқача ном билан ҳам аталгандир. Аммо у илмий аҳамияти жиҳатидан Шарқ географик адабиётининг дурдона ёдгорликларидан биридир, хусусан Урта Осиёда географик билимлар тарихи учун ниҳоятда қимматли манбадир.

Асар жами 60 боб (мақола)дан иборат бўлиб, оригиналда сарлавҳаси ва машҳур жой номлари қизил снёҳ билан ёзилган. Сарлавҳаларнинг ҳаммаси «ҳикоят», «гап», «таъриф», «характеристика» маъносидаги «сўхан» сўзи билан бошланган. Аммо ўзбекчага ағдарганда «сўхан» сўзини ишлатмаса ҳам бўлар экан (масалан, «сўхан андар рудҳо» — «дарёлар тўғрисида гап» бўлса ҳам, осонгина «дарёлар» дебгина ёзиш мумкин-дир. Шунингдек, «ноҳият» сўзини «вилоят» деб ишлатдик). Бу сарлавҳаларга рақам қўйилса, шундай мундарижа ҳосил бўлур эди (ўзбекчага таржима қилиб бердик):

1. Муқаддима
2. Ернинг чегаралари, унинг ободонлиги ва вайроналари 2а
3. Денгиз ва қўлтиқлар 2б
4. Ороллар (жазираҳо) 4б
5. Тоғлар ва улар бағридаги маъданлар 5б

| | |
|--|-----|
| 6. Дарёлар | 8а |
| 7. Чўллар ва қумлар (биёбонҳо ва регҳо) | 12а |
| 8. Жаҳон вилоятлари (ноҳиятҳои жаҳон) | 13а |
| 9. Чинистон вилоятининг ҳосияти | 13б |
| 10. Ҳиндистон вилояти | 14б |
| 11. Тибат вилояти ва унинг шаҳарлари | 16а |
| 12. Тўғузғуз вилояти ва унинг шаҳарлари | 16б |
| 13. Яғмо вилояти ва унинг шаҳарлари | 17а |
| 14. Хирхиз (қирғиз) вилояти | 17б |
| 15. Халлух (қарлуқ) вилояти ва унинг шаҳарлари | — |
| 16. Ҷикил вилояти | 18а |
| 17. Тухси вилояти ва унинг шаҳарлари | — |
| 18. Кимок вилояти ва унинг шаҳарлари | 18б |
| 19. Ғуз вилояти | — |
| 20. Бажонаки Турк вилояти | — |
| 21. Хифчоҳ (қипчоқ) вилояти | 19а |
| 22. Мажғари вилояти | — |
| 23. Хуросон вилояти ва унинг шаҳарлари | 19а |
| 24. Хуросон чеккалари ва унинг шаҳарлари | 21б |
| 25. Мовароуннаҳр вилояти ва унинг шаҳарлари | 21б |
| 26. Мовароуннаҳр чеккалари ва унинг шаҳарлари | 25а |
| 27. Синд вилояти ва унинг шаҳарлари | 26а |
| 28. Қирмон вилояти ва унинг шаҳарлари | — |
| 29. Борс (Форс) вилояти ва унинг шаҳарлари | 27а |
| 30. Хузистон вилояти ва унинг шаҳарлари | 28а |
| 31. Ҷибол вилояти ва унинг шаҳарлари | 28б |
| 32. Дайламон вилояти ва унинг шаҳарлари | 29б |
| 33. Ироқ вилояти ва унинг шаҳарлари | 31а |
| 34. Ҷазира вилояти ва унинг шаҳарлари | 31б |
| 35. Озарбодгон вилояти ва Армения ва Аррон вилояти ва унинг шаҳарлари ⁸⁶ | 32а |
| 36. Араб вилояти ва унинг шаҳарлари | 33б |
| 37. Шом вилояти ва унинг шаҳарлари | 34б |
| 38. Миср вилояти ва унинг шаҳарлари | 35а |
| 39. Мағриб вилояти ва унинг шаҳарлари | 35б |
| 40. Андалус вилояти ва унинг шаҳарлари | 36б |
| 41. Рум вилояти ва унинг шаҳарлари | 37б |
| 42. Сақалоб вилояти | 37б |
| 43. Рус вилояти ва унинг шаҳарлари | — |
| 44. Ички Булғор вилояти | 38а |
| 45. Мирват вилояти | — |
| 46. Бажаноки Хазар вилояти | — |
| 47. Олон вилояти ва унинг шаҳарлари | — |
| 48. Сарир вилояти ва унинг шаҳарлари | — |
| 49. Хазарлар вилояти | 38б |
| 50. Буртос вилояти | — |
| 51. Бародос вилояти | — |
| 52. Ванандар вилояти | — |
| 53. Жанубдаги ободон ерлар ва вилоятлар | 39а |
| 54. Зағистон вилояти ва унинг шаҳарлари | — |
| 55. Зобаж вилояти ва унинг шаҳарлари | — |
| 56. Ҳабаша вилояти ва унинг шаҳарлари | — |
| 57. Бужа вилояти | — |

| | |
|--|-----|
| 58. Нуба вилояти | — |
| 59. Судон вилояти ва унинг шаҳарлари | 396 |
| 60. Китоб охири | |

Юқоридаги мундарижадан ҳам равшанки, «Худуд ул-олам» асари жаҳоннинг барча мамлакатларини тасвирлаб берган географик, этнографик ва иқтисодий маълумотномадир. Асарнинг форс тилида ёзилганлиги — ўша даврда, X асрда маҳаллий форс-тожик маданиятининг анча юксаклиги, арабча китоблар савиясидан сира қолишмаганидан далолат беради.

Бу асарга илмий баҳо беришда унинг манбалари, кимларнинг китобларидан фойдаланиб ёзилганлигини ҳам аниқлаш муҳимдир, албатта. Бу ҳақда А. Г. Туманский, В. Бартольд, В. Минорский ва И. Ю. Крачковскийлар ўз мулоҳазаларини айтганлар.

Чунончи, «Худуд ул-олам»нинг номаълум автори ўзи ўртаосиёлик бўлганидан, асарда ҳам ҳозирги Тоҷикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Афғонистон ва Ғарбий Хитой ерлари анча мукамал тасвирланган. Бутун дунё тўғрисидаги тасаввурлари Шарқнинг бошқа географларига асосан ўхшаш бўлса ҳам, оригинал ва мустақил мулоҳазалари кўп. Туманский: «вилоятларнинг чегаралари, қўшни мамлакатлар ва халқлар ҳақидаги маълумотлар, менингча, авторнинг энг катта хизматидир», деб ёзади.

Шу билан бирга, номаълум автор воқеаларни тасвирлаганда даврлар ва ҳодисаларни аралаштириб юборган жойлари ҳам бор. Шунингдек, бажанак ва қипчоқлар, мирват ва ванандарнинг ўрни тўғрисидаги қўлгина хабарлар ғалатиноқ берилган. Шуниси ҳам қизиқки, автор бу асарни ёзганда ўртаосиёлик географлар Балхий ва Жайхонийларнинг асарларидан ва шунингдек, Балхий ва Жайхонийга эргашган ибн Хурдодбех (Хитой, Хузистон, Рум, Африка боблари) ва Истахрий (Ўрта денгиз ва Ҳиндистон боблари) асарларидан фойдалангани аниқ, шунингдек, Батлимус (Птоломей) ва Арасту (Аристотель) асарларидан ҳам, албатта, арабча таржималари ва шархларидан фойдалангани кўриниб турипти (варақ 2а, 4а, 5а), аммо китоблари ва ўзлари бизга маълум бўлмаган бошқа олимларнинг қўлёзмаларидан ҳам фойдаланган бўлса керак. Хусусан Жайхонийнинг таъсири ҳар саҳифада сезилиб тура-

ди. Айниқса, Узоқ Шарқ, турк қабилалари, қарлуқлар тўғрисида гапирганда, номларни ёзганда номаълум автор Жайхонийнинг асл китобини кўрганлиги билиниб туради.

«Худуд ул-олам»нинг шундай қисқача таърифидан сўнг, асар саҳифаларини варақлаб чиқмоқчимиз. Текстни бирмунча эркинроқ таржима қилдик, асосан мазмунини беришга интилдик, эскирган сўзлар ва қийин жумлаларни соддалаштириб бердик.

Китобнинг кириш сўзида жумладан шулар айтилган:

«Бахт ва саодат бўлсин!

Ернинг сифати тўғрисидаги бу китобни уч юз етмиш иккинчи ҳижрий йилида (983 милод) ёзмоққа киришдик. Китобда ер юзининг сифати, чегаралари, унинг ободон ва вайроналик миқдорини кўрсатдик. Бунда ернинг ҳамма вилоятлари ва подшоликлари, шу вилоятларда маълум бўлган турли қавмлар, подшоларнинг одат-расмлари, бу вилоятлардан чиқариладиган ҳар нарсаки бор, биз ёздик (пайдо қардим). Ва биз, турли китоблардан, ҳакимлардан хабар олиб, бунда жаҳоннинг ҳамма шаҳарлари, уларнинг ҳолати, катта ва кичиклиги, нози-неъматлари, одамлари, ободлиги ва вайронлиги баён этилди.

Ва ҳар бир шаҳарнинг тоғга, дарёга, денгизга, чўлга яқин ва узоқлигини, шаҳарларда чиқариладиган нарсаларни ва ҳамма жаҳондаги денгизларнинг ўрнини баён этдик.

Ва жаҳондаги денгизларнинг жойланиши, унинг қўлтиқ дейиладиган ва денгиз билан туташган кенг ва тор жойлари, мурдоб (ёпиқ қўлтиқча)ларини баён этдик.

Ва биз ҳамма оролларни, улардаги обод ва вайроналарни, одамларнинг аҳволини ва чиқарадиган нарсаларини баён этдик.

Ва жаҳондаги ҳамма асл тоғларни ва улардаги турли маъдан конларини ва жониворларини, жаҳондаги ҳамма буюк дарёларни, уларнинг қаердан бошланиши ва қаерда денгизга қуйилиши ёки деҳқончиликка сарф бўлиши ёки хусусан кемачиликка ярайдиганларини баён этдик.

Ва ҳамма жаҳонда маълум чўллар ва қумларни баён этдик» (варақ 1б—2а).

Бундан буён «Худуд»га доир баёнимиз икки хил бўлади: китоб текстининг таржимаси қисқартириб ва мазмунангина берилади, қавс ичида эса бизнинг изоҳларимиз ёзилган. Қўлёзма варақлари ҳам кўрсатилган.

Ер чегаралари, обод ва вайроналари. Ер юмалоқдир (гирдаст) ва уни осмон муҳити ўраб туради. Икки қутби бор, бирини Шимолий қутб дейдилар, бошқасини Жанубий қутб дейдилар (варақ 2а).

Экватор — бир айланадирки, у Ернинг шарқий чекка-сидан бутун ўртасидан ўтади ва ғарбигача боради, сўнгра яна (ғарбий ярим шарда) шарққа томон йўналади.

Биз ер шарининг ярмини, одам яшайдиган палласини кўриб турамыз, аммо бошқа ярим палласи яширингандир. у бизнинг остимизда (яъни биз турган жойнинг тескари томонида).

Одам яшайдиган ерларнинг жанубий чегараси 17 даража (жанубий кенглик) ва 180 даража узунликдир.

Бу иккала обод ернинг (шимолий ярим шардаги ва жанубий ярим шардаги одам яшайдиган ерларнинг) майдони бутун Ер юзининг $\frac{1}{9}$ га тўғри келади.

Жаҳоннинг ҳамма шаҳарлари ва турли подшолик-лари, денгизлари, тоғлари ва дарёлари ва жонивор ҳамда балиқлари бор ҳамма жойлари Ернинг шу $\frac{1}{9}$ қисмидадир.

Аммо шарқий вилоятларнинг энг чеккасидаги шаҳар Чинистоннинг қасабаси (Хитойнинг пойтахти) Хумдон аталадиган шаҳардир, бу дарён Сабз (Яшил денгиз) лабидадир. Бу денгизни румияликлар (греклар) Уқийё-нуси Машриқий (Шарқий океан) дерлар, араблар (тозиён) баҳр ул-Азхар (Яшил денгиз) дерлар.

Ва Аристотель «Осори Улви» («Метеорологика») китобида айтганки, денгизлар Ерни гўё уфқ сингари ўраб туради. Ва кемалар бу денгизларнинг ҳаммасини сузиб ўта олмаган (варақ 2а).

Фақат обод ерларга яқин қирғоқлардагина сузиб юра оладилар (варақ 2б).

Ернинг ғарбий томонидаги энг чекка шаҳар — Сусал Ақси дейилади, у денгиз лабидадир, уни Уқийёнуси Мағрибий (Ғарбий океан) дейдилар.

Ва бу денгизнинг сувлари ранги, тами ва ҳиди (жиҳатдан) Шарқий океанга монанд.

Бу океанлар шимолда ҳам, жанубда ҳам бир-бирларига туташган. Шунга кўра, қиёс қилиб айтадиларки,

ҳар иккала денгиз бир бўлиб, Ерни шарқдан ва ғарбдан гирд ўраб туради ва иккала қутбдан ўтади. Ва шу сабаб денгизнинг нариёғида нима борлигини ҳеч кимса билмайди.

Экватор чизигининг энг узун жойи дарёи Азим (Буюк денгиз) устидан ўтган. Экватордан шимолда 63 даража (шимолий кенглик) гача одамлар яшайди, ундан нарида Шимолий қутбдан тарқаладиган қаттиқ совуқ дастидан жониворлар яшай олмайди.

Экватордан жанубда эса, денгиз кенгайган жойларда, ҳаво жуда жазирамадир, занжилар, ҳабашлар ва сингарилар бор, аммо Жанубий қутб ёнида жазирамадан ҳеч кимса тура олмайди (варақ 26).

(«Худуд» автори асосан шарқий ярим шарни тасвирлаган. У Тинч океаннинг Уқёнуси Машриқий, форсча дарёи Сабз, арабча баҳри ул-Азҳар, яъни Яшил денгиз деган номларини ишлатган. Ҳинд океанини эса дарёи Азим — Буюк денгиз дейди. Аммо ўрта асрнинг бошқа авторларида бу номлар алмашилиб туради. Яшил денгиз деб кўпинча Ҳинд океани, Буюк денгиз деб баъзан Тинч океан, кўпинча умуман океан тушунилган. Ҳатто XIX аср бошидаги сайёҳимиз фарғоналик Ҳакимхонтўра Иртиш дарёсини Чин дарёси деб атаб, бу дарёнинг интиҳоси (охири) баҳри Азимга қуйиладир» дейди, яъни Шимолий Муз океанини ҳам Баҳри Азим — буюк денгиз деб атайди.

У, Шимолий қутбни совуқ, Жанубий қутбни иссиқ деб тасаввур этган.

«Шимолда қаттиқ совуқ дастидан жонивор яшай олмайди» деган ибораси кейинчалик Маҳмуд Қошғарийнинг дунё картасига ҳам ёзилган).

Тоғлар ва конлар. «Тоғларнинг жойланиши икки хил бўлади: бири асл тоғлар. Улар бир вилоятдан иккинчи вилоятга чўзилган, баъзи жойи торайган, баъзи жойи кенгайган, бир тўғри йўналган, бир эгри-бугри йўналганки, ўқ тоғлар деб аталади³⁶. Бошқаси шоҳ (бутоқ) тоғларки, ўқ тоғлардан тармоқланиб чиққан. Буларни сербутоқ дарахтга ўхшаганлиги учун шоҳ тоғлар дейилади, тоғларнинг ҳам шоҳча тоғлари бўлиши мумкин.

Шаҳарлар ва вилоятларнинг орасидан ўтган бу тоғларнинг шохобчалари кўп бўлиб, чўллардан, денгиз ва дарё лабидан ўтган тоғларнинг шохобчалари андак бўлур.

Уқ тоғлар кўпинча бир-бирлари билан пайвастадир, Шарқдаги биринчи тоғларни «ал Тоин фи ал баҳр» деб атадик. Унинг ярми қуруқликда, ярми денгиздадир. Яна Сарандиб (Цейлон) тоғидир, унинг узунлиги 100 фарсаҳ, чунон баланд жойлари борки, ҳеч ким чиқолмайди....

Бунинг тоғларида ёқут маъдани бор, ҳар хил ранг³⁷. Ва дарё ўзанларида олмос бор ва шундай (яхши) олмосли жой жаҳоннинг бошқа ерида йўқдир.

Унинг заминида қайроқтошлар бор³⁸. (Цейлонда) денгизда ва унинг лабида қимматбаҳо дур (марварид) топилади. У ерда сунбул ва қоқила (гвоздика) ва ёнғоқ ва ҳамма хушбўй мевалар бисёрдир. Жавзи ҳинди (кочос ёнғоғи) дарахти бисёрдир...

У ерда оҳу, ҳайвони забод (варақ 5б) ва карк (каркидон ўтлаб) юради.

У ердаги тошларда кишининг қадам изи бор, айтадиларки, бу Одам алайҳиссалом излари...³⁹.

(Цейлоннинг) аҳолиси (мардумон) ҳиндлардир⁴⁰ ва бу тоғлар биринчи иқлимдандир.

...Ҳиндистоннинг охири билан Чиннинг бошланиши орасида бир-бирига пайваст Монисо тоғлари бор. У шимолга қараб, то Ҳиндистоннинг охири билан Тибатнинг бошланишигача йўналган. У яна шимолга чўзилиб, Тибат ва Чиннинг ўртасидан ўтган, то Ронгранг чегарасигача, бу Тибатдир. Кейин ғарб томонга бурилиб, Чин ва Нозвон вилояти орасидан ўтади. Тибатдан шимоли ғарбга йўналиб, Тибатнинг охириги чегарасигача боради, кейин Тусмат орасидан ва Чин орасидан ўтиб, Чинистон охиридаги чўлларга етади. Сўнгра Мовароуннаҳр шаҳарлари ва Туркистон шаҳарларидан ўтиб, то Тароз ва Шалжига боради ва ўша ерда ғойиб бўлади.

Аммо ўша ерда, Ҳиндистон чегарасининг охири ва Тибатнинг бошланишида (ўқ тоғ Монисодан) бир тармоқ (шоҳ) ажралади, у шарққа қараб, Чин томонга 50 фарсаҳ чўзилган...

(Сўнгра Мовароуннаҳрдаги кўпгина тоғ тармоқлари, беном тасвирланган). Шу тоғ тармоқлари бағрида олтин ва бошқа конлари... оҳанг (темир), дорилар (тошлар) кўп.

Чинистон вилоятларида 18 та тоғ бор, буларнинг бири кичик, бири катта... Буларнинг 14 тасида олтин конлари бор.

Яна тўғузғуз турклари чегараларида ҳам тоғлар бор, улар Чин тоғларига пайваста, унинг катталиги (миқдори) 40 фарсаҳ узунликда, уни Тафтон тоғи дерлар.

Тафтон яқинида, Тўғузғуз вилоятида тоғлар ғарб томонга йўналган ва Тўғузғуз ва Яғмо орасидан ўтади... Сўнг Монисога бориб туташади.

Хуландағун дарёси яқинида бу тоғ (тизмаси) Иғрочорт деб аталади, бу тоғлардан ҳар бирининг кўп номлари бор, зероки ҳар бир жойда шу тоғнинг номи яқинидаги вилоят ёки шаҳар номи билан аталади.

Бошқаси Тўғузғузнинг бошланиши чеккасидан, Иссиқкўл⁴¹ яқинидан ўтиб, Тухсиённинг охири ва Халлух (Қарлуқ)нинг бошланиш чеккасигача давом этади, сўнг-ра бурилади ва Хирхиз (Қирғиз) вилоятида ундан шохи (тармоғи) айрилади, у тоғни Тўлас (Талос) дейдилар. Ва бу тоғда самур (тийин) ва санжоб (олмахон) ва оҳуйи мушк (мускусли буғу) бисёрдир».

Сўнгра Ҳиндистондаги бир тоғнинг ҳолати тасвирланган. Урта Осиёнинг жанубидаги Бўлур, Самарқанд, Шикнон, Хон, яъни Вахон тоғлари, Буттамон ичкарасидаги ва Мовароуннаҳрга ёйилган Усрушона тоғлари, Хутталон, Чағониён тоғлари, уларнинг шохлари батафсил тасвирланган.

Ҳозирги Қозоғистон ерларидаги тоғлар, Кавказ тоғлари, Кичик Осиё, Арабистон ярим ороли чегарасидаги тоғлар, Андалус — Испания, Булғор тоғлари ва бошқалар тасвирланган.

«Ва яна Рус ерларининг чегараси билан Кимок чегарасининг бошида бир кичик тоғ борки, бўйи беш кунлик йўлдир» (варақ 8а). Бу — Урал тоғлари бўлиши керак.

«Биз ёд қилган тоғлар ҳаммаси оламнинг ободон қисмининг шимолий палласида эдилар. Аммо жанубий палладаги ободон қисмга келганда (айтиш керакки), одамларга маълум бўлгани 9 та тоғдир, шулардан бирин Жабали Қамар (Ой тоғлари) дейилади, у ерда олтин ва кумуш конлари бор ва у ердан Нил дарёси оқиб чиқади, унинг узунлиги 500 фарсаҳдир. Қолган 8 та тоғнинг узунлик ва кенгликларини ва масофаларини (оралиқларини) ва жойларини ва катталиклари қанчалигини биз суратда (картада) тасвир этдик» (пайдо кардим) (варақ — 8б).

«Худуд ул-олам»нинг дунё географиясига, унинг умумий қиёфаси, денгизлари ва хусусан орографияси — тоғлар системасига берган таърифи ниҳоятда муҳим ва оригиналдир. Бу ҳақда В. В. Бартольд ҳам, В. Минорский чизган карталар ҳам кўп масалаларни ёритиб берган. Бироқ ҳали анчагина тафсилотлари қолгандир.

Юқорида қисқагина тасвирланган тоғлар схемасидан шундай хулоса чиқарса бўлади: «Худуд»нинг автори Осиё тоғларининг жойланишини асосан тўғри ва жуда мукамал тасаввур этган. Ахир ҳозирги рельеф картасига қарасангиз ҳам, деярли ўшандай ҳолатни кўрасиз-да! Ҳолбуки Осиё тоғларининг умумий қиёфаси то XIX аср охиригача қадар, буюк рус географлари П. П. Семенов-Тяньшанский, Н. М. Пржевальский экспедицияларига қадар, шунингдек ғарбий европалик географларнинг саёхатларига қадар унчалик аён эмас эди, ҳатто «Худуд» автори тасвирлаганичалик ҳам маълум эмас эди.

Европалик географ ва геологлар кўп кезиб, текшириб ва картага чизиб, охири... Осиё ўртасидан — Ҳиндистондан то Ўрта денгизгача чўзилган тоғ камарини аниқладилар. «Худуд»нинг автори эса шу нарсани бундан минг йил муқаддам очиқ-ойдин айтиб ўтган.

В. Бартольднинг текширишича, «Худуд» авторининг Шарқдаги бошқа географлардан, хусусан араб географларидан анча фарқ қиладиган, мустақил ва ўзига хос таълимот, терминология ва тушунчалари ҳам диққатга сазовордир.

«Худуд»да баён этилганича етти денгиз ҳақидаги тушунча (Шарқий океан, Ғарбий океан, Ҳинд океани, Ўрта денгиз, Каспий, Қора денгиз — «Дарёи Гурзиён» яъни Грузинлар денгизи деб аталган) фақат шу китобда учрайди.

Авторнинг, обод дунёнинг қитъаларга ва айрим вилоятларга бўлиниши тўғрисидаги тушунчаси ҳам шунчалик оригиналдир.

В. Бартольд «Худуд»нинг яна бир хусусиятига алоҳида эътибор берган эди. Китобда оролар, кўллар, чўллар ва бошқалар тасвирланганда, автор булар «бори-йўғи шу», «одамларга шуларгина маълум», «биз ҳамма маълумотларни ёздик» дегандай шама қилади. Масалан, оролар бобининг охирида айтилган: «Дунёда, биз таъ-

рифлаб ўтган ороллардан бошқа, ҳеч қандай машҳур ва маъмур орол йўқдир» (56), «Мусулмон оламида мавжуд бўлган буюк ва машҳур чўллар ва қумларни биз баён этдик» (13а).

«Маълумотларни тўла беришга интилиш билан бирга уларнинг миқдорини рақамлар билан белгилашга интилиш ҳам бор; автор денгизларнинг, шўр ва чучук кўлларнинг, ороллар ва бошқаларнинг, шунингдек ер юзидаги вилоятларнинг сонини аниқ айтишга тиришади» (Бартольд, «Худуд», 22).

Дарёлар ҳақидаги суҳбат жуда муҳим назарий гидрографик изоҳ билан бошланган:

«Дарё икки хил бўлади, бири табиий дарё ва иккинчиси сунъий (синой). Сунъий дарёлар шуларки, уларнинг ўзанлари (қўл билан) қазилган ва суви шаҳарларни обод қилиш учун ёки вилоятнинг қишлоқ хўжалиги учун сарфланади. Сунъий дарёларнинг кўпчилиги кичикдир ва уларда кемалар суза олмайди. Шундай шаҳарлар ҳам борки, уларда 10 тача ё камроқ, ё ортиқроқ сунъий дарё (канал, ариқ) оқади.

Табиий дарёлар шуларки, уларнинг суви қорларнинг эришидан (ҳосил) бўлади ва тоғлардаги чашмалардан чиқиб, ер бетидан оқадиган сувлардан (ҳосил бўлади), улар ўзига йўл ясаб, оқар жойи гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб (танг), денгизга ёки ботқоқликка етгунча оқадилар» (86).

Авторнинг бу сўзларидан шундай хулоса чиқариш мумкин: дарёларимизнинг манбаи икки хилдир. Бири — қорлиқлар, иккинчиси — булоқлар, булар, маълумки, ўз навбатида ёмғирлардан сув йиғади.

«Худуд ул олам» автори бундай икки хилликни Х асрдаёқ аниқ айтган. Энди ҳозирги замон фанининг хулосаларига таққослаб кўрайлик. 1963 йилда нашр этилган «Ўзбекистон ССР» илмий монографиясида айнан шулар айтилган: «Дарёларнинг тўйиниши. Урта Осиёнинг барча дарёлари тоғлардаги қорлар эришидан сув оладиган дарёлар синфига мансубдир. Урта Осиё дарёларининг асосий сув манбаи йилнинг совуқ вақтида тоғларда йиғилиб қоладиган қордир».

Мана шу монографияда музлик, ёмғир сувлари ва ер ости сувларининг аҳамияти кўрсатилган. «Ёмғир ёққанда ёки қор эриганда ҳамма сув тоғ ёнбағирлари ёки дарё ўзанлари бўйлаб оқавермайди. Сувнинг талай қисми

ерга сингади ва йирик кристал жинслар орасидаги ёриқлардан ёки зич грунтлар бўйлаб, баландроқ жойлардан пастроқ жойларга қараб оқади. Ер ости сувларининг бир қисми, ер остида бир канча масофани босгандан кейин ер юзасига чиқади, қисман буғланади, қисман дарёларга қўшилиб, уларнинг сувини кўпайтиради»⁴².

Хуллас, «Худуд»нинг автори дарёларнинг сирини бундан қарийб минг йил бурунроқ бир қадар элементар тарзда бўлса ҳам, анча тўғри тасаввур этган ва ёзган.

«Худуд» авторининг яна бир ажойиб услуби шундаки, у ҳар бир терминга ва тушунчага изоҳ беришга тиришган.

Масалан, «ҳар бир денгиз билан ўралган (денгиз ўртасидаги) ер ё денгиз ўртасидаги тоғ борки, уни жазира (орол) дейилади» (4a).

«Ҳар бир қумлик ер ёки шўр ер, аммо тоғи йўқ ва обиравони (оқар суви) йўқ ва экинзори йўқ ер — чўл (Сиёбон) деб аталади» (12a).

Бундай изоҳларнинг методик аҳамияти катта. Шунга кўра «Худуд ул-олам» ўз замонида географиядан кичик бир қўлланма, эҳтимол, сарой болалари учун дарслик ўрнида фойдаланган бўлиши ҳам мумкин.

«Худуд» авторининг географик районлаштириши ҳам маълум принципларга асосланган. У, ернинг обод қисмини — маъмурани 51 ноҳият (вилоят)га бўлган, унинг 45 таси экватордан шимолда, 1 таси экватор устида, 5 таси экватордан жанубда.

Авторнинг айтишича (варақ 13a), бу вилоятлар бир-биридан тўрт жиҳатдан тафовут қиладилар. Жумладан:

- 1) суви, иқлими, тупроғи жиҳатдан,
- 2) дини, шариати, эътиқоди жиҳатдан,
- 3) подшоҳлари жиҳатдан.

Вилоятларнинг чегаралари эса ё катта-кичик тоғлар билан, ёки катта-кичик дарёлар билан, ёки катта-кичик чўллар билан ажралади. Автор демоқچики, тоғлар, дарёлар ва чўллар географик районларни бир-биридан ажратиб туради («миёни ду ноҳият андар»).

Ҳар бир вилоят, ўз ичида, амалларга (вилоятчаларга) бўлинади, булар ҳам ўз ичида шаҳарларга бўлинади.

«Худуд ул-олам»нинг автори дунёнинг йирик қуруқликлари — қитъалар тўғрисида ҳам мулоҳаза қилган.

Дунёнинг, юнонлар замониданоқ, уч қисмга: Осиё Акбар (Катта Осиё), Либия (Африка) ва Урупо (Евро-

па)га бўлинганини айтиб, ҳар бирининг чегараларини белгилайди. Жумладан, Осиёнинг чегараси шундай таърифланган: «Осиё шуки, унинг шарқида Шарқий океан, (шимолида) Туғузгуз ва Хирхиз ерлари, жанубида баҳри Аъзам (Буюк денгиз, Ҳинд океани) то Қулзумгача, ғарбида Шом вилояти ва Рум то Қўстонтия қўлтиғигача ва Сақлаб ерлари ва ободони жаҳон (жаҳоннинг ободон вилоятлари) ёйилгандир ва бу қисми Осиёи Акбар (Катта Осиё) дейдилар ва бу қисм шимолий вилоятлардаги ҳамма ободон ерларнинг учдан иккисини (ду си як) эгаллаган» (13а).

«Худуд»нинг дунё географик районлари — мамлакатлар тўғрисидаги баёни, китоб тексти асосида, биз тузган қуйидаги картада, қўлёзмадаги номлар билан кўрсатилди.

Биз энди «Худуд ул-олам»нинг Ўрта Осиёга, хусусан Ўзбекистонга доир маълумотларини баён этишга ўтамиз. Бундай маълумотлар китобнинг бошидаги умумий обзор қисмида (тоғлар, қўллар, дарёлар, чўллар бобида) ҳамда Мовароуннаҳр, Ғуз, Яғмо, Тухси, Жикил, Халлух (Қарлуқ) бобларида, қисман Хуросон, Қифчоқ бобларида, айрим мисоллар бошқа боблар ичида ҳам учрайди. Албатта, бу маълумотларнинг ҳаммасини тўплаб, изоҳлаб, Ўрта Осиё тўғрисида тўла ва яхлит тасаввур пайдо қилиш — келгусининг вазифаси. Биз фақат китобнинг тегишли саҳифаларини қисқача кузатиб чиқмоқчимиз.

«Жайхун (Аму) дарёси Вахон худудидан оқиб чиқади ва Бомир (Помир) вилояти ва Шиғнони Вахон худуди орасидан ўтиб, то Хатлон ва Тўхористон ва Балх ва Чағониён ва Хуросон ва Мовароуннаҳр (ерларидан) оқади, то Хоразмгача боради, кейин Хоразм денгизига қуйилади.

Яна бир дарё бор, уни Харноб (Панж) деб атайдилар, у Қасарк тоғининг ғарбидан оқиб чиқади ва Бадахшон ва Порғар (Пархор) орасидан ўтиб, Жайхунга қўшилади. Бу Харноб (суви) Жайхундан каттароқ ва ундан узунроқ дарё бўлгани учун ҳамма буни Жайхун ҳисоблайди.

Яна бир дарё борки у Буттамоннинг нариги томонида 60 фарсаҳ масофада оқади... Тоғлардан чиққандан кейин то Мунк ва Хулбукка боради. Сўнг Порғарга етиб, Жайхунга қуйилади. (Бу Оқсув дарёси бўлса керак).



Яна бир дарёки, уни Вахшоб дейдилар. Вахш тоғларидан чиқади, Вахш (шаҳри) яқинида Жайхунга қуйилади.

Яна бошқа дарёки, Қумижиён (Қумид) ерларидан ва унинг тоғларидан бошланиб, Нурдара⁴³ орасидан ўтади ва Қабодиён яқинида Жайхунга қуйилади.

Бошқаси Чағонруд (Сурхондарё)ки, Чағониёндан оқади ва Термиз ёнида Жайхунга қуйилади.

Бу тўрттала дарё шимол томонидан келиб, Жайхунга қуйиладиганлар (Амударёнинг ўнг ирмоқлари).

Яна икки дарё борки, каттароғини Руди дарғом дейдилар. Тўхористон ерларидан оқади ва ҳар иккаласи бирлашиб, Валволиж ва Хулм орасидан (9а) ўтиб, Жайхунга (жанубдан) қуйилади.

Яна бири Ўзганд сувидирки, Халлух тоғи (орқаси)дан бошланиб, Ўзганд, Боб (Поп), Ахсикат, Хўжанд, Банокат шаҳарлари ёнидан ўтади ва то Чоч ерларигача етади, сўнгра Суткен ва Пороб ва кўпгина шаҳарлардан ўтиб, то Жанд ва Жаворага етади ва Хоразм денгизига қуйилади.

Яна бир дарё Хуршобдирки, Буттамон чеккасидан, шимолий тоғларидан бошланиб, Хуршоб шаҳри яқинида Ўзгандга қуйилади.

Яна бошқаси Ўш сувидирки, ҳалиги тоғлардан бошланади. Ўш ва Урашт орасидан ўтади ва Ўзгандга қуйилади.

Яна бир дарё Қубо (суви) дирки, бу ҳам ўша тоғлардан бошланади ва Қубо яқинида Ўзганд (суви)га қуйилади.

Яна бошқа дарё Хатлом (Норин сувидирки), у Монисо тоғларидан бошланади ва Халлух билан Яғмо орасидаги чегарада Хатлом (Норин) шаҳридан ўтиб, Боб (Поп) яқинидан оқади ва Ўзганд сувига қуйилади.

Яна бошқаси Парак (Чирчиқ) дарёсидирки, Халлух тоғларидан бошланиб, жануб томонга йўналиб, Чоч ерларидан ўтади, Банокат ва Қалос девори орасидан оқадди, Ўзгандга қуйилади.

Бу дарёлар ҳаммаси қўшилгандан кейин яхлит сув Чоч дарёси дейилади, араблар (тозиён) бу дарёни Сайхун деб атайдилар.

Яна бошқаси Бухоро дарёси. (Унинг манбаи шундай): Урта Буттамон тоғидан 4 та сой чиқиб (бир кўлга) оқади ва уни Дарёча дейдилар. Бундан бир дарё оқиб

чиқади ва Усрушно ва Самарқанд ва Сўғддан ўтади ва сўнг Бухоро ўртасидан ўтади ва қисман (баъзи) Бухоро экинзорларига сарф бўлади, қисман Мовозаи Байкандга қуйилади (96).

(Бу маълумот бошқа саҳифада яна қайтарилган).

Бухоро суви шу Дарёчадан оқиб чиқади, кўлга эса ўрта Буттамон тоғларидан сойлар (обҳо) қуйилади (236).

Дарёчанинг майдони тўрт фарсаҳ-у тўрт фарсаҳ» (4а).

«Мовароуннаҳр ва унинг шаҳарлари ҳақида. Бу вилоят шарқ томонда Тибат билан чегарадош; жанубида Хуросон ва унинг районлари бор, ғарбида ғуз ва халлух (қарлуқ), шимолида ҳам халлух (халқлари яшайди).

Мовароуннаҳр — кенг, обод ва жуда кўркам ўлкадир. Бу—Туркистоннинг дарвозаси ва савдогарларнинг жойидир.

Аҳолиси жанговар... ва (яхши) мергандир... Унинг тоғларида олтин конлари ҳамда турли жавҳар тошлар, дори тошлар кўп, шунингдек мис ва новшатир бор.

Бухоро — азим шаҳар, Мовароуннаҳрнинг энг обод шаҳридир. Бу ерда малики машриқнинг (шарқ ҳокими) қароргоҳи бор. Воҳа суғорилган бўлиб, меваси ва оқар суви кўп.

Бу ерда яхши ипак гиламлар тўқилади.

Бухоронинг масофаси 12 фарсаҳ-у 12 фарсаҳ (яъни бўйи ва эни 12 фарсаҳдан). Шаҳар тамомила якпора девор билан ўралган, барча работ ва қишлоқлари шу деворнинг ичкарасидадир.

Фаробр (Фароб) — Жайҳун бўйидаги кичик шаҳарча, мири руд (мироб) шу ерда туради. Шаҳарча чўл чеккасидадир.

Пайкенд — 100 тача работи бўлган кичик шаҳарча. Унинг замини дуруст. Унда Бухородан келтирилган бир гумбази гўрхона бор.

Сўғд — шарқий эллар орасида энг обод жойдир. Оқар сувлари бор, дарахтлари кўп, иқлими баҳаво. Одамлари меҳмондўст ва ҳушмуомала.

Тавовис — Бухоронинг Сўғд чегарасидаги кичик бир шаҳри. Бу ерда ҳар йили бир кунлик бозор бўлади, кўп одамлар тўпланади.

Кармина, Дабуси, Арбинжон Сўғднинг кичироқ шаҳарларидандир.

Кушония — Сўғднинг энг обод шаҳарларидандир... Самарқанд — буюк, обод ва неъматли бисёр шаҳар. Бу ерга дунёнинг ҳамма мамлакатларидан савдогарлар келади. Самарқанд шахристон (қўрғон) ва атрофлардан иборатдир. Бозорларнинг тимларида қўрғошин найчалар ичида сув оқади, тоғдан оқизиб келтирилган.

Самарқандда мануҳуларнинг хонақоҳи бор, нағгушон дерлар. Қоғоз ишланади ва бутун дунёга чиқарилади. Каноп арқон (ҳам) ишланади.

Бухоро дарёси (Зарафшон) Самарқанд дарвозалари ёнидан оқиб ўтади. Унда қисматгоҳи об (сув тақсимловчи) тўғон бор.

Кеш — иссиқ минтақанинг шаҳарларидан бири. У ерда ёғингарчилик кўп бўлади⁴⁴. Шаҳар дарвозалари ёнидан оқиб ўтадиган икки дарё суғоришга сарф бўлади. Тоғларида дори тошлар топилган.

Термиз — Жайхун бўйидаги обод шаҳарлардан. Бу шаҳар Хатлон ва Чағониённинг савдо марказидир⁴⁵. Бунда яхши совун, кўк бўйра ва елпигичлар ишланади.

Чағониён — қишлоқ хўжалиги учун қулай ва кенг жой, аммо аҳолиси жуда камбағал. Иқлими мулоим, замини дуруст, сувлари (овқатни тез) ҳазм қилдиради. Бу ерда отлар боқилади, юнг газлама, гилам, шолча ишланади.

Бу вилоятнинг пойтахти Чағониён шахридир, тоғ этагида бино бўлибдир, оқар сувлари бор. Иқлими яхши, аммо мардуми дарвишдир...

Зомин — Усрушно шаҳарларидан, Хўжанд билан Фарғона йўлида. Мустаҳкам қўрғони бор.

Жиззах — кичик бир шаҳар, сув бўйида. Унинг ёнида Марсманда номли бир жой бор, у ерда ҳар йили бир кундан бозор бўлади, айтадиларки, бу бозорда юз минг динорлик савдо қилинади.

Фарғона — улуғ, обод ва жуда кўркам вилоятдир. Унинг тоғлари, текис жойлари, оқар сувлари ва шаҳарлари кўп.

Бу — Туркистоннинг дарвозасидир. Бу ерга жуда кўп туркий қуллар келтирилган.

Тоғларида, жуда кўп ерда мис, симоб, санги магнетис ва бошқа тошлар, дори тошлар кўп.

Чадғал (Чатқол) — Фарғонанинг бир қисми, тоғлар орасида, ўр-қир ерда жойлашган, кичик шаҳар ва қишлоқлари кўп. От ва қўй боқилади, конлари ҳам бор.

Ахсикат — Фарғонанинг пойтахти, амирнинг қароргоҳи. Бу катта шаҳардир, Қасарт (Сирдарё) дарёси лабида.

Сўх — тоғлар орасида. Буттамон билан Фарғона чегарасидаги жой, 60 та қишлоғи бор.

Аввал — тоғ этагидаги қишлоқ.

Қубо (Қува) — Фарғонанинг энг обод, катта шаҳри.

(Сўнгра Уш, Қурбош, Ўзганд, Илоқ ва бошқалар тасвирланган).

Шош — катта ва обод, кўркем жойдир. Одамлари кўркемас. Бу ерда қимматбаҳо дарахт ўсади. Ундан камон ва найзалар ишланади.

Шошнинг пойтахти Бинкат...

Нужакат — кичик бир шаҳар, бу ерда Парак (Чирчиқ) ва Қасарт (Сир) дарёларида сузадиган қайиқчилар яшайди...

Банокат (сингари ва бошқа) кичик шаҳарларда камони шоший ясалади.

Исбижоб (Сайрам) — Туркистон чегарасида, кенг ва обод жойдадир. Намат босилади, қўй боқилади.

Исбижоб шаҳрига дунёнинг барча вилоятларидан савдогарлар келади.

Исбижоб билан (Сир) дарё орасида кенг яйлов бор, бу Исбижоб, Шош, Поробга⁴⁷ тегишли. У ерда туркларнинг 1000 та кийиз ўтови кўриниб турипти.

(Сўнгра Суткен, Саврон, Сунак, Тароз ва бошқалар тасвирланган).

Кот — Хоразмнинг пойтахти. Турк ғузларга ўтадиган дарвоза. Бу шаҳар Турк, Туркистон, Мовароуннаҳр ва Хазарнинг савдо марказидир. Унинг ҳокими хоразмшоҳ деб аталади. Маъмур шаҳар. Бунда ёстиқ жилди, чопон, карбас, намат (ва бошқа нарсалар) ишланади.

(Сўнгра Гурганж, Мадминия, Курдор, Хива, Жанд тасвирланган).

* * *

Юқорида баён этилган географик тасвирлардан шундай хулоса чиқариш мумкин:

«Худуд ул-олам»нинг автори Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ва Тожикистоннинг географик қиёфасини Х

асрдаёқ анча тўғри тасаввур этган. Асосий тоғлари, иқлими, дарё тармоқлари жой-жойи билан кўрсатилган.

Сирдарё Х асрда Ўзбекистон тупроғида Ўзганд дарё ва Қасарт номлари билан аталгани ҳам маълум бўлади. Шундай қилиб, «Қасарт» номи маҳаллий номлардан бирики, қадим грекларнинг китобларида ёзилган Яксарт шакли ўшандан ўзгартиброқ олингандир.

Бухоро дарёси (Зарафшон)нинг бошларидаги «дарёча», шубҳасиз, Искандаркўлдир.

АБУ АБДУЛЛА ХОРАЗМИЙ

Урта Осиёнинг шимолий қисмида, Хоразмда етишиб, кейинчалик жанубий қисмида ва Эронда — сомонийлар даврида яшаган олимлардан бири шу иккинчи Хоразмий — Абу Абдулла Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал Хоразмийдир. У 975—991 йиллар орасида, Нишопур шаҳрида ижод қилгани, вазир ал Утбийнинг котиби бўлгани ва «Мафотиҳ ул-улум» китобини ёзгани маълум⁴⁸.

«Мафотиҳ ул-улум» («Илмлар калити») китоби бир нав энциклопедия ёки терминологик луғат бўлиб, икки қисмдан иборат. Биринчи қисми диний-шариат масалаларига бағишланган. Иккинчи қисмида турли халқлардаги (ажамлар, греклар, сурияликлар, форслар, ҳиндлардаги) турли илмларнинг (философия, мантиқ, медицина, арифметика, геометрия, музыка, механика, химия ва астрономия) таърифи бор.

Бундай мураккаб луғатни тузиш учун Абдулла Хоразмий араб ва форс тилларидан ташқари грек, сурия тилларини ва бошқа тилларни ҳам яхши билган бўлиши керак. Унинг асари айниқса Хуросон ва Урта Осиё учун муҳимдир, чунки шу вилоятларда туғилиб ўсган. Хусусан, Урта Осиёдаги суғориш терминологиясига доир изоҳлари ҳануз қимматини йўқотгани йўқ.

«Мафотиҳ ул-улум»нинг иккинчи қисм, олтинчи бобида астрономия фанига доир изоҳнинг кетида математик ва астрономик географияга доир терминларнинг кенг изоҳоти берилган.

Абдулла Хоразмийнинг бу асари, 1160 йилги энг кўхна қўлёзмаси асосида, 1895 йилда Фан Флотен томонидан нашр этилди. Асарнинг география қисмини эса Видеман немис тилига таржима ҳам қилди.

География бандидан бир парча келтирамиз:

«Ернинг тузилиши ва иқлимлари. Ердаги экватор чизиғи осмон экваторига рўпара туради. Айни шу экваторда осмоннинг жанубий ва шимолий паллалари кўрилади. Экваторда тун ва кун доимо баравардир.

Шаҳарнинг кенглиги (арзи) унинг экватордан узоқлигидир. Шаҳарнинг узунлиги (тули) унинг шарқдан ғарбгача масофасидир. Ҳақиқатда ғарб билан шарқнинг ниҳояси (чеккаси) йўқдир. Чунки астрономиядан маълумки, экватор доирасининг ҳар бир нуқтаси бир жойга нисбатан шарқийдир, иккинчи жойга нисбатан ғарбийдир. Аммо «шарқ» деб тўппа-тўғри айтилганда маъмуранинг шарқий чеккаси тушунилади, шунингдек «ғарб» деганда ҳам маъмуранинг ғарбий чеккаси тушунилади.

Шу иккала нуқта (шарқ билан ғарб) орасида Ернинг ярми узунлик бўйлаб жойлашган.

Ернинг маъмура, «обод» қисми (экватордан) шимол томонда. Ер қисмларга тақсим қилинган, бир қисми денгизлар билан қопланган ва бепоендир, унинг четига етиб бўлмайди, чунки Муҳит денгизлари ерни ўраб туради.

Экватордан шимолда одамлар яшагани учун маъмура деб аталади.

Канкадиз шаҳри энг шарқда бўлиб, Син (Чин) мамлакати ва Воқвоқнинг чеккасидадир.

Сус ул-Ақси — маъмуранинг ғарбий чеккасидаги шаҳар, Андалуснинг нариёғида, Рум денгизининг жанубий томонида. Шу иккала шаҳар орасида, Ернинг ярми узунасига жойлашган.

...Ернинг қуббаси — Ернинг марказидадир.

Хўжанд билан Шапуркон бир (меридиандадир), бу чизиқ ернинг шарқий палласини ғарбий палладан ажратиб туради. Бу чизиқдан юқоридаги (шарқдаги) шаҳарлар, масалан, Фарғона ва Қошғар ва Син ҳамда Воқвоқгача бўлганлари — шарқий шаҳарлардир. У чизиқда қуйидаги (ғарбдаги) шаҳарлар, масалан, Шош, Илоқ, Усрушона, Самарқанд ва Бухоро то Суси Ақсигача — ғарбий шаҳарлардир.

Маъмура етти қисмдан иборат, ҳар бири иқлим дейилади, булар шарқдан ғарбга томон ёйилган»⁴⁹.

Абдулла Хоразмийнинг бу кейинги изоҳи — Хўжанд билан Шапуркон меридиани икки ярим шарнинг чегараси бўлганлиги картография тарихи учун бир муаммодир. Агар ҳақиқатан ҳам шундай қилинган бўлса, география тарихидаги бошланғич (ноль) меридианлар рўйхатига яна бир номни — Хўжанд меридианини қўшиш керак бўлади.

Шарқшунослар Хоразмийнинг бу китобига юксак баҳо бериб, «ал Фихрист» ва «Ихвон ас-Сафо» асарларига тенглаштирдилар, «араб тилида ёзилган асарлар ичида энг тартибли ва лўнда баён этилган» китоб деб атадилар.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

«Ҳар бир кузатувчи (олим) диққат билан ўлча-син, ҳамиша ўз ишларидан қониқмасин, ўз ишларини қайта-қайта текшириб турсин, мумкин қадар камроқ ғурурлансин, тобора тиришқоқлик билан ишласин ва меҳнатда ҳеч маҳал зерикмасин».

(«Геодезия», 11-бет)

Ўрта Осиё география фани тарихини аслда «Берунийнинг географик мактаби» деб аташ маъқул бўлар эди. Чунки Беруний — Ўрта Осиё фанининг фаҳри бўлиш билан бирга, жаҳоннинг энг улуғ олимларидан биридир.

То шу бугунгача Беруний тўғрисида — унинг ҳаёти, ижоди, асарлари ва таълимотига бағишлаб мингдан ортиқ мақола ва йирик монографиялар, тадқиқотлар ёзилгандир. Фақат XX асрнинг ярмидагина (1912—1962 йиллар орасида) турли тилларда Берунийга аталган 200 тача китоб ва мақолалар бизга маълум. Уларга қисқа аннотация ёзилса ҳам каттагина бир китоб бўлар эди.

Берунийшунослар Америка, Англия, Франция, Италия, ГДР, ГФР, Туркия, Ҳиндистон ва Покистонда ва, албатта, Совет Иттифоқида улуғ олимнинг асарларини ўрганмоқдалар. Беруний ижодининг турли соҳалари бўйича чет элларда ҳам, Совет Иттифоқида ҳам бир қанча диссертациялар ёқланди.

Берунийшуносларнинг ана шу бой тажрибаси ва маҳсулотидан имконияти борича хабардор бўлганимиз ҳолда, қуйида Берунийнинг ҳаёти, асарлари ва таълимотини қисқача баён этмоқчимиз. Мақсадимиз — Берунийнинг географик меросини таҳлил қилишдир.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний Хоразмий 973 йил 4 сентябрда Хоразмда, Амударёнинг ўнг соҳилидаги Кот шаҳрининг Берун қишлоғида туғилган.

Берун қишлоғи шаҳарнинг ташқарисида бўлганлигидан, у қишлоқликлар «беруний» деб аталган. «Кимки Хоразм шаҳрининг ўзида эмас, ундан ташқарида туғилиб ўсган бўлса, уни «беруний» («ташқарилик») деб аталган» (Самъоний, «Китоб ул-ансоб»).

Шундай қилиб, «Беруний» (гоҳ «Байруний», кўпинча «Бируний» шаклида ҳам битилади) — олимнинг нисбаси бўлди⁵⁰.

Аmmo Беруний ўзи оддийроқ оиладан чиққан бўлиши эҳтимол, чунки унинг аждодлари машҳур кишилар қаторида тилга олинмайдн. «Ҳақиқатан ҳам мен ўз насл-насабимни, ҳатто бобом ким эканлигини билмайман. Отамнинг номи менга номаълум бўлгандан кейин бобомнинг номини қаердан ҳам билар эдим».

Баъзилар: «Абу Райҳон» унинг асл исми эмас; унинг хомийси — хоразмлик Райҳона хонимнинг исмидан олингандир» деб ҳам тахмин қиладилар. Яна: у гулларни ва ўсимликларни севиб ўрганганлиги учун, «Райҳон» номини олган ҳам дейдилар.

Кот шаҳри ҳозирги Қорақалпоғистон АССРнинг Беруний райони ўрнида бўлган. Бу шаҳарнинг бўйи ва эни 2 км дан бўлиб, X аср охирида Жанубий Хоразм вилоятининг пойтахти эди (у бир неча ном билан аталган: Хоразм, Фир қалъаси, Кос, Шоббоз, яъни Шайх Аббос Вали), кейинчалик дарё бу шаҳарнинг кўп қисмини ўпириб, ювиб кетди.

996 йилдагина Хоразмнинг икки қисми — Шимолий Хоразм ва Жанубий Хоразм ягона Хоразм давлатига бирлаштирилди, пойтахти Урганч (Гурганж, Журжония — ҳозирги Кўҳна Урганч) бўлди, ҳоким Хоразмшоҳ деб аталди.

Берунийнинг ватани Хоразм эканлиги илгаридан аниқ бўлишига қарамай, баъзилар бунга шубҳа билдирдилар. Бу ҳақда ҳинд олими Надавий шундай дейди: «Табақот ул-Итбо» китобида: «Бирун» — Синддаги (По-

кистон) бир шаҳарнинг номидир ва «бируний» шу шаҳарга нисбатдир, деб ёзилган. Шаҳрзўрийнинг (XIII аср боши) «Ахбор ул-Ҳукамо»сида ҳам шундай деб ёзилган. Лекин бу нотўғри. Синдда Нирун деган шаҳар бор, Бирун деган шаҳар йўқ. Ибн Ҳавқалнинг «Китоб ул Масолик» асарининг бир эски нусхасида Синднинг бир эски картаси бор. Ушанда Нируннинг қаерда жойлашганлиги баён этилган. Хойнахой одамлар янглишиб Нирунни Бирун деб ўқиган (арабча «н» билан «б» ҳарфлари фақат битта нуқтада фарқ қилади) ва Абу Райҳонни шу ном билан боғлаган. Берунийнинг санскритни билиши ва «Китоб ул-Ҳинд» асари ҳам шу хатога сабаб бўлган бўлиши мумкин»⁵¹.

Шу нуқтаи назардан «Номан донишварон» китобидаги маълумотлар ҳам тахмин деб англашилмоғи керак. Унда: «Ёзувчилар Берунийнинг аслини Ҳинд вилоятида бўлган Берун шаҳридан деган дер эдилар... Берун шаҳридан ким, баъзиларнинг айтишича унинг туғилган ва яшган ватани эди, чиқиб Мовароуннаҳр шаҳарларидан бўлган Хоразмда турди ва у ерда илмларни текшириш ва маориф ўрганишга киришди. Ва шу мақсадида Хоразмни мувофиқ топди».⁵²

Шуниси ҳам маълумки, шарқ манбаларида Берунийни кўпинча «Устод» ёки «Абу Райҳон» деб қисқартириб, аммо зўр эҳтиром билан тилга олганлар. Ғазнида турган ва олимнинг замондоши бўлган тарихчи Абулфазл Байҳақий «Тарихи Масъуд» китобида бирон марта «Беруний» демайди, ҳамини «Бу Райҳон» деб ёзади. Ғарбий Европада Алиборон исми билан машҳур бўлган.

Абу Райҳоннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тўла маълумотлар йўқ. Аммо ўзининг таржимаи ҳолига тегишли айтган баъзи гаплари ҳамда замондошлари ва мухлислари ёзиб қолдирган хотира ва ривоятлар асосидагина унинг таржимаи ҳолини бир қадар тасаввур этиш мумкин.

Ёқут Ҳамавийнинг «Муъжам ул-удабо» асари ва «Номаи донишварон» деган китобда, М. Сальенинг «Абурайҳон Беруний» номли «Ижодий ҳаёт йўлини ёритишдаги тажриба» брошюраси, Берунийга бағишланган юбилей тўпламлари ва бошқа шарқшуносларнинг мақолаларида талай маълумотлар йиғилган. Шуларнинг ҳаммаси бизга ҳам дастак бўлди.

Абу Райҳон ўз шаҳрида ва Хоразмнинг бошқа шаҳарларида юриб, маҳаллий мактаблар ва машҳур устозлардан таълим олди.

Унинг биринчи муаллими Абу Наср Мансур эди.

Абу Наср Мансур бин Али бин Ироқ уни ёшлигидан ўз тарбиясига олиб, математика ва астрономияга ўргатгани ҳам маълум. Ҳозирги замон ҳинд олими М. Низомуддиннинг тахминича, Абу Наср, Абу Райҳонга қўлланма тариқасида баъзи рисоалар ҳам ёзган (булар 1948 йилда Ҳайдарободда нашр этилди). «Ўзимнинг табиатга мойиллигим туфайли, ёшлигимдан қандоқ бўлса ва кимдан бўлса ҳам билимлар олишга қаттиқ берилган ва шундан лаззатланган эдим. Шоҳид келтириш юзасидан шуни айтиш кифоя: еримизга бир румлик келиб қолган эди, мен унга донлар, уруғлар, мевалар, ўсимликлар ва бошқа нарсаларни келтириб, уларнинг номларини сўрадим ва (араб тилида) ёзиб олардим». У 18 ёшида Хоразм обсерваториясида кузатишлар бошлаган, сўнгра, Бушкотир деган жойда кузатишлар қилганида ёши 22 да эди. Унинг дастлабки кичик асарлари шу ерда ёзилган. Жумладан, «Алдамчилик санъати, яъни юлдузлар ҳукмидан огоҳлантириш китоби» рисоласини ёзиб, унда сайёраларнинг ҳолатига қараб кишиларнинг умрини каромат қилиш мумкин эмаслиги айтилган. VIII—IX асрларда арабларга қарши ҳаракат тарихига доир «Мубайилар ва қарматлар ҳақида хабарлар» рисоласини ёзди. Хоразм фанининг тарихи ва ўтмиш воқеаларга бағишлаб каттагина китоб ёза бошлаганида, ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Чап соҳил вилоятининг ҳоқими Қотга ҳужум қилиб, аҳолини қира бошлаганда, Абу Райҳон бу ердан кетиб, Туркменистоннинг энг чегараси — Журжон шаҳрига борди (бу шаҳар Қаспий денгизининг жануби шарқий бурчагида, денгиздан сал ичкарида бўлиб, алоҳида бир вилоятнинг маркази эди. XV асрда Алишер Навоий ҳам шу шаҳарнинг бир қисми — Астрободга бориб тургани маълум).

«Шу кун (995 йил)дан кейин Хоразмнинг икки каттаси (Жанубий Хоразм ҳоқими билан Шимолий Хоразм ҳоқими) ўртасида ташвишлар туғилдики, менга ўз илмий кузатишларимни тўхтатиш, яшириниш, сўнг ватандан кетишга тўғри келди. Ундан кейин то хотиржамлик бўлгунча мен бир неча йил давомида беқарор бўлдим ва замон аҳволидан шундай ҳолга тушдимки, нодонлар

мендан кулди, ақлли кишиларнинг менга раҳми келди» («Геодезия»).

Абу Райҳон 997 йилда Хоразмга бир келиб кетганга ўхшайди: «Биз Абулвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Бузжоний билан, у Бағдодда, мен эса Хоразм шаҳрида эканлигимда, Ой тутилиши (ни кузатиш) тўғрисида шартлашган эди; биз бу ҳодисани ҳижрий йили ҳисобида (уч юз) саксон еттинчи йили биргаликда кузатдик» (бу 387 ҳижрий 997 милод йилига тўғри келади).

Абу Райҳон Журжонда туриб, тахминан 1000 йилда, яъни 27 ёшида биринчи (бизга маълум бўлган) йирик асарини — «Ал осор ул боқия ан ул-қурун ул-ҳолия» («Ўтмиш замонлардан қолган ёдгорликлар»)ни ёзиб тамомлади. Бу асарни шу ернинг ҳоқими Шамс Маоли Қобус Вашмгирга бағишлади, чунки у Абу Райҳонга ўз саройидан ёшпана бериб, илмий ишларига имкониёт яратган. «У ҳунарпарвар амир, Абу Райҳоннинг ақлига ва ҳикматига таажжуб қилди ва вазирликка чақирди. Абу Райҳон илм бойлигини, камол ҳашаматини ҳар нарсадан юқори билиб, вазирликни қабул қилмади» («Номаи донишварон»).

Бу орада Хоразмда сиёсий вазият яна ўзгариб, давлат тахтини янги ҳоқим — Абул Аббос Маъмун эгаллаган эди. «Маъмун — ақлли ва маърифатпарвар одам эди, у ўз мамлакатини мустақкам ва мустақил қилишга интилди. Бироқ, у жуда эҳтиёткор бўлиб, унчалик дадил иш қилолмади». («Ўзбекистон халқлари тарихи»). У дарҳол Абу Райҳонни Хоразмга чақиртирди ва у 1003 йилда ватанига қайтиб келган бўлиши ҳам эҳтимол ва 1010 йилда ўзининг энг яқин маслаҳатчиси этиб тайинлади.

«Абу Райҳон Маъмун Хоразмшоҳ саройида кўп вақт бўлди. Унинг ҳузурида шунча маҳрам бўлдики, ҳамisha унга ҳамдам бўлиб яшади. Шунчалик ишонч ортирдиким, Хоразмшоҳнинг ҳамма ишига маслаҳатчи ва ҳар бир сирини ишончли ошна бўлиб қолди... Шу зайл етти йил (1010—1017 йиллар орасида) бошқа бир жойга кетмади, унда турди» («Номаи донишварон»).

Журжонияда баъзи кузатишларини Дор ул-ишора (Ҳукумат уйи)да, яъни Хоразмшоҳ саройида ўтказган.

Маъмун тўғрисида Беруний шундай бир ҳодисани эслайди: «Шоҳ бир куни от устида бир қанча йўл юрган-

дан кейин мени чақаришга буюрди. Жуда қўрқдим, менинг тарафимга от чопдириб келди ва отдан тушмоқни истади, ер ўпдим ва отдан тушмаслигини қасам ила илтимос қилдим. Шоҳ шу байтни ўқиди:

Ал илму мин ашраф ул-валодати ало,
Ятихи кулл ул-вало валояти.

Яъни: менга дўст ва маҳбуб бўлганларнинг энг улуғи илмдир. Бутун халқ илм олдига келади, илм ҳеч кишининг олдига бормайди...

Яна шоҳ қўшиб қўйди: «илм ҳар нарсага устундир ва ҳеч бир нарса илмга устунлик қилолмайди». Илм аҳлининг қадрига етувчи Маъмун ва илмни бошқарувчи Абу Райҳон Беруний — шу даврда жами Хоразм олимларини уюштириб, бамисоли «Фанлар академиясига» ўхшаш бир илмий макон барпо этдилар, буни «Маъмун академияси» деб аташ расм бўлди. Булар сафида Абу Али ибн Сино, Абу Али Мискабия, Абу Сахл Масихий, математик Абу Наср Ироқий, табиб Абул Хайр бин Хумор кабилар бор эди.

Аммо «Маъмун академияси» узоқ умр кўра олмади. Чунки Хоразм қўлдан-қўлга ўтиб турар эди. Яқиндагина сомонийларга тобе бўлган маъмунийлар сулоласи, сомонийлар ҳукмронлиги тугагач, бир оз мустақил бўлиб турди-ю, яна янги жаҳонгир — султон Маҳмуднинг таҳликаси остига тушди. Бунинг устига Абу Райҳоннинг шахсий ҳаётида бир қанча кўнгилсизликлар бўлди. «Шундан бир йил ўтмасданоқ бир бахтсизлик бўлдики, унинг оқибатида узоқ вақт (руҳим бўшашди), ақлим ишламай қолди. Ундан кейин (яна) бир иш содир бўлдики, натижада аввалги ҳолга қайтиш ва менга ўхшаш кишининг ўз иши билан шуғулланишига имкон қолмади» деб эслайди олимнинг ўзи.

Султон Маҳмуднинг асли ватани Ўрта Осиё — Сирдарё бўйлари дир. Унинг отаси Сабуқтегин ёшлигида асир тушиб, тошкентлик Наср Чочий исмли савдогарга сотилган. Ундан Нахшабга (Қарши) ва Бухорога келтирилган. Бу ерда Алптегин исмли амалдорнинг хизматига ўтган ва унинг амири бўлган. Алптегиннинг ўзи ҳам илгари Бухоро ҳокимининг қули (ғуломи) бўлган эди, кейинчалик ўзининг жанговарлиги ва ишбилармонлиги туфайли, озод бўлган ва ҳатто сипоҳ-салор (армия бошлиғи) лавозимига кўтарилган. Ахири Афғонистонга кетиб, Ғазни

шаҳрини босиб олган. Амир Сабуктегин у ерни пойтахт қилиб, каттагина давлат яратди. Сабуктегин 20 йил ҳукмронлик қилди, унинг вафотидан сўнг ўгли Маҳмуд — 997—1030 йиллар орасида жаҳонгирликни давом эттириб, шимолда — Хоразмни, жанубда Ҳиндистоннинг Панжобини, ғарбда — Эроннинг бир қисмини қилич ва даҳшат билан босиб олди. Фақат Ҳиндистоннинг ўзига 17 марта юриш қилиб, талон-тарож этди. Ҳар гал 100—200 филда қимматбаҳо нарсалар келтирилар эди. Бир сафарида 20 миллион дарҳам тилла пул, 57 минг асир ва 350 фил ўлжа олиб келган.

Бу кенг империянинг пойтахти Ғазни ўша даврда дунёнинг энг гўзал, обод ва гавжум шаҳарларидан эди. Турли мамлакатлардан талаб келтирилган ҳарбий ўлжалар, олтин ва марварид эвазига бу шаҳар безатилди, ҳашаматли саройлар, мадрасалар ва бозорлар қурилди. Тарихий манбаларда ёзилишича, мадраса ва мачитларнинг дарвоза бандлари ва ҳалқаларигача олтиндан ясалган экан.⁵³

Хуллас, Маҳмуднинг аждодлари асли ўртаосиёлик туркийлардан бўлса, унинг ўзи Ғазнида ҳоким бўлди ва ҳукм сурди. Шунинг учун Маҳмуд Ғазнавий номи билан машҳурдир.

Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олганида, маҳаллий олимларни ҳам ўзига — ислом жаҳолатини ҳимоя қилиш ва уруш манфаатларига ёрдам беришга мажбур этди. Аммо олимлар унга бўйсунгилари келмади. Буюк ибн Сино Урта Осиёни бутунлай ташлаб кетишга мажбур бўлди. Абу Райҳоннинг устозларидан бири Абдусаммад шаккоклик ва кофирликда айбланиб, қатл қилинди. (Еқут, «Маъжам ул-удабо»). Беруний ҳам дастлаб унамади.

Маҳмуднинг иккинчи сафаридагина Беруний бошқа бир гуруҳ олимлар қаторида Ғазнига олиб кетилди. Умрининг охирига қадар шу шаҳарнинг фуқароси бўлиб турди. Бод-бод Ҳиндистонга ҳам борди, ҳиндларнинг тарихи, фани, тили ва маданиятини ўрганиб, «Ҳиндистон» китобини ҳам ёзди.

Шундай қилиб, Абу Райҳон шимолда Хоразм, жанубда Ҳиндистон, ғарбда Каспий соҳили, эҳтимол Бағдод оралиғида саёҳат қилди, илмий кузатишларини ўтказди. Абу Райҳон ўзи борган шаҳарлар шулар: Хоразмда Қот ва Урганч (Журжония), ҳозирги Эронда Журжон ва Рой,

Ироқда Бағдод, ҳозирги Афғонистонда Жузжон (Гузгон), Балх, Кобул, Ғазни, ҳозирги Покистонда Ганди, Дунпур, Ламғон, Пишавур, Вайханд (Атток), Жайлам, Сиёлкут, Лоҳур, Нандна, Мўлтон. Булардан ташқари, Абу Райҳон Бухорода, Қорақум чўлида, Қизилқумнинг шимолида, Бадахшонда ҳам бўлган.

«У фақат фан санъатини такомиллаш ва янги нарсаларни ҳосил қилиш учун ҳамиша бир шаҳардан бир шаҳарга кўчар эди, гўёки ҳунар ганжини сафар ранжида деб билар эди» («Номаи донишварон»).

Абу Райҳон Ғазни шаҳрида уй-жой қилиб олгандан сўнг, бир неча бор Ҳиндистонга бориб келди, бир марта ўз она юртига — Хоразмга ҳам борган. (Баъзи маълумотларга қараганда, Абу Райҳон султон Маҳмуд зулмига бардош бера олмай, Ғазнини ташлаб кетган ва Хоразмга келиб турган. Маҳмуд ўлгандан кейингина, янги султон — Масъуд тахтга ўтириши билан яна қайтиб келган). Аммо асосан Ғазнида доимий истиқомат қилиб, шу ерда обсерватория очди (унга «Ямин расадхонаси» деб ном берилган, яъни Маҳмуд шарафига «Ямин уд-давла» — «Давлатнинг ўнг қўли» демакдир), дарс берди, шогирдлар тайёрлади, асарларини ёзди, айни вақтда давлат ишларига қатнашиб турди.

Умрининг охиригача шу ерда бўлди. У 1052 йили ёки 1051 йилнинг охирида, ҳижрий йил ҳисобида 81 ёшида (ҳозирги йил ҳисобида 79 ёшида) вафот этган⁶⁴.

Абу Райҳоннинг Ғазни даври ҳар хил ҳаётий кечирмалар билан тўла, айни вақтда илмий маҳсулоти ҳам ниҳоятда самарали бўлган.

Аввало, Ғазни шаҳрига бутун Шарқдан атоқли олимлар тўпланганки, булар орасида ҳинд асирлари, форстожик олимлари, Хоразмдаги Маъмун академиясининг ходимлари ҳам бўлган. Жумладан, Бериунийнинг устозлари Абу Наср ибн Ироқ ва Абу Саҳл ал Масихий, машҳур Абулқосим Фердавсий ва Байҳақийлар бўлган (ҳозирги Ғазнида Маҳмуд Ғазнавий мақбараси Фердавсий боғида жойлашган; айтишларига кўра, Фердавсий «Шоҳнома»ни шу боғнинг бир ҳужрасида ёзган экан).

Бу олимларнинг кўпчилиги Маҳмуд Ғазнавийни ёқтирмаган, шу дастидан қувғинга учраганлар, дорга осилганлар. Маҳмуд, олимларни ҳеч сўзсиз итоат этишга, фақат ўзига (ҳокимга) ёқадиган ишлар билан шуғулланишга, унга мадҳиялар ёзишга мажбур қилар эди. Бериу-

нийга ҳам шундай дўқ урган: «Абу Райҳоннинг гаплари менинг раъйимга қарши эди. Подшолар ҳузурида уларнинг раъйларига мувофиқ сўзлаш керак, шундагина подшолардан Саҳра оладилар. Агар менинг ҳузуримда бахтга йўлдош бўлмоқни истасанг, ўз илминг асосида гапирма, менинг раъйимга мувофиқ гапир».

Нега энди султон Маҳмуд ўзи қонхўр ва ўта кетган диндор, жоҳил бўла туриб, атрофига олимларни тўплаган, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг асосий сабаби, Маҳмуд ўзини энг улуғ подшо, олимлар ва маърифатнинг хомийси қилиб кўрсатишида эди. У илм соҳасида бошқа подшолардан ўзиб кетишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Аmmo Абу Райҳоннинг феъли шундай бўлганки, у ҳаммиша ростгўй ва дадил гапираверган, хушомад ва лаганбардорликдан узоқ турган. Шунинг учун Маҳмуднинг жиғига теккан, кўп марта ғазабига учраган.

Маҳмуд, Ҳиндистондан каттагина бир ёқут ўлжа келтириб, «бу жуда қимматбаҳо тош, оғирлигини қаранг-а» дегандай мақтаниб турганида Беруний уни синаб кўрмоқчи бўлган. «Мен уни кафтимга олиб, кўтариб кўрдим ва у (айтганларидан) енгилроқ эканини сездим. Амир (Маҳмуд) буни пайқади ва тош (бошқа) кишилар ўйлаганидек оғир эмаслигини сезиб қолмаслиги учун, уни мендан олишга буюрди».

Абу Райҳоннинг ўзи Маҳмуд ҳақида: «у мендан доимо шикоят қилар ва аламига чидай олмай, мен билан қўпол муомала қилар эди» деган.

Бир кун султон Берунийни имтиҳон қилмоқчи бўлиб, ғазаб билан савол берган: дилимда бир нарсани бекитдим, айтгин, у нимадир. Қасрнинг 12 эшиги бор, мен қайси биридан чиқаман?

Абу Райҳон жавобини бир вараққа ёзиб, қоғозни буклаб қўйди. Султон буюрди: рўпарадаги қаср деворини бузиб, янги эшик очдилар ва у жойдан чиқиб кетди. Кейин Абу Райҳоннинг ёзганларини ўқиб қараса, девор тешилажаги ёзиб қўйилган экан.

Султон баттар дарғазаб бўлиб, Абу Райҳонни қаср томидан пастга ташламоққа буюрди. Аммо вазир Хўжа Ҳасан, Абу Райҳонни ниҳоятда ҳурматлар эди. У бошқаларга буюрдикки, султонга билдирмасдан кўчага тўр ушлаб, пахта ёйиб, Абу Райҳонни қаср томидан астагина ташланглар, деди.

Абу Райҳон сира зарар кўрмасдан тушди. Фақат қўлининг кичик бармоғи бир қадар мажруҳ бўлди: Уни уйига олиб бориб хизмат ва ғамхўрлик қилдилар.

Бир неча кундан кейин султон Абу Райҳоннинг ҳалок бўлганига афсус ва надомат изҳор этди. Шунда Хўжа Ҳасан султондан узр сўраб, агар омон берсангиз, Абу Райҳон ҳузурингизга келади, деди.

Абу Райҳон султон ёнига келиб, янги очиқ гапи билан султонни яна ғазаблантирди ва балога қолди. Султон уни зиндонга ташлатди, олти ойгача маҳбус бўлиб қолди.

«Бизнинг замонамиз илм-фанга керакли шароит яратмайди. Бизнинг кунларда илмий билим ва янги кашфиётлар соҳасида ўсиш мумкин эмас. Ҳозирги пайтда илм соҳасида ўтмиш давр фан ютуқларининг қолдиқларигина мавжуд» деб Маҳмуд замонидан шикоят қилган эди, Берунийнинг ўзи.

Беруний билан султон Маҳмуд ораларидаги муносабат шу қадар жиддий бўлганки, султон Берунийдан қўрққан, унинг обрўси ва шуҳратидан ҳайқибгина «кофир» деб дорга оса олмаган. Баъзан олимни ўз ёнида олиб юрган, «мендан узоқда бўлса менга қарши иш қилиши турган гап» деб шубҳаланган. Беруний эса султондан қўрқмаган, уни менсимаган. Ҳатто, Маҳмуд даврида ёзган ўнлаб асарларидан биттасини ҳам «султон олампаñoҳга» бағишламаган. Маҳмуднинг ўғли Масъуд тахтга чиққандан кейин, илм-фанга кўпроқ эътибор берди, Берунийга алоҳида мояна тайинлади. Унинг топшириғи билан ўзининг энг шоҳ асари — астрономия ва география қомуси «Қонуни Масъудий» ни ёзди. Бунда ҳам қарангки, «Қонуни Масъудий» ни султон Масъудга тортиқ қилганида, султон Берунийнинг уйига бир филга ортилган қоп-қоп кумуш юборган. Лекин олим уни олишдан бош тортиб, султоннинг ўзига қайтариб юборган.

«Бу кумуш юк мени ишдан қўяди. Ақл эгалари биладиларки, кумуш кетади, илм қолади. Мен ҳеч вақт абадий маорифни йўқ бўлувчи дунё зийнатларига тортмайман» деган Абу Райҳон; «Пул ва мол — кишини ақлдан оздиради, пул йўқолиб кетар илм абадий қолар» деган Шарқ мақолига амал қилди.

Абу Райҳон кексайиб қолганида ҳам, кеча-кундуз ижод қилган. Унинг кексаликдаги ҳаётини шундай таърифлайдилар: унинг бирон вақт ҳам қўли қаламсиз, кўзи назарсиз ва дили фикрсиз бўлмаган.

У тинчликни машаққатдан ва кундузни кечадан ажратмади. Қўли қаламдан, ўзи истироҳатдан ва тили баёндан фароғат топмади. Йилларнинг ҳамма кунларида таҳсил олди, кеча ва кундузнинг ҳаммасини баравар билар эди. «У фақат наврўз (мартдаги янги йил) ва меҳржон (кузги ҳосил йиғиш), кунни кўчага чиқиб, рўзғорга керак бўладиган нарсаларни олиб, жамғариб қўярди» («Номаи донишварон»).

Абу Райҳоннинг билимга, фан сирларига нақадар қизиққанлигини шу мисол ҳам яққол тасвирлайди.

Берунийнинг бир дўсти Фоқия Абул Ҳасан Али бин Исо бир маҳаллар меросий ҳуқуққа доир бир масала устида гап очган-у, ҳал этмай ва тугатмай кетган. Бир неча йилдан сўнг, Беруний ўлим ястиғида ётганида ўша дўстидан ўша масалани сўраб қолади. Дўсти Берунийнинг аҳволи танглигини кўриб, ҳозир вақти эмас, деса ҳам олим унамайди. «Эй бахтли ўртоқ. Бу оламга келган ҳар кишининг у дунёга кўчмоғи зарурийдир. Ва лекин ақл ҳукм қиладики, у масалани билмаган ҳолда жон таслим қилмоғидан кўра билиб ўлишим яхшироқдир» деб қистайди ва ахири, охирги нафасигача дўстидан ҳалиги масалани билиб олиб, сўнг кўз юмган.

Беруний ўз она тили — қадимий хоразм тилини жуда яхши билган ва қадимий хоразм алфавитида ҳам ёза олган. Маълумки, қадимий хоразм тили — эроний тилларининг шарқий туркумига мансуб бўлиб, сўғд тилига яқинроқ эди. Алфавити ҳам бошқа бўлган. Уша алфавитда ва тилда тарихий ва илмий китоблар, дostonлар мавжуд бўлган. Аммо араблар истилоси Хоразмнинг қадимий ёзма ёдгорликларини яксон этиб, йўқотиб юборди.

Хоразмни босиб олган араб саркардаси Қутайба асл хоразм ёзувини билган, унинг тарихидан хабардор бўлган ва хоразмликларнинг фанини ўргатадиган киши (олим)ларни қирғин қилди ва уларга азоб берди, натижада Хоразм тарихи шу қадар номаълум бўлиб қолдики, ҳатто (хоразмликларнинг) ислом пайдо бўлгандан кейинги ҳолатини ҳам аниқ билиб бўлмай қолди. Кейинчалик араб-форс алфавити устун бўлиб қолди. Бари бир шу араб алифбесида ҳам хоразм сўзлари ёзилаверди. Хоразм туркий қабилаларга яқин бўлганидан, хоразм тилига қўплаб туркий сўзлар ҳам аралашиб кетган эдики, аҳоли икки тилда сўзлашган — қадимий хоразм тили ва ўзбек тилида.

«Хоразм бир неча асрлар мобайнида аста-секин туркийлашиб кетди, оқибатда Ўрта Осиё туркий тиллари хоразм тилини ўзига сингдириб олдилар... Бу жараён, афтидан, XV асрда тугалланди...»⁵⁵. Шундай қилиб, Абу Райҳон қадимий Хоразм тили, форс-тожик тили ва ўзбек тили (эски туркий тил)ни билгандир.

Сурия тилини билган. Юнон тилини ўрганиб, Гомернинг «Илиада» достонини ўша тилда ўқиб чиққан деган ривоят ҳам бор. Абу Райҳон ажойиб ва ғаройиб Ҳиндистонга ихлос қўйиб ёши 40 дан ошган вақтда аввало Ғазнида ҳинд фуқаролар ёрдамида, ҳиндуларнинг қадимги тили санскритни ўрганган ва тез орада шу даража мукамал эгаллаганки, ҳиндларнинг қадимий китобларини синчиклаб ўқиган ва текширган, шулар асосида ҳиндларнинг тарихи, фани, урф-одатлари, мамлакати ва тили тўғрисида каттагина асар яратган. Ҳатто санскритдан арабчага, араб тилидан санскритчага китоблар таржима қилган.

У яна бошқа тилларни ҳам билгандирки, мутолаа қилмиш китоблари ва жуда кўп нақллари (цитаталари) шундан далолат беради.

Аммо Абу Райҳон кўпчилик асарларини араб тилида ёзгани маълум. Гарчи араб тили унинг она тили бўлмаса ҳам, ўша замонда кенг ёйилган ислом динининг тили, давлат ва маъмуриятнинг мажбурий тили бўлиб, халқаро тил қаторида юрган.

«Дунёнинг ҳамма мамлакатларида фанлар араб тилига таржима қилинган... Мен (ҳам) араб ва форс тилларида ёздим, лекин уларнинг ҳар иккови ҳам менинг она тилим эмас» дейди олим «Сайдала» китобининг муқаддимасида.

Шунга қарамай, Абу Райҳон араб тилини ҳамisha танқид қилиб, унинг камчиликларини мисоллар билан кўрсатиб турди.

Масалан: «Араб ёзувининг катта бир офати бор: қўшилиб ёзиладиган ҳарфлар бир-бирларига ўхшаш бўлгани учун, уларни ажратишда нуқта ва эъробларга муҳтож бўлинади. Бу нарсалар тарк қилинса, мазмун англашилмай қолади». («Сайдала» китобининг муқаддимаси).

У, баъзи асарларини атайин оммабоп қилиб ёзган, илмий «маълумотларни ўрганувчи кишиларга осон тушунтириш учун ҳамда уларни турли китобларни ахтариш машаққатидан халос қилиш мақсадида мумкин

қадар аниқ қилиб баён этишни» «Осори боқия» ни ёзишда ўзининг вазифаси деб билган.

Абу Райҳон ўз маълумотларини китоблардан, олимлар билан суҳбатлардан ва оддий халқ оғзидан, сайёҳлар ва элчилардан тўплаган. Жумладан, унинг Узоқ Шарқ тўғрисидаги маълумотлари Ғазнига келиб кетган Хитой элчиларидан билиб олинган эди .

Абу Райҳоннинг кўп вақти кузатиш, текшириш, ўлчаш ва ҳисоблаш натижасини ёзиб қўйиш, китоб ахтариш билан банд бўлган.

«Мен бир неча марта Ой тутилишларини кузатдим...

Биз (Қот) шаҳрининг узунлиги 85°5' десак, шунда Журжониянинг узунлиги 85°5'34" бўлиши муқаррар. Бунга сабаб Журжониянинг ундан ғарбдалигидир» (Г, 275).

«Мен 384—385 ҳижрий йилларида (955 йилда) кузатишни қўлга олишга қасд қилиб, каттагина диаметрли доира ва бошқа асбобларни тайёрлаб қўйган эдим. Лекин Жайхуннинг ғарбий томони ва Хоразм шаҳрининг жанубидаги (Бушкотир номли) қишлоқда кузатиш имкониятини топдим. Шу кундан кейин Хоразмнинг икки улуғи ўртасида бўлган ташвишлар келдики, менга бу ишни тўхтатиб, яшириниш ва сўнгра ватандан кетишга тўғри келди» (Г, 102-бет).

«409 ҳижрийнинг жумодулохир ойининг боши сешанба куни (1019 йил октябрь ойи) Қобул ёнидаги Жайфур деган қишлоқда эдим. Бу ерга мени шу жойларнинг (географик) кенглигини билишга бўлган зўр иштиёқ олиб келган эди». (Г, 112).

Ёқут «Маъжам ул-удабо» асарида ёзишича, Беруний нафси пок одам бўлган. Гапни очиқ-ойдин, шартта-шартта гапираверган, лекин номаъқул хатти-ҳаракатлар қилган эмас. Шаҳризўрий Берунийнинг кўриниш-туришига оид одамлар оғзидаги баъзи гапларни келтирган: «Қизил мағиз, паст бўйли, оппоқ узун соқолли, қорни катта одам эди».

Беруний диний жиҳатдан, албатта, ўз замонасининг фарзанди, аммо хурофот ва жаҳолатга имкони борича оёғини тираб турган, тўғри келган жойда ёлғон-яшиқларни фош қилган, миш-мишларга ишонмасликка ундаган. У, кўпгина табиий ҳодисаларни илмий жиҳатдан асослаб, ўзи тажрибалар ўтказиб, тўғри тушунтиришга тиришган.

Шахсий ҳаётида ҳам динни маҳкам «ушлаб» ололмаган. Ёшлигида шиа мазҳабига хайрхоҳ бўлса, Ғазнида турганида сунна мазҳабига рози бўлган. Шу билан бирга, илми нужум (астрология)га, яъни юлдузлар ҳолатига қараб ердаги кишиларнинг тақдирини каромат қилишга эътибор бермаган.

«Илми нужум фанининг илдизи чириган, шохлари мўртдир. Унинг хулосалари қарама-қарши, унда ҳақиқат устидан тахмин ҳокимлик қилади», алхимия эса бойлик орттиришни мақсад қилиб олган сохта фандир, дейди олим.

ГЕОГРАФИЯГА ДОИР АСАРЛАРИ

Шарқ манбаларида айтилишича, Абу Райҳон ёзган китоб ва рисоалар қопга солинса ортин ва кўчириш вақтида бир туялик юк бўлар эди.

Ҳақиқатан ҳам шундай. У деярли 17 ёшида илмий фаолиятини бошлаган. Умр бўйи китоб ёзган, жадваллар тузган, таржима ҳам қилган.

XIII аср географи Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, у Марв шаҳрининг Жоме мечитининг воқифномасида Беруний асарларининг 60 саҳифага майда қилиб ёзилган рўйхатини кўрган. Буни Абу Райҳон ўзи 65 ёшида бир дўстининг илтимоси билан тузиб берган. Унда 109 асар кўрсатилган.

Беруний ўзи тузган рўйхатдан кўринишича, у «зижга оид» (жадвал ва календарлар тўғрисида) 18 асар, «Шаҳарларнинг бўйи, эни ҳам бир-бирининг қай тарафда эканлиги ҳақида» 15 та асар. «Ҳисоб фанига оид» 8 та, «Қуёш йўллари ҳақида» 4 та, «Зиж асбоблари ва уларни ишлагиш ҳақида» 5 та, «Замон ва вақтлар ҳақида» 5 та, «Думлик юлдузлар ҳақида» 5 та, «Ой манзилларини текшириш ҳақида» 12 та, «Юлдуз ҳукмлари ҳақида» 7 та асар ёзиб тугаллаган. «Ёзган китобларимдан қўлимда нусхаси қолмаган» ҳамда «умримнинг охириги вақтларида ёза бошлаб, ҳалигача тамом бўлмаган ва оққа кўчирилмаган китоблар» ҳам бўлган.

Ундан кейин яна 15 йилча яшаб, 50 га яқин асар ёзган. Шарқшуносларнинг тахминича, у 150 дан кўпроқ асарнинг авторидир. Булар орасида тарих, тилшунослик, архитектура, дин ва эътиқод, санъат, ҳазилкашлик

соҳасида ҳам унинг китоблари бўлган. Ҳатто Бомийн санами тўғрисида ҳадис, Қашмириядан келган 10 саволга жавоб, нўжум илмидан Балхда берилган саволлар ҳақида, пушти камар тўғрисида рисола, олтин ва кумуш қоплаш, шеърлар тўплами ва ҳоказолар бор.

Еқут, «Маъжам ул-удабо»сида яна шуларни айтади: «Беруний катта бир ёзувчи ва тилшунос эди. Бу илмлар юзасидан бир неча асарлари бор. Уларни мен ўзим кўрганман. Бири Абу Тамомнинг шеърларига ёзган шарҳларидир. Буларнинг ўз қўли билан ёзилган нухасини кўрганман... Унинг бу соҳадаги иккинчи китоби ҳам бор.

Бу китобида у Султон Маҳмуд замонида оид воқеалар ва унинг отасининг ҳаёт-турмушини ёзган. Хоразм тўғрисида ҳам бир китоб ёзган — «Китоб ул-масомифа».

Айниқса математика, астрономия, картография, геодезия, геология, минералогия, ботаника ва географияга доир асарлари кўпдир.

Совет матбуотида Беруний асарларининг тўла рўйхати эълон қилинган⁵⁶.

Афсуски, ўшанча китоблардан ҳозир жуда оз қисми — 27 тасигина сақланиб қолган. Жумладан «Тарихи Хоразм» китоби йўқ бўлиб кетган. Аммо уни кўрган ва ўқиган Байҳақий айрим парчаларни «Тарихи Масъуд» китобига қўшган.

Беруний асарлари орасида географияга доир махсус китоблар ҳам анчагина, аммо астрономия ва бошқа соҳаларга бағишлаб ёзилган китоблари ичида ҳам географик маълумотлар кўп.

Шунинг учун, география масалалари ёритилган китобларни бирма-бир варақлаб чиқиш ўринлидир.

Аввало, фақат номи бор, ўзи йўқолган баъзи географик асарларини қайд қилиб ўтайлик.

«Китобу таҳзиб ул-аҳвол фи тасҳиҳ ул-урузи ва-л-атвол» («Кенглик ва узунликларни аниқлашдаги сўзларни ислоҳ қилиш китоби») — 200 варақ.

«Мақола фи тасҳиҳ ут-тули ва-л-арз фи-л-масокин ул маъмурат мин ал-арз» («Ернинг обод қисмларидаги кенглик ва узунликни аниқлаш ҳақида бир мақола») — 20 варақ.

«Мақола фи таъйин ул-балади мин-ал-арзи ва-т-тул» («Ернинг кенглик ва узунлигига қараб шаҳарларнинг ўрнини тайин қилиш ҳақида бир мақола») — 20 варақ.

«Мақола фи истихрожи қадр ул-арзџи расади инхитот ул-уфуқи ан қилла ул-жибол» («Тоғларнинг тепаларида туриб уфқ пастлигини кузатиш орқали атрофдаги ерларнинг катталигини аниқлаш ҳақида мақола») — 60 варақ.

«Мақола фи ихтилоф ул-воқиџи фи тақосим ул-ақолим» («Иқлимларнинг тақсимланиши ҳақида бўлган ихтилоф тўғрисида мақола») — 20 варақ.

«Мақола фи ихтилофи завил фазли фи истихрож ул-арзи ва-л-майл» («Ер чегарасини ва чегаралари орасидаги масофани чиқаришдаги фазилларнинг ихтилофлари ҳақида мақола») — 20 варақ.

«Тазкира фи такми ҳикоџти Абдумалик табиб Бўстий» («Оламнинг бошланиши ва ниҳояланиши тўғрисидаги табиб Абдумалик Бўстийнинг ҳикояларини тўлдирish ҳақида тазкира») — 100 варақ.

«Тазкира фи-л-масоҳати ли-л-мусофир ул-муқви» («Озиқ-овқати тугаган мусофир учун йўлларнинг оролигини билиш ҳақида») — 10 варақ.

«Мақола фи сифати асбоб ус-сухунат ул-мавжудоти фи-л олам ва ихтилофи фусул ус-сона» («Оламдаги мавжуд иситиш сабабларининг сифати ва йил фаслларининг турличалиги ҳақида») — 45 варақ.

«Таҳдид ул-маъмурат ва тасҳиҳуҳо фи-с-сурат» («Ер юзидаги маъмуранинг чегарасини белгилаш ва суратда аниқлаб кўрсатиш»).

«Китоб ул-аҳжор» («Тошлар ҳақида китоб»).

«Ихтисор ул-Мажистий» («Птоломей Мажистийсининг қисқачаси»).

«Китоб ул-атвол ли-л-форс» («Узунликлар ҳақида форсларга махсус китоб»).

«Мақола тало фи авориз уз-залзала» («Зилзиладан етган зарарларни тиклаш тўғрисида мақола»).

«Китобу тақосим ул-ақолим» («Иқлимларнинг тақсимланиши ҳақида китоб»).

«Ат-тариху ва-л-ҳайъа» («Тарих ва ҳайъат илми»).

Берунийнинг «Ал Хоразмий астрономик зижидаги камчиликлар ҳақида ўрناق масалалар ва лойиқ жавоблар» деган шарҳ китоби бизгача етиб келмаган. Аммо ибн Азра уни қадимий яҳудий тилига таржима қилиб олган вариантигина бор.

Булар — Берунийнинг йўқолиб кетган асарларидир. Аммо унинг ҳозир мавжуд асарлари ҳам жуда қиммат-

лидир. Шулардан география учун аҳамиятли бўлганларига алоҳида обзор берамиз.

«Осори боқия» («Ал-осор ул-боқия ан ул қурун ул-ҳолия» — «Ўтмиш замонлардан қолган ёдгорликлар») тахминан 1000 йилда, Абу Райҳон Жўржонда турганида ёзиб тамомланган, 1878 йилда шарқшунос Э. Заҳау арабча текстини бостириб, 1879 йилда инглизчага таржима қилди. 1943 йилда Техронда форсча таржимаси босилган. Айрим парчалари немис тилига ҳам таржима қилинган. 1957 йилда Тошкентда русча таржимаси нашр этилди (Бируний, Танланган асарлар, I, «Памятники минувших поколений», марҳум шарқшунос М. Салье таржимаси). Ҳозир Шарқшунослик институтида ўзбекча таржимаси ҳам тайёрланган.

Бу асарда турли халқларнинг календарь системаси, ой ва мучал номлари, байрамлари, Ой манзиллари, жуда кўп метеорологик, фенологик ва тарихий маълумотлар, қабила ва жой номлари ёзилган. Шарқ манбаларидан бирида: «Осори боқия»да «Ўзидан илгари ўтган олимларнинг китобларидан сочилган дурларга ўхшаш нафис масалаларни териб, таъриф ипига тизди ва шарҳ қилди» дейилган.

Европалик шарқшунослар бу асарни қисқача «Хронология» деб атайдилар.

«Картография» («Китобу фи тасҳиҳ ус-сувар ва табтих ул-қувар» — «Карталар ва ер шари юзасини билиш китоби») — 10 ыарақ.

Бу рисола «Картография» деб қисқача атасак бўлади. Рисола Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмунга бағишланган. Шундан хулоса қилиш мумкинки, у Берунийнинг Жўржондан Хоразмга қайтиб келган даврида (1010—1017 йиллар орасида) ёзилган. Авторнинг ўзи: «Мана мен унинг (Хоразмшоҳнинг) мамлакатлари ўртасида узоқ вақт ғурбат чеккандан кейин чақирилиб, сояи давлатида ўсиб-унганларнинг бири ман» дейди.

Кириш сўзида астрономия, картография ва географиянинг амалий аҳамиятини тушунтиради.

«Осмонни зийнатлаб турган, эътибор билан қаровчилар учун ҳужжат, чўллар ва денгизларда адашганлар учун аломат ва нишон бўлган юлдузлар орасида (расадхоналарда) кузатиладиган ҳамма ёритқичларнинг сурат-шакллари танишнинг, астрономиянинг иккала қисмида ҳам манфаат ва фойдаси оз эмас: ё фалаклар,

ёритқичлар ҳайъатини ва уларнинг ҳаракатларини билишда, уларнинг баландликларини ва ёндошларидан узоқликларини аниқлашда, расадлардан ёрдам олишда, кечалари вақтларни белгилаш керак бўлса уларни билишда, ёритқичлар ҳаракатларининг ўлчовларини ва бу ўлчовлар орқали ўтмиш ва келгуси вақтларнинг миқдор ва қанчаликларини очиқ айтишда, марказлар сиртидаги фалакларнинг қайтиш (ҳаракат)ларини аниқлашда, бошқа ёритқичларни уларга қиёс қилишда ва шуларга ўхшаш масалаларда фойда беради. Осмон жисмларининг катталикларини, қандай моддалардан таркиб топганликларини, рангларининг аён кўринишини, шунингдек йилга тегишли билимларда, яъни фаслларнинг бирин-кетин келуви сабабли йил вақтларининг ўзгаришларини аниқлашда, асрлар бўйи барча йилларда бир-бирига яқин ва ўхшаш тартибда қуруқлик ва денгизда юз берувчи табиий ҳолларни, қурғоқчилик, намгарчилик ва мўътадиллик пайдо бўлишини ва буларнинг, буғлар сабабли вужудга келиб, мамлакатлар, жойлар ўзгаришлари бўлмаса ўзгармасликларини, масалан ёғинлар ёғишини, гармселлар, ўт чиқишлар, яшин тушишлар, ҳавонинг дафъатан исиб ёки совиб кетиши, аямажизлар вақтини, румлар, ҳиндлар ва араблар қўллайдиган шундай ҳодисаларни билишда, урчитиш пайтлари, ҳайвонларни қочириш, кўчатлар ўтқазиш, экинлар экиш лозим бўладиган вақтларни билишда — у ишлар маълум вақтлардан бошқада натижасиз бўлади,— денгизлар кучайиб, қўзғалиб, уларда юриб бўлмайдиган вақтларни билишда, ер юзидаги мамлакатларнинг бир-биридан қандай вазиятда эканини, тоғлар, денгизлар ва дарёларнинг вазиятларини, яқин йўллардан юришни аскарларни юргизиш ва карвонларни жўнатиш учун яқин йўллар топишни билишда, жой ва мамлакатлардан қай бири қай бирининг рўбарўсида эканини билишда ҳам манфаат ва фойдаси оз эмас» (1—3-бетлар).

Сўнгра шу рисола ни ёзишда фойдаланилган манбалари айтилган, йўл-йўлакай у авторларни танқид қилиб кетган.

Илгариги олимларнинг хатолари «осмон куррасидаги ёритқичлар ва суратларни, ер куррасидаги шаҳарлар, тоғлар, денгизлар, дарёлар ва бошқаларни тасвирлашга эришадиган (тўғри) қоидалар қўллашга мени мажбур этди. Шундай тасвирлаш ишини кўзда тутган киши ушбу

қоидаларга асослансин ва бошқа нарсага бурилмасин!»

Яна устурлаб (астролябия) хиллари, градус тўри, картографик проекциялар, шарни текис қоғозга тушириш, осмон глобусини яшаш тўғрисида гапирилган.

Географик карта ҳақида шуларни билдиради: «Ер куррасини сатҳга ўтказишда эса шаҳар ва қишлоқларнинг узунлик ва кенгликларини, денгизлар, булоқлар, дарёлар, қумликлар, тоғлар, конлар, тепаликлар, қиялик ва сойликларни баён этадиган жуғрофия китобига эҳтиёж тушади ва бу китобдагига қараб уларни (белгилари) ишланади.

Йўллар ва мамлакатлар ҳақида ёзилган китобларнинг эгалари ернинг иккала сурати — курра ва сатҳ суратида шундай иш юритганлар: денгизлар пистамағиз ранг билан, оқар сувлар қаҳрабо ва осмони ранг билан, қумлар заъфарон ранг билан, тоғлар озгина қизил аралашган гунафша ранг билан, шаҳарлар чорбурчак шаклларда қирмизи қизил ранг билан, йўллар кул ранг ва тўқ жигар ранг билан кўрсатиладиган бўлган» (13—14-бетлар).

Рисолада проекцияларга доир бир қанча амалий кўрсатмалар ва шакллар бор⁵⁷.

«Геодезия» (Китобу таҳдиди ниҳоёт ул-амокин ли тасҳиҳи масофат ул-масокин) — «Турар жойларнинг ораларидаги масофаларни аниқлаш учун жойларнинг чегараларини белгилаш ҳақида китоб»). Бу китобнинг биттагина қўлёзма нусхаси бор. Унда Берунийнинг ўз қўли (автографи) билан «23 ражаб 416» деб ёзилган, яъни 1026 йил демакдир.


Бу ягона қўлёзманинг тарихи ҳам ғалати. У дастлаб, 1923 йилда Кобул кутубхонасида бўлган. Икки йилдан сўнг Истанбулга «келиб қолган»... Ҳозир Султон Фотиҳ жомесининг кутубхонасида сақланмоқда, инв. № 3386.

Китоб ҳақида дастлабки қисқача ахборотлар 1926 йили турк тилида маълум қилинди.

Академик В. В. Бартольд 1926 йили Истанбулда вақтида қўлёзмани варақлаб чиқиб, Амударёга тегишли бир неча саҳифасини кўчириб олган эди. Шарқшунос С. Волин шу парчани В. В. Бартольд архивидан олиб, русчага таржима қилди ва 1941 йилда биринчи бўлиб илмий жамоатчиликка маълум этди⁵⁸.

Худди ўша йили Берунийнинг Амударё ҳақидаги пар-

часи «Ислом энциклопедияси»нинг туркча нашрида ҳам эълон қилинди. 1947 йили Ф. Кренков инглизча таржимасини берди. 1950 йилда профессор Яхё Ғуломов «Беруний Амударё оқимининг тарихий гидрографияси ҳақида» мақоласини ёзди (Бируний тўплами, 70—76-бетлар). Шундан кейин бошқа китобларда ҳам нақл қилина бошлади.



Арабшунос П. Г. Булгаков «Геодезия» китобини рус тилига таржима қилмоқда. Баъзи парчаларини матбуотда маълум қилди⁵⁹.

«Геодезия»нинг қўлёзмаси кириш сўзи билан бошланган, унда Беруний жаҳолатга ва алдамчиликка қарши гапириб, фан ва маърифатнинг фойдасини тарғиб қилади, геометрия, медицина, музыка, астрономия, логика, география, тарих каби фанларнинг вужудга келиши ва аҳамияти баён этилган. Китобнинг бешинчи боби — жойларнинг географик узунлиги ва кенглигини аниқлаш йўлларига бағишланган. Шу усуллардан бири икки шаҳарнинг маълум географик кенгликлари ва масофалари асосида уларнинг узунликларини аниқлашдир. Бешинчи бобнинг охирида кўпгина мисоллар келтирилган: Бағдод билан Рой, Рой билан Журжон, Журжон билан Балхан оралиқларидаги меридиан фарқини аниқлаш, Балх ва Журжония шаҳарларининг узунлик ва кенгликларига асосланиб, Омул (Чоржўй)нинг узунлик ва кенглигини аниқлаш; Балх билан Бухоро орасидаги масофани, уларнинг кенглик ва узунликларига қараб аниқлаш усуллари ва ҳоказо. Унинг ўзи шу усуллар билан бир қанча жойларнинг кенглик ва узунликларини белгиланган.

Эклиптиканинг (қуёшнинг коинотдаги кўринма йўли) экваторга қиялиги масаласини муҳокама қила туриб, илгариги барча ўлчашларни эсга олган ва ўз назариясини тушунтириб берган.

Китобнинг иккинчи бобида ўртаосиёлик Абу Маҳмуд Ҳамид ибн Хизр Хўжандий — «устурлоб ва бўлак асбоблар ясашда ўз замонасининг энг моҳири» ихтиро этган ва Рой расадхонасига ўрнатилган Фаҳри секстанти ҳам батафсил тасвир этилган. Маълумки, Хўжандий 992 йилдан бошлаб Рой расадхонасида ишлаган, 995 йилда ўша ерга келганда Беруний билан учрашган эди. Хўжандий 1000 йилда вафот этган. Берунийнинг ўзи Хўжандий билан дўст бўлиб, илмда ҳамкорлик қилган. Беруний «Қартография» рисоласида ҳам Хўжандийни тилга олиб, унинг қибла томонни аниқлашдаги ўлчашларини таҳлил қилган эди («Қартография», 4-бет). «Ўртаосиёлик бу икки атоқли олимнинг дўстлиги Берунийнинг ўзи учун ҳам фойдали бўлди, Ўрта Осиё фанининг тараққиёти учун ҳам самарали бўлди... У, Хўжандийни ўрганиб, ишларини тарғиб қилди, Фаҳри секстантига бағишлаб махсус рисола ҳам ёзди» (Булгаков, кўрсатилган мақола, 52—54-бетлар).

«Ҳиндистон» («Китоби фи таҳқиқи молил ҳинд мин

мақола мақбула фил ақл ау марзула»—«Ҳиндларга маҳсус нарсаларни тушунтириш китоби») 1017 йилда бошланиб, 1030—1031 йилларда ёзиб тамомлаган. Бу китоб «Ҳиндистон тарихи» номи билан машҳурдир.

1888 йилда Лондонда арабча тексти билан инглизча таржимаси нашр этилган. 1958 йилда Ҳиндистонда арабча нухаси иккинчи бор нашр этилди. 1963 йилда Тошкентда русча таржимаси босилиб чиқди. Ўзбекча таржимаси ҳам тайёрланган⁶⁰.

География фани учун бу китобнинг аҳамияти катта. Унда умумий географик маълумотлар (Ер тўғрисидаги тасаввурлар, дунёнинг чегаралари, денгиз ва қуруқликлар, сув қалқиши ва қайтиши, бошланғич меридиан тарихи каби) билан бирга Ҳиндистоннинг табиатига доир жуда муфассал тасвирлар (тоғлари, дарёлари, шаҳарлари, қабилалари, ҳайвоноти ва ҳоказо) бор.

Бу китобдаги географик маълумотлар асосан Беруний ўзи кўрган ва аниқлаган нарсалардир.

Жумладан у ўз кузатишлари тўғрисида шундай дейди:

«Мен ўзим Лоҳур қалъаси кенглигининг $34^{\circ}10'$ эканини топдим. Бундан Кашмир қалъасигача 56 милдир. Ярим тепалик жойлар ва ярим текис дала.

Кузатишлар натижасида бир қанча жойларнинг кенгликларини топдим. Мана улар:

Ғазни $33^{\circ}35'$

Қобул $33^{\circ}47'$

Гандиамир $33^{\circ}55'$

Дунпур $34^{\circ}20'$

Ламғон $34^{\circ}43'$

Пиршавур $34^{\circ}44'$

Вайҳанд $34^{\circ}30'$

Жайлам $33^{\circ}20'$

Нандна қалъаси $32^{\circ}0'$

Бу қалъа билан Мўлтон оралиғи қарийб 200 мил.

Сиёлқут $32^{\circ}58'$

Мандаккапур $31^{\circ}50'$

Мўлтон $29^{\circ}40'$

Уларнинг (ҳиндларнинг) ерларида мазкур жойлардан ташқарида бўлмадик».

Бу китоб тўғрисида Жавоҳарлал Неру шундай деган эди: «Беруний, юнон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит тилини ўргана бошлади. Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини бир-биринга солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб, ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик материалларни қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб беради. Икки орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузиб турган пайтларда ҳам Беруний бегона одам бўлиб туриб, бу ўлка кишилари аҳволини тушунтиришга ҳаракат қилади»⁶¹.

Рус шарқшуноси академик В. Розен «Ҳиндистон» китоби «Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта аср китоблари орасида тенги йўқ асар» деб баҳолаган эди.

«1030 йил Ҳиндистон тарихшунослигида ва умуман кишилик маданияти тарихида унутилмас йил бўлди.— Беруний Ҳиндистон тўғрисидаги ажойиб асарини ёзиб тамомлаган эди... дунёдаги ҳиндшунослар бу машҳур китоб учун олимдан ғоят миннатдорлар» (М. Низомуддин).

«Ҳиндларнинг икки китобини («Санкья» ва «Патанжала») араб тилига таржима қилган эдим», «Мен Эвклид ва Алмажистий» китобини ҳиндларга таржима қилиб, астролябия санъатини ёзиб бераман, ҳиндлар орасида «илм тарқатишга ва уларда йўқ илмнинг уларда ҳам бўлишига қизиқаман» дейди Абу Райҳон «Ҳиндистон» китобида. Ислом жаҳолати шароитида бундай маъжусий тилини ўрганиш, китобларини ўқиш ва ҳинду маданиятига хизмат қилиш — Берунийнинг буюк иродаси ва жасоратидан далолат беради.

Ҳиндистон тўғрисида китоб ёзиш ниҳоятда қийин бўлганлиги, бу соҳада у якка ўзи ишлаганлиги, аммо кучини ҳам, вақтини ҳам, пулини ҳам аямай, санскрит тилидаги китобларни қидириб юрганини, ҳинду тилини ўргатадиган олимларни ҳар қаердан бўлса ҳам қидириб топганини ва бу ишлар ҳаммаси шу мамлакатга қўйган муҳаббатидан бўлганлигини Абу Райҳоннинг ўзи фахр билан ёзган.

«Ат-Тафҳим» («ат-Тафҳим ли авои ли синоат ут-танжим») — «Нужум санъатининг аввалини тушунтириш», яъни астрономия илмидан бошланғич маълумотлар) —

1029—1034 йилларда ёзилган китоб. (Ёзилган йили китоб саҳифаларида бир неча бор айтилган: «420 ҳижрий қамарий, 398 яздигард ва 1341 исқандар йили» дейилган). Беруний бу китобини бирмунча содда, оммабоп тилда ва савол-жавоб тарзида (жами 511 та савол) тузиб, хоразмлик қиз Райҳона Ҳасан Хоразмияга бағишлаган.

Масалан, саволлар шундай тарзда қўйилган:

«Маъмуранинг, яъни Ернинг обод қисмининг чегараси нима?».

«Маъмурадаги денгизларнинг чегараси нима?»

«Хаттиество қаерда ва унинг қандай хосиятлари бор?»

«Жойнинг кенглиги нима?»

«Жойнинг узунлиги нима?»

«Ер юзасида одамнинг тикка туришини қандай тушуниш керак?»

ва ҳоказо.

Бу — Берунийнинг ўзи икки тилда — ҳам арабча, ҳам форсча ёзган йирик асарларидан биридир.

«Ат-Тафҳим»нинг қўлёзма нусхалари кўп. Техронда — 2 та арабча ва 4 та форсча нусхаси, Берлин, Оксфорд, Британия музейи, Истанбул, Марокаш, Алигарх, Рампур шаҳарларида бор. Душанбада, Тожикистон Фанлар академияси қўлёзмалар бўлимида № 385 ҳам бор. (Самарқанд қоғозига ёзилган, ҳусни хат, ҳар саҳифада 17 сатрдан, саволлари қизил сиёҳ билан, жавоблари қора сиёҳда ёзилган).

Тошкентда, Шарқшунослик институтининг фондида № 445 қўлёзма ва № 3423 энг мукамал, эҳтимол энг биринчи нусхалардан бўлгани сақланмоқда (1262 йилда кўчирилган), 231 варақдан иборат, ўлчови (15,5×20,5 см).

1934 йилда «ат-Тафҳим» инглиз тилига таржима қилинган. Форс тилидаги нусхаси Эронда нашр этилди⁶².

Берунийнинг бу асари тўғрисида астроном Гиёс Жалолов, проф. А. А. Семенов ва бошқаларнинг мақолалари совет китобхонларига маълумдир (Беруний тўпламида).

«Қонуни Масъудий» («ал-Қонун ул-Масъудий фил ҳайъа ван нужум» — «Астрономия фанида Масъуд исмига ёзилган қонун»). Бу — Берунийнинг энг йирик асари бўлиб, умрининг охирларида ва кўп йиллар мобайни-

да ёзилган. Китобнинг султон Масъудга аталганлигидан уни 1030 йилдан кейин бошлаб 15 йилча (1048 йилгача) ишлаган, деб айтса бўлади. (1035—1041 йиллар орасида ёзилган деган фикр ҳам бор). Султон Масъуд Берунийга анча ихлосманд бўлиб, илмий масалаларда ҳамиша ундан маслаҳат сўраган. Беруний ҳам унга: «Сиз буюк ҳоким бўлганлигингиздан, ўз ерларингиздаги аҳволни, кеча ва кундузнинг ўзгаришини, обод ерларни яхши билишингиз лозим» деб, унга турли қўлланмалар тузиб берган, жумладан бу китоб ҳам ёзилган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари 10 тача бўлса керак.

Оксфорд шаҳридаги кутубхонада, Париж миллий кутубхонасида, Истанбулда Жорулло кутубхонасида, Баёзид (Валиуддин) кутубхонасида, Берлин кутубхонасида, Фарбий Германиядаги Марбург-Лан шаҳри кутубхонасида, Британия музейида, Қоҳирадаги Миқат кутубхонасида, яна Туркия кутубхоналарида бир неча нусха ва Ҳиндистоннинг Ромпур шаҳри кутубхонасида бор.

Ҳали бирон тилга тўла таржима этилгани маълум эмас. Айрим парчаларигина таржима қилинган. Арабча тексти яқиндагина Ҳиндистондаги Доират ул-Маориф ул-Усмония нашриётида учта китоб тарзида нашр қилинди⁶³.

Китоб ҳаммаси II мақоладан иборат, ҳар бир мақоланинг ичида бир неча боблари бор. I мақолада Птоломей фикрича оламнинг тузилиши баён этилган, II мақолада — йиллар ва календарлар, III мақолада тригонометрия маълумотлари, IV мақолада сферик астрономия ва жой кенгликларини белгилаш усуллари, V мақолада жой узунликларини белгилаш усуллари, VI мақолада Қуёш ҳаракати, VII—VIII мақолаларда Ой ҳаракати, IX—X—XI мақолаларда юлдузлар ва планеталар ҳаракати баён этилган. Шундай қилиб, география учун бешинчи мақоланинг 9—10 боблари жуда муҳимдир (булар иккинчи томнинг бошида).

Шу бобларда дунёдаги 603 жойнинг географик координаталари берилган. Шулар асосида дунёнинг географик картасини тузиш мумкин, ўшанда Беруний ер юзини қандай тасаввур этганлиги аён бўлар эди. Аммо бундай карта тузиш бирмунча мушкул, чунки узунлик белгилари ва бошланғич меридиани тайин эмас («Беруний ва Улуғбек» сарлавҳаси остида бу масалалар баён этилади).

Ҳозирда «Қонуни Масъудий» китобининг бир қисмини москвалик математик проф. Б. А. Розенфельд рус тилига таржима қилмоқда. Астрономик жадвалларини эълон ҳам қилди⁶⁴.

Москвалик астроном У. Содиқов, тошкентлик астроном Ф. Жалолов ва картограф М. Тешабоев «Қонуни Масъудий» асосида тадқиқотларини эълон қилдилар⁶⁵.

«Минералогия» («Китоб ул-жамоҳир фи маърифат ул-жавоҳир» — «Жавҳарларни таниш учун жам китоб») — 1048 йилда Ғазнида ёзилган.

Совет шарқшуноси А. М. Беленицкий бу китобни рус тилига таржима қилиб, китобхонларга тўла маълум этди⁶⁶. Бу асарнинг баъзи парчалари (ёқут, бадахшон лаъли, олмос, марварид, қаҳрабо, мигнотис, темир бандлари) ўзбек тилида берилган (Бируний тўплами, 235—246-бетлар).

Тошкентлик геолог проф. А. И. Исломов докторлик диссертациясида 458—478-бетларини Берунийга бағишлаб, асосан «Минералогия» китобини таҳлил қилган. Жумладан, Беруний таъриф қилган чўкиндилар ҳосил бўлишининг уч босқичи ҳозирги замон олими проф. В. И. Попов томонидан аниқланган учта фация босқичларига мувофиқдир; чўккан жисмларнинг миқдори чўкинди ҳосил қилувчи оқимнинг тезлигига мутаносиблик қонунини Беруний қонуни деб аташ ўринли бўлар эди, дейди А. И. Исломов (диссертация, 466-бет).

«Минералогия» китобида, ҳозирги тил билан айтганда, фойдали қазилмаларнинг географик тарқалиши баён этилган. Фан тарихи учун шуниси ғоят муҳимки, Беруний тарихда биринчи мартаба қимматбаҳо тошларнинг солиштирма оғирлигини аниқлашга киришган. Бунинг учун олтинни андаза («қутб») қилиб олган.

Бу асарни ёзишда илгариги олимларнинг қимматбаҳо тошларга доир китобларидан ҳам фойдаланган, ўзи топган ва кўрган материалларни ҳамда заргарлар, кончилар, темирчилар ва кимёгарлар билан суҳбатлашиб қўшган.

География учун бу китобнинг аҳамияти янада катта. Унда дунёнинг жуда кўп конлари тилга олинган. Қайси тош қаердан, қайси тоғ, қайси дарё водийси, қайси қишлоқдан қазиб чиқарилиши аниқ айтилган. Қимматбаҳо тошларни силлиқлаб чет элларга чиқарадиган ша-

ҳарлар кўрсатилган. Минераллар билан жой номларининг боғлиқлиги ҳам изоҳланган.

Масалан, ўша даврда Басра (Ироқ), Қашмир, Бадахшон ва Хуросон тошларни силлиқлаб, чет элга сотадиган марказ бўлган, Бадахшон ҳақида шундай дейди: «Бадахшоннинг ўзида тошлар қазиб чиқарилмайди. Бадахшонга бошқа ерлардан (тошлар) келтирилади ва шу ерда силлиқланиб, тарошланади.

Бадахшон — у тошлар учун дарвозадирким, шу ердан бошқа мамлакатларга тарқалади. Шу сабабдан Бадахшон тоши бўлиб кетган. Қонларнинг ўзи эса Варзпанж номли қишлоқ жойидадир. Бадахшондан Ваҳон чегараси томонида уч кунлик йўлди, шоҳаншоҳ ерларидадир, унинг пойтахти Шикамиш (Ишкомиш), шу конларга яқиндир». Демак, тошларнинг ёнига қўшиб айтиладиган номлар — ўша тошнинг қазиб чиқариладиган жойи бўлавермайди, балки тошларни сотадиган жой бўлиши мумкин.

Шунга доир яна бир мисол келтиради: «Ал ҳабашни деган тош мутлақо Ҳабашистондан олинмайди, балки ҳабашларнинг оппоқ ялтироқ тишига ўхшатиб берилган номдир. ...Рум, рус ва славянларнинг қиличлари Шобуркон темиридан ишланади».

«Қалайи деб аталадиган қилич Қала мамлакатидан (Малакка ярим ороли) келтирилади, шунинг учун бу металл қалайи деб юритилади».

Шу китобдан яна баъзи парчаларни келтирамыз.

«Ёқут жавҳарлар орасида биринчиси, нафисроғи ва энг қимматлисидир. Ёқутлар оқ, кўк, сариқ ва қизил бўлади. Қизил ранглисидан бошқалари нафис ва қимматли эмас.

... Қизил ёқутнинг ранги (ўзи бир неча тур). Энг тозаси румоний (анор дона ранглиси), сўнгра баҳарамоний (заъфарон ранглиси), арғувоний (арғувон гули ранглиси), гўшт ранглиси, гулинори (эркак анор гули ранглиси), энг сўнг қизил гул ранглисидир.

Олмос. Олмоснинг исми ҳинд тилида ҳиро, румча азмис ва адмантундир. Яқуб Қиндий: адмантуннинг маъноси синмайдиган нарса, дейди. Олмос сурёнийчада олмиёс ва кифод олмос бўлиб, гўё маъноси олмос тошидир. Унинг ҳосияти шу ким, ҳеч нарса уни кеса олмайди, синдиrolмайди, аксинча, у ҳар нарсани синдиради...

Марварид. Сув ҳайвонининг жинси бўлиб, ўсиш билан (бошқа) тошлардан фарқ қилади». (Уни шўнғиб, денгиз тагидан топадилар).

«Минералогия» китобида Хуттал вилоятида (Жанубий Тожикистон) Махатан тоғи этагидан турли рангдаги харсон туз қазиб олиншини ёзган. «Хутталнинг олтини сариқ рангда, уни тоғдан ва Жайхундан лой ва қум орасидан оладилар. Айниқса баҳор селлари вақтида қишлоқ аҳолиси олтинни кавлаб оладилар».

«Сайдала» («Китоб ус-сайдала фит тибб» — «Доривор нарсалар китоби»). Буни европа олимлари «Фармакогнозия» деб атадилар.

Китоб Берунийнинг энг охирги йирик асари бўлиб, 1051—1052 йилларда араб тилида ёзилган. Уни фарғоналик табиб Абубакр бин Али ал Қосоний 1211 йилда форс тилига таржима қилган.

Шундан бери тўла равишда бошқа тилларда нашр этилмаган. Фақат муқаддима қисми немис ва турк тилларига таржима қилинган. Бу тўғрида марҳум шарқшунос С. Мирзаев мақола ҳам ёзди (Бируний тўплами, 105—107 бетлар).

Ҳозир ўзбек шарқшуноси, химик ва филолог Убайдулла Қаримов бу асарни мукамал равишда рус ва ўзбек тилларига таржима қилмоқда. «Сайдала» китобини алфавит тартибда ёзилган бўлиб, унда ер юзидаги доривор ўсимликлар, турли дорилар, мевалар, ҳайвонлар ва уларнинг таъсири тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Шу муносабат билан жуда кўп жойларнинг номи ва географик хусусиятлари таърифланган. Демак, биз учун у фитогеографик ва зоогеографик бир манбадир.

«Воқвоқ ороллариининг аҳолиси қоратанликлар, қулоқларини тешиб юрадилар (зирак тақадилар)».

«Сурманинг энг яхшиси Исфаҳонникидир, қора-қўнғир тусда; (Уни сурган қизларнинг) кўзлари ялтираб, шахло бўлиб кетади».

«Анжири одам ўсимлигини Кобул тоғларидан келтирадилар, хотинлар еса тўлишади».

«Анжура (қичигқи тикон) ўсимлигини Журжонда кўрдим, йўл ёқаларида, сой бўйларида ўсади. Агар у одам баданига тегса ачиштиради. Ундан овқат тайёрлайдилар деб Журжонда эшитдим».

Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва умумий илмий меросига бағишлаб ёзилган монография, мақола ва тўпламлар анчагина. Шулардан баъзиларини кўрсатиб ўтамиз.

1) «Бируний — ўрта асрнинг буюк олими» тўпламида (1950 йил, ўзбек тилида) юқорида нақл қилинганлардан ташқари яна «Бируний ва унинг замони» (С. П. Толстов), «Ўрта асрнинг машҳур олими» (А. А. Семенов), «Ўрта аср фалсафий онгининг улуғ паҳлавони» (В. Й. Зоҳидов) мақолалари бор.

2) Абу Райҳон Берунийнинг вафотига 1000 йил тўлиши муносабати билан (ҳижрий ҳисобида бу 1943 йилга тўғри келди) Ҳиндистонда катта юбилейга тайёрлик кўрилган эди, «Берунийнинг 1000 йиллиги» деб аталган бу маросим шарафига шарқшуносларнинг халқаро конференцияси, Берунийга тегишли буюмлар кўрғазмаси, оммабоп лекциялар ва кечалар, бир қанча нашрлар мўлжаллаб қўйилган эди.

Аммо бу режа амалга ошмади. Иккинчи жаҳон уруши чўзилиб кетди, сўнгра Ҳиндистон иккига бўлинди, Қалькуттада аҳвол оғирлашди. Шу сабабдан, доклад учун тайёрланган баъзи мақолалар тўплам тарзидагина нашр этилди. Унда жаҳон шарқшуносларининг 20 тача мақоласи босилган. Жумладан, Ислом олимларининг геодезияга доир текширишлари (С. Ҳ. Бороний), Беруний ва санскрит (Сунити Кумар), Беруний алхимия тўғрисида (Фуллиорат), «Қонуни Масъудий»даги тригонометрия ҳақида (М. А. Козим), Майда асарлари ҳақида (Муҳаммад Абдураҳмон), Географик узунликларни ўлчаш тўғрисида (И. Крамерс), Султон Фотиҳдаги қўлёзма (Ф. Кренков) ва бошқалар.

Кейинчалик, Совет Иттифоқида унинг вафотига 900 йил тўлиши нишонланди. 1951 йилда Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Сурия ва бошқа мамлакатларда, санаи қамария ҳисобида, олимнинг туғилганига 1000 йил тўлишини нишонладилар.

Совет олимн, математик ва шарқшунос Б. А. Розенфельд Берунийнинг кўп асарлари билан танишиб, унинг математик меросини текширмоқда ва тарғиб қилмоқда. Шу масалага доир бир қанча мақолалари маълум этилди.

Гамбурглик немис профессори Ф. Кренков умр бўйи Беруний ижодини ўрганди, хусусан «Минералогия» китобини Ҳайдарободда нашр эттириши унинг катта хизмати бўлди.

Ҳиндистонлик берунийшунос доктор Муҳаммад Низомуддин Москвада бўлиб ўтган XXV халқаро шарқшунослар конгрессида «Беруний ва унинг илмий кашфиётлари» темасида каттагина доклад қилди, Низомуддин, совет олимларининг (В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, С. П. Толстов ва бошқаларнинг) хизматларига ҳамда бизда ўтказилган Беруний юбилейига юксак баҳо бериш билан бирга ўзи ҳам, Ҳайдаробод университетиди Беруний ижодини ўрганиш ва асарларини нашр этишга раҳбарлик қилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам Абу Райҳон Беруний ижодини ўрганиш комиссияси тузилган. Атоқли археолог проф. Яҳё Фуломов бу шарафли тадбирларнинг мутасаддисидир.

Еш ўзбек олими механик ва философ Омонулла Файзуллаев берунийшунослик соҳасида янги бир қадам қўйиб, Беруний ва ибн Сино ўртасидаги савол-жавоблар асосида ажойиб хулосаларга келди.

Беруний китобларидан Ер юзасининг умумий тасвири тўпланса, жуда қизиқарли ва ёрқин манзара кўрилади. Шу сабабдан Беруний текстининг айрим парчаларини келтирамиз ва қавс ичида қисқача изоҳлар берамиз. Буларга алоҳида сарлавҳачалар қўйилди. «Ат-Тафҳим» китобидан олинган иборалар (АТ) ҳарфлари билан, «Қонун Масъудий» дан олинганлари (ҚМ) ҳарфлари билан, «Геодезия»дан олинганлари (Г) ҳарфи билан белгиланди.

Атлантика ва Шимолий муз океанининг қирғоқлари. Одамзод яшайдиган ернинг ғарбида бир денгиз борким, Муҳит дейилур, греklar уни Уқиёнус дейдилар (АТ). Унинг қирғоғи жанубда энг узоқ чегарадан бошланиб, Судан мамлакатига рўбарў бўлган жойда Узғист, Чекка Сус, Танжа, кейин Андалус (Испания), ал Жалолиқо, Сақлаб чегараларини кесиб ўтади (ҚМ). Денгизнинг ичкари (орқа) томонларига борилмайди, фақат қирғоқ ёқалабгина юрилади.

Мазкур денгиз ушбу мамлакатлардан шимол томонларга чўзилиб, Сақлаб (Славян) ерларига ёнма-ён боради. Шимолроқда сақлаблар олди-да, ушбу денгиздан катта бир қўлтиқ айрилиб, Булғор ерларига яқинлашиб

келади, булгорлар мусулмон мамлакатида яшайдилар. Улар бу қўлтиқни Варанг денгизи (Балтика денгизи) деб биладилар, чунки варанглар шу денгиз бўйларида яшайдиган халқдир.

Сўнгра денгиз, бу ерлардан ўтиб шарқ томонга қайрилади. Бу денгиз (Шимолий Муз океани) қирғоқлари билан туркий ерларнинг энг (шимолий) чеккалари ўртасида одам ўта олмайдиган, дашти-биёбон, номаълум ер ва тоғлар мавжуддир (АТ).

У ердан яна қаттиқ совуқ сабабли кишилар яшамаган ерлар ва қадами етмаган тоғлар орқасидан чўзилиб, (денгиз) кун чиқишига қараб кўринмай кетади. Уша томонда ободлик тугайди (ҚМ).

(Шимоли ғарб томонидаги ҳолат ана шундай. Энди жануб томонга қарайлик).

Муҳит денгизининг (Атлантика океанининг) Танжадан жанубга томон ёйилиши қуйдагича: ушбу денгиз Мағриб қора дашт ерларини жануб томондан, Ой тоғларининг орқасидан айланиб ўтган, у ёқда саёҳат қилиш хатарлидир, кемалар ғарқ бўлади. Ой тоғларидан эса Миср дарёси ва Нилнинг булоқлари отилиб туради.

Тинч океан ва Ҳинд океани. Шарқий денгизнинг узоқлиги ва уни ўрганган бирорта кишидан маълумот олинмагани сабабли, у денгиз тўғрисида Ғарбий океан ҳақида билганимиздай маълумотга эга эмасмиз. Лекин у, умуман, океанга ўхшаш жанубдан шимолга чўзилиб боради. Бинобарин уни юқорида зикр қилганимиз совуқ тоғлар орқасида чўзилган (соҳилга) бирлашган деб айтилади (ҚМ).

Чин ерларининг энг чеккаларини шарқ томонидан ўраб турувчи денгиз (Тинч океан) дан ҳам ўтиб бўлмайди. У денгиз (Тинч океан) дан бир қўлтиқ ажралганки, каттагина денгиз ҳосил бўлибдир. Унинг номи ҳар ерда ҳар хил, масалан, аввало бу Чин денгизи (деб юрнтилади), сўнг (жанубда) Ҳинд дейилади (АТ), Улуғ денгиз (ҳам дейилади), у Шарқий Муҳит денгизи билан бирлашган бўлиб, рўпарасида бўлган қирғоқдаги мамлакатлар номи билан ёки у ерда мавжуд ороллар номи билан аталган. Хитой еридан Ҳиндистон ва Зинж томонга оқади. Шимолий қирғоғи қуруқлик ва одам яшайдиган ердир. Жануб томони маълум эмас, ундан ўтган кишиларнинг бирортаси у ер ҳақида маълумот ололмаган ва оролларида яшайдиган кишилар ҳам у ҳақда ҳеч қандай

хабар бермаганлар (ҚМ). Ундан катта қўлтиқлар ажралган ва ҳар бири денгиз деб аталади, чунончи Форс ва Басра денгизи (Форс қўлтиғи), унинг шарқий қирғоғида Тиз ва Макрон (бор), булар рўпарасида ғарбий қирғоғида эса Уммон бандари бор. (Денгиз) ундан нари ёйилиб, хушбўй мушк келтириладиган Шихра (Жанубий Арабистон) мамлакатигача ва Аданга боради (АТ). Ғарбида Ҳабашистон, Барбара бурни (уларча Барбар қўлтиғи) жойлашган. Булар катта бўлгани учун, ҳар қайсиси алоҳида денгиз деб юритилади. Улуғ денгизнинг ғарб томонидан юривчиларнинг кўпроқ бориб етган жойи Зинжнинг Мисрга рўпара бўлган қуйи қисми бўлиб, ундан нарига ўтмайдилар (ҚМ).

«Қуруқлик денгизга киргани сингари, денгиз ҳам қуруқликка кирган ва бирмунча жойларда уни ёриб қўлтиқ ва қўлтиқчаларга айлантирган. Масалан, денгиз Араб мамлакатининг ғарб томонидан тил шаклида Шомнинг ўртасигача ёйилиб (ёриб) кириб, Қулзум деб машҳур бўлган жойда ингичкалашган. Яна шу денгизнинг ундан кўра каттароқ бир қисми Араб мамлакатини шарқ томондан ёриб кириб, у Форс денгизи деб аталган» («Ҳиндистон», 250).

Бу ерда денгиздан иккита катта қўлтиқ ажралади. Бирини — Қулзум (Қизил денгиз) номи билан машҳур, қайрилиб ўтиб, араблар ерини ўраб туради, шунга кўра, бу денгиз туфайли у (Арабистон) оролга ўхшаб қолган. Денгизнинг Яманга рўпара томонида Ҳабаш турганлигидан, денгизни шу икки мамлакат номи билан (ҳам) атайдилар: жанубий қисмини Ҳабаш денгизи, шимолий қисмини Яман денгизи дейдилар, иккаласини бир қилиб, ал Қулзум денгизи деб атайдилар.

Ал Қулзум дейилишига сабаб шуки, денгизнинг Шом (Сурия) ерига қайрилишида торайган жойи (Суэц бўйни) бор, шундаги шаҳар (номи) ал Қулзумдир. Бунда (торайган жойда) сайёҳлар (бўйинни) Бужа ери (Нубия) томондан қиргоқ бўйлаб ёқалаб ўтадилар.

Ҳинд (океани)нинг бошқа бир қўлтиғи Барбар денгизи номи билан машҳурдир, у Адандан тортиб Сўфала Зинж еригача (Мозомбик) ёйилган. Ундан нарида (жанубда) кемалар ўта олмайди. Наинки, юқорида зикр этганимиз, катта хавф-хатари бор» (АТ).

«Геодезия» китобидаги яна бир муҳим иборага диққат қилайлик: «Зинжлар ғарбида Баросун бурни олдига :

баҳр ул-Муҳит (Атлантика океани)дан чиққан сув етиб келади» (144-бет).

Демак, Беруний Африканинг энг жанубий чеккасини, Атлантика билан Ҳинд океани туташган чегарани аниқ тасаввур этган. Баросун ҳозирги Игольный ёки Яхши Умид бурни бўлиши керак.

(Ҳинд) денгизида, унинг шарқий қисмларида Зобаж (Ява) ороллари, яна ад-Дибажат (Мальдив) ва Қумайр (Коморо) ороллари, (Воквоқ, ҚМ), кейин Занжи ороллари (Занзибар) бор. (Бу орол ёнидаги денгиз) Занжилар денгизидир (Мозамбик қўлтиғи), у иссиқ томонда. Бу ороллардан энг улуғлари: Сарандиб номи билан машҳур бўлгани, ҳиндчаси Сингалдиб (Цейлон); у ерда турли зумрат тош қазиб олинади ва (бошқа мамлакатларга) чиқарилади. (Яна бири) Қала (Малакка), ундан қалайи чиқарилади, Сарбуза (Суматра)дан камфара чиқарилади (АТ).

...Забаж (Ява) оролларида олтин кўплигидан Олтин ери деб аталади, ундаги озгина тупроқ чайқалса ўрнида олтин ўтириб қолади» («Ҳиндистон», 433).

«Дибажат (Мальдив) ороллари... қумлардан пайдо бўлган тепаликларга ўхшаб денгиз суви остидан чиқиб кундан-кунга кўтарилиб, узоқ вақтгача ёйилиб туради, сўнгра бориб-бориб эскириб, бўлиниб-бўлиниб, ўзини тўхтатиб тура олмасдан, эриб кетадиган нарсалардай сувга тарқалиб йўқ бўлиб кетади. Ундай оролларда яшовчилар унинг йўқ бўлиб кетишини пайқаб қолсалар ундан кўчиб янгидан пайдо бўлаётган оролларга борадилар, ҳатто унга ҳинд ёнғоғи (кокос пальмаси) дарахтларини ўтқазиб, обод қиладилар («Ҳиндистон», 433).

Худди шу каби қуруқлик ғарб томондаги жанубий денгизга кириб боради, у ерда Ғарб суданлари яшаганлар. Улар у ердан экваторни кесиб ўтиб, Мисрнинг Нил дарёси бошланадиган Ой тоғларигача етиб борганлар. У ерда тоғлар, юқори кўтариладиган ва пастга тушиладиган даралар орасида денгиз ҳосил бўлган. У ерда сув доимо урилиб, орқага қайтиб туради. Сув тўқнашиб, кемаларни синдиради ва йўловчиларни ўтказмай қўяди. Шу билан бирга Муҳит денгизига шу бўғозлар, тоғлар орқасидаги жанубдан қўшилиб кетишини ман этолмайди. Кўрилмаган бўлса ҳам бир-бирига туташганлик аломатлари топилди. Шу сабабли обод ерларнинг қуруқлиги туташиб, ўраб олингани маълум бўлди (ҚМ).

Кўллар ва денгизлар. Бу қуруқликнинг (рубъи маскуннинг) ўртасида турли миқдордаги кўллар бор. Улардан баъзиларини ҳажмининг катталиги жиҳатдан денгиз номи билан юритилса бўлади (ҚМ). Масалан, Сақлаб ва Руслар ерида бир денгиз борким, у грекларга Бўнтус (Понтос) номи билан маълум, биз эса Трабзун (денгизи) деймиз, чунки унинг қирғоғида (шу номли) бандар бор (АТ). ... Бўнтуси Армени денгизи (шу). Унинг атрофида арманлар, турклар, руслар, славянларнинг баъзи қабилалари яшайди. (Ундан) Қўстантиния номи билан машҳур бўлган (ҚМ) бир қўлтиқ (Босфор бўғози) ажралиб чиқиб, (Истанбул) давлатлари тагидан ўтади. Бу (қўлтиқ) тобора торайиб, Шом денгизига (Ўрта денгиз шарқига) қуйилади. Мазкур (Ўрта денгиз)нинг жанубий қирғоғида Мағрибдан то Искандария ва Мисргача (бўлган ерлар жойлашган), буларнинг қарши-сида эса, шимолда — Андалусия ва Рум то Антоқия жойлашган, улар орасида (шарқ томонда) Шом (Сурия) ва Фаластин мамлакатларидир.

(Ўрта) денгиз, Андалусия бўғози ёнида Муҳит денгизига қўшилади, (Андалусия) бўғози китобларда Геркулес йўлаги деб битилган, ҳозирда аз-Зуқоқ (бўғоз) деб юритилади. Бундан Муҳит денгизига сув оқади. (Ўрта) денгиздаги маълум ороллар; Кипр, Самос, Родос, Сицилия ва шу кабилар (АТ).

Кейин Журжон денгизи (Каспий), бу ҳақиқатда Хазар денгизидир. Уларнинг вайрон бўлган мамлакатлари Шимолий Этил дарёсининг қуядиган жойига яқиндир. У ерда шимол томонда Ғузия ерига ёпишган. Шарқий томонида Журжон ерида Обаскун деган бандар (ҚМ) шаҳри борки, денгиз ҳам (Обаскун) номи билан маълумдир. Сўнгра денгиз Табаристонга, Дайлам ерига, Ширвон, Боб ул-Абвобга туташ (АТ). Унинг ғарбида у билан Бўнтус денгизи ўртасида Алон ва ас-Сарир тоифалари, уларнинг мамлакатлари ва қалъалари жойлашган. У ўздан бошқа денгизларга туташмасдан Хазар ерига қайтади (ҚМ). Кейин Этил (Волга) дарёсининг денгизга қуйилиши ёнида Хазар вилояти томон ёйилган, сўнг Ғузлар вилоятидан (Туркманистондан ўтиб), яна Обаскунга қайтиб келади. (Ушбу) денгиз қирғоқларидаги вилоятлар номи билан юритилади, аммо бизда Хазар (номи) билан маълум, қадимий халқларда Журжон номи билан маълумдир, наинки Птоломей уни Ирқония (Гиркания)

денгизи деб атаган. Бу денгиз (биронта) бошқа денгиз билан қўшилмайди.

...Ер юзининг турли жойларида тўпланиб қолган бошқа ҳамма сувлар — ботқоқлик ва чуқурчалардир. Баъзан уларни кўл деб аташади, масалан: Шом еридаги Афомин кўли, Табария кўли, Зуфар кўли (Улик денгиз) ёки Хоразм кўли (Орол денгизи) ёки Барсхан ёнидаги Иссиқкўл (АТ).

Нил канали. Қадим замонда Қизил денгиздан Нил этагига ариқ (канал) қазишга бир неча марта уннаб кўрдилар. Сизистрат ва Доро подшолар даврида иш бошладилар. Улар узун масофани кавладилар, бу ҳозир ҳам бўлиб, унга Қулзум суви (тўлқин пайтида) кириб (тўлқин қайтганда) чиқиб кетади. Улар Қулзум сувининг кўтарилиш миқдорини ўлчаб кўриб, Қулзумнинг Нилга яқин бўлгани учун Миср дарёсини (Нилни) бузиб юбориши хавфидан қўрқиб ўз мақсадларидан қайтдилар, аммо тамом қилинмади, сабаби шуки, мабодо ариқ қазилиб бўлгандан кейин Нил сувлари Қизил денгиз сувига бурилиб кетмасин деган ваҳима тушди.

Птоломей III даврида ариқ қазиб бўлинди. Архимед мироб эди, бу вазифани бажарди, Нилга зарар етказмади. Кейинчалик византиялик ҳокимлардан бирининг (фармони билан) эронликларнинг Миср ерига бостириб киришига тўсқинлик қилмоқ учун, ариқ кўмиб ташланган (Г).

Шимолий вилоятлар. (Еттинчи иқлимнинг) нариёғидаги (шимолидаги) вилоятларнинг аҳолиси кам нуфуслидир ва улар қолоқ ҳолда (ёввойи сифат) яшайдилар. Озми-кўпми аҳоли яшайдиган (йиғиладиган) энг олис жой Юра шаҳридир. Булғордан унгача бўлган масофа ўттиз икки кундир. У ерга борадиган одамлар ёғоч ченаларга озиқ-овқат ортиб муз-қор далаларидан тортиб борадилар. Ченаларни ё ўзлари тортади ё уларнинг итлари судрайди. Сўнгакдан ҳам (чанғилар) қиладилар, буларни оёқларига боглаб, тез юрадилар. Юра халқининг олди-соттиси шундай: улар савдо молларини бир чеккага қўйиб, ўзлари узоқда туришади, (бошқа одамлардан) шунчалик ҳайиқадилар. Бу худди Куранфазлдаги денгизда Ланг ерида яшовчилар савдосига ўхшайди. Юқорида айтганимиздек биринчи иқлим ўртасида ҳам иш шундай. Чунки у, одам қаторида саналганлар яшаш жойининг бошланишидир (Г, 138).

(Атлантика) океанидан шимолга сақлаблар томонига қайриладиган денгиз бўйида ҳам одамлар бор. Бу Варанг денгизи номи билан маълумдир, чунки унинг соҳилларида шу (варанг номли) халқ яшайди. Бу мамлакат қор ва муз билан қопланган вилоятларга ёндошдир. Бу ердагилар орасида ёзда шу денгизга овга чиқадиганлари бор. Овчилар, Шимолий қутбга томон жуда узоқ (сузиб) борадиларки, у ерда қуёш (ёзи билан ботмай), ер устида айланади ва ҳар доим кўриниб туради. Ва овчилар тун бўлмайдиган жойларга етдик деб ўзаро мақтанишади (Г, 144). Еттинчи иқлим шимолида одамни совуқ ҳалок этади. У ерда совуқ қаттиқ ва узоқ вақт давом этиши, ерда қор қатламларининг мутлақо кўтарилмаслиги ёки озгина вақтгина кўтарилиши тирик мавжудот учун зарур бўлган ўсимликлар ўсишига тўсқинлик қилади, фақат бирор (табiiй) енгиллик туғилсагина ўсимлик ўсиши мумкин. Шимолдаги жойлар совуқ ва қор сабабли ободонликдан узилган (Г, 144). (Бу ерда гап қутбий доирадан шимолда содир бўладиган ёруғ тунлар тўғрисидадир. «Қор қатламларининг мутлақо кўтарилмаслиги ёки озгина вақтгина кўтарилиши»— тундра зонаси ҳамда мангу музлаган тупроқлар демакдир. Бу зонада ўсимликларнинг сийраклиги ва ёз пайтидагина бир оз кўпайиши ҳам тўғри).

Шимолий мамлакатларнинг кишилари (жанубга келиб қолганда) ҳайрон бўладилар, ҳурмо, зайтун ва бошқа дарахтлар қиш вақтида кўм-кўк ва гуллаб тураверади. Ахир (улар) бундай шароитни ўз ерларида кўрмайдилар (Г).

«Қуёш шимолий ярим шарда бўлган муддатда ҳар куни уфққа параллел бўлиб ҳаракат қилгандай айланади.

Шимолий қутбда Қуёш доимо уфқ устида кўринади. Бу муддат (шимол учун) кундуз бўлади. Жанубий қутбда (ўша пайтда) уфқда Қуёш кўринмайди. У ерда кечаси бўлади».

Бу жумлада қутб кундузи ва қутб кечаси тўғрисида гапирилган. Шу муносабат билан Маҳмуд Газнавий ҳузурида бўлган бир мунозарани эслаб ўтайлик.

Бир сира Маҳмуд ҳузурига турк мамлакатидан элчилар келиб, гап орасида, бизда кун ботмайдиган жойлар ҳам бор, дейишган. Маҳмуд бу гапга ишонмай элчиларни ёлғончиликда айблаган ва шу масалани аниқлаш

учун Абу Райҳонни чақиртирган. Абу Райҳон бу ҳодиса ҳақиқат эканлигини тушунтириб берган, шу билан элчиларни оқлаган ва жазодан қутқазган, аммо яна Маҳмуднинг газабини қўзғатган.

«Метеорология ва климатология». Абу Райҳон географиянинг энг муҳим бир соҳаси — обиҳаво ва иқлим тўғрисида кўпгина сермазмун фикрлар айтган. Унинг бу фикрлари қисман, ўзидан бурун ўтган олимларнинг меросига асосланган, кўпчилиги эса ўзи томонидан айtilган — Ўрта Осиё табиатидан олинган маҳаллий мисолларга асосланган.

Ер атмосфераси тўғрисида гапира туриб шундай дейди: «Ер юзи ҳаво билан ўралган. Сув исиганда буғга айланиб, ҳавога кўтарилади, кейин булутга айланади, унда томчиларга айланиб ёғади. Қуруқлик ва сув биргаликда шар қиёфасида бўлиб, бунинг ҳар томонини ҳаво ўраб туради» (АТ).

Атмосферанинг ниҳоятда кенг эканлигини тушуниб, уни қисмларга ҳам бўлади. Масалан, Ер билан Ой оралигини тасвирлаб, «Бу оралиқнинг пастки қисмидаги ҳавода булутлар, буғлар ҳосил бўлиб, булардан ёмғир, қор ва дўл ёғади, шудринг ва қировлар пайдо бўлади. Ҳамда булар ичида чақмоқ, момақалди роқ, Рустам камари (камалак), хирмон ва шу кабилар ҳосил бўлади» — дейди у.

Бу анча содда, лекин жуда тўғри ва илмий таърифдир, айти вақтда ёғинларнинг пайдо бўлиши тўғрисида диний изоҳларга зарба ҳам беради.

Беруний айтган «остки қисм»да, — буни ҳозир метеорология фанида тропосфера қавати дейилади, — ҳаво қатлами ҳақиқатан жуда ўзгарувчан, кўп ҳодисалар худди шу қисмда юз беради.

Берунийнинг ёғин турлари ҳақидаги фикри жуда ўринли — ҳозирги фан ҳам айти шундай таърифлайди, яъни ёмғир, қор, дўл, шудринг ва қиров — ҳаммаси бир ёғин; улар ҳаводаги сув буғларидан ҳосил бўлган.

Сув буғларининг, яъни булутлар ҳосил бўлишининг чегараси борлигини Беруний шундай ифодалайди: ердан кўтариладиган «буғларнинг чегараси бор, (буғлар) ўша баландликкача етадилар, аммо ундан (юқорига) ўтмайдилар» («Осори боқия», 282-бет).

Берунийнинг: булут, ёмғир, дўл ичида чақмоқ, момақалди роқ, Рустам камари ҳосил бўлади дейиши — XI

аср Ўрта Осиё фани учун катта илмий мулоҳаза ҳисобланиши керак, чунки табиатнинг бу хил ҳодисаларига фақат илоҳий куч сабаб қилинган бир даврда, Беруний буларни фақат табиатга боғлаб изоҳлайди.

Румларнинг календариди, элул (сентябрь) ойининг ўн олтинчисида «Айтадиларким: бу кун эсан шамоллар асабийдир. Бу кунда (осмондаги) булутларга қараса — одамнинг танасини қуритади ва руҳини туширади. Мен ўйлайманки, бунинг сабаби совуқдан ҳайиқиш ва яхши ҳавонинг кетаётганидан ташвишланишдир.

... Яна айтадиларким, шу кунга ўтар кечаси денгиз сувлари чучук бўлиб қолади. Аммо бундай бўлиши мумкин эмас» («Осория боқия», 301-бет).

«Сувларнинг хоссалари фақат унинг ердаги ўрнига боғлиқ... Бу хоссалар сув учун доимийдир. (Агар) ўзгарса аста-секин ўзгаради, даврма-давр ўзгаради, унга бир қанча сабаблар бор. Шунга кўра, сувлар бир соат ичида чучук бўлиб қоладилар дейишга ҳеч қандай асос йўқ.

Ахир сувлар чучук бўлиб қолса, улар бир неча вақт шу ҳолатда (чучук) туриши керак-ку. Турли вақтларда тажриба қилиб кўрилса, ундай даъвонинг ёлғонлиги кўринади» («Осори боқия», 273-бет).

Берунийнинг «охирги совуқ» назарияси ҳам қизиқ. У айтади: «Одамлар шунга ҳайрон бўлиб ажабланмасинларки, (қиш) охиридаги совуқ қаттиқ бўлади, кетиш олдида анча зўраяди. Бу ҳодиса иссиқликка ҳам хосдир...».

Яна, Беруний асариди, «денгиз остидаги шамол» ҳақида гапирилади. «Айтадиларким, денгиз остига шамол кириб қолади ва уни тўлқинлантиради. Бу ҳолатни алла қандай бир балиқдан биладилар. У балиқнинг денгиз юзасига сакраб чиқиши денгиз остида шамол юраётганидан дарак беради» («Осори боқия», 269-бет).

Бизнингча, бу денгиз остидаги оқим бўлса керак. Бундай оқимлар ҳақиқатан бор, айниқса бўғозларда сув юзасидаги оқим ва сув остидаги тескари оқим борлиги аниқ.

Беруний иқлим ва обиҳавога доир сўз ва ибораларни жуда билиб ишлатадики, шу фаннинг тилини мукамал билганлиги ўз-ўзидан аён. Масалан, кундалик ҳавога баҳо берганда шундай дейди: қиш ҳавоси, қиш шиддатли ҳавоси, турғун ҳаво, совуқ шимолий шамол, ўзгарувчан шамол, дайди шамол.

Биз ҳозир фанда бу сўзларни ўртача ҳаво, Арктика ҳавоси, антициклон (ва ҳоказо) деб тушунишимиз керак. Демак, Беруний ўша замондаёқ ҳаволарни турларга бўлиб (классификация қилиб), уларнинг хусусиятларини тушунган.

Берунийнинг муҳим илмий фазилатларидан бири шуки, у кўпинча қиёсий усулини қўлланади, яъни бошқа жойлар табиатини гапира туриб, ўз ватани — Хоразм билан таққослайди ва бошқа олимларнинг фикрларини баён қила туриб, ўзининг кузатишларини айтиб беради.

Мана бир-икки мисол:

Бу ҳодиса «...Ироқ билан Суриянинг обиҳавосигагина хос бўлса керак. Бошқа жойлар ундан фарқ қилади. Бизда (масалан), Хоразмда (ноябрдан) олдин ҳам ёмғир ёғади. Ибн Хурдодбех ўзининг «Масолик ва мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар») китобида, Ҳижоз ва Яманда июнь, июль, август ва қисман сентябрда ҳам ёмғирлар бўлади, деб ёзган. Мен ёз ойларида Журжонда (Қаспий жанубида) эдим, сурункасига ўн кун мобайнида осмон очиқ бўлиб, булутлар тарқаб, ёғин тўхтаганини билмайман. Бу (жуда) серёмғир жой... Бу ерда сўналардан тиним йўқ эди.

Табаристонга (Қаспий жанубига) қанча яқин турилса, у жойда ҳаво шунчалик нам ва серёмғирдир» («Осори боқия», 268-бет).

Беруний шу ерда яна бир мисолни келтиради: «Ҳукмдорлардан бири, Озарбайжонда қирқ кун турипти-ку, бир кун ҳам ёмғир тўхтамапти. Шунда ҳоқим: «Мени бу шалтоқ-шалаббо мамлакатдан олиб кетинг, деб буюрган экан...»

Берунийнинг иқлим соҳасидаги назарий таълимоти жуда қимматли ва асосли, биз унга алоҳида тўхталамиз. Бу таълимотнинг мазмунини қуйидаги бир жумлада мужассамдир:

Ҳавонинг ҳолати «...мазкур жойнинг табиатига боғлиқ, унинг тоғларга ёки денгиз бўйида турганлигига (боғлиқ), шунингдек жойнинг баланд-пастлиги ва қайси кенгликда, шимолроқдами ёки жануброқдами, ўрнашганига боғлиқ» («Осори боқия», 269-бет).

Бу жумланинг маъноси шуки, ҳар бир жойнинг иқлими:

1) шу жойнинг ер юзаси, тупроғи ва ўсимликларига боғлиқ,

2) жойнинг тоғларга яқинлигига ва океанга яқинлигига,

3) жойнинг океан юзасидан неча метр баландда ёки пастда турганлигига,

4) қайси географик кенгликда (параллелда) ўрнашганига боғлиқ.

Иқлимга бундан ортиқ талаб қўйиб бўлмас. Ҳозирги замон фани ҳам иқлимга айти шундай изоҳлар беради.

Бошқа бир китобида: бирон ерга ёғин тушиш-тушмаслиги тўғрисида аниқ тасаввур олмақ учун, шу жойдаги «тоғларнинг ҳолатини, шамоллар қандай эсишини ва булутлар ҳаракатини ўрганиш керак» дейди («Минералогия»).

«Аниқки, ёғин (бизнинг мамлакатларда) қишда кўпроқ ёғади, ёзда камроқ, тоғларда кўпроқ, текисликларда камроқ» (Осори боқия», 287-бет).

Ёғиннинг оз-кўплигига:

1) тоғларнинг ҳолати, баланд-пастлиги, кўндаланг ёки бўйлама жойлашганлиги,

2) «шамоллар қандай эсиши» — қайси томондан келиши, кучи,

3) булутлар ҳаракати, паст-баландлиги, қалин-сийраклиги, сернамлиги таъсир этади ва ҳоказо.

Ҳатто: Беруний иборасидаги шамоллар ва булутлар сўзлари ҳозирги фан тилида циклон ҳаракати деган маънога яқиндир.

Шу билан бирга, Беруний ер юзида, албатта, унга маълум бўлган шимолий ярим шарда, ғарбий шамоллар қаттиқроқ эканлигини таъкидлайди. Бу, эҳтимол, ғарбий ҳаво оқимларининг ҳукмронлигига шамадир — фанда бу нарса ҳақиқат.

Беруний фенология соҳасига ҳам катта эътибор берган. Унинг асарларида ҳайвонотнинг табиат билан алоқаси ҳақида мисоллар келтирилади.

Масалан: «Бу кун калхатлар, қўзғунлар ва лочинлар (тоғлардан) пастга тушади, чумолилар ўз уясига кириб кетади».

«Яна айтадиларки, шу куни дарахт қирқилса, унда қуртлар бўлмайди ва унга катта чумолилар тўдаси ёпирилмайди».

«Бу кунда қурбақалар вақиллай бошлайди».

Бу совуқ кунда «...илонлар кўзини очади. Мен Хо-

размда ўз кўзим билан кўрдимки, илонлар ер остида тўпланишиб, бир-бирининг теварагига чамбарак бўлади ва кўп жойлари ташқарига чиқиб туради, улар юмалоқ нарсага ўхшаб қолади. Улар (март ўрталари) вақти келгунча» шу ҳолатда қиш бўйи ётади («Осори боқия», 283-бет).

* * *

Беруний табиат «мўъжизалар»ига ишонгиси келмаган, миш-миш ривоятларни дадиллик билан фош қилиб турган.

«... Абу Бакр ар-Розий (X аср боши): гўё турклар мамлакатида халлухлар билан бажанакларнинг (ерлари) ўртасида бир дара бор, ундан қўшин ёки қўй подаси ўтадиган бўлса, тошлар бир-бирига урилмасин деб, (одамларнинг оёқларини ва) ҳайвонларнинг туёқларини тивитга ўраб қўядилар ва уларни аста-аста юргизадилар. Бўлмаса, қора туман кўтарилиб, қаттиқ жала қуяди. (Булар яда тошидир). Турклар шуларни авраб, хоҳлаган вақтда ёмғир ёғдирадилар: уларнинг эркакларидан бири сувга тушиб, ўша дарадан олинган тошни оғзига солади ва қўлларини силкитади, ана шу пайтда ёмғир ёға бошлайди, деб ёзади» дейди Беруний ва бу мўъжизалардан кулиб, бир воқеани ҳикоя қилади.

«Кунлардан бир кун бир турк менга (ёмғир чақирадиган) шундай тошлардан бир нечтасини келтирди, мени ҳайратда қолдирмоқчи бўлди ва бу тошни ҳеч савдолашмасдан (суриштирмасдан) олади деб ўйлади. Аммо мен унга: «Ёмғир ёғмаётган вақтда ёки мен хоҳлаган соатда шу тош билан ёмғир чақириб кўрчи, шунда мен тошни сотиб оламан ва сенга муддаоинг нима бўлса ва ҳатто ундан ортиқроқ (пулини) бераман» дедим ва у одам, боя мен ҳикоя қилганимдек, ҳаракат қила бошлади: тошни сувга тикди, олиб осмонга отди, алланималарни пичир-пичир қилиб, ғулдирар ва қичқирар эди. Лекин унинг бу ҳаракатидан бир томчи ҳам ёмғир тушмади... Шуниси ҳам ажабланарлики, бу тош тўғрисидаги (уйдирма) ҳикоялар олимлар орасида ҳам тарқалган ва унга ҳатто ҳурматли зотлар ҳам ишонишади.

Ушанда менинг, ёнимда турган кишилардан баъзилари ўша туркни оқламоқчи бўлдилар. Улар: «Бу тошлар фақат турклар мамлакатида ёмғир ёғдиради» дер эдилар.

(Яна) Табаристон тоғларининг бирор чўққисиди сас-сиқ саримсоқни эзиб янчган заҳоти ёмғир ёғиши ҳақидаги ҳикояни рўкач қилар эдилар. Агар у ерларда ҳайвон ёки одамларнинг қони кўп тўкилса, ёмғир ёғар ва қонни ер сиртидан ҳамда ўликларнинг юзидан ювиб кетар эмиш, Мисрда эса ҳар қандай тадбир қилинса ҳам бари бир ёмғир ёғмас эмиш.

Мен уларга: «Бунда ҳамма гап тоғларнинг жойланиши, шамолнинг эсиши ва денгиз томонидан келаётган булутларнинг йўналишидадир» дедим («Минерология»).

«Ойни тутилтирувчи Ернинг сояси ва Қуёшни тутилтирувчи ойдир...

Ойнинг тутилишига сабаб унинг сояга кирмаклигидир. Қуёшнинг тутилиши Ой билан Қуёшнинг тўсилишидир. Марварид билан тезакни ажрата олмайдиган (баъзилар) айтадики, агар тутилиш вақтида бирон табиий офат юз берса — келгуси тутилиш чўзилар эмиш: (дейдиларки) шамол турса 6 ой кейин тутилади, ҳаво тўзон бўлса 18 ой кейин тутилади, ер қимирласа 24 ой кейин, дўл ёғса 36 ой кейин яна тутилади.

Бу сўзларга жавоб ўрнига индамасликни лойиқроқ кўраман» («Ҳиндистон», 438).

ШАРҚ ГЕОГРАФИЯСИДА «ЕТТИ ИҚЛИМ» ВА «МАЪМУРА» ТУШУНЧАЛАРИ

Ўзбек тилида «иқлим» сўзининг икки маъноси бор. Биринчи — ҳар бир жойга хос бўлган обиҳаво шароитлари йиғиндисини билдирувчи «иссиқ иқлим», «салқин иқлим», «ўртача иқлим», «қуруқ иқлим», «нам иқлим» маъносидаги сўздир. Бу биз учун бирмунча янги тушунча бўлиб, асосан, табиёт ва география фанлари билан ўзлашиб қолди. «Иқлим» сўзининг иккинчи маъноси халқимиз орасида жуда қадимдан маълум бўлиб келган, ўрта аср олимларимизнинг асарларида кўп ишлатилган сўздир. Қуйида фақат шу сўнги «иқлим» тўғрисида фикр юритамиз.

«Иқлим» сўзи аслда юнонча, «клима» сўзидан олинган. «Қлима» нинг маъноси ер юзасининг қуёш нурларига қиялиги демакдир. Ана шу қиялик оқибатида ер юзида жойларнинг табиати ҳам ҳар хил бўлади, шунга кўра юнон олимларининг асарларида, жумладан маш-

ҳур географ Эратосфеннинг китобида дунё 7 қисмга бўлинган ва ҳар бири «климат» деб аталган.

Юнон олимларининг китоблари дастлаб араб тилига таржима қилинганида «климат» сўзи «иқлим» тарзида ёзилиб кетган. Шундай қилиб, Шарқ географиясида ҳам дунёнинг табиати турли бўлган қисмлари «иқлим» сўзи билан аталган. Ҳозирги тил билан айтганда «иқлим» тушунчаси «табиат зонаси», «ландшафт зонаси» деган маънога бирмунча мос келади.

Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, дунёнинг етти табиий қисмга бўлиниши мутлақо қадимги юнон фанининг хизмати эмас, балки Ўрта Осиё ва Эрондан чиққан тушунчадир. Бунинг қисқача тарихи Абу Райҳон Берунийнинг «Ат-Тафҳим», «Қонуни Масъудий» ва «Геодезия» китобларида баён этилишича шундай:

Ернинг турли тоифадаги кишилар яшайдиган жойларига қараб қисмларга бўлиниши ҳар миллат қошида ҳар хилдир (ҚМ).

Қадим замоннинг афсонавий қаҳрамони Африду дунёни уч қисмга тақсимлаган: бир ўғлига Шарқ (Хитой ва Турк ерлари)ни, иккинчисига — Рум ва Мағриб (Кичик Осиё билан Африканинг шимоли ғарби)ни ва учинчисига — ўрта ерлар (Эрон, Турон, Ҳинд)ни ажратиб берган.

Юнонлар ҳам Ерни учга бўлиб, шарқдаги катта қисмга Осиё, ғарбдаги кичикроқ қисмларига Уруба (Европа) ва Либия (Ливия, Шимолий Африка) деб ном берганлар.

Қадимги эронликлар эса Ерни етти қисмга бўлган эдилар, ҳар бир қисми кишвар деб атаганлар (АТ).

Форсий тилида «хат» маъносида бўлган «кишвар» лафздан олинган. Гўё ёзилган хатлар билан бир-биридан ажралиб (имтиёзли бўлиб) тургандек, бу шаҳарлар ҳам бир-биридан ажралиб турибди, демоқчи бўлган. Уларнинг биринчиси — восита, у ҳам бўлса Эроншаҳрдир (Ироқ, Форс, Жибол, Хуросон). Лекин улар уни восита бўлсин учун санашда тўртинчи ўринга қўйганлар. Мана уларнинг тасвири ва бир-биридан ажралиб туриши (Г, 134-бет).

Ҳиндлар эса Ерни тўққиз бўлакка — кондаларга тақсимлаганлар (АТ).

Берунийнинг бу маълумотларидан шундай хулосага келиш мумкинки, турли халқлар Ернинг табиати, аҳоли-

си ва давлатларига қараб азалдан «районлаштириб» келганлар. Ерни етти қисмга бўлиш эса, аввало, Эрон ва Урта Осиё халқлари орасида туғилиб, сўнгра Ғарбий Осиё халқларига, улардан юнонларга ўтган; ўрта аср бошларида бу «етти қисм» тушунчаси яна Шарққа қайтиб келиб, «етти иқлим» номи билан аталиб кетган.


Дунёнинг етти иқлими — ғарбдан шарққа қараб, горизонтал равишда параллеллар бўйлаб чўзилган турли географик зоналардан иборатдир. Бу иқлимларнинг чегаралари ва уларга қарашли мамлакатлар тўғрисида ўнлаб китоблар ёзилган, турли-туман жадваллар чизилган. Турли олимларнинг фикрлари баъзан бир-биридан фарқ қилади. Аммо иқлимлар тўғрисида энг маъқул ва оқил маълумотларни буюк олим Абу Райҳон Беруний ёзган китоблардан топишимиз мумкин.

«Геодезия» китобида иқлимларни шундай таърифлайди. «Албатта, бу тақсимлашнинг табиий ҳолатлар тартибига, ҳайъат илми қонунларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу инсонлар суратлари, ахлоқлари, тил ва динлари турлича бўлишига асосан бир-биридан фарқ қиладиган мамлакатлар бўйича ёки ўша инсонларни мажбуран ўз ихтосасига олувчи шахслар бўйича бўлгандир. Аммо юнонлар ва бошқа шулар каби Мағриб аҳллари урунган ҳамма нарсаларида тўғрироқ ва ҳақиқатга яқинроқ йўллари қўлланганлари учун улар Машриқ билан Мағриб орасини мувозанат қилиш йўлига тушиб, иттифоқо тоғлар, денгизлар ва шу иккаласига шамолнинг эсадиган ерлари жиҳатидангина ихтилоф борлигини топганлар. Шимолий қутб томонга ва ундан юришда аҳволни мулоҳаза қилганда ҳавонинг иссиқ ва совуқлиги, қуёш ва юлдуз (кавқаб) ларнинг азимут устидан оғиши, қутб ва унинг атрофидаги юлдузларнинг юқорига кўтарилиши ва ўша юришга мувофиқ кечанинг кундузга ўралишида ихтилоф борлигини топганлар. Улар одам яшайдиган ерни аниқроқ бўлган ихтилофга мувофиқ, шу (у ҳам бўлса кеча ва кундуз орасидаги) бир-бирига рўбарў бўлган чизиқлар билан етти иқлимга бўлганлар. У чизиқлар Машриқда маъмур ерларнинг энг узоғидан тортиб, Мағрибнинг охирига боради. Улар биринчи иқлимнинг ўртасидан бошлаб унинг энг узунни ўн уч соат бўладиган ёз кунни, иккинчи иқлимнинг ўртасини энг узунни ўн уч ярим соат бўладиган ёзнинг кунига илаштирдилар. Шундай қилиб, иқлимнинг ўртасини ярим соатдан оши-

риб-ошириб бориб, энг узуни 16 соат бўладиган ёз кунига илаштирдилар» (Г, 135—136-бетлар).

Берунийнинг «Ат-Тафҳим» китобида иқлимлар тўғрисида махсус боб бор. «Геодезия» китобида эса етти иқлимнинг мукаммал схемаси баён этилган.

تقسيم الارض الى سبع اقاليم
 بقوله في التدبير بايج الحكيم كذلك وهو اقليم و هو صورته و انفسال




Беруний ўз асарларининг рўйхатида «Шаҳарларнинг узунлик ва кенглик маълумотлари тўғрисидаги китобларим» сарлавҳаси остида иқлимларнинг тақсимланиши тўғрисида асарлар ёзганлигини кўрсатган.

Ўқут, Берунийнинг иқлимлар тақсимоти тўғрисида 1030 йилда ёзилган ва автор ўзи кўчирган нусхасини

кўрган ва ўқиган. Афсуски, бу китобларнинг қўлёзмалари йўқолиб кетган бўлса керак, чунки жаҳоннинг бирон кутубхонасида топилгани йўқ.

Берунийнинг энг катта асари — «Қонуни Масъудий» бўлиб, унинг бешинчи мақола, IX ва X боблари тамомила шу иқлим-зоналарга бағишланган.

Беруний китобидаги жадваллар асосида иқлим-зоналар тақсимотини қуйидагича кўрсатиш мумкин.



«Иқлимлар баёни муҳим нарса. Бу тўғрида ихтилоф бўлмаслиги керак. Ҳолбуки нусхаларини кўчиришда бузилган жадваллар кўп» дейди. Беруний ва «Қонуни Масъудий» китобида иқлимларнинг чегараларини шундай белгилайди:

Берунийнинг айтишича, баъзилар «иқлим» деб ноҳия ва рустоқни тушунадилар. «Ҳақиқатан, кенглик бўйлаб (жанубдан шимолга) юрганда тупроғи, суви, нози-неъматлари ва халқи жиҳатидан фарқ қилади.

| Иқлимлар | Жанубий чегараси | Шимолий чегараси | Энг узун кун (соат) |
|----------------|---------------------|---------------------|------------------------|
| Биринчи иқлим | 12 40' | 20°27' | 12 с 45 м |
| Иккинчи иқлим | 20°27' | 27°30' | 13 с 15 м |
| Учинчи иқлим | 27°30' | 33°38' | 13 с 45 м |
| Тўртинчи иқлим | 33 38' | 38°54' | 14 с 15 м |
| Бешинчи иқлим | 38°54' | 43°22' | 14 с 45 м |
| Олтинчи иқлим | 43°22' | 47°12' | 15 с 15 м |
| Еттинчи иқлим | 47°12' | 50°20' | 15 с 45 м |

Агар иқлимлар еттига бўлинса, ўртаси тўртинчи иқлимдир. Иқлимлар ўртасида ярим соатдан фарқ бор. Бир иқлимнинг ўзида боши билан охири ўртасида чорак соатдан фарқ қилади».

Берунийнинг ёзишича, экваторнинг ўзида ва атрофида ҳам, ундан жанубида ҳам мамлакатлар бор. Жумладан: Ой тоғлари (Марказий Африканинг баланд тоғлари), Нил манбаи, Занжилар мамлакати, Сарира ороли (Суматра), Зова ороли (Ява), Сарандиб (Цейлон) кабилар.

Биринчи иқлимдаги мамлакатлар — Судон, Яман, Уммон, Жанубий Ҳиндистон, Хитойнинг энг жануби (Ҳиндихитой).

Иккинчи иқлимдаги мамлакатлар — Мағриб (Марокаш), Ифриқийё (Тунис, Ливия), Миср ва Асвон, Ўрта Арабистон, Макрон, Синд, Ўрта Ҳиндистон, Жанубий Хитой.

Учинчи иқлимдаги мамлакатлар — Африканинг энг шимоли, Искандария ва Нил дельтаси, Фаластин, Иордания, Сурия, Ироқ, Форс (Жанубий Эрон), Сейистон, Шимолий Ҳиндистон.

Тўртинчи иқлимдаги мамлакатлар — Зуқоқ (Гибралтар), Андалус (Жанубий Испания), Греция ороллари, Рум (Кичик Осиё), Озарбайжон (Табриз), Дайлам ва Табаристон (Каспий жануби), Хуросон, Балх ва Тўхористон (Термиз атрофлари), Бадахшон, Кобул, Кашмир, Тибет, Ўрта Хитой.

Бешинчи иқлимдаги мамлакатлар — Галисия (Шимолий Испания), Шимолий Рум, Армания, Дарбанд, Хазар денгизи (Каспий), Хоразм, Бухоро, Сўғд (Самарқанд), Шош (Тошкент), Фарғона, Исфижоб (Чимкент—Сайрам), Қашқар.

Олтинчи иқлимдаги мамлакатлар — Франк (Ўрта Европа), Хазарлар (Волга этаги), Турклар мамлакати.

Еттинчи иқлимдаги мамлакатлар — Варанг (Балтика), Сақлаб (Славянлар), Руслар, Булғор ва Сувор (Ўрта Волга), бажанак ва ғузлар ери.

Шарқ олимлари чизган баъзи географик карталарнинг ён томонларида иқлим кўрсаткичлари ҳам бор, параллелларнинг орасига қайси иқлимга қарашли эканлиги ёзиб қўйилган.

Савол туғилиши мумкин: қадимги Шарқ географлари қўлланган иқлимларнинг чегаралари ҳозирги табиий географик зоналарга тўғри келадими? Йўқ, албатта. Чунки ҳозирги табиат зоналарининг чегараларини аниқлашда ва табиий географик районлаштиришда ер юзасининг жуда кўп хоссалари — паст-баландлиги, иқлими, тупроқ-ўсимликлари ва ҳоказолар эътиборга олинади. Ҳолбуки, илгариги «иқлим» доиралари анча схематик бўлиб, чегаралари асосан тўғри чизик билан ўтказилган, яъни рельеф, иқлим, тупроқлар унча эътиборга олинмаган. Шундай камчиликлари бўлса-да, Ерни иқлимларга бўлиш — ер юзасини географик зоналарга ажратишнинг дастлабки босқичи эди ва ўша замон географиясида маълум бир тартиб ўрнатган эди. Биз ҳозир ўша (иқлимларга) фақат тарихий тушунча дебгина қарашимиз керак.

Бу «етти иқлим» — ер юзид а одамлар яшайдиган, обод жойлардир. Шулар «маъмура» ёки «рубъи маскун» деб аталган. Маъмура сўзи «Бобирномада» ҳам ишлатилади. Масалан, «Фарғона вилояти бешинчи иқлимдандир. Маъмуранинг канорасида воқиб бўлибтур» (59-бет).

Рубъи маскун дейилишининг сабаби шуки, олимларимиз шарқий ярим шарни 4 чоракка (рубъ) бўлганлар, шунинг бир чораги обод, аҳоли жойлашган деб ҳисобланган. Рубъи маскун — «ернинг обод чораги», «одамлар турадиган чорак қисми» деган маънодадир. Бу тушунча ҳам, албатта, ҳозирги географияга мувофиқ эмас. Лекин Шарқ географияси тарихи учун муҳим бир тушунчадир.

ДУНЕ КАРТАСИ

Берунийнинг «ат-Тафҳим» китоби ичида «Денгизларнинг чегаралари» бобида дунё картаси илова қилинган.

Бундай карта шу китобнинг барча нусхаларида бор, аммо ҳаммасида ҳар хил шаклда. Биз 8 тасини кўришга муяссар бўлдик. Шуларни таққослаб чиқайлик.

1-карта Оксфорд шаҳридаги Бодлеян кутубхонасида сақланаётган Беруний китобидан (№MS 540, саҳифа 64). Бунда қуруқлик ва денгизларнинг қиёфаси китоб текстига ҳам, бошқа нусхалардагига ҳам сира тўғри келмайди. Қулзум денгизи (Қизил денгиз) умуман йўқ, фақат Қулзум шаҳри белгиланган. Бўнтус (Қора) денгизнинг ёзуви бор, ўзи ажратиб кўрсатилмаган. Бир қанча ёзувлар ўз ўрнига тушмаган.




Мисрлик Юсуф Камолнинг «Картография ёдгорликлари» номли йирик асарида «ат-Тафҳим» дан олинган 4 хил карта намойиш қилинган⁶⁸.

2-карта Берлин давлат кутубхонасидаги (№MS 5666 қўлёзмадан, варақ 37; 1238 йилда кўчирилган) нусха. Унда маъмуранинг ғарбий томони бетайин, Урта денгиз

мутлақо ўхшамайди. Бир қанча номлар таваккал ёзилган. Ҳиндистон номи жуда шарқда. Қулзум номи эса материк ичида, Қизил денгиз билан Ўрта денгиз ораси Балтика билан Каспий орасидай узоқ. Бўнтус денгизининг номи бор, ўзи йўқ.

Айни шу карта ислом энциклопедиясида ҳам намуна тариқасида кўрсатилган⁶⁹.

3-карта Британия музейидаги (№MS OR 8349 қўлёзмадан, варақ 58, XIV асрда кўчирилган) нусха. Унинг ҳам камчиликлари кўп. Денгиз ва қуруқликнинг қиёфаси бузиб кўрсатилган. Ҳиндихитой билан Ҳиндистон битта яриморол бўлиб қолган. Қора денгиз бўғозлари йўқ.



Ёзувлари ўз ўрнида эмас. Масалан, Хуросон Хитойнинг ёнига тушган. Ҳиндистон Макрондан жуда йироқда. Мағриб қора даштлари, Мағриб шаҳарлари, Ироқ, Жануб томон, Зангшон ороллари мутлақо ёзилмаган. Икки жой-

га бир хил! Жазоир аз-Занж деб ёзилган, бунинг бири Жазоир аз-Забаж бўлиши лозим эди.

4-карта Оксфорд шаҳридаги Бодлеян кутубхонасидаги (№OR 281 қўлёзма, варақ 39, 1400 йилда кўчирилган) нусха. Бу карта жуда ҳам тахминий, доира ва чизиқларни чизган ҳаттот уларнинг маъносини билмай, қуруқлик ва денгизнинг фарқига етмаган. Осие ҳам, Африка ҳам ўзига ўхшамайди. Бу картада славянлар ва руслар денгизда яшайдигандай кўрсатилган.

Туркий қабилалар Испания билан Скандинавия орасига тушиб қолган, хазарлар эса Каспий денгизининг жанубига «ўтиб кетган».

5-карта — Берлин давлат кутубхонасидаги (№MS 5665 қўлёзмадан, варақ 36; 1430 йилда кўчирилган) нусха.

Ниҳоятда схематик ишланган. Ёзувлари ўз ўринларида эмас. Андалус (Испания) Балтика ёнида. Африкага тегишли номлар (Сўфола, Рос Барбар) денгиз ўртасида. Ҳиндистон билан Ҳиндихитой бирлашиб кетган.

6-карта — «ат-Тафҳим» нинг Тяхрон нашридан (саҳифа 169). Ҳумойнинг ёзишича, бу Тяхрон кутубхоналаридаги «ат-Тафҳим» қўлёзмалари ичида энг яхшиси.

Ҳақиқатан ҳам Беруний китобидаги тасвирга бирмунча мос. Аммо картада ёзувлар ўз ўрнида эмас. Шимолий океан шарқда, Шарқий океан эса—жануби шарқда. Хуросон Каспийдан узоқлашиб кетган, «Турк қабилалари» Узоқ Шарққа сурилган, хазарлар эса Балтика бўйларида, Европа, Африка ва Арабистоннинг қирғоқлари сунъий равишда тўғри қилиб чизилган, ҳолбуки Беруний китобида бу қирғоқларнинг тўғрилиги ҳақида айтилмаган.


7-карта — Душанба қўлёзмасидан (Тожикистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар бўлими, № 385), саҳифа 103, тожик тилида, Картанинг диаметри 9 см, доиралар қизил рангда, ёзувлари қора рангда. Қирғоқларнинг қиёфаси ўхшамайди. Хусусан Европа ва Африка жуда ҳам тахминий. Қизил денгиз йўқ. Хуросон Каспийнинг шимолида, Балтикага яқин.

8-карта — «ат-Тафҳим» китобининг Тошкент қўлёзмасидан. Ўз ФАШИ, инв. № 3423, варақ 81 б.

Бу картанинг диаметри 12,5 см, айланаси ва қирғоқлари қизил сиёҳда қалин қилиб чизилган.

Карта 1257 йилда кўчирилган. Кўришиб турибдики, ҳатто картографиядан хийла саводли киши бўлган: ҳамма номлари ўз ўрнида, ёзувлари тўғри ва бошқа карталарга нисбатан кўпроқ. Гибралтар ва Қора денгиз бўғозлари равшан.

Тожиқча ёзилган шу картани ўзбекча таржимасини ҳам бердик. Оригинал тескари — паст томони шимол, юқориси жануб бўлса, ўзбекчасида уни айлантириб: юқориси шимол, пастини жануб қилиб чиздик.



Абу Райҳон Берунийнинг «ат-Тафҳим» китобидаги дунё картасининг юқоридаги 8 хил варианти бир-бирига таққосланганда хийла тафовут кўрилди. Бундай хилма-хилликнинг сабабини Беруний ўзи айтиб кетган: «Маъ-

лумки, китобларда тасвирланган суратлар, гарчи уларнинг шакллари аниқланган, кўгинишларига диққат қилинган бўлса ҳам, кетма-кет нусха олиш ва кўп марта кўчириш пайтида улар ўзгариб, бир ҳолатда қолмаган, балки паргар (циркуль) ва чизғичлар билан кўчирилса ҳам бузилиб, нобуд бўлган» («Картография», 2—3-бет). Иккинчидан, Тошкент нусхаси китоб текстига энг мувофиқ, ёзувлари кўпроқ, шакли тўғрироқдир, шунинг учун Беруний ўзи чизган оригинал картага энг ўхшаши деб биламиз.

Берунийнинг китобида шундай дунё картаси ҳақиқатан ҳам бўлганлигини, қўлёзманинг ҳамма нусхаларида карта борлиги ва Ёқут ҳам шундай картани ўзи кўрганлиги бемалол исботлайди.

Энди шу Тошкент нусхасидаги картага ёзилган номларга изоҳ бериб чиқайлик. Йўл-йўлакай бошқа нусхалардан ҳам айрим мисоллар олинади.

Аввал оригиналдаги номи берилди, қавс ичида ўзбекча транскрипцияси, ундан кейин изоҳ, ҳаммага маълум бўлган номларгина изоҳсиз қолдирилди.

1. Ноҳияти жануб (жануб томон).

2—3. Уқиёнус — Муҳити Мағрибий (Уқиёнус — Мағриб муҳити) — Атлантика океани Уқиёнус деб айтилган. Айни вақтда уни Фарбий океан ҳам деганлар. «Муҳит» сўзи сувга нисбатан «Ураб туврвчи», «чегараланган» маъносидадир.

4. Дарёи муҳити Шимолий (Шимолий муҳит денгизи) — Шимолий Муз океани.

5. Дарёи муҳити Шарқий (Шарқий Муҳит денгизи) — Шарқий океан, Тинч океан.

6. Дарёи Варанг (Варанг денгизи) — Балтика денгизи. «Варанг» русча «варяг» (скандинавлар) сўзига мувофиқ. Руслар ҳам Балтикани ўрта асрларда баъзан «Варяжское море» деб атаганлар.

Шарқ географлари Балтикани кўпинча Шимолий океаннинг бир денгизи деб тасаввур этганлар. Берунийда ҳам Варанг денгизи Шимолий Муҳитнинг бир қўлтиғига ўхшаб чизилган.

7. Зуқоқ — арабча «кўча», «йўлак», «ўткил» деган сўз. Бу ерда Ўрта денгиздан Атлантикага ўтадиган йўл — Гибралтар бўғозидир.

8. Дарёи Шом (Шом денгизи) — Ҷрта денгизнинг номларидан бири. Бошқа номлари: Рум денгизи, Искандария денгизи, Мағриб денгизи, Миср денгизи, Фаранж денгизи, Оқ денгиз ва ҳоказо.
9. Дарёи Бўнтус (Бунтус денгизи) — Қора денгиз. Уни грекча Понтос, Понтида деганлар, ўшандан Бўнтус номи ясалган. 5-картада Фўнтус. Китоб текстиде буни Трабзунд денгизи дейилган. Бошқа авторларда Рус денгизи, Булғор денгизи деган номлари ҳам бор.
10. Баҳри Барбара (Барбара денгизи) — Адан қўлтиғи ва Сомали қирғоқлари, 1-картада қўшимча ном бор: «Рос Барбара» (Барбара бурни) — Сомали ярим оролининг тумшуғи бўлиши керак.
11. Дарёи Форс (Форс денгизи) — Арабистон денгизи, Форс қўлтиғи ҳам (уни баъзан Басра қўлтиғи дейилади) шунинг ичиде. «Ҳиндистон» китобида Лор денгизи дейилган. Бошқа авторларда Уммон денгизи дейилади.
12. Жазираҳои Зангшон (Зангшон ороллари) 1, 2, 3-карталарда Занж ороллари деб ёзилган, Ҳинд океанининг ғарбий ороллари, Мадагаскар ҳам шунинг ичиде.
13. Жозираҳои Дива (Дива ороллари) — Ҳинд океанидаги Мальдив ва Лаккадив ороллари, 1, 2, 3, 4-карталарда Дибажат ороллари деб ёзилган. «Ҳиндистон» китобида: «Ҳиндлар тилида «дип» (Двипа) — «орол» демакдир, ад-Дибажат дейишига сабаб — кўп ороллар демакдир (223-бет).
14. Жазираҳои Зова (Зова ороллари) -- Ява ороли, умуман Ҳинд океанининг шарқий ороллари.
15. Дарёи Гургон (Гургон денгизи) — Қаспий денгизи.
16. Чин.
17. Ҳиндувон (ҳиндулар).
18. Жинсҳои Туркон (Туркий қабилалар) — Сибирь, Волга — Байкал оралиғи.
19. Хазарон (хазарлар) — Волга бўйи.
20. Хуросон — Эрон ва Афғонистоннинг шимоли ва Туркманистоннинг жануби.

21. Шаҳарҳои Форс — Жанубий Эрон шаҳарлари.
22. Макрон — Эрон ва Покистоннинг денгиз соҳили.
23. Уммон — Арабистон ярим оролининг шарқий соҳили.
24. Ироқ.
25. Замини бодия (Чўл ер) — Арабистоннинг жанубий чўли.
26. Адан.
27. Қулзум — Қизил денгиз шимолидаги ўрта аср порт шаҳри, ҳозирги Суэц (Сувайш) ёнида бўлган.
28. Шом — Сурия.
29. Замини Миср — Миср.
30. Искандария.
31. Шаҳарҳои Мағриб — Шимоли ғарбий Африка шаҳарлари.
32. Даштҳои Сиёхони Мағриб (Мағриб Қора даштлари). 1-картада «Судон даштлари», 2,5-карталарда — «Ғарбий Судон даштлари», деб ёзилган — Саҳрои Кабир ва Судан.
33. Кўҳҳои Қамар (Ой тоғлари) — аслда афсонавий тоғлар бўлса ҳам тахминан Нил дарёсининг бошларига (Рувенцори, Кения тоғларига) қиёс қилиш ўринлидир.
34. Сўфолат уз-Занж — Африканинг жануби шарқий соҳили.
35. Андалус — Испания, унинг жанубий, Андалузия қисми.
36. Қўстонтин — Константинополь, Истанбул.
37. Замини Сақлоб ва Рус — Европанинг шимоли шарқий қисми, славянлар ва руслар ери. Сақлоб номи Сақлаб, Сақолиба шаклларида ҳам ёзилади.

БЕРУНИЙ ГЛОБУСИ

Абу Райҳон Ернинг шарсимонлигига қаттиқ ишонган эди. Бу тўғрида турли китобларида, бир неча бор очиқ равшан айтган, бунинг исботларини ҳам келтирган.

«Ҳиндистон» китобида: «Кечаси қуёш кўринмай қолишининг сабаби унинг Ердан узоқлашиб кетишидан эмас, балки Ернинг дўмбоқлиги дастидан бизга кўрин-

май қолади. Қайси бир халқлар қуёшнинг чиқишини кўрган пайтда, бошқа халқлар айна вақтда қуёшни ўз тепаларида кўрадилар — бу ҳақиқат. Ҳар ернинг вақти (соати) ҳар хил. Бунинг сабаби Ернинг юмалоқ бўлганидандир.

Агар Ер юмалоқ бўлмаганда эди, турлича кенгликдаги жойлар билан ўралмаган бўларди, ёзда ва қишда кун ва тун ҳар хил бўлмас эди, улар ҳозиргидай ўзгариб турмас эдилар».


«Қонуни Масъудий» китобида Ернинг шарсимонлиги тўғрисидаги фикрни яна аниқлаб, шундай дейди: ер шарининг юзаси теп-текис эмас, чўтир-чўтирди — тоғлари ва ботиқлари бор. «Ер умуман юмалоқдир, бироқ айрим жойлари ғадир-будур, чунки тоғлари дўппайиб чиқиб туради, ботиқлари чуқур кирган, шундай бўлсада унинг шакли шарга ўхшаш, тоғларнинг баландлиги бутун Ерга нисбатан жуда кичикдир.

Диаметри бир чўзим ёки икки чўзим келадиган юмалоқ нарсени кўрганмисан, унинг сиртида тариқ доналари турган бўлса ва тариқдай-тариқдай ўйиқ излари бўлса? Тоғлар ва ботиқлар ҳам бутун Ерга нисбатан худди шундай арзимас даражададир. Агар Ернинг шундай ғадир-будурликлари бўлмаганда, ҳаммаёқни сув босиб кетган бўлар эди, ҳеч нима кўринмай қолар эди. Ҳолбуки сувнинг ҳам ер сингари оғирлиги бор...».

Беруний планетамизни ана шундай аниқ тасаввур этиш билан бирга, унинг тасвирини ҳам яратмоқчи бўлди: «Мен Птоломейнинг «География» китобида, Жайхоний ва бошқа (автор)ларнинг китобларида сайёҳатларга тегишли маълумотларни тўплаб, бу фанни аниқроқ баён этмоқчи бўлдим. Шунинг учун даставвал, сайёҳлар тилга олган масофа маълумотларини ҳамда жой ва мамлакат номларини тузатиб чиқдим, сайёҳлардан кейин ўша жойларга бориб келган кишилардан ҳам суриштирдим ҳамда иккала хабарларни таққосладим...».

Шу мақсадда, диаметри 10 чўзим бўлган ер куррасининг ярмини ишладим. Унинг сиртига кенглик ва узунликларни чизиб қўйдим. Аммо (глобусдаги) чизиқлар шу қадар катта эдики, уларнинг математик ўлчовларини ҳисоблаб чиқишга вақтим етмади» (Г, 19).

Шу жумланинг кетидан Беруний, Ернинг юмалоқ шаклини ишлаш ҳавотирлироқ бўлди, мен анча эҳтиёткорлик қилдим, деб бир таъқибга шама қилган, шунинг-



дек бу шакл нимадан (ёғочданми, қоғозданми, темирданми, лойданми) ишланганини айтмайди.

Ҳар ҳолда, глобус ясалгани аниқ бўлди. Унинг диаметри ниҳоятда катта бўлган — 10 чўзим, арабча «зиро», тахминан 5—6 метр келади.

Кўриниб туриптики, бу глобус Шарқ оламида биринчи бўлибгина қолмай, унинг «Ер ғадир-будурдир» деган изоҳига суяниб айтиш мумкинки, бўртма (рельефли) глобус бўлган. Эҳтимол, умуман картография тарихида математик география принципларига асосан ясалган биринчи глобус бўлгандир.

БЕРУНИЙ «ҒАРБИЙ ҚИТЪА» ТУҒРИСИДА

Америка қитъасини 1492 йил октябрь ойида денгиз сайёҳи Христофор Колумб кашф этди дейилади.

Аммо сўнгги 30—40 йил ичида Америка қитъасининг Колумбдан илгари ҳам маълум бўлганлиги тўғрисида бир қанча ҳужжатлар топилди. Чунончи, XV аср ўрталаридаёқ португалиялик денгизчилар Американинг марказий ороллариغا бир неча марта бориб-келиб турганлар. Лекин улар ўз сафарларини сир тутганлар, бу ҳақдаги ёзма ахборотлар, кемаларнинг кундалик дафтарлари Португалия ва унга қарашли Мадейра ороли ҳокимларининг архивларида қолиб кетган.

Ҳатто шундай тахминлар ҳам борки, қадимий америкалик сайёҳлар ўзлари Европага келиб-келиб турганлар. Скандинавларнинг ҳам Америкага бориб-келиб

турганлари, у ердан баъзи буюм ва биринчи марта курка олиб келганлари тўғрисида мулоҳазалар бор.

Ҳозирги тарихий географик асарларда ҳатто марказий африкаликларнинг Колумбдан бурунроқ Америкага бориб келганликлари тўғрисида тахминлар бор. Ганалик рессом Р. Свитнинг африкаликларнинг маҳаллий африкаликлар билан дўстона учрашувлари манзарасини тасвирлаган сурати ҳам бор («Азия и Африка сегодня» журнали, 1964, № 1, 45-бетда эълон қилинди). Хуллас, Америка қитъасига Колумб биринчи бўлиб бормагани география тарихида маълум бўлиб қолди. Шу билан бирга, Колумб сафарининг «Янги қитъа», кейинчалик тасодифан Америка деб аталган қитъани топишдаги тарихий аҳамияти ҳеч шак-шубҳасиз каттадир.

Колумб сафаригача Европа олимлари Ер куррасини икки паллага: ғарбий ва шарқий паллага ажратган бўлсалар-да, ғарбий палла асосан сувликдан иборат, қуруқликнинг ҳаммаси фақат шарқий паллада деб фараз қилдилар. Яъни уларнинг фикрича, бутун дунё ана шу кўҳна Европа, Африка ва Осиёдан, эҳтимол, Жанубий қуруқликдан иборат эди. Албатта, антик дунё ва ўрта аср Европа олимларининг Жанубий Номаълум ер (Терра Аустралис инкогнито) тўғрисидаги кўпгина фаразлари тақдирга сазовордир (Австралия ва Антарктида). Аммо улар, ғарбда, Атлантика океани орқасида яхлит қуруқлик бўлиши мумкинлиги тўғрисида бирор асосий фикр айта олмадилар. Ҳатто антик замон олимларидан баъзилари фараз қилган Атлантида ва Тескари ерлар ҳақидаги фикр ҳам ўрта асрларда унутилиб кетган эди.

Ҳозирги тарихий-географик китобларда — чет тилларда ҳам, рус тилида ҳам — Америка қитъасининг топилиши арафасида Европа олимларининг аллақандай «кароматлари» тилга олинади. Жумладан, италиялик Тосканелли, Ернинг шарсимонлигига асосланиб, Ҳиндистонга бормоқ учун шарққа юрса ҳам бўлади, ғарбга юрса ҳам бўлади, яъни ғарбга юриб, бари бир айла-ниб яна Ҳиндистонга келаверасиз, деган фикри Колумбгадалда берган, дейилади. Тосканеллининг бу «йўл кўрсатиши» — умуман оқилона фикр, бироқ ғарбда янги қуруқлик бор деган сўз эмас.

Ахир унинг чизиб берган картасида Испаниядан ғарбга томон юрилса — тўппа-тўғри Чипангу (Япония),

сўнгра Ҳиндистонга бориб етиш керак эди — йўлда бошқа ҳеч қандай қуруқлик учрамайди. Демак, у Америка қитъасини мутлақо хаёлга ҳам келтирмаган.

Мартин Бехайм ишлаган глобусда фақат шарқий ярим шар ерлари кўрсатилган. «Бу глобусда (Ғарбий) Европа билан (Шарқий) Осиё ороллари орасида (яъни Тинч океан билан Атлантика ўртасида) ҳеч қандай қуруқ ер йўқ»⁷⁰.

Шундай қилиб, Америка қитъаси гўё тасодифан топилди, унинг борлигини бирон европалик олим ёки денгизчи назарий жиҳатдан олдиндан фараз қилолмаган. Колумбнинг «Ғарбдан борсам Осиёга яқинроқ бўлар» деган жуда катта хатоси география тарихида жуда катта кашфиётга сабаб бўлдики, Ернинг ғарбий палласида каттагина қуруқлик борлиги аниқланди.

Афсуски, ҳозирги замон Ғарбий Европа географлари ва уларга тақлид этувчи ўзимиздаги баъзи тарихчи географлар XV—XVI асрдаги буюк кашфиётлар тарихини ёритишда бир муҳим масалани ё мутлақо тилга олмайдилар, ёки фақат «ғарбчасига» изоҳлаб келадилар.

Биз ўртаосиёлик олимимиз Берунийнинг ер кўрасининг қиёфаси тўғрисидаги ажойиб фикрларини эслатиб ўтмоқчимиз, зотан булар ҳозирча кўпчиликка номаълум ва фан тарихида етарли баҳо олган эмас. Ҳолбуки, бу таълимот буюк географик кашфиётлар даврининг бошланишига катта далда берган эди.

Абу Райҳон Берунийнинг ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуруқлик тўғрисидаги фикрларини қисқача ифодаласа шундай бўлади: Ер — шар шаклида бўлиб, унинг шарқий палласи бизга маълумдир. Шарқий палланинг ўзи 4 қисмдан (чоракдан) иборат. Экватордан шимол томон икки чоракдан — сувлик чоракдан ва одамлар яшайдиган обод чоракдан (маъмура) иборатдир.

«Маъмурани — Ернинг одамлар яшайдиган қисмини шундай тасаввур қил: бу қисм Ернинг шимолий ярмида, (аниқроғи) ярмининг ярмини эгаллаган. Демак, ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани ғарб ва шарқ томондан Муҳит океани (Атлантика ва Тинч океан) ўраб турибти. Бу Муҳит океани, ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ороллардан иккала ёқдан (ғарбдан ва шарқдан) ажратиб туради. (Аммо у томонларга бориб бўлмайди). Ҳавонинг қоронғилиги (туманлиги), сувнинг

қуюқлиги (бепоеңлиги), хавф-хатарнинг улуғлиги ва борса-келмасликдан денгизнинг у томонига юрилмайди. Шунинг учун илгари одамлар денгиз ичига ва қирғоқларига у томонга юришга тўсқинлик (ман) қиладиган белгиларни ўрнатганлар» («Ҳиндистон», 195-бет).

Яъни: Беруний шундай бир қуруқликни тахмин қилганки, унинг ҳамма томони сув, шарқи ҳам океан (Атлантика океани), ғарби ҳам океан (Тинч океан) билан ўралган.

Шу мулоҳазаларга разм солиб, Ер глобусига назар ташланса — Беруний тахмин қилган катта қуруқлик аини Америка қитъасининг ўзи эканини кўрамиз. Дарҳақиқат, бу қитъа ғарбий палланинг тахминан бир чорагига барабар.

Беруний, нега у қитъага борилмайди, деган саволга жавоб ҳам беради. У томонда ҳаво ноқулай, йўллар нотинч, хавф-хатар кўп, борган кишилар қайтиб келмайди — шунинг учун у қуруқликка томон юрилмайди.

Шу китобнинг бошқа бобида олимнинг бу фикри янада равшанроқ ифода этилган: «Бизнинг текширишимизча, ернинг шимолий (икки) чорагидан бири қуруқлик бўлганлигидан, унинг ҳамқутр (диаметрал қарама-қаршисидаги) чорак ҳам қуруқлик бўлишини тахмин қиламиз» («Ҳиндистон», 249-бет).

Бу иборанинг маъноси шундай: шарқий ярим шарда одам яшайдиган қуруқлик, яъни бизнинг еримиз бор, ғарбий ярим шарда ҳам шундай қуруқлик бўлиши мумкин.

Ғарбда номаълум қитъанинг борлиги тўғрисида Берунийнинг бошқа китобларида ҳам ёзилган. Уларни ҳинд берунийшуноси Саид Ҳасан Бороний⁷¹ аниқлаб, шундай дейди: «Қонуни Масъудий» нинг тўртинчи мақола 9-бобида, Беруний маъмурани қисқача тасвирлаб туриб, юнонлар Атлантика соҳилини дунёнинг охири деб билганлар. Фақат яқин оролларнигина (Канар, Мадейра ва эҳтимол Азор) билганлар. Улар Узоқ Шарқдан нариёқни ҳам билмаганлар.

Беруний эса «Таҳдид» («Геодезия») китобида, денгизлар орқасида ҳам ер борлигини қатъийроқ айтади:

«Ернинг шарқий ва ғарбий томонларида аҳоли яшайдиган жойларнинг бўлиши жуда мумкин. Бунга қаттиқ совуқ ҳам, жазирама иссиқ ҳам халақит бермайди. Шунинг учун бизга маълум бўлган дунёдан (шарқий ярим

шардан) ташқарида, сувлар ўртасида ўралган ерларнинг бўлишини тахмин қиламиз» («Геодезия», 244-бет).

Берунийнинг бу қатъий гапларидан, у ғарбда янги қитъанинг борлигини фақат тахмин қилибгина қолмасдан, унинг борлигига астойдил ишонгани ҳам кўриниб турипти.

Шундай қилиб, ғарбий паллада яхлит бир қуруқликнинг, кейинчалик Америка деб номланган қитъанинг мавжудлигини Беруний XI аср бошидаёқ, европалик олимлардан 450 йилча олдинроқ айтиб қўйган бўлиб чиқади.

Савол туғилиши мумкинки, хўш, бунинг Колумбга ва Американинг кашф этилишига қандай алоқаси бор?

Ҳа, алоқаси бор. Ўрта асрларда бутун Ғарбий Европа фанига Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Беруний ва бошқа олимларимизнинг таъсири ниҳоятда катта эди, уларнинг асарлари ўша замонда дарслик ва қўлланма бўлган. Христофор Колумб эса, ўз сафарига кўп йиллар тайёрланар экан, Шарқ сайёҳлари ва олимларининг бир қанча китобларини ўқиб чиққани маълум. Уша замонда энг кўп тарқалган китобларнинг авторлари ё Ибн Сино, ё Беруний ёки уларнинг шогирдлари ва мухлислари эди. Испания XV аср бошигача араблар қўл остида бўлган, Марокаш ва Испания кутубхоналарида Берунийнинг баъзи қўлёзмалари сақланиб қолганлиги ҳам маълум. Хуллас, Колумб ҳам Ибн Сино асарларидан, ҳам Беруний таълимотидан бевосита ёки билвосита хабардор бўлгани жуда эҳтимол. Шу таълимотлардан илҳом олган бўлиши мумкин.

«Колумбнинг кутубхонасида «Имаго мунди» китобининг қўлёзмаси сақланиб қолган, унда Колумб ўз қўли билан чизган белгилар бор.

Бу — архиепископ Камбрэ (1330—1420) нинг китоби, 1410 йилда ёзилган, 1480—1487 йилларда нашр этилган. Китобда Аверроэс, Авиценна (Ибн Сино) ва Альфраганус (ал Фарғоний) асарларидан цитаталар олиниб, латинчага таржима қилинган.

Бу ҳужжатдан кўриниб туриптики, Арин, яъни «Ер қуббаси» ҳақидаги назария Колумбда Ерни ноксимон шаклда деб тасаввур эттирган. Ер ноксимон шаклда бўлгандан сўнг, ғарбий паллада, «қубба»нинг рўпарасида бошқа (қуруқлик) маркази бўлиши керак эди.

Шундай қилиб, араб географиясининг назарияси Янги қитъанинг (Американинг) кашф этилишида бир қадар хизмат қилди» (Крачковский, IV, стр. 71).

Суриялик географ Имомиддин Айюбий (1273 — 1331) ҳам «Тақвим ул булдон» («Мамлакатлар тақсимоти») китобини ёзиб, европалик олимларни Шарқдаги географик тасаввурлар билан таништирди⁷².

Хулоса: хоразмлик Абурайҳон Берунийнинг ғарбий паллада катта қуруқликнинг борлиги тўғрисидаги гипотезаси XV—XVI асрларда исботланди. Бу — Берунийнинг ер куррасининг номаълум қисмларини топиш йўлидаги жуда қимматли назарий хизматидир. Ватандошимизнинг бу қимматли хизмати фан тарихида муносиб тақдирланиши лозим.

АМУДАРЕ ВА ҚОРАҚУМ ТАРИХИ

«Орасида балиқ қулоғи учрайдиган тошларни Журжон (26) билан Хоразм ўртасидаги қумлик чўлларда ҳам учратамиз. У қадимги вақтда бир кўл ҳолида бўлган (бўлса керак), чунки Жайхун, яъни Балх дарёси чўл устидан ўтиб, Болхон деган шаҳар орқали Хазар денгизига қуяр эди. Батлимус (Птоломей) ўзининг «Жуғрофия» деган китобида Жайхуннинг қуядиган жойи Ирқония денгизи, яъни Журжон (денгизи) деб ёзган. Биз билан Батлимус орасида ҳозир саккиз юз йилга яқин вақт ўтди. Уша вақтда Жайхун ҳозир чўлга айланиб кетган жойни Замм (Карки) билан Омуйя (Чоржўй) ўртасидаги ерда кесиб ўтарди ва у ердаги шаҳар ҳам қишлоқларни то Болхонгача обод қиларди. Кейин Журжон билан Хазар ўртасидаги денгизга қуйиларди. Иттифоқо у тўсилиб қолди (тўсиқлар пайдо бўлди), суви Ғузия ери атрофига бурилиб кетди. Унинг йўлида тоғ учраган, бу тоғни ҳозир Фамм ул-Асад (Даҳани Шер) деб, Хоразм аҳолиси эса уни Сакр аш Шайтон (Шайтон тўғони) деб атайди. У (сув) тўпланиб қолиб, қирғоқларидан тошиб чиққанки, сув тўлқинларининг излари унинг (тоғнинг) тепасида сақланиб туради. У сувнинг оғирлиги ва босими ҳаддан ошгач, оралари кавак бўлиб ётган бу тошларни ёриб ўтган ва улар устидан тахминан (Дулдул отлаган дарасидан Туямўйингача бўлган) бир кунлик йўл (масофаси) ни босиб ўтган. Сўнгра у ҳозир Фаҳми номи остида машҳур бўлган ўзан бўйлаб ўнга — Фороб

томонга бурилган. Кейин одамлар унинг икки томонида уч юздан ортиқ шаҳар ва қишлоқлар қурганлар, уларнинг харобалари ҳозиргача ҳам бор. Бу ўзан бошлангандан (бир қанча вақт) кейин ҳалиги сув йўлида аввалги каби ҳодиса юз бериб, ўзан тўсилиб қолган, сув чапга бурилган ва Хоразм билан Журжон орасидаги чўлда ҳозир Маздубаст деб аталадиган дарё водийсидан ўтиб, бажанаклар ерига бурилган (оқиб борган) (27). Узоқ вақтгача у кўп жойларни обод қилди ва кейин (у жойлар) хароб бўлди. У ерда яшовчилар Хазар денгизи бўйига кўчиб кетдилар. Улар алон ва ос деган уруғлар бўлиб, ҳозир уларнинг тили хоразм ва бажанак тилларининг аралашмасидан иборат. Ундан кейин сувнинг ҳаммаси Хоразм томонга йўл олган. Илгари у сувнинг бир қисми ўша Хоразм томонга оқар эди ва ҳозирда Хоразм юмшоқ текислигининг олдидаги катта тошлар (тўсиб) уюлган жой ораларидан ўтган (ва тозаланарди). Кейин тош уюмларини ёриб, ер бўлагининг атрофини сув босди ва ўша ердан бошлаб уни кўлга айлантирди. Сувнинг кўплиги ва оқимнинг зўрлигидан у кўп лойқа оқизди ва сув лойқаланиб қолди. Сув атрофга ёйилиб оққанда (ўзани кенгайган жойда) у келган лойқани чўктирди, қуйилиш жойидан бошлаб ер секин-аста қалинлашиб борди ва қуруқликдан юзага кўрина бошлади. Кўл узоққа чўзила бориб, Хоразмнинг ҳаммаси зоҳир бўлди. Сўнг кўл (ёйилиб) узоқлашиб бориб, олдида (кўндаланг ётган) тўсиқ тоққа тақалди, ундан ошиб ўта олмай (янада суриб кета олмай), шимол томонга ҳозирда туркманлар яшаб турган тарафга бурилиб кетган. Бу кўл билан Маздубаст водийсидаги кўл оралиги узоқ эмас. У кўл (Сариқамиш) шўрхок ва ботқоқ лойликка айланган. Ундан кечиб ўтиб бўлмайди. Туркчада Хиз тенгизи, яъни Қиз денгизи деб аталади» (Г, 26—27-бетлар).

Берунийнинг «Амударё тарихи» мақоласида учрайдиган жой номларига ҳозирги олимлар шундай изоҳ бермоқдалар:

Хоразм билан Журжон орасидаги чўл — Қорақум.

Фам ул-Асад — арабча «Шер оғзи» деган сўз. Тожиқча «Даҳани Шер» Уни ҳалигача «Донишер» деб юритадилар. Бу — Дулдул отлаган дараси ёнидаги харобадир.

Қиз денгизи — Сариқамиш кўли.

Фаҳми — ҳозирги Оқчадарёнинг қуруқ ўзани.

Фороб — Сирдарё ўрта оқимидаги шаҳар; Ўтрор, Қорачуқ ҳам деганлар.

Бажанаклар мамлакати — Оролнинг шимоли ғарбий томони.

Гузлар ери — Шимолий Қизилқум ва Сирдарёнинг ўрта водийси.

Замм билан Омуйя ўртасидаги ўзан — Жанубий Қорақумдаги «Қалиф Ўзбўйи», қадимий Амударёнинг Каспийга оққан йўли.

Кўндаланг ётган қум дўнгликлари (тоғлар) — Устюрт жарликлари.

Сакр аш Шайтон — шу даранинг, Донишер қисоғининг халқ оғзидаги номи. «Шайтон кўприги», «Шайтон тўғони» деган сўз.

Маздубаст — Амударёдан Сарикамишга оққан дарё, Тунударё.

Берунийнинг бу мулоҳазасидан бир қанча хулосалар чиқариш мумкин. Чунончи, Қорақум чўлининг геологик тарихи тўғрисида ҳозирги замон олимлари қарийб юз йилдан буён мунозара қилиб келмоқдалар: қумликлар қадимги денгиз тагидан қолганми, ё уларни шамол учириб келтирганми, ёхуд дарё оқизиқларими?

Ҳозирги фанимиз шу саволга бундай жавоб беради: «Бу чўлнинг бепоён қумлари дарёларнинг, дастлаб Амударёнинг тоғлардан келтирган қумларидир; ҳозирги Қорақум — Амударё, Мурғоб, Тажан каби тоғ дарёларининг қадимий дельтаси деб қаралиши керак» (Э. Мурзаев)⁷³.

«Қорақумга Амударё ва қадимий Амударё жуда кўп миқдорда оқизиқлар келтирган» (С. Ю. Геллер)⁷⁴.

«Юқори учламчи даврда ҳозирги Қорақум ўрнида денгизлар бўлган, улар аста-секин камайиб, ғарбга томон чекиндилар. Плиоценнинг охирида Қорақум денгизлардан ҳоли бўлди. Қуйи тўртламчи даврда Амударёнинг бир қисми Копетдоғ билан Орқаунгуз ўртасида, шарқдан ғарбга томон оққан... Қадимий Амударёнинг ётқиқиқлари пастлик Қорақумни қоплаган. Демак, Қорақумнинг бутун майдони учламчи ва тўртламчи давр сув келтирган чўкиндилардан тузилган» (БСЭ, т. 20, стр. 129).

Хуллас, ҳозирги геология ва география фанининг хулосалари XI асрда Беруний айтган мулоҳазаларга жуда монандир. Беруний эса: Қорақум, Арабистон чўли ва Миср сингари, илгари денгиз бўлган, кейин унинг ўрни

қуриган, Амударё илгари (Жанубий Туркменистондан) Каспийга томон оққан, аста-секин лойқалари кўпайиб («оқизиқлари ётқизилиб») шимолга бурилган, деган эди.

Амударё оқимининг ўзгариб туришини ҳам Беруний асосан тўғри изоҳлаган. Сўнгги 30 йил давомида Қорақумда ва Аму этакларида совет олимлари ўтказган географик, геологик ва тарихий-археологик текширишлар натижасида Абу Райҳон Берунийнинг гипотезаси тасдиқланди.

Атоқли олимимиз С. П. Толстов баён этган тарих ва А. С. Кесь томонидан тузилган палеогеографик карталар⁷⁵ Амударёнинг ривожланиш тарихини шундай яққол кўз олдингизга келтирадики, Беруний ҳам шундай тасаввур этган эди.

Умуман, Беруний бундан 900 йил муқаддам, ўз кузатишлари асосида аниқлаган тарихий геологик манзара ҳаммани қойил қолдирмоқда.

Берунийнинг Амударё тарихи тўғрисидаги бу ажойиб мулоҳазаларини ўқиб, уни Амударё ва Қорақум қадимий географиясини биринчи бўлиб текширган, илмий жиҳатдан тўғри изоҳ берган олим деб биламиз. Ундан кейинги даврларда яшаган Ҳофизи Аbru, Женкинсон, Абулғози-хон, Бекович-Черкесский, Огаҳий, Баёний, Глуховской, Кесь, Яхё Фуломов, Толстов ва бошқалар — Берунийнинг маънавий мухлислари, унинг ғояларини давом эттирувчилардир.

Бу масала С. П. Толстов ва Я. Фуломовнинг⁷⁶ тадқиқотларида муфассал таҳлил қилингани учун, юқоридаги қисқача изоҳ билан кифояланамиз.

БЕРУНИЙ УРТА ОСИЁ ШАҲАРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Абу Райҳон Берунийнинг деярли ҳамма китобларида Урта Осие шаҳарлари тилга олинган, турли жиҳатдан — ё тарихи, ё иқлими, ё худ аҳолиси таърифланган. Хусусан «Қонуни Масъудий» китобидаги географик жадвалда кўрсатилган 603 жойнинг 85 таси Урта Осие (кенг маънодаги табиий географик Урта Осие) га тегишлидир. Шунча жойнинг узунлик ва кенгликлари кўрсатилиб, деярли ҳаммасига қисқа-қисқа изоҳ берилган.

Масалан:

Обискун — (Каспий) денгиз бўйида, Журжон шаҳри-

нинг порти, Журжон вилоятида, узунлиги 79°15', кенглиги 37°10'.

Колиф — Жайхун дарёси бўйида, Хуросон вилоятида.

Маймана — ҳозир Жаҳудон, Жузжон вилоятида, узунлиги 89°50', кенглиги 36°.

Вахш — Вахш дарёси водийсидаги шаҳар. Хуттал вилоятида.

Вохон — Бадахшон чегарасида, зумради кўп, Хуттал вилоятида.

Шикошим — Шугнон қалъаси.

Болхон — шу ерда Жайхун дарёси қайирилади ва (сўнг) Ирқания денгизига, яъни Журжон денгизига оқди, Ғузия вилоятида.

Журжония — Хоразм шаҳарларидан бири, Жайхуннинг ғарбида.

Кот — (Хоразмнинг) иккинчи шаҳри, энг қадимийлардан, Жайхуннинг шарқий қирғоғида, Хоразм вилоятида.

Дарғон — Хоразм чеккасида, Марв ва Бухоро томонда.

Омуя — (Хуросондан) Мовароуннаҳрга кечиб ўтадиган жой, Хуросон вилоятида.

Тавовис — ҳар йили бозор бўладиган жой, Бухоро вилоятида, узунлиги 87°50' ва кенглиги 39°30' («Осори боқия» китобида, саҳифа 254, яна шулар айтилган: «Ойнинг ўн бешинчи кунда Тавовисда бозор бўлади, унга ҳар томондан савдогарлар тўпланади. Бозор етти кун давом этади»).

Барсхон — Иссиқкўл ёнида, бу (суви) иссиқ кўлдир, Туркистон вилоятида, узунлиги 93°10' ва кенглиги 46°30' ва ҳоказо.

Беруний жадвалида бундай изоҳлардан ташқари, бир қанча тарихий географик ва топономик маълумотлар ҳам қўшиб кетилган.

Жумладан, Тошкент тўғрисида шундай дейилади: «Бинкат — Шош шаҳарларидан бири, туркийча Тошкент. Бу — юнон авторларининг Бурж ул-Ҳижра қалъасидир».

Арабча «Бурж ул-ҳижра» деган сўз юнонларнинг «Лифивос петрос», яъни «Тош минора» номининг таржимасидир. Шарқшунослар ўтган асрдаёқ бу ном билан қизиқиб, Ғарбий Хитойдаги Тошқўрғон эмасмикан деган

фикрни эътироф этганлар. Аммо Беруний жадвалидан кўриниб турибдики, айти Бинкат, яъни Тошкент қадимий юнонлар тилга олган Тош қалъанинг ўзидир.

Беруний бошқа бир китобида шундай деган: «Аммо аксари мамлакатларнинг номлари ҳозирги вақтдаги номларидан фарқ қилади. ... (хусусан) тили бошқа бўлган қабилалар бирон жойни эгаллаганларида номлар тез-тез ўзгариб туради. Бошқа халқ маҳаллий номларни бузиб талаффуз этади... Билмайсанми, «Шош» сўзи шу шаҳарнинг туркий номи Тошканддан олинган, яъни «Тош қишлоқ» демакдир. (Птоломейнинг) «Жуғрофия» китобида бу шаҳар «Тош минора» деб айти шундай аталган. Номларнинг маъносини бошқа тилга таржима қилганда ёки талаффузини осонлаштирадиган товушлар билан ёзганда номлар ўзгариб кетади. Кўпинча араблар чет эл номларини, арабчалаштириб, шундай ўзгартирадилар ва бузиб айтадилар» (Ҳиндистон», 271-бет).

Тошкент номининг этимологияси тўғрисида бир қанча фикрлар билдирилган. Жумладан, проф. М. Е. Массон «Шош», «Чош» сўзларидан «Тошкент» номи ясалган деб қатъий айтади⁷⁷.

Биз, Берунийнинг юқоридаги анча асосли мулоҳазаларига асосланиб, яна бир далилни қўшиб қўймоқчимиз: Берунийдан сал кейинроқ яшаган Маҳмуд Кошғарий «Таркан — Шош (шаҳрининг) номи. Унинг асли номи Тошканд, маъносини — тошдан қурилган шаҳар демакдир» («Девон», I, 414-бет).

Шундай қилиб, XI асрдаёқ бу улуг олимларимиз Тошкент шаҳрининг маъносини аниқ изоҳлаб кетганлар. Уни «шош», ёки «чош» га тақашнинг ҳожати йўқ.

Аммо тарихдан маълумки, бутун вилоят, Сирдарё воҳаси Шош деб аталган, Сирдарёнинг ўзи «наҳр аш-Шош» (Шош суви) дейилган. «Тошканд вилоятини... китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирлар ким, «Қамони чочий» андин ибораттур» («Бобирнома», 63-бет), вилоят пойтахти Тошкент баъзи манбаларда Тарбанд, Тарканд, Бинкат, арабча Шош, форс-тожик манбаларида Чоч, ҳатто Жож тарзида ёзилган.

Беруний жадвалида: «Самарқанд — туркий тилда Самизканд, маърифат шаҳарларидан бири» деб изоҳланган бўлса, Маҳмуд Кошғарий ҳам айти шуни ёзган:

«Ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар... Самарқандни катталиги учун Самизканд — семиз шаҳар дейдилар. Буни форсилар Самарқанд тарзида қўллайдилар» («Девон», I, 330-бет).

Беруний ва Маҳмуд Кошғарийдан беш юз йилча кейинроқ Заҳириддин Бобир: «Мўғул ва турк улуси Семизканд дерлар» («Бобирнома», 104-бет) деб ёзди.

XIX асрда ёзилган «Самария» китобида шаҳар номига бир неча хил изоҳ берилган: Самар — киши номи, Самаркенд — унинг шаҳри, Самар — булоқ номи, унинг теварагида йиғилишлар, сайиллар ўтказилган. Аммо бундай изоҳлар фақат ривоятдир. Беруний, Кошғарий ва Бобир изоҳларининг бир қадар жони бор.

Беруний жадвалида яна шундай маълумотлар учрайди:

Бухоро ёнидаги Байканд (уни Пайканд ҳам дейишган, Бухородан жануби ғарбдаги ҳозирги Яккатут станцияси ёнидаги вайрона) шаҳар Бадзарубайн деб ҳам аталган, Кеш шаҳри (Китоб ва Шаҳрисабз) форсча Маъжамат деб юритилган.

Сирдарёнинг энг қадимги номи Хасарт бўлганлигини X аср китоби «Худуд ул-олам» дан маълум эди, Берунийда бу янада кенгроқ изоҳланган.

«Суткент — Хасарт дарёси бўйидаги шаҳар. Бу дарё Туркистон вилоятида, Шош водийсида энг машҳур дарёлардандир.

...Қарият ул-Хадиса — Хасарт дарёсининг қуйилиши ёнида, Хоразм қўли ёнида, Ғузлар вилоятидадир». Маълумки, Сирдарё этакларидаги Янгикент (ҳозирги Қазалинск шаҳрининг рўпарасида дарёнинг чап томонидаги вайроналар) номи қизиқ топонимик мисолдир. Турли халқлар бу номни маъносига кўра таржима қилганлар: маҳаллий туркий аҳоли Янгикент ва Жаникент деган номни араблар «Қарият ул-Хадиса» (Қарият — қишлоқ, хадиса — янги, яъни Янги қишлоқ) ва «Мадина ул-Жадида» (Мадина — шаҳар, жадида — янги, яъни Янги шаҳар), тожиклар Деҳинав (деҳ — қишлоқ, нав — янги, яъни Янги қишлоқ) деб ёзганлар.

Шундай қилиб, грек авторларда милoddан илгари тилга олинган Яксарт номи Сирдарёнинг юнонча аталиши эмас, балки асли маҳаллий ном Хасарт (ёки Қасарт) бўлиб, юнонча бузилиброқ Яксарт шаклини олган.

Энди Беруний жадвалидаги кўрсаткичларни картада тасвирлаш масаласини кўриб чиқайлик.

Бундан 100 йил муқаддам поляк шарқшуноси И. Лелевель Беруний жадвали асосида Урта Осиёнинг реконструкция картасини тузишга муяссар бўлди⁷⁸. Унинг картасида 40 та шаҳар ва дарё номи, 8 та вилоят номи ёзилган. Бундай карта биринчи марта тузилганлиги учун унинг тарихий аҳамияти ва Лелевелнинг хизмати шубҳасиздир. Аммо ундаги бир қанча камчиликларни айтмасдан бўлмайди. Жумладан, унинг картасида Урта Осиёга тегишли номларнинг атиги ярмигина ёзилган. Иккинчидан, жадвалга танқидий кўз билан қаралмаганки, натижада ҳаттотнинг айби билан нотўғри ёзилган рақамлар ҳеч тузатилмасдан олинаверган ва шу ҳолича картага туширилган. Учинчидан, бир қанча номларнинг транскрипцияси янглиш. Шуларга кўра Лелевель картаси Беруний тасвирига ҳам, Урта Осиёнинг асл қиёфасига ҳам ўхшамай қолган.

Масалан, жадвалдаги Бонқишлоқ (Манқишлоқ) ва Болхон номлари картага туширилмаганидан, «Маре Табаристон» (Каспий денгизи)нинг шарқий қирғоғи анча шарққа сурилиб, Амударёга яқинлашиб қолипти. Фарова шаҳри эса (ҳозирги Қизиларвот ўрнида бўлган) денгиз қирғоғига етиб қолган. Амударёнинг йўналишида ортиқча тирсақлар ясалган. Дараан шаҳри (Дарғон шундай ёзилган) дарёдан анча шарққа туширилган, ҳолбуки у дарёнинг ғарбий қирғоғида. Беруний, Замм деган жой Жайхун дарёсининг бўйидадир деб таърифласа, Лелевель уни чўл ичкарасига кўчирган. Кот шаҳри Амударёнинг ғарбий қирғоғига ўтиб қолган, Илоқ — кичик бир шаҳар қилиб кўрсатилган (Беруний таърифича, у бир вилоят).

Шу камчиликларни эътиборга олиб, Беруний жадвали асосида Урта Осиёнинг реконструкция картасини янгитдан тузиш керак бўлди. Шунда, Беруний жадвалидаги номларни мумкин қадар кўпроқ қамраб олишга тиришдик. Шу билан бирга, рақамларга танқидий равишда қаралди. Беруний XI аср бошларидаёқ Урта Осиёни анча тўғри тасаввур эта олган. Лекин, ҳозирча, бу карта етарли мукамал эмас. Берунийнинг турли китобларидаги Урта Осиёга тегишли ҳамма маълумотлар туширилганича йўқ.

Беруний асарларида табиатнинг бошқа масалалари тўғрисида жуда ақлли ва ҳақли мулоҳазалар бор. Масалан, у айтади:

1) Ернинг пайдо бўлган даврини тахмин ва фараз билан аниқлаб бўлмайди. Ернинг тарихини бирон ҳодисаларни кузатиш асосида узоқ давр мобайнида юз берган ўзгаришларни кўрибгина аниқлаш мумкин.

Тоғ бағридаги майда тошлар ажралиб тушиб, ушалаб кетган. Сув ва шамоллар таъсирида улар силлиқланган, юмалоқланган.

Тоғ қатламлари ичида ҳам тош-қум аралашдир.

«Денгиз қуруқликка ва қуруқлик денгизга кўчиб юради. Бу ишлар оламда одам вужудга келмасдан олдин бўлган бўлса, маълум бўлмай кетган, агар одам вужудга келгандан кейин бўлган бўлса, у маълумотлар сақланиб қолмаган, чунки хабар узоқ вақт ўтгандан кейин узилиб қолади. Хусусан бир бўлаги орқасидан иккинчи бўлаги вужудга келган нарсаларни, фақат баъзи кишиларгина сезади. Мана сизга мисол: Араб чўли илгари денгиз бўлган, кейин қуриб ёпишиб кетган, ҳатто у ерда қудуқ ва ҳовузлар кавланганда, ўша денгиз аломатлари зоҳир бўлади. У ерда тупроқ, қум ва майда тош қатламлари учрайди, ундан кейин сопол, шиша ва сўнгаллар чиқадики, уларни ўша ерга биров қасддан кўмган деб бўлмайди. У ерда шундай тошлар ҳам чиқадики, агар уларни синдирилса, ичидан садаф вадаъ (садафнинг бир тури) ва балиқ қулоғи деб аталадиган нарсалар чиқади. Булар аввалги ўз ҳолатида турган ёки чириб йўқ бўлиб, ўрнида уларнинг шаклигина қолганлиги маълум. Худди шу каби нарсалар Хазар денгизи қирғоғидаги Боб-ул-абвобда ҳам топилди. Лекин уларга муқаррар ва муайян вақт ёки тарих айтилмайди» (Г 24—25).

Олимимизнинг бу мулоҳазалари Ернинг геологик тарихига доирдир. Кўриниб турибдики, Беруний диний китобларда даъво этилганидай, Ернинг бирдан пайдо бўлиб қолганини тан олмайди, балки Ер тарихи жуда узоқ ва кўп ўзгаришлар самарасидир, Ер юзасида трансгрессия ва регрессиялар бўлган, фақат кузатиш, илмий текширишигина Ернинг сирини очиб беради, демоқчи олим.

2) «Балки сен Ҳинд ерини кузатиб, қазиб борилгунча чуқурликда учратиладиган силлиқ тошларни ўз кўзинг

билан кўриб, ўйлаб қарасанг: тоғ этакларида ва шарқирама дарёлар ёнида тошлар каттароқ, тоғлардан узоқлашган сари ва дарёларнинг сусайиши билан тошлар кичикроқ, дарёлар секин оқадиган ва кўллар-тўқайлар ҳамда денгизга қуйилиш жойига келганда қумлар учрайдики, Ҳинд ери қадимги бир денгиз бўлган-у селлар оқизиб келтирган ётқизиқлар билан тўлган деб тасаввур этасан» («Ҳиндистон», 196-бет).

Бу ажойиб фикрни қаранг-а! Ўтган аср охиридагина геологлар шу Ҳинд-Ганг паст текислиги ўтмишини — қадим даврларда баланд тоғ олдидаги чўккан букилма, сўнгра Ҳинд океанининг бўғози бўлганлигини аниқладилар. Тоғлардан тушган тош-қум билан тўлиб, ҳозирги юмшоқ ҳолатга келган.

Тошлар тоғ яқинида йирик бўлиб, узоқлашган сари майдалашиши ҳам ҳозирги геология фанида чўкиндилар ҳосил бўлиш назариясига мувофиқдир.

3) Беруний, Непал билан Тибет чегарасида қад кўтарган баланд бир чўққини эшитган: «Бу тоғ йўлининг чўққисидан қараганда Ҳинд диёри туман тагида қорайиб кўринади, ундан беридаги тоғлар кичик тепаларга ўхшаб, Тибат ва Чин мамлакатлари эса қизариб кўринадилар» («Ҳиндистон»).

Бу — Ҳималайнинг юксак чўққиларидан бирига шамо (Жомолунгма бўлса-чи!).

4) Ер қавати (ичи)да иссиқ ва совуқнинг ўзгариши сезилмайдиган чуқурлик бор. (Бу фикр ҳозирги замон фанида ҳам жуда муҳим. Дарҳақиқат, ҳаво температурасининг ойдан-ойга ўзгариб туриши бир неча метр чуқурликда сезилмайди, у қаватда йил бўйи температура бирдай бўлади — доимий температура қавати шу).

5) Улик денгиз zilзила натижасида ҳосил бўлган, Иордан дарёси тўсилиб қолган. (Геологияга боғлиқ бўлган бу фикр, ҳозирги тил билан айтганда, тектоника таълимотига оиддир, яъни Улик денгиз ер пўстининг силжиши — тектоник ҳодисалар натижасида ҳосил бўлди, деган маънода).

6) Булоқлардан сув чиқиши ва фонтан бўлиб отилиб туришини илмий асосда, физика қонунларига ўхшатиб изоҳлайди. «Булоқлардан сув отилиб туришининг сабаби шундаки, сув манбаи (омбори) юқориликдадир, бу

сунъий фонтанлардагидай. Сув фақат шу сабаблардангина юқорига отилиб чиқади.

...Ахир сув манбаи пастроқ жойда бўлса, сув юқорига ҳеч кўтарилиб чиқа олмайди» («Осори боқия», 287, 299-бетлар).

* * *

«Беруний» бобимизда ёритилган масалалар бу улуг олим ҳаёти ва ижодининг фақат баъзи саҳифаларидир. Ҳали берунийшуносларимиз жуда кўп иш қилишлари мумкин, чунки Абу Райҳон Беруний — XI асрнинг энг улуг олими бўлибгина қолмай, фан тарихида сўнмас из қолдирган сиймодир. Бу шундай битмас-туганмас хазинаки, унинг бойликларини эндигина излаб топаямиз.

Беруний табиий фанларнинг барча соҳасида, айниқса география, геофизика, геология, минералогия, астрономия соҳасида, шунингдек антропология, этнография, археология фанларидан жуда катта мерос қолдирган, унинг бу қимматли ҳиссасини ҳозирги замон фани ҳурмат билан тилга олади.

НОСИР ХИСРАВ

«Биз (Басрага) келганда кийим-бошсиз қолган эдик, бедармон телба одамларга ўхшардик. Уч ойдан бери соч-соқолни олганимиз йўқ... Менда ва укамда фақат эски лунги қолди, бир парча чурик шолчани, совуқдан сақланиб, елкамизга ташлаганмиз.

... Ҳаммом ёнидаги болалар бизни жинни деб фаҳмлашди шекилли, кетимиздан қувиб, масхаралаб, тош ота кетдилар».

Бу сатрларни ўқиганда, тарихнинг машҳур сайёҳлари, уларнинг оғир сафарларда кўрган азоб-уқубатлари эсингизга тушади. Н. М. Пржевальский ҳам бир сайёҳатидан айни шундай бўлиб, жулдур-жулдур кийимда, Пекинга қайтган эди. Тожик сайёҳи Носир Хисрав ҳам, ҳаёти серсаргузашт сайёҳлар каби, кўпни кўрган, кўпни билган кишилардандир.

Абу Муйин Носир ибн Хисрав ибн Хориснинг, қисқача айтганда, Носир Хисравнинг туғилган юрти — ҳозирги Тожикистон жанубида, Кофирниҳон сувининг Аму-



дарёга қуйилиш жойидаги қадимий Қабодиён қишлоғидир (ҳозирги Шаҳритуз ёнида). Шу сабабдан баъзан уни ал Қабодиёний ҳам дейдилар.

Амударёдан жанубга — Афғонистонга ўтадиган энг катта кечик (гузар)лардан бири шу ерда бўлган.

У 1004 йилда туғилиб, Қабодиёнда дастлабки маълумот олиб, кейин ўша даврдаги пойтахт шаҳар Балхга борган. Бир неча йилдан сўнг ундан яна каттароқ шаҳарга — Марвга (ҳозирги Мари, Туркменистонда) борган ва давлат ишига кирган.

Шу давр ичида у турли фанларни — философия, математика, қадимги юнон олимларининг асарлари ва Форобий, ибн Сино каби ўз ватандошларининг меросини ўрганиб, кенг маълумотли ва уқувли одамлардан бири бўлиб етишган.

Билим қидиришга урдим бошимни,
Бекор ўтказмадим умримни бир дам...
Қайдаки эшитсам илму донишдан
Эшиги тагида ўлтирдим маҳкам...
Бўлади кўпми-оз фойдаланмаган,
Умримда бирор илм қолмади, десам.

дейди шоир.

1045 йил кузида Носир Хисрав ўз ватани бўйлаб биринчи саёҳатда бўлди: Марвдан жануб томонга юриб, Мурғоб дарёсининг бошларигача айланиб келди.

1046 йил баҳорида Носир Хисрав давлат хизматидан жавоб олиб, укаси Абу Саид ва ҳинд хизматкори билан уччалоги Арабистон тарафга саёҳатга кетди. Унинг бу саёҳати XI асрдаги энг узоқ, қизиқ ва самарали саёҳатлардан биридир. Марвдан чиқиб, Эроннинг шимолий вилоятлари — Арманистон — Туркиянинг жануби — Ливан — ҳозирги Исроил ерлари орқали Мисрга борди. Мисрдан туриб узоқ Мағрибгача — тахминан ҳозирги Тунис вилоятигача айланиб келган. Мисрдан туриб Арабистоннинг маркази Макка билан Мадинага ҳам бориб-келиб турди. Ниҳоят, 1052 йили Нил дарёсида кемага тушиб, сўнгра туя қарвони билан қум чўлини кесиб ўтди. Қизил денгиз орқали яна Арабистонга келиб, Макка орқали Ироққа жўнади. Худди шу йўлда — Арабистоннинг энг мудҳиш чўлларидан ўтишда кўп азоб кўрдик, Ироққа (Басрага) етиб келган куни, ушбу боб бошида кўрсатилганича, зўрға оёқ устида турар эди.

Басрадан яна сув йўли билан Эроннинг Ободон портига келиб, сўнгра қарвон билан бутун Марказий Эрон орқали яна Балх шаҳрига эсон-омон келиб етган.

Шундай қилиб, Носир Хисравнинг иккала саёҳати роппа-роса 7 йил давом этди. Ўзининг ёзишича, тахминан 2220 фарсах, яъни салкам 15 минг километр йўл босиб ўтган.

Шундан кейин, Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларини кезган бўлиши керак, чунки ўзи «Мен дунёнинг турли иқлимларида, Араб ва Форс, Ҳинд ва Турк мамлакатларида бўлганман», деб айтган.

Унинг Ҳиндистонда бўлганлигини яна шу мисралар тасдиқлайди: «Сафарнома»да, бир ҳодисага қиёс қилиб, «Бу сингарини мен на Лоҳурда, на Мўлтонда кўрганман», «Важхиддин» китобида эса: мен Ҳиндистонда, «уларнинг донишмандларидан, бу сўзларнинг кўпгинасини эшитганман» дейди; ниҳоят унинг шеърлар девонида: «Тақдир мени гоҳо Синд томонга, гоҳо Мағриб томонга фироқ этган» сатри бор⁸⁰.

Аmmo Носир Хисравнинг шарқ томонга саёҳат орзуси бор эди, «агар шарққа саёҳат қилсам, у ерларда кўрган нарсаларни тасвирлаб бераман» деб юрган эди,

лекин бу орзу рўёбга чиқмади. Олимнинг тақдири бошқача бўлди. Носир Хисравнинг баъзи ҳаракатлари, гаплари, таълимоти ўша даврдаги ҳокимларга ёқмаганидан, қаттиқ диний таъқибга учради ва Носир узоқ тоғларга — Помир этакларига, Бадахшонга қочиб кетишга мажбур бўлди. Умрининг охирги йилларини Юмғон қишлоғида ўтказди. У тахминан 85 ёшга кириб, 1088 йилда вафот этди. Мақбараси ўша ерда — ҳозирги Шимолий Афғонистоннинг Кўкча дарёсининг ўнг қирғоғида Юмғон қишлоғидадир. Мақбара 1700 метр баландликдаги тепалик устида бўлиб, оқ гумбаз билан қопланган. Маҳаллий аҳоли уни ҳозир ҳам «Мозори шоҳ Хисрав» дейди. Мақбара зиёратгоҳга айланган.

Носир Хисрав ўнлаб китоблар ёзган. Шулардан «Сафарномаи Носири Хисрав» исмли саёҳат кундалиги, «Рўшноинома» («Маърифат китоби»), «Зод ул-мусофирин» («Мусофирлар йўл-анжомини»), «Жоми ул-ҳикматайин» («Ҳикматлар йиғиндиси»), «Важҳиддин», «Саодатнома» («Бахт китоби») ва яна бир қанча фалсафий асарлари ҳамда шеърлар девони маълумдир.

Носир Хисрав шеърлар девонида шундай ўткир қиёс ҳам қилади: «Гарчи менинг соғлиғим ночор бўлса ҳам, ёзган асарларим осмондаги юлдузлардан ҳам кўпроқдир».

Хисрав ҳатто саёҳат даврида ҳам, Мисрда туриб, ижод қилган. Жумладан, «Рўшноинома» китоби 1049 йил 9 мартда Қоҳирада ёзиб тамомланган эди.

Хусусан, география учун унинг «Сафарнома»си муҳим бир саёҳат китобидир. Бу тожик тилида ёзилган бўлиб, сўнги йилларда рус тилига таржимаси ҳам босилди⁸¹.

Носир Хисравнинг «Саёҳатнома»сидан яна шундай маълумотларни келтириш мумкин.

Носир Хисрав ўз замонасига яраша дунё географиясини анча пухта билган, муҳокамаси кенг ва савияли олимлардан бўлган. У, ўзи борган ерларни тасвирлаш билан бирга, ўзи бормаган ўлкаларни ва эшитган ҳодисаларни ҳам йўл-йўлакай гапириб кетади. Масалан, Эрон шимолидаги Табриз шаҳрини тасвирлаганда, шуларни ёзган: «Бу — Озарбайжоннинг пойтахти. Гавжум шаҳар.

Шаҳарнинг бўйи ва энини қадам-бақадам ўлчаб чиқдим — ҳар томонга 1400 қадамдан экан...

Менга ривоят қилдиларки, бу шаҳарда 1042 йил 5 декабрида zilзила бўлиб, 40 минг киши ҳалок бўлган».

«Мен ҳисоблаб чиқдим, Балхдан Ройгача 350 фарсах масофадир...

Рой билан Амул (шаҳри) орасида Дамованд тоғи бор, у гумбазга ўхшаш... Айтадиларки, бу тоғнинг тепасида бир чох борки, ундан дуд чиқади, олтингугурт ҳам бор».

«Айтадиларки, Обискун (Каспий) денгизига 1400 та дарё келиб қуйилади, денгизнинг бўйи 1200 фарсах ва унинг ўрталарида ороллар кўп».

Арманистон тоғлигидаги Ахлат шаҳрига бориб, ундаги араб, форс ва арманларни кўргач, дейди: «Бу шаҳар турли аҳолили бўлганлигидан Ахлат деб аталган бўлса керак, деб ўйлайман» («ахлат» сўзи «аралаш», «қурама» деган маънода).

Ливаннинг Маррат ун-Нуъмон номли бир қишлоғини тасвирлаб туриб, шундай дейди: «Бу далаларда нуқул буғдой экадилар, ҳосили ҳам бисёр. Дарахтлар ҳар хил: зайтун, pista, бодом ва узум. Шаҳарнинг суви ёмғирдан тўпланади ва қудуқдан олинади».

Ўрта денгиз бўйларида «тепалик жой бўлмаса, шаҳар қурмайдилар, токи денгиздан сув қалқиб келиши ва қирғоққа тўлқин урилишидан хавотирдалар».

Ўрта денгиз бўйидаги текисликда «денгиз ҳайвонларининг жуда кўп суякларини кўрдик, улар тупроққа аралашиб кетибди ва тошга ўхшаб қолибди».

Қуддус чеккасидаги Сахира деган бир водийни Хисрав шундай таърифлайди: «Овом халқ айтадики, кимки шу водийнинг кетигача борса, гуноҳкорларнинг дўзахдаги дод-фарёдларини эшитади. Мен (атайин) бордим, ammo ҳеч садо эшитмадим».

Рамла шаҳрининг аҳолиси ёмғир сувини ичади. Ҳар хонадонда сувдон бор, унга ёмғир сувини йиғиб қўядилар.

Ҳалаб — муҳташам шаҳардир... Чамамда, Балхдан кам эмас» (46).

Ўрта денгиз бўйидаги «Тараблусда яхши қоғоз ишлайдилар, Самарқанд қоғозига ўхшаш. Ундан яхшироқдир.

Бу ерга Румдан, Фарангистондан, Андалус ва Мағрибдан кемалар келиб туради. Бу ердан Румга, Сицилияга ва Мағрибга кемалар қатнайди».

Рум денгизида ороллар кўпдир, «Айтадиларки, Сицилия оролининг майдони 80 квадрат фарсахдир»⁸².

«Нил дарёси жануби ғарбдан келиб, Миср ёнидан ўтади ва Рум денгизига қуйилади».

«Нил суви кўпайганда, Термиз ёнидаги Жайхуннинг сувидан икки баравар ортиқ кўринади».

Нил остоналаридан ва шаршараларидан хабари бўлган: «Айтадиларки, Асвон шаҳридан юқорига кемалар юра олмайди, чунки сув тор даралардан бурқираб оқади ва баланд қоялардан учиб тушади».

У Испания ва Ўрта денгиз тўғрисида шундай муҳим маълумотлар бера олган: «Андалус — улуғ мамлакат, тоғлик ер, унда қор ёғади ва сув музлайди, аҳолиси оқ танли, сариқ сочли, кўзлари аксарияти славянларникига ўхшаш».

Андалус ери — Рум денгизининг чеккасида бўлганидан, бу денгиз улар учун шарқий томондадир.

(Андалусдан Қўстантинияга (Истанбулга) бораверишда денгиз қўлтиқлари кўп, уларнинг эни 200—600 фарсах келади.

...Мен ишончли одамлардан эшитдимки, (Ўрта) денгизнинг айланаси 4000 фарсах (24 минг километр)».

«Қулзум — (Қизил) денгиз бўйидаги шаҳардир, ундан Мисргача 30 фарсах йўл.

Қулзум (Қизил) денгиз океаннинг бир қўлтиғидир, Адандан ажралиб, шимолга кириб борган. Айтадиларки, денгизнинг эни 200 фарсах».

«Қулзум денгизи бир каналдирки, океандан ажралиб туради.

Денгиз бир жойда Қулзум деб аталади, бошқа жойида Айдаб денгизи, учинчи жойида Баҳр ан-Наам дейилади.

Қулзум денгизида 300 дан кўпроқ ороллар бор».

«Адандан ва Ямандан шарқ томонга юрилса — Ҳиндистон ва Хитойга борилади. Адандан жануб томонга борилса, сал ғарбга мойил юрилса, Занжибор ва Ҳабашистонга келасан».

Арабистон «Уч томондан денгиз билан ўралган, шундан ярим оролдир. Шарқини—Басра денгизи, ғарбини—Қулзум денгизи, жанубини — Океан ўраб туради.

Бу ярим оролниг узунлиги, Куфадан Адангача (шимолдан жанубга) 500 фарсахча, эни шарқдан ғарбга, Уммондан Жорагача — 400 фарсахча».

Сўнгра Арабистоннинг Нажд, Тихама ва бошқа қисмлари тасвирланган.

Денгиз сувининг қалқиши ва қайтишини ўз кўзи билан кўрган Носир шуларни айтади: «Уммон денгизида ҳар куни икки маҳал сув қалқади, 10 газ кўтарилади ва яна пасаяди, 10—12 газ қайтади. Тик қирғоқнинг ёнида ёки устунга қарабгина 10 газ кўтарилганини билса бўлади, агар қирғоқ ётиқ бўлса ва дўнглари бўлмаса, сув анча кенг ёйилиб кетади.

Дажла ва Фрот дарёлари жуда секин оқади, ҳатто баъзи жойларида сув қайси томонга оқаётганини ҳам англаб бўлмайди. Денгиз суви қалққан пайтда дарё суви 40 фарсахча орқасига сурилиб кетади ва гўё дарё тескари томонга, юқорига қараб оқаётгандай кўринади.

Бу ҳодиса денгиз сувининг қалқиши ва қайтиши деб аталади. Бу Ойнинг ҳолатига боғлиқдир».

Сўнгра бу ҳодисанинг тафсилоти баён қилинган:

Носир Хисрав «Сафарнома»сини ўқиганингизда турли мамлакатлардаги қазилма бойликлар, савдо-сотиқ, озик-овқат, урф-одатлар, тарихий бинолар тўғрисида маълумотлар топасиз.

Хисравнинг бошқа асарларида ҳам астрономия ва география боблари бор. Масалан. «Зод ул-мусофирин»нинг (1061 йилда ёзилган) охириги саҳифалари геофик қисм бўлиб, ҳатто момақалдироқ ва яшиннинг сабабини тушунтиришга тиришган.

«Идрок ва маърифат» дostonида эса табиий ҳодисалар ва астрономияга доир мулоҳазаларни ҳам айтган:

Юпитер, Марс, Ой нурин ким берур,
Бариси оташ офтобдан келур.
Денгиз-у, чўл-у, тоғ-у бари замин,
Ҳавода тургай — йўқдир бўлак замин.

Олим китоб ва илмларни шу қадар севган ва китобларини эҳтиёт қилганки, ажабланасиз. Носир Хисрав Арабистондан тўппа-тўғри шарққа томон кетмай, Мисрга қайтиб борган, чунки ўзининг ёзишича, Қоҳирада «китобларим қолган эди».

Айдаб шаҳрида 3 ой котиб бўлиб ишлаган. Бошқа шаҳарда нақшошлик қилиб, хурмо билан кун кўрган. У

ёнида бир чақаси, еяр овқати бўлмаганда ҳам, хайриятки, «икки сават китобим бор эди» ёки чўлдан ўтганда, «китобларимни туяга ортиб, ўзим пиёда кетавердим, на йўл бор, на из, чамалаб боравердик», дейди.

Тан тирикдир жон билан, жон тириклиги илм,
Жонингни конидаги гавҳари жондир билим

деб ёзган у бир шеърида.

Яна:

Ўзингни илм бирла безатгил,
Фақат кимхоб кийган эмасдир гузал.
Агар хуррамлик истарсан, сўроқла илм ила ҳикмат,
Ушанда илму донишдан олурсан мевайи ҳожат.
Тўсиқлардан қўрқма, ўрган, бил:
Билимдон қилар оғирни енгил,
Совут кийимдир сенга исбот,
Қалқон бўлгай сенга далил.

«Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади, бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқорироқ поғонага олиб келади, демак, билимнинг чегараси йўқ», «Илм — нарсалар ҳақидаги ҳақиқий тасаввуримиздир» («Зод ул-мусофирин»).

Хисрав фақат илм-маърифат куйчисигина бўлиб қолмай, тинчлик ва халқлар дўстлигининг ҳам тарғиботчиси бўлган эди. «у, кишилиқ жамиятини дарахтга қиёс қилади ва турли халқлар шу дарахтнинг турли шохлари эканлигини айтиб, дарахтнинг шох ва бутуқларини синдириш ақлдан эмаслигини уқтиради.

Жаҳон халқи бир ниҳолдир, бир дарахтдир шохлаган,
Ҳеч маҳал, узма ниҳолин, шохини синдирмагил!»

Носир Хисравни ибн Синога ўхшатишганича бор: уларнинг шахсий ҳаёти ва ижоди бир-бирига яқин, улар қувғинга учради, шоҳ ва руҳонийлар томонидан таъқиб қилинди. «Носир Хисрав ўзининг илмий ва фалсафий асарларида кўп жиҳатдан буюк Абу Али ибн Синога эргашиди» (Л. Бузругзода).

Носир Хисравнинг ҳақиқатан ҳам ҳар соҳада машҳур бўлганлиги ўз замонасида ҳам, кейинчалик ҳам одамларни ҳайратда қолдирган. Носир Хисрав икки шахс — бири сайёҳ ва олим, иккинчиси шоир ва сунний арбоб деган афсона ҳам тўқилган.

Бу афсона Ғарбий Европада буюк рус олимиди М. В. Ломоносов тўғрисида тарқалган гапларга ўхшайди. Европаликлар ҳам Ломоносов иккита одам: бири — химик, бири шоир деб ўйлаган эдилар.

Хуллас, ўртаосиёлик сайёҳлар орасида Носир Хисрав ажойиб бир шахсдир. У бир неча бор ҳаётдан умидини узган, бир неча марта ўлим хавфини бошидан кечирган, йўл юрган, йўл юрса ҳам мўл юрган сайёҳ ва олим.

Носир Хисравнинг «Сафарнома»си ҳақида гапира туриб, унинг бир камчилигини ҳам айтиб қўйиш лозим.

Ҳозир биз ўқиётган «Сафарнома» автор ўзи ёзган китобнинг тўла баёни эмас, балки анча қисқартирилгани, эҳтимол, баъзи жойлари ўзгартирилган бўлса керак. Айниқса, Мисрдаги саёҳатларининг тасвири кейинчалик анча ўчириб ташлангани шубҳасиздир. Бу ҳол китоб текстида учрайдиган баъзи тўмтоқ жумлалар ва қарама-қарши баёнлардан билиниб турибди.

Носир Хисрав «Сафарнома»сининг 1948 йил русча қисқартирилган нашрига олимнинг саёҳатлари картаси илова қилинган. Унда қайси жойларга қачон боргани ва қачон кетилгани, числолар билан кўрсатилган. Бироқ, картанинг баъзи майда деталлари аниқ эмас, ҳатто китоб текстига номувофиқдир. Чунончи, картага қараганда Носир Хисрав Қуддусдан Қоҳирага ўтган-у, кейин Арабистонга — Маккага бориб-келган. Аслда эса, Қуддусдан тўпла-тўғри Маккага бориб-келганини «Сафарнома»да очиқ-ойдин ёзиб қўйибди. Қайтиб келгандан сўнггина Миср томонга ўтган.

Яна, ўша кўртада Носирнинг Искандария шаҳрига борганлиги белгиланмаган. Ҳолбуки, Носир Искандариядаги минсрани батафсил тасвирлаб, бу минора румияликларнинг ҳужум хавфига қарши қаратилганлигини ҳам айтади.

Шунингдек, картада Носир Хисравнинг Африка ғарбига саёҳати ҳамда унинг Бағлодда бўлиши кўринмайди. Ҳолбуки, «Сафарнома»да (саҳифа 120): «Искандария денгизи Қайрувонгача ёйилган, Қайрувондан Мисргача эса 150 фарсаҳдир» дейилган жумла бор. Искандария денгизи деб Ўрта денгизнинг жанубий қисмини тушунган, Қайрувон — Тунисдаги қадимий шаҳардир.

Хисравнинг Қайрувонда бўлганлиги ушбу иборадан аёндыр: «Мен Шомдан то Қайрувонга қадар ҳамма ша-

ҳар ва қишлоқларни кезиб чиқдим» («Сафарнома», 131-бет).

Хисравнинг Бағдодга борганлиги: «Мисрда қайиқ ва кемалар шунчалик кўпки, Бағдод билан Басранинг иккалавидаги қайиқ ва кемаларни бирга қўшганда ҳам,



ўшанча келмайди» («Сафарнома», 125-бет) ибораси далил бўла олади.

Биз, шу қўшимчаларни эътиборга олиб, Носир Хисрав саёҳатининг картасини бошқатдан туздик.

Аmmo бу саёҳат йўлларини ҳам тамомила мукамал деб ҳисобламаймиз, чунки «Сафарнома», юқорида айтилгандай, тўла эмасдир.

Носир Хисравнинг «Сафарнома»сини ўқиб ва унинг дунё тўғрисидаги тасаввурини таққослаб, унинг Абу Райҳон Берунийга бир қадар тақлид қилгани кўринади. Бу ҳол ажабланарли эмас, албатта, чунки Носир Хисрав — Берунийнинг ватандоши ва замондошигина бўлиб қолмай, унинг сиртқи шогирди ҳам бўлгандир. Афсуски, Носир Хисравнинг «Сафарнома»си ўзбек тилига

таржима қилинмаган. Ҳатто тожик тилида, ҳозирги алфавитда мукамал баёнини топа олмадик. Айрим парчаларигина турли хрестоматияларда берилган⁸⁴.

МАҲМУД КОШҒАРИЙ

XX аср бошларида «Девону луғотит турк» номли асарнинг бир қўлёзмаси топилган эди. Унинг автори Маҳмуд Кошғарий бўлиб, Ўрта Осиёнинг энг шарқида — Иссиққўл ва Қашқарда яшаган, умрининг кўп йилларида «Румдан Чингача» — Ўрта денгиз бўйларида Хитойгача бўлган мамлакатларни кезган, қабилалар ва уларнинг тилларини ўрганган олимдир. У XI асрда яшаган, Беруний ва Носир Хисравнинг замондоши.

Маҳмуд Кошғарий — филолог-географ олим ҳисобланади, унинг «Девон»и туркий тилларнинг буюк бир қомуси бўлиш билан бирга, айни вақтда этнография ва география учун қимматли манбадир. «Девон»га илова қилинган дунё картаси — Ўрта Осиё картографиясининг дурдоналаридан биридир.

Маҳмуд Кошғарий асарининг ўзбекча география терминологияси ва календарь тарихи учун ҳам аҳамият катта.

Маҳмуд Кошғарийнинг илмий мероси бир қанча асарларда ёритилган. Унинг ҳаёти, кошғарийшунослик тарихи ва географик меросига биз алоҳида брошюра бағишлаганмиз. Шунинг учун ушбу асарда унга тўхталмаймиз, қизиқувчи ўртоқлар ўша китоблардан керакли маълумотларни топа оладилар⁸⁵.

* * *

XI асрнинг иккинчи ярмида яшаган Шараф аз-Замон Тоҳир Марвазий асли табиб бўлиб, табиатшуносликка доир «Табои ул-ҳайвон» («Ҳайвонлар табиати») номли ажойиб асар ёзиб қолдирган. Бу китобни ёзишда, жумладан, бухоролик Жайхоний асаридан фойдаланган. Кейинги даврларда эса кўпгина олимлар (Авфий, ибн Муханно ва бошқалар) Марвазийдан нақл қилганлар.

Китоб икки мақола (қисм)дан иборат бўлиб, биринчи мақоланинг I—VI бобларида тарихнинг умумий ма-

салалари ёзилган, VII—XV боблар — айрим вилоятларнинг географик тасвирига бағишланган, XVI—XXI боблар одамзод ирқларининг таърифидан (яъни антропология) дан иборат.

Иккинчи мақола эса тамомила зоология ва зоогеография қисмидир.

Мисол тариқасида 8-бобни кўриб чиқайлик. Бу — «Фи сифати ул-Син» — «Хитойнинг сифати» бобидир. Унда: Хитой учта иқлимга тааллуқли эканлиги айтилиб, кетидан ҳар бир иқлимнинг батафсил географик таъриф берилган.

Хитой учта вилоят (Син, Хитой ва Уйғур)га бўлиниб, уларда яшайдиган аҳолининг касб-ҳунари, подшосининг кўриниш маросимлари, савдо-сотиқ, дини, тили, урф-одатлари тасвирланган.

Яна Маҳмуд Ғазнавий даврида Хитойдан Ғазнига келган элчиларнинг маршрути, XI аср ўрталарида Урта Осиё аҳолисининг кўчиб юришлари ва бошқа қизиқ географик маълумотлар бор.

ХАРАҚИЙ ВА ЗАМАХШАРИЙ

Академик И. Ю. Крачковский XII аср Шарқ географияси тўғрисидаги баёнини асосан ўртаосиёлик олимларга бағишлаб, даставвал хоразмлик икки олим — Харақий ва Замахшарий номи билан бошлайди.

Асли Туркменистоннинг Марв (Мари) вилоятидан бўлиб, кейинчалик Хивага кўчиб келган ал Харақий (XI аср охирида туғилган, 1138 йилларда вафот этган) Хоразмшоҳнинг саройида мунажжим вазифасида ишлаган.

Унинг асосий асари «Мунтахо ал идрок фи тақосим ул-афлок» («Фалакларнинг тақсими ҳақида идрокнинг ниҳояси») — ҳозирча қўлёзма ҳолида, айрим парчаларигина нашр этилган.

Асар уч мақоладан иборат бўлиб, биринчисида — фалакнинг тузилиши, ҳаракати, иккинчисида — Ернинг шакли, унинг обод ва нообод қисмларга бўлиниши, жойларнинг географик координаталари, бу мақоланинг иккинчи бобида ер шарининг денгизлари тасвирланган, учинчи мақолада календарлар баён этилган.

Харақийнинг бу асари астрономик география анъаналарида ёзилган шарқий китобларга ўхшаш бўлиб, Жайхонийдан кўпроқ фойдаланганини айтган.

Харақий Птоломейга эргашиб, маъмурани 39 зоначага (экваторга параллел равишда) бўлган. I иқлим ичидан 5 та зонача, II — VI иқлимларда иккитадан зонача, VII иқлим ичидан эса биратўласи 18 та зонача ажратилган. VII иқлимдан шимолдаги, яъни 66 градус кенгликдан шимолда 7 та зоначага «одам яшайди» деб ҳисоблайди. Экватордан бошлаб чизилган бу зоначалар бир-биридан куннинг узун-қисқалигига қараб, аввало чорак соатдан, кейин ярим соатдан, шимолроқдагилари бир соатдан тафовут қилади. Энг шимолдаги зоначалар: бир ой ёруғ тун бўладиган ерлар, икки ой ёруғ бўлиб турадиган ерлар, уч ой, тўрт-беш ой ва ниҳоят олти ой кеча-кундуз ёруғ бўлиб турадиган ерлар деб, яъни Шимолий қутбнинг ўзигача, белгилаб қўйилган⁸⁶.

Харақийнинг иккинчи асари «ат-Табсира фи илм ул-ҳайъа» («Ҳайъат илмига назар») илгариги китобининг қисқартирилган, географияси тушириб қолдирилган нусхасидан иборатдир.

Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1075 — 1144) Хоразмнинг Замахшар қишлоғидандир. Бу жой Тошовуз шаҳридан жануброқда, Тахта районига яқин, уни Змухшар, Змуқшир деб ҳам ёзилган.

Араб шоирларидан бири: Дунёдаги барча қишлоқлар Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди, чунки бу қишлоқ машҳур Замахшарийдек йирик олимни етказди, деб ёзган эди.

Бир оёғи ожиз бўлиб, ёғоч оёқда юрган. Қабри ҳам Қўҳна Урганч (Журжония) да бўлганлигини XIV аср араб сайёҳи ибн-Баттута кўрган.

Замахшарий ўз умрида кўп саёҳат қилди. Бухорода ўқиди, бир неча йил Ироқда ва Арабистонда турди.

Замахшарий жуда сермаҳсул олим бўлиб (50 тача асар ёзган, шундан 25 таси ҳозир бор), фаннинг кўпгина соҳаларида ижод қилди, машҳур бўлди ва сўнмас ёдгорликлар қолдирди.

Жумладан, унинг тилшуносликка доир «Асос ул-балоба» («Сўзга усталик асослари»), «Самим ул-арабия» («Араб тили мағиз»), «Фоиқ ул-луғот» («Энг яхши луғатлар»), «Ал муфассал» (бу асарнинг ўзига 25 та шарҳ боғланган), «Муқаддимат ул-адаб» («Нафис адабиётга

муқаддима») каби асарлари маълум. «Муқаддимат ул-адаб» Хоразмшоҳ Аловуддин Абул Музаффар Отсизнинг (1128 — 1156) топшириғи билан тузилган. Унинг тожикча ва ўзбекча таржималари ҳам бор. Бу китобнинг XIV асрда кўчирилган арабча-тожикча-ўзбекча нусхаси, Тошкентда сақланмоқда, (ЎзФАШИ № 2699, СВР I, 189-бет).

Яна, «Раби ул-аброр» («Сахий ёз») китобида тарих, илм-фанга оид ҳикоялар, суҳбатлар келтирилган.

Замахшарийнинг ёзган китоблари араб олимларини ҳайратда қолдирган, шунингдек у узоқ вақт араб мақолларини йиғиш ва араб адабиётини чуқур ўрганиш натижасида араб адабиётига оид «Мақомат» номли асарини ҳам яратди.

Замахшарий Шарқда «Фаҳри Хоразм» («Хоразмнинг фаҳри») деб ва «Устод ул-араб ва ажам» деб аталган, Сурия ҳокими Музаффариддин, кимда-ким Замахшарийнинг «Ал-муфассал» асарини ёд олса, беш минг кумуш танга пул ва сарупо совға беришни ваъда қилган.

Замахшарийнинг энг машҳур географик асари «Асмоу ул-авдий вал жибол» («Водий ва тоғ исмлари»), бунинг яна бир номи — «Китоб ул-жибол ва амкина вал мийёҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақидаги китоб») дир. Тексти 1855 йилда Лейденда, латинча кириш сўзи билан араб тилида нашр этилган.

Бу — алфавит асосида тузилган мукамал географик луғат бўлиб, Арабистон ярим оролидаги тоғлар, водийлар, сувлар, шаҳарлар, қишлоқлар, мозорлар, мачитлар, зиёратгоҳ ва афсонавий жойларнинг бамисоли энциклопедиядек изоҳотидан иборат.

Масалан, «Макка билан Янбу орасидаги йирик тоғларнинг исмлари» (163-бет), «Макка билан Янбу орасидаги водийлар» (166-бет) ва ҳоказо деб сарлавҳалар қўйилган.

Фаластин, Сурия, Ироқ ва Миср номларидан ҳам баъзилари бор.

Албатта, луғат автори улуғ филолог бўлганидан, унинг географик изоҳотлари ҳам асосан тасвирий тарздадир. Шуниндек, афсуски, луғатда Урта Осиёдаги номларга изоҳ берилмаган. Испания ва Ҳиндистондаги номлардан бирортаси ҳам йўқ.

Шунга кўра, шарқшунос Иейнболл, бу китоб ёзиб тугалланмаган ёки охиригача таҳрирдан чиқмаган деб тахмин қилган эди.

САМЪОНИЙ

Ота-боболари арабларнинг самъон қабиласига алоқадор, лекин Марв шаҳрида туғилган Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас Самъоний ал Марвазий (1112 — 1167 йиллар, қабри Марвда) — тарих, этнография ва географияга оид элликтича илмий асар ёзган кенг савияли олимлардандир.

Умуман, Абу Саъд жуда ёшлигидан саёҳатга берилиб, дунёнинг илмий марказларида — Бухоро, Нишопур, Исфаҳон, Бағдод, Халаб, Дамашқ ва Қуддуси Шарифда «илм гадоси» бўлиб юрган.

Ривоятларга кўра, у етти мингтача олим билан учрашган ёки уларнинг китобларини ўқиган — ҳар ҳолда ўз асарларида бир неча минг олимнинг номи ва гапларини тилга олади.

Унинг 1156 йилда Самарқандда ёзган «Китоб ул-ансоб» (баъзан уни «Ансоби Самъоний» ҳам дейилади) асари жуда қимматли географик ва этнографик манбадир. Ёқут ҳам ўз луғатини («Муъжам ул-булдон»ни) тузишда шундан фойдаланган.

«Китоб ул-ансоб» саккиз жилддан иборат бўлиб, авторнинг Ўрта Осиёдан то Арабистонгача кўп йиллик саёҳати натижасида ёзилган.

Машҳур номлар (қабила бошлиқлари, тарихий шахслар, вилоят, шаҳар ва бошқа географик жойлар) алфавитга тизилиб, анча батафсил изоҳлар ёзилган. Ҳатто географик номларнинг транскрипциясига — тўғри ёзилиши, талаффузи, урғулари ва маъносига эътибор берилган.

Самъонийнинг диққатга сазовор хусусиятларидан бири шуки, у ўз асарида Эрон ва Мовароуннаҳрдаги номларга кўпроқ ўрин берган, шу билан бирга материали жуда янги ва қимматлидир. Фақат Самъонийдагина учрайдиган нодир тарихий географик маълумотлар ҳам бор.

Чунончи, ас-Синий («Хитойли») нисбасига изоҳ берганда, Хитойга савдо ёки илмий мақсадларда бориб келган шу номли кишилар тўғрисида муфассал маълумотлар берадики, Хитой билан Ўрта Осиё ва ҳатто Мағриб орасидаги муносабатларни ҳам бир қадар ойдинлаштиради (Крачковский, IV, стр. 316).

«Китоб ул-ансоб» асарини 1219 йилда араб сайёҳи ибн ал Асир «Китоб ул-лубоб фи тахзиб ул-ансоб», қисқача

«ал-Лубоб» деган ном билан тахрир қилиб, яна маълум қилди, буни ҳам 1469 йили ас Суютий «Луб ул-лубоб фи тахрир ул-ансоб» номи билан қисқартириб қайта ишлади.

Китобнинг кейинги, ўзгартирилган вариантлари ҳозир камроқ аҳамиятли бўлса-да, «Китоб ул-ансоб»нинг ўзи, Урта Осиёга доир тарихий географик масалаларда ҳали ҳам фойдали маълумотнома бўлиб қолмоқда.

Самъонийнинг 20 жилдлик «Тарихи Марв» деган асари ҳам тилга олинади. Географ Ёқутнинг айтишича, у китобларни кўрган ва ўқиган, самъонийлар оиласидан бир қанча атоқли кишилар чиққан, уларнинг бой шахсий кутубхоналари бўлган.

Самъонийнинг замондоши Абдурахмон Ҳасан ал Қуттоний Марвазийдир. У асосан табиб бўлиб, «Шинохта фил ҳайъат» («Астрономияни билиш ҳақида») китобини ҳам ёзган.

XIII аср олимларимиздан бири — Али Шоҳ ибн Муҳаммад ибн Қосим Алоул Бухорийдир.

Унинг «Зижи Шаҳий» деган астрономик жадваллар тўплами ҳамда «Умдату Элхония» ва бошқа астрономик асарлари бўлган («Қирқ олим», 72-бет).

Илгариги баёнларимиздан ҳам маълум эдики, Марв шаҳри Урта Осиё фани ва маданияти тарихида катта бир илмий марказ бўлган, бир неча «Марвазий»лар шу марказнинг мевалари эди.

«Муъжам ул-булдон»нинг автори Ёқут Марв кутубхоналарини шундай таърифлаган: Агар мўғуллар босиб келмаганда, мен Марвдан асло кетмаган бўлар эдим. Мен кетишимдан олдин Марвда ҳамма фойдаланадиган 10 та кутубхона бор эди. Мачити жоменинг ўзидагина 2 та кутубхона бўлиб, бирида 12 минг жилд китоб сақланарди. Уларни хоҳлаган вақтда олиб ўқиш мумкин эди. Менинг уйимда ҳар куни кутубхонадан келтирилган 200 тадан, ҳатто ундан ҳам кўпроқ китоблар турар эди. Мен зўр иштиёқ ила мутолаа қилар эдимки, бутун элларни, ҳатто оила ва фарзандни ҳам унитиб қўйган эдим.

ЧАҒМИНИЙ

Урта Осиёнинг математика ва астрономия илмида ўз хизматлари билан ном чиқарган бир олимимиз Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар Чағминий ал Хоразмийдир

(1221 йилда вафот этган, Хоразмнинг Жағмин қишлоғидан бўлса керак). У Хоразмни мўғуллар вайрон қилиш арафасида ижод қила бошлаган эди.

У Бухоро, Самарқанд ва Хоразм мадрасаларида таълим олган, сўнгра ишлаган, медицинага доир бир қанча асарлар, астрономия, математика ва географияга оид «Алмулаҳҳас фи ҳайъат ул-басита» («Астрономиядан танланган қисқача баёнлар») асарини ёзган.

Улуғбекнинг топшириғи билан, 1412 йилда Қозизода Румий шу китобга каттагина шарх ёзган эди, бу Тошкентда ҳам бор⁸⁷.

Чағминий ижоди Ҳ. Сиддиқовнинг брошюрасида⁸⁸ анча муфассал баён этилган, биз шундан географияга оид сатрларнигина келтирамиз.

Китоб кичик бир муқаддима билан бошланиб, икки мақолага (қисмга) бўлинган, ҳар бир мақоланинг ўзи бобларга ажратилган.

Биринчи мақола юлдузлар, планеталар ва уларнинг ҳаракатига бағишланган.

Иккинчи мақола географик қисм бўлиб, уч бобдан иборат:

1. Ернинг аҳоли яшайдиган обод жойлари ва уларнинг қайси иқлимларга қараши.

2. Ер юзидаги жойларнинг табиий хусусиятлари.

3. Ер юзида кеча ва кундузнинг турлича бўлиш сабаблари.

Чағминий бу китобини ёзишда грек олимларининг асарларидан ҳам, Шарқ олимларининг асарларидан ҳам, хусусан Абу Райҳон Беруний асарларидан ҳам фойдаланган.

Китобнинг кириш қисмида шундай дейилган: «Мен осмон жисмлари ва улар орасидаги муносабатлар, ҳаракатлар тўғрисида фикр қилдимки, буларнинг ҳаммасини киши ақли билан фикрлаш, тушуниш осон. Мен осмон жисмлари билан шуғулланувчи кишилар кам бўлгани учун, бу ҳақдаги фикрларимни ўзимдан кейингиларга ёдгорлик учун қолдираман. Бу китобимни астрономия илми билан шуғулланувчи, илмли, доно одамларга атаб ёздим».

Осмон жисмлари ҳақида турлича, кўпгина нотўғри даъволар борлигини уқтириб, Птоломейнинг геоцентрик назариясига (олам марказида Ер турибди, Қуёш ва планеталар Ер атрофида айланади дейишига) дадил қарши

туриб, Ер, Қуёш, Ой — ҳаммаси айланма ҳаракатда, ҳаммаси думалоқ, Батлимус (Птоломей) бу масалада ноҳақ дейди.

Ой Ер атрофида айланади, Ой билан Ер ораси, ҳаво ва фазодан иборат, дейди Чағминий, «Ҳаво ер куррасини ўраб олган. Қуёш нури таъсирида... ердаги сувлар (буғланиб) юқорига кўтарилади ва натижада буғлар ҳосил бўлади, (юқоридаги) ҳавонинг совуқлик даражасига қараб гоҳ ёмғир, гоҳ қор бўлиб ерга тушади» (20-бет).

Чағминийнинг, афтидан, Берунийдан олинган бу изоҳи мазмунан шундай: Қуёш нурлари ер ва сувни иситади, буғлар кўтарилади, булутлар пайдо бўлади, ҳавонинг юқори қатламларида, температуранинг паст-баландлигига қараб, булутлар қуюқлашади — конденсация бўлади ва ёмғир ёки қор шаклида ерга тушади.

«Ернинг Қуёш атрофида айланишидан фасллар ҳосил бўлади» (49-бет), булар: 1-фасл — ҳамал, совур, жавзо (яъни баҳор), 2-фасл — саратон, асад, сумбула, (ёз), 3-фасл — мизон, ақраб, қавс (куз), 4-фасл — жадди, далу, хут (қиш).

Ер юзида иқлимларнинг турлича бўлишига сабаб — Қуёш нурларининг турлича баландлик (бурчак) билан таъсир этишидир, дейди олим.

Демак, Ер думалоқ шаклда тасаввур этилган. Шунингдек Ой ўзидан ёруғлик чиқармаслиги, балки Қуёшдан ёғду олиб, акс эттириши маълум бўлган.

Олимнинг бу мулоҳазаларида ҳам Берунийнинг таъсири сезилиб турибди.

БУХОРОЛИК АВФИЙ

Бухорода туғилиб, бутун ёшлиги Ўрта Осиёда (Самарқанд, Хоразм) ўтган адиб ва сайёҳ Нуриддин Садидуддин Муҳаммад Авфийнинг ҳаёти Ибн Сино ва Берунийлар каби саргузаштларга бойдир.

У XIII аср бошларида, Ўрта Осиёни мўғуллар босиб олгунча Ҳиндистонга кетди ва аввало Панжоб султони Насриддин Қабожини саройида хизмат қилди, сўнгра (1228 йилдан сўнг) Деҳлининг янги амири Шамсиддин Элтутмиш (1210—1266) ҳузурида турди.

Шу даврда, яъни 1227 йилда «Жавоми ул-ҳикоёт ва лавоми ул-ривоёт» асарин ёзди. Бу — ҳар турли (икки мингдан ортиқроқ) тарихий ҳикоялар тўпламидир.

Асарнинг тўртинчи қисмида ажойиб ҳодисалар, денгиз ва қуруқликнинг ҳосиятлари ҳикоя қилинган.

«Авфий баён этган географик материал озмунча эмас, баъзиси жуда қимматли ҳамдир. Асарнинг турли қисмларида ҳар хил тафсилотлар учрайди, бундан ташқари, тўртинчи қисмнинг ўн олтинчи ва ўн еттинчи боблари кенг маънодаги географияга бағишланган. Авфий бу бобларда ўзидан илгари ўтган географларнинг таълимотига кўра, дунёнинг умумий тасвирини ва турли «иқлим»ларда яшайдиган айрим халқлар тўғрисида маълумот беради. Ўн олтинчи бобда аввало табиий географик очерк ёзилган, сўнг Ернинг етти «иқлимга» бўлиниши тушунтирилган... кейин Хитой ҳақида, унинг эски пойтахти, санъати ва маданияти тўғрисида маълумот бор. Буларнинг кетидан Ўрта Осиё ва шимоли-шарқий Европадаги туркий халқлар тўғрисида берилган маълумотлар жуда муҳимдир.

Ўн еттинчи боб Рум — Византиянинг тарихий географияси ва Қичик Осиёдаги грек фанининг тасвири билан бошланади. (Сўнгра «Зикри Араб, Зикри Ҳинд, Зикри Ҳабаш» — Арабистон, Ҳиндистон ва Ҳабашистоннинг тасвири берилган). Бобнинг охирида Каспий денгизидаги ороллар, денгиз яқинидаги булғор ва бошқа қабилалар, кўчма қумлар ва хотинлар мамлакати ҳақидаги анчагина батафсил ахборот билан тамом бўлади» (Крачковский, IV, стр. 327).

Унинг асарида шимолдаги юра халқлари, шарқдаги уйғурлар ҳам тилга олинган, қадимги Руснинг христиан динига ўтиши тасвирланиб, князь Владимир номи тилга олинган.

В. В. Бартольднинг аниқлашича, бу — мусулмон авторларида бирдан-бир маълумотдир. Узоқ Шарққа доир ҳикоясида Али тарафдорлари Сайидларнинг Хитойга қочиб бориб, уй-жой қилиб қолганлари ва кейинчалик Хитой билан мусулмонлар орасида элчи-воситачи бўлганликлари кўрсатилган.

Авфийнинг бу асарини ҳинд шарқшуноси проф. Муҳаммад Низомуддин илмий жиҳатдан анча мукамал шарҳлаб, каттагина обзор мақола (сўз боши) ёзди, унда Авфийнинг жуда кўп манбалардан фойдаланганини,

хусусан Беруний таълимотига эргашганини уқтириб ўтди.

Авфийнинг асари бир неча марта туркий тилларга таржима қилинган, жумладан XV асрда ибн Арабшоҳ таржима қилган.

Асарнинг Тошкент нусхасида (ЎзФАШИ, № 2836) 16 ва 17-боблар 13-саҳифани эгаллаган.

* * *

XIII аср охирида бухоролик Жамолиддиннинг Хитойга бориб, катта илмий хизмат қилганлиги тақдирга сазовордир.

Хитой манбаларида Замарутин деб аталган Жамолиддин Муҳаммад Зайди Бухорий кўп йиллар Мароға обсерваториясида, Насриддин Тусий раҳбарлигида ишлаган. 1267 йилда Хитой пойтахти Пекинга чақирилган ва ўзи билан 7 та астрономик асбобнинг лойиҳа чизмаларини олиб борган. Шу лойиҳалар асосида Пекин обсерваторияси учун бир қанча асбоблар ишлаб берган. Ҳозирги замон атоқли хитой олими Чжу Ке-чжэн: «Хубилайхоннинг ҳокимлиги йилларида Замарутин (келиб), императорга арабча астрономик асбоблар тортиқ қилди ва «Вань-Нянь» календарини ихтиро этди» деб, Жамолиддин Бухорийга юксак баҳо берди⁸⁹.

Бухоролик Жамолиддин ихтиро этган «Вань-Нянь-лей» номли календарь (унда бир йилни — 365 кун-у 5 соат-у 49 минут-у 12 секундга баравар қилиб тузилган эди) Хитойда шу қадар машҳур бўлиб қолдики, эски хитой санасини суриб чиқарди ва қарийб XVII асргача йиллик календарлар тузиш учун дастуриламал бўлиб турди.

Жамолиддин тўғрисида тарихчи Рашидиддин ҳам айтиб ўтган («Жами ат-таворих», русча таржимаси, III том).

ФАҲРИДДИН БАНОКАТИЙ

Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, унга Оҳангарон сувининг қуйилиш жойида Банокат шаҳри воқе эди. Бу шаҳарни баъзан Бинокаш, Бинокит, Фанокат, Финокат деб ҳам ёзганлар. Унинг уч томони дарё суви билан ўралган, бир томони чуқур хондоқ, у ҳам сув билан тўлдирилган.

Чингизхон бу қалъани вайрон этди. Кейинчалик Те-мур уни қайтатдан тиклаган ва ўз ўғли шаҳзода Шоҳрух исми билан Шоҳрухия деб атаган.

Шу шаҳарда XIII аср охирида туғилиб, 1329 йилда вафот этган Фаҳриддин Абу Сулаймон Банокатий (тўла исми-шарифи — Фаҳриддин Абу Сулаймон ибн Довуд Банокатий) — XIV аср бошидаги машҳур шоир, тарихчи ва географ олимларимиздандир. У 1317 йилда умумий тарих ва географиядан бир асар ёзиб, султон Абу Саидга бағишлаган.

Авторнинг ўзи, бу асар тарихчи Рашидиддин асари-нинг қисқартирилган таҳрири эканлигини бир неча жойда қайд қилиб ўтган. Маълумки, Рашидиддин (1318 йилда вафот этган) Ўрта Осиё, Эрон ҳам қўшни мамлакатлар тарихи ҳамда этнографияси ҳақида «Жами ат-таворих» китобини ёзган. Бу китоб жуда қимматли ва обрўли манба бўлганидан, уни кўпгина тарихчи ва географлар шархлаган, қисқартириб таҳрир қилган; унинг бир неча номи бор.

Банокатийнинг асари ҳам ана шундай қисқартирилган вариантларидан биридир. Шуниси муҳимки, бу вариант ҳали Рашидиддиннинг ўзи ҳаёт вақтда тайёрланган. Банокатий асарининг тўла номи «Равзат улил ал-боб фи таворих ул-акобир ва ансоб» («Улуғ кишиларнинг тарихи ва насаби бобида донишмандлар боғи»), аммо аксари «Тарихи Банокатий» номи билан машҳур-дир⁹⁰.

Шу китобнинг еттинчи боби географик қисм бўлиб, унда Ҳиндистон, Армания, Эрон, Рум, Хитой, Мўғул, Араб ва Яҳудий ерлари тасвир этилган.

Биз «Тарихи Банокатий»нинг 5 та қўлёзмасини кўр-дик:

1) Тошкент Давлат университети Асосий кутубхонаси фондидаги № 09—56 (эскиси 09—864) қўлёзма; бу энг мукамал ва энг яхши кўчирилган нусха. Иқлимлар схе-маси берилган.

2) Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунос-лик институти фондидаги 18-қўлёзма, яхши кўчирилган, аммо тўла эмас, географик қисм китоб орасида, 20 саҳи-фадан иборат. Иқлимлар схемаси берилган.

3) Шу фонддаги 7330-қўлёзма. Чала нусха, кўп саҳи-фалари йўқ, борлари ҳам бетартиб муқоваланган. Гео-график қисми атиги 2 саҳифа. Чизмаси йўқ.

4) Тожикистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар бўлимининг фонди (Душанба), 1999-қўлёзма; жуда яхши нусха. Иқлимлар схемаси берилган.

5) Фердавсий номидаги Тожикистон Давлат кутубхонасининг қўлёзмалар фонди (Душанба), 214-қўлёзма, чизмаси йўқ.

Биз биринчи қўлёзмани энг осон кўрганимиз учун, унга асосланиб қуйидаги сатрларни келтирамыз.

№ В 09/56, 281 варақ ўлчови, 30×19 см, 17 сатрдан. 1858/59 йилда Сарижўйда кўчирилган, хаттот Абдурасул. Қимдир 1 б-бетнинг четига қалам билан; ўзбек тилида ёзиб қўйилпти: «Ҳасанов Абу Сулаймон 731 да вафот этмиш Банокат Шоҳруҳининг харобалари Тўйтепанинг замиринда Оҳангарон сувининг Сирдарёга қуйила турган ерига яқин ерда, аввал Банокат, сўнгра Амир Темурнинг бек ўғли Шоҳруҳ мирза исминда Шоҳруҳия аталган».

Бу қўлёзманинг икки хусусиятига аҳамият бердик. Бир хусусияти — асарда Берунийга керагича ўрин берилгани, иккинчиси — дунёнинг схематик сурати илова қилинганидир.

Варақ 18 а: «Устод Абу Райҳон, султон Маҳмуд Ғазнавийнинг хизматида вақтда кўп муддат Ҳиндистонда бўлди ва ҳиндлар тўғрисида китоб ёзди...».

Сўнгра унинг «Қонуни Масъудий» китоби, Абу Райҳоннинг бароҳимо (брахманлар) тарихи ҳақидаги гапи нақл қилинган.

Варақ 184 б да яна Абу Райҳон тилга олинган. Варақ 185 а, 186 а — 187 а лардаги Ернинг умумий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар Берунийга асосланиб ёзилган.

Варақ 188 б да Ҳиндистон географияси Абу Райҳон Беруний китоби асосида тасвирланган.

Варақ 188 б да устод Абу Райҳон Беруний Ҳиндистон заминининг майдонини 200 фарсанг-у 200 фарсанг дегани ёзилган.

Варақ 198 а ва яна бошқа саҳифаларда Абу Райҳон исми тилга олинган.

«Тарихи Банокатий»га илова қилинган дунё схемаси учала қўлёзмада ҳар хил шаклда, лекин мазмуни деярли бир.

Расм А — биринчи қўлёзмадан, расм Б — иккинчи қўлёзмадан олинди, тўртинчи қўлёзманикини бермадик, чунки шунга ўхшаш, баъзи номларидагина тафовут қилади.

Ж А Н У Б

БАҲРИ МУҲИТ

машрик-3230 фарсанг
мағриб денгизи
ХАТТИИСТВО


ШАРҚ

ҒАРБ

| | | | | |
|-----|----------------|--------------------------|----------------------|--------------------------|
| I | И ХИНДУСТОН | ЗАНЖИБОР | ХАБАША | БАРБАР |
| II | | ДИЁРИ АРАБ | МАДИНАИ МУНАВВАРА | МАККАИ МУАЗЗАМА |
| III | | КИРМОН | ФОРС | БАҒДОД |
| IV | И ТУРКИСТОН | ХУРОСОН | ИРОҚИ АЖАМ | СУЛТОНИЯ |
| V | | ФАРҒОНА САМАРҚАНД | БУХОРО | ХОРАЗМ БАҲРИ ХАЗАР |
| VI | С | АКСАР ВИЛОЯТИ УРУС | БУЛҒОР | САҚОЛИБА |
| VII | | ЁЪЖУЖ ВА МОЪЖУЖ | | |
| | | БАҲРИ МУҲИТ | | |
| | | РУБЪИ МАСКУН | | |

Ш О М И С Р
Ш О М
Ш
У
Р

Ш И М О Л



XV АСР ГЕОГРАФИЯСИ

Ўрта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихи-да XV асрнинг биринчи ярми энг мураккаб, энг ёрқин ва энг кўп ўрганилган даврдир.

Бу — ўрта аср охиридаги уйғониш даври, экономика ва маданият, савдо-сотиқ ва дипломатик муносабатлар, қурилиш ва фан юксалган давр бўлди. Амир Темур давлатининг бир (жанубий) қисми Хуросон (пойтахти Ҳирот) бўлиб, Темурнинг ўғли Шоҳрух бошқарар эди, иккинчи (шимолӣ) қисми — Мовароуннаҳр (пойтахти Самарқанд) — Темурнинг набираси, Шоҳрухнинг ўғли Улуғбек (асли исми Муҳаммад Тарағай) тасарруфида эди.

Шу билан бирга, фанимиз тарихида, хусусан география ва саёҳатлар тарихида ҳам бу давр жуда ёрқин ва фахрланишга арзийдиган воқеалар билан бойдир. Жумладан, шу даврда:

1) Ҳофизи Аbru каттагина тарихий географик асар ёзди⁹¹;

2) Гиёсиддин Наққош Хитойга сафар қилди;

3) Абдураззоқ Самарқандий — Ҳиндистонга элчи бўлиб бориб келди;

4) Улуғбек расадхонасида зиж тузилди;

5) Али Қушчи астрономлиги ва сайёҳлиги билан шуҳрат қозонди.

Булардан ташқари география ва фан тарихи учун аҳамиятли бўлган бир қанча ишлар қилинди (Испания элчиси Рюи Хонзалес де Клавихо Темур саройига келиб, Самарқандда бир неча ой меҳмон бўлиб тургани ҳам шу вақтга тўғри келади).

Шуниси ҳам муҳимки, бу географик воқеалар ҳаммаси бир-бирига боғлиқ, бир-бирини давоми бўлди. Ҳаммасининг асарлари — XV аср охири ва XVI аср бошидаги олимларимизнинг — Хондамир, Мирхонд ва бошқаларнинг асарларига таъсир этган. Хуллас, XV аср географияси — бутун Ўрта Осиё география фанининг тарихида алоҳида бир давр бўла олади.

ГИЁСИДДИН НАҚҚОШ

Ўрта Осиё ҳокимлари темурий Шоҳрух ва Бойсунғур 1419 йил кузида Хитойга элчи тайинладилар. Элчиларнинг бошлиғи Амир Шодихўжа бўлди. Бу элчилар (хизматкорлари ва отлич навкарлари билан 500 кишидан ортиқ эди) сафарининг география учун энг муҳим хосияти шу бўлдики, унинг ҳайъатига Бойсунғурнинг буйруғи билан Ҳожи Гиёсиддин наққош ҳам қўшилди. Наққошга шундай махсус топшириқ берилган эди: Ҳирот шаҳридан ташқари чиққан кундан бошлаб то қайтиб келар кунига қадар мукамал рўзнома тутиб, унга ўз кўзи билан кўрган ҳар бир шаҳар ва вилоятда саёҳат ва сафар имкониятларини, вилоятлар ва иморатларнинг тасвирини, йирик шаҳарлар, подшоларнинг улуғликлари, мамлакатни қандай идора қилишликлари ва сиёсат

тутишлари, у мамлакат ва шаҳарларнинг ажойиботлари ёзиб борилсин.

Элчилар 1419 йил декабрда йўлга чиқиб, бир йил деганда Хонбалиққа (Пекинга) етиб келдилар. Бу ерда 5 ойча туриб, ўз юртларига қайтдилар — 1422 йил сентябрида Ҳиротга қайтиб келдилар — жами 32 ой сафарда бўлдилар.



Саёҳатнинг шунча муддати ва «узоқ йўли — Гиёсиддин талай нарсани кузата олганини кўрсатади. ... У мамлакат тўғрисида ҳам, унинг кишилари тўғрисида ҳам кўпгина қимматли маълумотлар берди, урф-одатлар ва ҳоқон саройининг тузилиши хусусида қизиқ тафсилотларни ёзди» (Крачковский, IV, стр. 519).

Гиёсиддин ўз вазифасини бажариб, кундалик дафтари (рўзномани) Шоҳрухга топширган. Бу кундалик дафтари энг аввал Ҳофиз Абрӯ ўқиб, ўз асарига илова қилган эди. Ҳофиз Абрӯнинг асаридан эса Абдураззоқ Самарқандий бир оз қисқартириб, Гиёсиддин «ҳикоясининг сараси ва энг яхшилари» кўчириб олган ҳамда ўз асарига илова қилган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг худди шу баёни туфайли Гиёсиддиннинг сафари оламга маълум бўлди. Фарбий Европа тилларига ва турк тилига бир неча бор таржима қилинди⁹². Рус тилида Гиёсиддин тўғрисида жуда қисқа ахборотларгина бор⁹³.

Ҳозирги вақтда тошкентлик шарқшунос А. Уринбоев Гиёсиддиннинг йўл хотираларини ўзбек тилида нашрга

тайёрламоқда. Биз унинг илтифотига кўра ўзбекча текст билан ҳам танишдик. Шу текстнинг яқин орада нашр этилишига умид боғлаймиз ва ҳозирча, ўз асаримизда, Ғиёсиддин саёҳат йўлини изоҳлаш билангина кифояланамиз. Унинг саёҳат маршрутини кўрсатувчи карта ҳам туздик.

Ғиёсиддиннинг асари географик адабиётнинг кундалик хотиралар жанрига ўхшашдир. Унда жуда кўп жойлар тилга олинган, дарёлар, кечувлар, тоғлар, довонлар, чўллар, шаҳарлар, манзиллар ва қалъалар, ёдгорликлар ва табиат ҳодисалари, ҳайвонот ва савдо-сотиқ, одамлар ва урф-одатлар тасвирланган. Хитой императори ҳузурда элчиларнинг жазоланишига сал қолган. Узоқ Хитойда хизмат қилаётган ўртаосиёлик ватандошлар билан дийдор кўришишлар бўлган.

Қайтишда, Қашқардан сўнг, Андижон тоғларида элчилар икки карвонга ажралишган: бир тўдаси Андижон — Самарқанд — Амударё орқали Ҳиротга борган, бир тўдаси жанубий йўл билан, Бадахшон — Ҳисори Шодмон (ҳозирги Душанбага яқин шаҳар) — Балх орқали юришган.

Энди Ғиёсиддин наққошнинг касби нима эди, деган масалани ҳам бир изоҳлаб кетайлик. Мавжуд китобларда Ғиёсиддинни «рассом» (художник, живописец) ёки «архитектор» деб атайдилар. Албатта, «наққош» сўзининг рассомлик, архитекторлик, ўймакорлик, безакчи, сураччи касбларига тегишлиги бор. Иккинчи томондан, «нақша» — чизма, карта, план маъноларида ҳам ишлатилган. Тожикча-форсча «нақша кашидан» — чизмоқ, «нақша бардор» — топограф, «нақша бардори» — план олиш, карта чизиш, «нақша кардан» — карта тузиш маъноларида ишлатилади⁹⁴.

Яна, Ғиёсиддинга топширилган вазифа — ҳар бир шаҳар ва вилоятларнинг тасвирини ёзиш — рассом ва архитектордан кўра кўпроқ топограф ва картографнинг қўлидан келар эди. Агар кейинги даврларда, XVIII — XIX асрларда Россиядан Ўрта Осиёга келган элчилар ва экспедициялар составига ҳам махсус топограф ҳамда геодезистлар қўшиб юборилганлигини эсласак, Шоҳрух элчилари орасида Ғиёсиддин айни шундай вазифани бажаргандир, деган фикрга келамиз. Хуллас, биз Ғиёсиддин наққошни — топограф ва картограф, кенг маънодаги географ деб аташ тарафдоримиз.

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ

Уртаосиёлик олим ва элчилар қадим замонлардан буён Ҳиндистонга бориб-келиб турганлиги маълум. Беруний, Носир Хисрав, Авфий, кейинчалик Бобир, Муҳаммад Ҳайдар мирза ва бошқалар Ҳиндистонга қуруқлик йўли билан — шимолдан, Афғонистон орқали юриб борганлар. Бунинг устига, улар Ҳиндистоннинг шимолӣ, марказий ва шарқий қисмидагина бўлганлар.

Абдураззоқ Самарқандий эса тамомила бошқа йўлдан, ғарбдан — Ҳинд океани томондан кемада борган ва анча жанубдаги вилоятда бўлган. Шу жиҳатдан унинг саёҳати алоҳида ўрганишга сазовордир.

Аммо Абдураззоқ Самарқандийнинг саёҳатини махсус қўлёзмалар асосида текшириб ўтирмадик, чунки ўзбек шарқшуноси А. Уринбоев бу ишни бажо келтирган — Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномасини бир неча нусхаларга солиштириб, критик текстини аниқлади ва ўзбек тилига муваффақият билан таржима қилди, мукаммал илмий изоҳлар билан нашр этди⁹⁵. Биз тамомила шу нашрга асосланиб, фақат уни географик жиҳатдангина талқин этишни лозим кўрдик.

Абдураззоқ Самарқандийнинг тўла исми Камолуддин Абдураззоқ, отасининг исми Жамолуддин Исҳоқ Самарқандийдир.

Абдураззоқнинг отаси асли самарқандлик бўлса ҳам, Шоҳрух хизматида юрганида Ҳиротда турган. Шу ерда, 1413 йил 8 ноябрда туғилган. Аммо кейинчалик Абдураззоқнинг ўзи ҳам бир қанча вақт Самарқандда бўлган.

Абдураззоқ ўз даврининг ўқимишли ва қалами ўткир кишиларидан бўлганидан, Шоҳрух уни ҳурмат қилган ва унга муҳим топшириқларни ишонган. Жумладан, аввало Ҳиндистонга ундан кейин Гилонга элчи қилиб юборган. Яна у Мисрга элчи этиб тайинланган-у, лекин боролмай қолган. 1482 йили ҳижрий 71 ёшида Ҳиротда вафот этган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг асосий асари «Матла ус-саъдайн ва мажма ул-бахрайн» («Икки саодатли (юлдуз)нинг болқиши ва икки денгизнинг қўшилиши») бўлиб, у икки жилддан иборат ва форс тилида ёзилган. Бу мазмунан тарихий асардир. «Бамисоли Рашиддин тарихининг давомидир» дейди И. Крачковский

(IV, стр. 520). Аммо асарнинг турли саҳифаларида йўл-йўлакай ҳар хил географик маълумотлар берилишидан ташқари, хусусан унинг икки бобида географик сафарлар баён этилган. Биринчи, илгари айтиб ўтганимиз Ғиёсиддин нақшошнинг Хитой сафари ва иккинчиси — ўзининг Ҳиндистон сафаридир. «Ҳиндистон сафарномасининг (алоҳида боб тарзида) ёзилиши тасодифий бир ҳол эмас, албатта. Аввало бу сафар ҳақида авторнинг қўлида ўз кўрган-билганларидан (тўпланган) бой материал мавжуд бўлган бўлса, иккинчидан, унинг замондошлари (Ҳирот, Бухоро ва Самарқанд китобхонлари) узоқ мамлакатлар ҳақидаги ажойиб хикоялар ва аниқ маълумотларга зўр қизиққанлар» (Ўринбоев, 22-бет).

«Ҳиндистон» бобининг тўла сарлавҳаси «Ҳиндистон сафари достони ва у (ер) ажойибларининг шарҳи ва ғаройибларининг баёни»дир. Шу баённинг айрим сатрлари шундай:

«(1441) йили... Ҳўрмуз вилояти ва денгиз соҳилларига қараб сафарга отланди (м). Бу дoston (да) ... ҳар хил ажойиб-ғаройиблар сўз ипига терилади, уч йил муддат ичида кўрган-кечирган ҳолатим ва кўрқинчли воқеаларим муфассал ҳам қисқа ҳолда қайтадан баён қилинади. Сўнг (фақир) илгари ваъда қилганига мувофиқ Хуросон, Мовароуннаҳр, Форс, Ироқ ва Озарбайжонларда (бўлиб ўтган) воқеалар баён қилинади. (Фақир) умидворки, (бу дoston) жаҳон билимдонларининг назарида ривож топгай ва замона аъёнларининг илтифот офтоби унинг устида нурлангай» (31).

«Мен Ҳинд тарафига тайинландим. ...Кўҳистон йўли билан чиқиб, жўнаб кетди (м). Қирмон биёбонининг ўртасида шаҳарга ўхшаш бир жойга етди(м)...

Бу биёбон (Дашти Лут) Макрон ва Сейстон чегарасидан тортиб токи Домғонгача бўлган масофа офат ва хавф туғдирувчидир».

Қирмон шаҳри «жуда яхши олижаноб бир шаҳар, дилкушой жонга роҳат бағишловчи жой экан».

«...(сўнг) Ҳўрмузга қараб йўл олиб, ойнинг ўртасида Уммон (Арабистон денгизи) соҳилига ва Ҳўрмуз бандарига етиб келдим.

Бу—Жарун деб (ҳам) аталувчи Ҳўрмуз шаҳри денгиз ўртасида жойлашган бир бандардирки, етти иқлимнинг савдогарлари Миср, Шом, Рум, Озарбайжон, Араб ва Ажам Ироқлари ҳамда Форс, Хуросон, Мовароун-

наҳр ва Туркистон мамлакатлари, Дашти Қипчоқ мамлакати, Қалмоқ тарафларидан, барча Шарқ мамлакатлари, Чину Мочин ва Хонбалиқдан бу шаҳарга юзланадилар. Денгиз соҳилларидаги (мамлакатлар)нинг кишилари Чин, Жова, Бангола, Силондан, Таносири, Зирбод шаҳарлари, Суқутра, Шаҳри нав ва Дива Маҳал оролларидан тортиб, ҳатто Балибор диёридан, Ҳабаш ва Зангибордан ҳамда Бижанагар бандарлари, Гулбарга, Гужарот, Қанботдан, Арабистон қитъаси соҳиллари ҳатто Адан, Жидда ва Янбулардан қуёш ва ой (нурлари) ва мўл ёмғир сувлари обитоб бериб денгиз юзига чиқарилишига (лойиқ) қилиб (етилтирган) қимматбаҳо ва гўзал нарсаларни бу шаҳарга олиб келадилар» (33).

Бу мисрада Ҳўрмуз портининг жуда катта халқаро савдо маркази бўлганлиги кўрсатилган, шу билан бирга Абдураззоқнинг географик савияси ҳам намоён бўлади.

Абдураззоқнинг ёзувчилик маҳорати жуда зўр бўлганки, ҳар бир табиий ҳодисани бадий образлар ва ўхшатишлар билан, нафис ва ҳаяжонли қилиб тасвирлайди. Самарқандий «ўз китобхонларининг манзур бўлиб ўқишларини, уларни мафтун этишни ўйлаб» ёзган⁹⁶.

Масалан, Арабистон қирғоғидаги кун иссиқлигини шундай баён этган: Машқат ёнида турганда, «Баҳор фасли ва кеча-кундуз узунлигига барабар бўлган вақт бўлса ҳам, офтобнинг ҳарорати шу қадар иссиқ эдики, кон ичидаги лаълни ва устихон ичидаги иликни у куйдирар, қин ичидаги шамширни мумдек эритар эди. Қуёш нури ханжар дастасига ишланган гавҳарни лаҳча чўққа айлантириб юборар эди...

Ҳовуз ичидаги балиқларнинг тани,
Оловга тушган ипакдек бўлиб (қовжираб) қуяр эди.

Сувнинг ва ҳавонинг иссиқлигидан,

Балиқ паноҳ излаб ўзини оловга урар эди.

Дашти-биёбонда ов қилиш осон бўлиб қолди,

Чунки қовурилган кийиклар билан биёбон тўлган эди»

(35—36).

«Шу аснода бир куни кечаси шу қадар иссиқ бўлдики, тонг пайтида худди осмон жаҳонга олов ёғдираяпти дер эдинг; ҳавонинг иссиқлиги осмон авжидаги тез учар қушни ва денгиз қаъридаги балиқни куйдирар эди... Дарахтларга ин қўйган қумри, зағизгон, чумчуқ ва бошқа қушлар эрталаб ўлиб, дарахтлар тагига қулаган эдилар. Бу сўзимда ёлғони йўқ десак ёлғончи бўлмаймиз.

Байт:

Меваларни етилтирувчи бўлмиш иссиқликнинг оловидан
Булбул ва чумчуқларнинг мияси қуриб қолган;
Иссиқнинг зўридан ҳар бир шох тепасида,
Қушлар худди юмшоқ ҳалводек (пишиб) қолган» (70)

Кеманинг тасвири:

Кема «бир паррандадирки, қанот-у пар ёрдамисиз
учади; бир юрувчидирки, оёқ ёрдамисиз ўқдек югуради;
бир уловдирки, сувда кўкраги билан жавлон уради; бир
балиқдирки, тўлқин ёқасида худди илондек қорни билан
сайр қилади; бир ҳилолдирки, минглаб йиллар давомида
тўлишмайди; у хилма-хил жониворларни ўзига тўплай-
ди-ю, (ўзи бировга) юк бўлмайди; бир ҳинди табиатлик
канизакку, тили ёқимли; бир неча авлоднинг эгаси-ю,
аммо ўзи бефарзанд; у ўзи бандда-ю, аммо бошқаларни
бало тўфонидан холос қилади; ўзи занжирда-ю, аммо
худди шамол каби денгиз сувига занжир ташлаган; (у)
худди дилини йўқотганлардек на ерда эмас, ва на ос-
монда, худди каромат эгалари сингари сув юзида юра-
ди; бир баҳайбат булутдирки, худди ёввойи ўрдакдек
учиб юради; тик бир камондирки, букилган, худди чархи
фалакдек сайёр, (унинг) ўқи худди қутб юлдузидек
доимо бир қарорда...

Байт:

Шамол турган кунлари у шамолдан тез юрар,
Қанот ёзганида ўқдан ҳам тез учар» (38—39).

Тўлқин манзарасининг тасвирини қаранг: Кемада,
ҳамроҳлар тўпланишиб, қизиқ-қизиқ суҳбатлар ва ажой-
иб ёдгорликлар ҳақида ҳикоялар айтишарди. «Токи
кема минглаб силкинишлар билан денгизнинг ўртасига
етган эдики,— байт:

Ногоҳ денгиз юзида (қаттиқ) шамол қўзғолди,
Ҳар тарафдан наъра ва фарёдлар кўтарилди,
Кеча, кема, шамол, денгиз ва гирдоблар
(Бари) ёмон ҳодисалар, сабабларини муҳайё қилдилар.

Ногоҳ худди кемадаги (май) пиёласидан ичувчилар-
дек беқарор шамоллар таъсирида, (кайфиятни) ўзгар-
тирувчи бир шамол у кемага йўл топди:... (кеманинг)
елкани ошиқнинг ёқасидек машъуқ йўлида чок бўлди,

ўқи (мачтаси) эса шамолнинг қаттиқлигидан жонон қошлари камондек эгилди...

Тоғдек тўлқинларнинг чайқалишидан кема гоҳ чигириқ гилдирагига сирдош бўлиб айланди, гоҳ қаттиқ шамолнинг турткисидан ғоввослардек сув қаърига шўнғиди...» (67).



Саёҳат бошида обиҳаво баъзи сайёҳларнинг мизожига тўғри келмаганидан, Абдураззоқ билан саёҳатда ҳамроҳ бўлиб юрган акаси Афифуддин Абдулваҳоб йўлда (Қалҳотда) бетоб бўлиб, вафот этди.

Абдураззоқнинг ўзи ҳам қаттиқ хасталаниб, Ҳиндистонга жўнайдиган бир кемага зўрга чиқиб олади. Хайриятки, «денгиз ҳавоси бир қадар соз келиб, тузалиб кетиш умидини берди».

18 кун деганда Коликут бандарига етган. «Коликут хавфсиз ва обод бир бандардир; кўп мамлакат ва диёрларнинг савдогарлари жам бўлиши ва денгиз соҳилидаги ерларнинг, хусусан Ҳабаша, Зирбод ва Зангибор мамлакатларининг молларидан кўплаб нафис нарсалар топилиши билан у Ҳўрмузга ўхшаб кетади» (39), «Коликутдан Маккайи Муборакка кемалар қатнаб туради ва хўпинча мурч олиб боради. Коликутликлар денгизда жуда журъатли бўлади... Бу бандарда ҳамма нарса топилади» (44).

Бу — Ҳиндистоннинг энг жануби ғарбидаги кўҳна портлардан бири, ҳозирги номи Кожикоде, Абдураззоқ-

дан 56 йил кейин португал сайёҳи Васко да Гама кемалари айни шу портга келиб тўхтаган эди.

Абдураззоқ Самарқандий Коликутдан яна Бижанагарга ўтиб, у ерда кўп муддат меҳмон бўлди, ўз элчилик вазифасини ўтаб, ҳиндларнинг ҳаёти, урф-одатлари, байрамларини ҳамда шу ўлканинг савдо-сотиғи, одамлари, ҳайвонот ва ўсимлигини кузатди — бу ажойиботлар ҳаммаси Абдураззоқнинг сафарномасида тасвир этилган.


Бижанагар ҳокимидан Шоҳруҳга совға-салом билан қайтар экан, Абдураззоқ денгиз бўйига келиб, яна кемага тушди — бу гал 75 кун, кўп азоб-уқубатлар билан сузиб, Хўрмузга қайтди. Сўнгра илгариги йўли билан, Қирмон орқали, уч йил деганда Ҳиротга кириб келди.

Ҳиндистон ажойиботларидан бири — фил тўғрисидаги тасвирини ўқинг: Ҳинд подшоси «саройида сақланадиган филларни кичири бериб боқадилар...

Фил тутиш усули мана бундай: филлар сув ичгани борадиган йўлда чуқур қилиб чоҳ қазийдилар ва устини (хас-чўп билан) енгилгина ёпиб қўядилар. Бу жойга фил тушганида, унинг яқинига икки-уч кунгача ҳеч ким келмайди. Шундан кейин бир киши келади-да, қаттиқ таёқ билан уни бир неча марта савалайди. Ногоҳ бошқа бир киши келиб, (филнинг кўзи олдида) ураётган одамни итариб ташлаб, қўлидан таёғини тортиб олиб, улоқтириб юборади ва филга бир оз ўт ташлаб қайтиб кетади. Шу хилда бир неча кун давомида биринчи киши уни савалайди, иккинчиси уни ман қилади: охири фил иккинчи кишига дўст бўлиб қолади. Сўнг бу одам оҳишта-оҳишта филнинг ёнига яқинлашиб, унинг олдида филлар яхши кўрадиган мевалардан келтиради, силаб-сийпайди, қашилайди. Шу хил бадан тарбия билан фил унга ром бўлади ва бандга бўйин эгади.

...Баъзан гуноҳкорларни филнинг оёғи остига ташлайдилар, фил уларни оёғи билан босиб, хартуми ва тишлари билан парчалаб ўлдиради. Савдогарлар Силондан вилоятларга филлар олиб бориб, газ эътибори билан баҳо қўйиб сотадилар» (51—52).

Филларнинг шундай сотилиши тўғрисида Абдураззоқ Самарқандийнинг айтганларини кейинчалик Бобир ҳам айни шу таҳлитда ифодалаган: «Фил жуссаси катта ва зийрак жонивордир. Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар қилур. Баҳоси улуклуғига ярашадур, қари-



лаб (ўлчаб) сотарлар. Ҳар неча улукроқ — баҳоси кўпроқ. Андоқ ривоят қилдиларким, баъзи жазойирда ўн қари фил бўлур эмиш. Бу орада худ тўрт-беш қаридин (3—3,5 метрдан) икизрак (филлар) кўрулмади» («Бобирнома», 345-бет).

Абдураззоқ Самарқандийнинг тарихий асаридан бир қизиқ мисол келтирайлик. Бу, албатта, афсона, лекин географик ҳодисаларга боғлаб тўқилган.

1451 йил воқеалари: «Дизак чўлида жазирама иссиқдан изтироб чекар эдилар. Шунда хон жами ўзбек аҳлига фармон бердиким, яда тошини амал қилинлар. Ўзбеклар фармонни бажариб, унинг хосиятларини кўрсатдилар... Икки-уч кун ичида ҳаво чунон ўзгардики, офтоб нурини қора булутлар тўсди, момақалдироқ гурсиллай бошлади, яшин барқ уриб сакрай кетди, совуқдан, қордан ва ёмғирдан жаҳонда тўфон зоҳир бўлди... сел ва совуқ шу қадар зўрайдики, хуросонлик жами кишилар, яда тошининг хосиятларини билмас эдилар, бир муддат таажжуб қолдилар».

Ёки Қорақумнинг жанубий чеккасидаги Бодғис қирларининг тасвирини қаранг: «кўклам чоғлари Бодғис атрофлари гўзал қизнинг жамолидан ҳам тозароқ баҳр очувчи ва машъуқанинг ваъдасидан ҳам ёқимлироқдир».

* * *

Абдураззоқ Самарқандийдан 27 йил (1466—1472 йиллар) кейин Жанубий Ҳиндистонга рус савдогари Афанасий Никитин бориб қолган. Албатта, Никитин тамомила бошқа мақсадда ва вазиятда саёҳат қилган.

Абдураззоқ — расмий элчи вазифасида, махсус чақирик билан, тортуқ ва ҳамён билан, бир неча мулозими билан борган эди. Никитин эса, молу мулкидан ажралган савдогар сифатида, тасодифан, ғайри расмий ва мусофирчилик ғурбатини чекиб, ёлғиз борган.

Абдураззоқ Жанубий Ҳиндистонда ўз тилдошлари ва диндошларини, ҳатто ватандошларини ҳам учратган бўлса, Никитин бундай афзалликдан маҳрум эди. Бу эса унинг юриш-туришини хийла оғирлаштирган.

Абдураззоқнинг илмий савияси билан Никитиннинг савияси орасида тафовут борлиги ҳам шубҳасиздир. Аммо, шунга қарамай, Абдураззоқ Самарқандий сафар-

номаси билан Афанасий Никитиннинг «Уч денгиз оша сафар» асари ўртасида талай яқинлик ва ўхшашлик бор. Никитин сафарини шархлаган рус олимлари, ҳар қадамда Абдураззоқ Самарқандий асарига қиёс қилишлари бежиз эмас.

Дарҳақиқат, иккала асарни салгина солиштириб кўрайлик.

Абдураззоқнинг ҳаво иссиқлигини қандай тасвирлаганини юқорида ёзган эдик. Никитин ҳам Жанубий Осиёнинг иссиғини тасвирлаган: «Хўрмузда офтоб шу қадар жазирамаки, одамни куйдиргидай» (55).

Ҳиндларнинг қора тани, лунги бойлаб юришлари — иккала сайёҳимизда ҳам деярли бирдай тасвирланган (Самарқандий —41, Никитин —56 бетлар).

Абдураззоқ: «Филларни кичири бериб боқадилар» (51) деса, Никитин: «отларга ҳам кичири пиширадилар» (57) деб айтади.

Будданинг тасвири: «Тик турган одам суратидаги» бут (44) ва «Тош ҳайкалларга сиғинадилар» («молят-ся они каменным болванам», 58).

«Хўрмуз — улкан бандар. Жами олам кишилари бу ерда бўлади. Ҳар турли мол ҳам бор. Жаҳонда нимаки яратилса, Хўрмузда топилади...

Коликут эса бутун Ҳинд денгизининг бандаридир. Бирон кема кирмасдан ўтмайди» (63—64) — дейди Афанасий Никитин. Абдураззоқ ҳам айни шу қабилда ёзган эди-ку!

Хуллас, демоқчимизки, иккала сайёҳ — ўз кўзлари билан кўрган, ўзлари қадам босган жойларни жуда ҳаққоний тасвирлаганлар. Иккалови ҳам ўша жойларнинг асосий хосиятларини кўра билганлар.

Афанасий Никитиннинг асарида Ҳиндистондан бошқа мамлакатларга доир талай маълумот бор, Абдураззоқда бундай маълумотлар жуда кам. Бунинг устига, Никитин асари рус тилида Ҳиндистон тўғрисидаги энг аввалги ва энг мукамал тасвир бўлганлигини эътиборга олсак — Никитин саёҳатини ва китобини янада қадрлашимиз ўринлидир.

Яна қизиқ бир факт: Никитин, оғир бир кунда, «Хуросонлик Хўжа Муҳаммад» катта ёрдам берганини миннатдор бўлиб ҳикоя қилган (5—7). Ҳатто Никитин ўзини «мусулмончасига Хўжа Юсуф Хуросоний бўламан» деб танитган (60).

Биз Абдураззоқ билан ҳам, Никитин билан ҳам баб-баравар фахрланишимиз лозим. Иккала ватандошимиз ғарбий европаликлардан бир неча ўн йил олдин Ҳиндистонга сув йўлини босиб ўтган мустақил сайёҳлар эди.

УЛУҒБЕК ГЕОГРАФИЯСИ

Бобир: Улуғбекнинг «Яна бир олий иморати пуштаи Кўҳак доманасида расаддурким, зиж битмакнинг олатидир. Уч ошёналиқдур. Улуғбек мирзо бу расад била Зижи Кўрагонийни битибтурким, оламда ҳоло (ҳозир) бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар. Мундан бурун Зижи Элхоний мустаъмал эдиким, Хожа Насир Тусий Ҳалокухон замонида Мароғада расад боғлатибтур. Ҳалокухондурким, Элхон ҳам дерлар. Ғолибо оламда 7—8 расад беш боғламайдурлар. Ул жумладин бир Маъмун халифа расад боғлабтурким, Зижи Маъмунийни андин битибтурлар. Бир Батлимус ҳам расад боғлабтур. Яна бир Ҳиндустонда рожа Бикраможит ҳинду замонида Ўжин ва Даҳордаким, Молва мулкидур, ҳоло Мандуға машҳурдур. Яна бир расад қилибтурлар, ҳоло ҳиндуларнинг мустаъмал Ҳиндустонда ул зиждур. Бу расадни боғлагони (га) 1584 йилдур (бўлди). Бу ул зижларға боқа ноқисроқтур» («Бобирнома», 105—106-бетлар).

Самарқанд обсерваторияси тўғрисида бир қанча илмий ва оммабоп китоблар ёзилган. Буларнинг энг мукаммали ҳурматли олимимиз проф. Тошмуҳаммад Ниёзович Қориниёзийнинг тадқиқотидир⁹⁸.

Улуғбек раҳбарлигида, Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид бошлаган, улардан сўнг Али Қушчи ёзиб битказган «Зижи Кўргоний» китоби (уни «Зижи Султони Кўрагоний», «Зижи жадиди Султоний», «Зижи Улуғбек» деб ҳам атайдилар) Улуғбек обсерваториясининг маҳсулоти бўлиб, Ўрта Осиё ва бутун жаҳон фани тарихида намунавий бир илмий асар бўлди. Аммо биз «Зижи Кўрагоний»нинг астрономик томонини эмас, балки географик меросинигина муҳокама қила оламиз.

Маълумки, «Зижи Кўрагоний»да юлдузлар жадвали билан бирга ер юзидаги шаҳарларнинг географик координаталари ҳам кўрсатилган. Айни шу географик жад-

вал Т. Н. Қориниёзийнинг китобида (Улуғбек, 184—190-бетлар), С. М. Горленконинг мақоласида⁹⁹ ва Ҳ. Ж. Мамедбейлининг асарида бир қадар изоҳланган. Биз шунини кенгроқ таҳлил қилиб кўрайлик.

Даставвал, Ҳ. Ж. Мамедбейлининг ўринсиз бир даъвосига эътироз билдирмоқчимиз.

Ҳ. Ж. Мамедбейли шундай дейди: «Насириддин Тусий тузган «Зижи Элхоний»даги айрим жадваллар, жумладан шаҳарларнинг географик координаталари жадвали «Зижи Кўрагоний»га тўппа-тўғри кўчириб ёзилган. Синчиклаб текшириш натижасида шу нарса исбот этилдики, 256 шаҳарнинг географик координатаси берилган бу жадвал ҳеч қандай ўзгаришсиз «Зижи Элхоний»дан «Зижи Кўрагоний»га кўчирилган, фақат Самарқанд шаҳрининг координаталаригина бошқатдан аниқланган»¹⁰⁰.

Ҳ. Ж. Мамедбейли қилганидек, биз ҳам Насириддин Тусийнинг «Зижи Элхоний»даги географик координаталар жадвалини Улуғбек обсерваториясида тузилган «Зижи Кўрагоний»даги географик координаталар жадвалига синчиклаб солиштириб чиқдик.

Жаҳоннинг турли кутубхоналарида «Зижи Кўрагоний»нинг бир қанча қўлёзмалари бор, уларда ҳақиқатан ҳам 250 тача (247—256) жойнинг координаталари ёзилган. Фарбий Европа тилларида нашр этилган Улуғбек жадвалларида ҳам ана шундай.

Тошкент, Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган учта қўлёзманинг географик координаталар жадвали билан танишганимизда, шулар аниқланди: 457-қўлёзмада (826—84а варақлар)—244 та шаҳар номи кўрсатилган, 2118-қўлёзмада (1136—1146 варақлар)—245 ном, аммо 2214-қўлёзмада эса (1036—110а варақлар)—697 жойнинг географик координаталари кўрсатилган.

457 ва 2118-қўлёзмалар ҳар жиҳатдан бир-бирига ўхшайди: мамлакат ва шаҳарларнинг кетма-кет ёзилиши, узунлик ва кенглик кўрсаткичлари бир хил, фақат баъзи ҳаттот хатоларигина бор. Иккинчисидagi жадвалнинг охирига, рамканинг четига битта ном қўшиб қўйилган. Шунга кўра, 2118-қўлёзма 457-қўлёзманинг айнан нусхаси ва ундан кейинроқ кўчирилган бўлса керак, деган хулоса чиқариш мумкин.

2114-қўлёзма эса жаҳонда ягона ва энг мукамалдирки, унинг географик жадвалида шаҳарлар сони қа-

рийб уч марта кўп. Бундан кейинги баёнимиз худди шу манбага асосланади¹⁰¹.

«Зижи Кўрагоний»даги 697 ном орасида 120 тадан кўпроқ ном икки мартадан такрорланган. Ҳатто уч марта такрорланган номлар ҳам бор (Халвон, Нишобур, Тус, Тиз шаҳарлари). Ана шу қайтариқ номларнинг жами ($120 \times 2 = 240$, бунга $4 \times 3 = 12$ қўшилса) 252 та бўлади.

Агар улар биттадангина олинса 124 ном бўлади, қайтариқларини (128-номни) ўчириб ташланса, яъни $697 - 128 = 569$. Яхлит қилиб 570 деяверайлик. Демак, «Зижи Кўрагоний»да, қайтариқлардан ташқари, 570 та шаҳарнинг географик координаталари берилган экан. Ҳолбуки Тусийнинг «Зижи Элхоний»сида фақат 256 та ном бор эди. Улуғбек эса буларга яна 314 ном қўшган.

Кўриниб турибдики, бу рақамлар Ҳ. Ж. Мамедбейлининг даъвосини рад қилади. Аксинча, «Зижи Кўрагоний»даги географик жадвалнинг бир қисмигина (ярмидан камроғи) «Зижи Элхоний»дан олинган, дейиш ўринли бўлар эди. Афтидан, Ҳ. Ж. Мамедбейли Тошкентдаги бу ажойиб қўлёзмани кўрмаган.

Ҳатто, Тусийдан олинган ўша бир қисм (256 та) шаҳар номлари ҳам «тўппа-тўғри» кўчирилмаган. Масалан, Улуғбек жадвалида биринчидан 258 сонгача рақамли шаҳарлар орасида (шулар Тусийдан олинган деб ҳисобланади) Тусий жадвалидаги 13 шаҳар номи йўқ (55, 58, 59, 63, 76, 89, 90, 96, 97, 167, 226, 246, 256 рақамли шаҳар номлари), шунингдек, айрим шаҳарларнинг кетма-кет ёзилишида ҳам тафовут бор. Буни қуйидаги қиёсдан кўриш мумкин.

Биринчи қаторда (Т) «Зижи Элхоний» жадвалидаги шаҳарлар рўйхати номери кўрсатилади, иккинчи қаторда (У) «Зижи Кўрагоний» жадвалидаги рўйхат номери келтирилади (гарчи бундай номерлар 2214-қўлёзмада бўлмаса ҳам, текширишни осонлаштириш учун ўзимиз рақам қўйиб чиқдик). Масалан, Тусий жадвалидаги 180-ном Улуғбек жадвалидаги 172-номга тўғри келади.

Хуллас, Ҳ. Ж. Мамедбейлининг «Улуғбек жадвалида координатаси берилган ҳар бир шаҳар Мароға обсерваторияси жадвалларида бор, шундай қилиб, Улуғбек жадвалидаги шаҳарлар ва уларнинг жойлари Мароға жадвалидан кўчириб олинган» деб айтиши ҳам ўринсиздир.

| Т | У | Т | У | Т | У | Т | У |
|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|
| 180 | 172 | 199 | 190 | 201 | 221 | 207 | 227 |
| 184 | 176 | 214 | 191 | 202 | 222 | 208 | 228 |
| 187 | 179 | 215 | 192 | 203 | 223 | 209 | 229 |
| 191 | 183 | 216 | 193 | 204 | 224 | 210 | 230 |
| 194 | 185 | 217 | 194 | 205 | 225 | 212 | 231 |
| 195 | 186 | 218 | 195 | 206 | 226 | 213 | 232 |

Демак, Улуғбек обсерваториясида тузилган «Зижи Кўрагоний»нинг географик жадваллари Тусийнинг «Зижи Элхоний» сидаги географик жадваллардан анча фарқ қилади.

* * *

Беруний ва Улуғбек. Энди иккала улуғ олим — Беруний ва Улуғбек асарларидаги географик координаталар жадвалларини солиштириб кўрайлик.

Бу жадвалларда асосан уч хил тафовут кўзга ташланади. Биринчиси шуки, координаталари берилган шаҳарларнинг рўйхати турлича принципларда тузилган. Беруний жадвалида шаҳарлар ҳаминша «иқлимий» тартибда, экватордан бошлаб, I—II—III ва ҳоказо «иқлимлар» бўйлаб ёзилган. «Иқлимлар»нинг ичида эса ғарбдан шарққа қараб шаҳарлар бирма-бир тартиб қилинган.

Улуғбек жадвалида эса шаҳарлар «иқлимлар» принципида эмас, балки умуман ғарбдан шарққа қараб тартиб қилинган. Улуғбек жадвалида гарчи «иқлимлар» графаси бўлса ҳам, унга мамлакатлар номи ёзилган.

Иккинчи тафовут — шаҳарларга берилган географик таърифларда. Улуғбек жадвалида шаҳар номлари рўйхат қилинган-у, уларга қўшимча изоҳлар ё ҳеч берилмаган, ёки жуда қисқа берилган. Беруний жадвалида эса аксари шаҳарларга қисқа-қисқа таърифлар берилган. Шуниси ҳам муҳимки, иккала жадвалда ҳам берилган таърифлар деярли бир-бирига ўхшаш. Демак, иккала автор бир манбадан олган ёки бундай таърифлар Шарқ географияси учун умумий ва анъанавий бўлиб қолган.

Қуйида бир неча номни мисол тариқасида қиёс қилиб кўрсатамиз.

| | |
|---|---------------------------|
| Беруний жадвалида | Улуғбек жадвалида |
| Қулзум — Қизил денгизнинг четида (шаҳар), бу денгиз яна Суф денгизи номи билан машҳур | Қулзум — денгиз қирғоғида |
| Рамла — Фаластиннинг кичик шаҳри | Рамла — Фаластиндан |
| Қибрис — Шом денгизидagi орол | Қибрит |
| Трабзунда — Румия порти, Бўнтус денгизи қирғоғида | Трабзунд |
| Боб ул-Абвоб — Дарбанди Хазарон номи билан машҳур; денгиз бўйида | Боб ул-Абвоб |
| Бокуйя — оқ нафт (нефть) чиқадиган жой | Еокуйя |
| Кот (Хоразмнинг) иккинчи шаҳари, Жайхуннинг шарқий бетида | Кот |
| Қўстантиния — Рум ва Бўнтус денгизи орасида, Халиж қирғоғида | Қўстантиния |
| Хазар шаҳри — Атил дарёси қирғоғидаги вайроналар | Хазар шаҳри |

Бундан ташқари, Беруний жадвалида Улуғбек жадвалига нисбатан дунёнинг кенгроқ майдони қамраб олинган. Жумладан, экватордан жанубдаги ороллар ҳам, чекка шимолдаги ерлар ҳам бор. Ўрта Осиё анча тўла берилган (бу Беруний бобида таҳлил қилинган эди). Хуллас, Берунийнинг жадвали мамлакатлар ва шаҳарлар сони жиҳатдан бойроқ. Аммо Улуғбек жадвалининг афзал томони шуки, бунда бир қанча янги номлар, Берунийдан кейин пайдо бўлган шаҳарлар ва бирмунча аниқ рақамлар (узунлик ва кенглик кўрсаткичлари) берилган.

Учинчидан, Беруний ва Улуғбек жадвалларидаги энг асосий тафовут — улар қўлланган бошланғич меридианнинг турлича эканлигидир.

Беруний жадвалининг сарлавҳасида: «Узунликлар Ғарбий океан соҳилидан ҳисобланган» деб ёзиб қўйилган.

Улуғбек жадвалининг сарлавҳасига: «Шаҳарларнинг узунликлари Холидот оролларида ва кенгликлари экватордан бошлаб ҳисобланган» деб ёзилган, «Зижи Кўрагоний»ни шархлаган астроном Биржандий ҳам шуни таъкидлаб ўтган¹⁰².

Беруний ва Улуғбек жадвалларидаги бошланғич меридианлар икки хиллиги муносабати билан бир қанча саволлар туғилади: умуман қандай бошланғич меридиан-

лар бўлган, Беруний ва Улуғбек жадвалларидаги бошланғич меридианлар қайси, Беруний меридианларни қандай ўлчаган, «Зижи Кўрагоний» авторлари жадвални қайси манбалар асосида тузганлар ва ниҳоят Холидот ороллари қаерда?

Астрономия, география ва картография тарихидан маълумки, милоддан илгариги II асрда (160—125-йиллар) яшаган қадим замоннинг энг буюк астрономи Гиппарх Родос қоли билан Александрия шаҳридан ўтган узунликни бошланғич меридиан сифатида белгилаган эди. Ундан сўнг Марин Тирский ва Птоломей «Фортунае инсулае» (русчаси «Острова Блаженных» ёки «Счастливые острова») — «Саодат ороллари»ни бошланғич меридиан сифатида белгиладилар. Аммо бу «Саодат ороллари» ўша замондаёқ тахминий ва бир ҳисобда афсонавий ороллар эди. Шарқ авторлари эса бу номни арабчага таржима қилиб, «Жазоир ас-Саъда» («Саодат ороллари») деб атаганлар.

«Саодат ороллари» европаликларнинг то XIX асргача картографияда қўллаб келган Ферро меридианига айнан монанд. Бу меридиан шарқий ва ғарбий ярим шарларнинг чегараси ҳамда ноль меридиан ҳисобланган. У — ҳозирги Гринвич меридианидан 17°40' ғарбда бўлиб, Канар оролларининг энг чеккасидагисидир. Бу эса Яшил бурун билан бир узунликда бўлиб, Африканинг ғарбий соҳилига тўғри келади. Беруний қўллаган меридиан ҳам айни шудир. Демак, бизнингча, Птоломейнинг бошланғич меридиани — ўрта асрларнинг «Жазоири ас-Саъда»си — Берунийнинг «Ғарбий океан соҳили» — Ферро меридиани ва Канар ороллари — ҳаммаси бир чизиқда, бир меридиандадир.

Бошланғич меридианлар ҳақида Беруний яна шундай дейди: «Абу Маъшар Балхий (Узоқ Шарқдаги) Қангдиз (Қанкедиз) ерини бошланғич нуқта (шарқнинг чеккаси деб узунликлар ҳисобини ўшандан) олган ва шунга асослаб зижини тузган» («Ҳиндистон», 278-бет). Маълумки, Қанкедиз — Ҳофизи Абрунинг дунё картасида ҳам Шарқий Хитой қирғоғига ёзиб қўйилган эди, хитойларнинг ўзи ҳам узунлик ҳисобини шу жойдан бошлаган.

Кейинчалик баъзи авторлар Ҳинд океанидаги номаълум бир оролни ҳам бошланғич меридиан ўрнида кўрганлар.

Яна: «Ҳиндларнинг фикрича, узунликлар Ужайн шаҳридан бошланади... «Синдҳинд» китобининг арабчага таржимаси туфайли, баъзи арабча географик китобларда ҳам Ҳиндистоннинг Ужайн меридиани бошланғич нуқта қаторида ишлатилгани маълум.

Гарбдаги (олим)ларнинг фикри икки хил. Баъзи бирлари узунликнинг бошланишини (Атлантика) океани соҳилидан ҳисоб қиладилар, шунда (маъмуранинг) биринчи чорагининг охири тахминан Балх шаҳри ёнига тўғри келади. Бу фикр асоссиз бўлганидан Шопуркон ва Ужайн бир меридиан чизигига тушиб қолганлар. Буни қаранг-а! Ахир ҳақиқатда шундай эмас-ку.

Бошқа олимларнинг фикрига кўра, узунликлар ҳисоби Холидот оролларида бошланади ва (маъмура) чорагининг охири тахминан Журжон билан Нишопур ёнига тўғри келади. Бу иккала назария ҳам ҳиндларнинг назариясидан жиддий фарқ қилади» («Ҳиндистон», 279-бет).

Шу билан бирга, Беруний ўзигача маълум бўлган узунликларни мумкин қадар қайтадан текшириб, тузатиб ёзишга тиришган. Бу ҳақда ўзи шундай дейди: «Мен бу жадвалда кенглик ва узунликларни бердим, шунга доир бошқа маълумотлар билан таққослашга тиришдим, чунки бундай рақамларнинг ичида ёлғонлари ҳам бор ёки қисман янглиш (ўлчанган) («Қонуни Масъудий», 126-бет).

«Ат-Тафҳим» китобида бу фикрини янада равшанроқ ифода этган: «Жойларнинг кенглик ва узунликлари (менгача) маълум эди. Аммо китобларда нотўғри маълумотлар ҳам учрайдики, афсус, уларни ҳануз тузатиб бўлмайдим. Баъзи маълумотлар тахминий бўлиб қолди, ҳар ҳолда, келтирганларимиз бошқа китоблардагидан кўра ҳақиқатга яқинроқдир».

Демак, Беруний жадвалида баъзи хатолар борлигини ўзинёқ писанда қилиб қўйган. Шундай қилиб, жадвалдаги узунликларнинг бир қисми Атлантика қирғоғидан ҳисобланди, бир қисми шаҳарлар орасидаги масофаларга қараб белгиланди, бир қисми хатолигича қолди, натижада жадвалнинг меридиан кўрсаткичларида изчиллик йўқолди.

Буни қуйидаги рақамлар кўрсатиб турибди. Беруний жадвалидан 100 та машҳур номни олиб текширдик. Натижаси шундай:

| | | | | |
|----------|----------------------|---------|------|------------------|
| 9 та жой | Гринвич меридианидан | 28°—27° | фарқ | қилади. |
| 16 | ” | ” | ” | 26° |
| 9 | ” | ” | ” | 25° |
| 19 | ” | ” | ” | 24° |
| 20 | ” | ” | ” | 23°—22° |
| 14 | ” | ” | ” | 21°—20° |
| 4 | ” | ” | ” | 19° |
| 7 | ” | ” | ” | 18° дан 14° гача |

Қолган 12 та номнинг кўрсаткичлари жуда ҳам ноаниқ (эҳтимол ҳаттотнинг хатосидир).

Гринвич меридианидан 14° дан то 28° гача тафовут қилгандан кейин Беруний жадвалида бирон қатъий қонуниятни аниқлаб бўлмайди. Аммо бошқа бир хусусият кўзга ташланади: Испания шаҳарлари 14°ча фарқ қилади, Урта денгиз бўйидаги шаҳарлар —24°, Беруний ўзи ўлчаган ёки ўзига анча таниш бўлган шаҳарларнинг меридиани 25—26° фарқ қилади.

Аммо шаҳарларнинг параллеллари (кенгликлари) анча аниқ ва тўғри кўрсатилган.

XVI асрдан кейин тузилган «Астролябиядан қўлланма» рисоласида ҳам, қисқароқ тарзда, Беруний маълумотлари такрорланган¹⁰³.

Энди Улуғбекнинг «Зижи Қўрагоний» жадвалига асос қилинган бош меридианни кўриб чиқайлик.

Проф. Т. Н. Қориниёзий «Зижи Қўрагоний»даги асосий меридианнинг ўрнини белгилаш мақсадида шундай бир қиёсий жадвални келтириб, таҳлил қилади.

Афсуски, Улуғбек жадвалидаги асосий меридианларнинг ўрнини бир қадар аниқ белгилашнинг имконияти йўқ, дейди Т. Н. Қориниёзий.

Улуғбекнинг бу асосий меридиани кўпчилик форстожик тилида асар ёзган астрономларда қўлланилган. Жумладан, XVIII аср бошида Ҳиндистонда тузилган «Муҳаммад шоҳнинг янги астрономик жадваллари»да Улуғбек кўрсаткичлари деярли айнан такрорланган¹⁰⁴.

Грузин олими Вахтанг IV «Зижи Улуғбек»ни грузин тилига таржима қилиб, ўзидан ҳам баъзи изоҳлар қўшган, Улуғбек маълумотлари асосида бир қанча координаталарни аниқлаган¹⁰⁵.

Хўш, Холидот ороллари қаерда?

Кўпчилик Шарқ авторларининг асарларида Холидот ороллари («Жазоирн Холидот») деб маъмуранинг энг ғарбидаги, Атлантика океанидаги майда ороллар тўдаси аталган. «Холидот» сўзи арабча «абадий», «умрбод» деган маънода бўлса керак (И. Ю. Крачковский русчага «Вечные острова» деб таржима қилган).

Оролларнинг географик ўрнига келганда, ўрта асрларда ҳам, ҳозирда ҳам тайин бир фикр йўқ. Аксари «Холидот ороллари» тушунчаси «ас-Саъда ороллари» билан аралаштириб юборилган. Шунинг учун ҳам Холидот ороллари «ҳозирги Канар ороллари» деб аташ расм бўлган. Бу тўғрида шарқшуносларнинг жуда кўп мақолалари бор. «Ислом энциклопедияси»да ҳам Канар ороллари дейилган. Биз уларга тўхталмай, энг янги мулоҳазаларнигина кўриб чиқайлик.

Озарбайжон астрономи Ҳ. Ж. Мамедбейли, Мароға обсерваториясининг илмий меросини ўрганиш натижасида шундай мулоҳазани олға сурди: Насириддин Тусийнинг географик жадвалида бошланғич меридиан Холидот оролларида олинган. У меридиан ҳозирги Гринвичдан 34—35° ғарбда, яъни Жанубий Американинг шарқий қисмига тўғри келади. Демак, Насириддин Тусий Американинг мавжудлигини 1271 йилдаёқ — Колумбдан анча илгари билган. Ҳатто Колумбнинг ўзи ҳам янги қитъага боришидан (1492 йил 12 октябрдан) олдин ўша ерлар ҳақида баъзи хабарларни эшитган, эҳтимол, маҳфий равишда бориб келган бўлса ҳам керак. Мароға обсерваториясига келиб-кетиб турган Ғарбий Европа, Хитой, Африка олимлари шу обсерватория жадваллари билан танишиб, Атлантика океанида олис қуруқлик борлигини билиб олган бўлишлари мумкин.

Ибн Саиднинг дунё картасида Холидот ороллари Африка соҳилидан анча нарига, ҳатто ярим шарнинг четига ёзиб қўйилган; араб сайёҳи Харғоний «Ғарбий ер»ни тасвирлаб, океанда бир қанча ороллар борлиги ва улардан иккитаси «Холидот» аталлишини айтган. Колумб ҳам Марказий Америкада ороллар кўплигини айнан Харғоний сингари тасвирлаган. Бу икки орол — Гаити ва Куба (Ҳ. Ж. Мамедбейли, кўрсатилган асар, 124—148-бетлар).

Мамедбейлининг хулосаси шу бўлдики, Холидот ороллари меридиани ҳозирги Антил ороллари билан Бразилиянинг шарқий соҳилидан ўтади.

Биз Мамедбейлининг Колумб саёҳати ҳамда Шарқ олимларининг Европа фанига таъсири тўғрисидаги фикрига қўшилаемиз. Жазоир Холидотнинг Атлантика океанидаги ороллар бўлиши кераклиги тўғрисидаги мулоҳазаси ҳам тўғри. Аммо Холидот ороллари Куба ёки Бразилия бўлиши шарт эмас. Беруний таъкидлаганича, Холидот ороллари соҳилдан 10° ёки 200 фарсах (тахминан 1200 км) ғарбда жойлашган. Градус тўри чизилган дунё картасининг автори географ ва тарихчи Ҳофиз Абу (1414 йил) Мовароуннаҳрнинг ғарбий чеккасини тасвирлаб, шундай дейди: «Мовароуннаҳр ғарбий чегараси Холидот оролларида ҳисобланса 95° ли жойдир. Баъзи қўлёмаларда шаҳарларнинг узунлиги (Африка) соҳилидан белгиланадики, рақамлар 10° кам бўлади (яъни 85°)».

Али Қушчининг «Фалакиёт» китобида ёзилишича Ғарбий океандаги Холидот ороллари Ернинг обод қисмининг бошланиши деб билганлар, бурун унда одамлар яшаган; баъзилар дунёнинг обод қисмини (Африка) соҳилидан деб айтганлар. Булар орасида 10° фарқ бор. Биржандий ҳам шундай деган: «Холидот ва Саъда ороллари — иккаласи бир эмас. Холидот — Атлантика океанининг (ичкарасидаги) ороллар, соҳилдан 10° ғарбда, Саъда ороллари эса — 24 та майда ороллар жумласидан бўлиб, Холидот билан (Африка) соҳили ўртасидир. Холидот ороллари ҳозир сув босган»¹⁰⁶.

Демак, Холидот асло Қанар ороллари эмаслигини ўрта асрлардаёқ айтиб ўтганлар. Дарҳақиқат, Холидот ҳеч маҳал Қанар ороллари бўлиши мумкин эмас. Ахир Қанар ороллари, илгари айтганимиздек, Африка соҳили билан баб-баравар — бир меридианда турипти. Борди-ю, Африканинг энг чекка ғарбий нуқтаси эмас, балки Марокаш соҳилларидан ўлчаганда ҳам Қанар ороллари (жумладан, Гранд-Қанария ва Тенериф) соҳилдан бор-йўғи 3° , яъни 300 километрча ғарбдадир.

Бизнингча, Холидот ороллари Қанар оролларида («Саодат оролларида») анча ғарбда — ё Яшил Бурун ороллари ёки кўпроқ Азор оролларида. Булар соҳилдан $7-8^{\circ}$, яъни 800 км ча нарида (Беруний ва Биржандий айтганича 10° ва 200 фарсахга бирмунча тўғри ке-

лади), буларнинг ер юзаси ҳақиқатан ҳам паст текислик («денгиз босган»).

Эҳтимол, айти Холидотнинг ўзи ҳақиқатан ҳам сув остида қолган бўлиши мумкин. Бу ҳолда ҳам, бари бир, Азор ёки Яшил Бурун ороллариининг ёнида бўлган.


Борди-ю Холидот ороллари табиатда мавжуд бўлмасдан, фақат символик бир чизиқ қаторида юритилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Агар шундай десак, тошкентлик астроном проф. В. П. Шчегловнинг қуйидаги тахмини асосли бўлиб чиқади: «Маълумки, Улуғбекнинг географик жадвалидаги жойларнинг узунликлари қайси меридиандан ҳисобланганлиги шу чоққача муаммо бўлиб келмоқда... Афтидан, Улуғбекнинг географик жадвалини тузишда қабул қилинган бошланғич меридиан тўғри-тўғри шартли бир чизиқ бўлгандир ва ўша замонда маълум бўлган бирон аниқ жойга боғланмагандир»¹⁰⁷.

Шарқ адабиётида Холидот билан Саъда ороллариини чалкаштириш масаласига келганда ҳеч ажабланмаса бўлади. Европа олимларининг ўзи баъзан Азор ороллариини «Блаженные острова» («Саодат ороллари») дейишган¹⁰⁸, баъзан Қанар ороллариини ҳам шундай деб аташган.

Ҳатто XIX асрда ҳам бошланғич меридианни дадил айтиш мумкин эмас эди: испанларнинг бошланғич меридиани — Ферро, инглизларда — Гринвич, французларда — Париж, Россияда — Пулково бўлган. Афтидан ўрта асрларда ҳам айти шундай аҳвол бўлган: гоҳ Холидотни, гоҳ Саъдани бошланғич меридиан деб билишган ва баъзан иккаласи бир-бирига ўхшатиб қўйилган.

Европаликларнинг ўзи ҳам Холидот ва Саъдани аралаштириб бир неча хил мақомда атайдилар (Вечные о-ва, Райские о-ва, о-ва Блаженных, Счастливые о-ва ва ҳоказо).

Энди яна Улуғбекка қайтайлик. Унинг жадвалидаги координаталар Холидот оролларииндан ҳисобланган эди. Ҳозирги Гринвичдан 23—34° фарқ қилади. Қани, Холидот ороллариини Қанар ороллариини дейувчилар ўлчаб кўрсин-чи, Улуғбек жадвалидаги бирон меридианга тўғри келармикан? Масалан, Улуғбек Самарқанднинг узунлигини 99° дейди. Қанар оролларииндан ўлчаб кўрилса фақат 85° бўлади — 14° фарқ қилади. Бу ерда гап ўлчовнинг



хатолигидагина эмас (бундай хатолар ҳам бўлган, албатта), балки Холидот Канар оролларида анча ғарбда бўлганлигидандир.

Бас, бу масала бирмунча ойдинлашган. Аммо, Холидот ороллари муаммосини тўла ҳал қилмоқ учун ва шарқшунослар орасида «Холидот — Канардир» деган аллақандай эътиқодни узил-кесил йўқотиш учун ҳали яна талай текстологик ишлар ва картографик тадқиқотлар қилиниши лозим, албатта.

Юқоридаги мунозарадан қатъи назар, қадимги ноль меридианларнинг ҳозир фақат тарихий аҳамияти қолган.

Реконструкция карталари тузиш, фан тарихининг бос-қичларини ўрганиш ва астрономик ўлчашларни таққос-лаш учун ўша бошланғич меридианлар керак бўлади.

* * *

Самарқанд обсерваториясининг бир тоқчасида Ер шари глобуси турганлиги, унда иқлимларнинг чегарала-ри, тоғлар, чўллар, денгизлар ва дарёлар белгилаб қўйилганлигини XV аср олимлари ўз кўзлари билан кўрганлар. Демак, Самарқанд астрономлари Ерни шар деб билганлар ва унинг тасвирини ясаганлар. Эҳтимол, географик жадваллар асосида дунёнинг географик кар-тасини тузиб, у картага градус тўрини чизганлар. Чун-ки, географик жадвал тўплашнинг боиси ҳам карта тузиш эди ва Ҳирот — Самарқанд олимлари градус тўри-ни қўллана бошлаган эдилар. Ҳофизи Абрунинг картаси бунга мисол бўла олади.

«Номаи донишварон» маълумотига кўра, «Қонуни Масъудий» Улуғбекнинг кутубхонасида бор эди. Улуғбек ундан кўп фойдаланган; Гиёсиддин Жамшид отасига ёзган бир хатида: Кошки Улуғбек баъзи қондаларни Абу Райҳондан истифода этганлигига ишорат қилса эди, деган.

Гиёсиддин Жамшид ўз давридаги подшолар ҳузури-да бўлган бир мажлисда Қозизода Румий ҳам иш-тирок этганини ҳамда «Қонуни Масъудий»даги бир масала ҳақида илмий мунозара бўлганлигини ҳикоя қил-ган.

«Умуман, XV асрнинг биринчи ярмидаги Ҳирот ва Самарқанд географлари ва астрономларининг ижодига Берунийнинг таъсири катта бўлган. Берунийнинг «Қо-нуни Масъудий» асари Самарқанд астрономларининг асосий қўлланмаларидан эди. Беруний ўз замонасида бўлганидек, кейинги даврлардаги олимлар орасида ҳам, жумладан Самарқанд обсерваториясининг олимлари орасида ҳам катта обрў ва иззат қозонган. Самарқанд-лик астроном Чустий Берунийнинг Ер ва юлдузлар ҳа-ракати тўғрисидаги фикридан хабардор бўлгани шубҳа-сиздир ва эҳтимол уни маъқул кўргандир. Чустийнинг юлдузларнинг катталиги тўғрисида айтган гаплари бу тахминимизни исботлайди» (Ғ. Жалолов)¹⁰⁹.

Ҳусайн ибн Ҳусайн Хоразмий ва Кубравий тўғрисида маълумотлар жуда кам. Шунинг учун унинг туғилган ва вафот этган йиллари номаълум, ҳатто яшаган даври ҳам аниқ эмас. Баъзилари: «XV—XVI асрларда яшаган» дейдилар («Қирқ олим», 85-бет). Бироқ, Кубравийнинг асари «Нузҳат ул-маллок фи ҳайъат ул-афлок» («Фалак тузилиши ҳақида севинч эгаси») шаҳзода Муизиддин Абул Мунокиб Абдулазиз Кўрагонга бағишланганини эътиборга олсак, бу асар 1440—1450 йиллар орасида ёзилган бўлиб чиқади, чунки Абдулазиз Кўрагон — Улуғбекнинг иккинчи ўғли, 1450 йилда ўлдирилган.

Шундай бўлса Ҳусайн Кубравий ва унинг асари XV аср Ўрта Осиё географиясининг ёдгорликлари қаторига қўшилиши керак.

«Нузҳат ул-маллок»нинг бир нусхаси Тошкентда сақланмоқда. (ЎзФАШИ, инв. № 1207/III) Сўз бошида кўрсатилишича, асар икки қисм (мақола)дан иборат. Биринчи қисмида Қуёш ва юлдузлар, осмондаги тўққиз доира, юлдузлар ва Ер шарининг ҳаракати баён этилган.

Иккинчи қисмида етти иқлим, уларнинг чегаралари, Ойнинг ҳаракати тасвир этилган ва қиблани аниқлаш каби масалалар ёритилган. Афсуски, биз учун жуда муҳим бўлган иккинчи қисм ушбу қўлёзмада сақланмаган, ҳатто биринчи қисмининг ўзи ҳам тўла эмас (СВР, I, стр. 232).

Асарда кўпгина шакллар бор.

Али Қушчини «XV асрнинг Батлимуси» (Птоломейи) деб бежиз атамаганлар. Ҳақиқатан ҳам у астрономия, математика ва географияга, ҳатто араб тили грамматикасига доир қимматбахо асарларнинг авторидир. У ҳам дипломат, ҳам муаллим.

Аловуддин Абулҳасан Али бин Муҳаммад Самарқандий, тахаллуси Али Қушчи (унинг отаси Улуғбек саройида қарчиғайлар боққани учун, «Қушчи» дейилган) — ёшлиги ва етуклик йиллари Самарқандда ўтди. Улуғбекнинг вафотидан сўнг, Эронга кетиб қолди ва дипломатик хизматда бўлди, сўнгра Туркия султонининг чақириғи билан, Истанбулга бориб, умрининг охири (1474 йилгача) ўша ерда ижод қилди. Самарқанд астрономларининг

кўпгина асарларини ўша ерда нашр эттирди. Ўғли Ҳофиз Муҳаммад эса Тошкентда турар эди.

Али Қушчи Улуғбекдан бир оз ёнроқ бўлса-да, у билан ниҳоятда дўст ва ҳамроҳ бўлиб ижод қилди. Улуғбек уни кўпинча «ўғлим» деб атаган.

Али Қушчининг астрономияга доир хизматлари бир қанча китобларда баён этилган¹¹⁰. Унинг географик меросидан шуларни айтиш мумкин:

1) У Улуғбекнинг топшириғи билан элчилар сафида Хитойга бориб, йўлда Ер меридиани ёйини ва умуман Ернинг катталигини ўлчаб келди;

2) Улуғбек обсерваториясидаги астрономик ва географик ишларда доимо машғул бўлди, «Зижи Кўрагоний»ни тузишда қатнашди. Бу зижнинг Тошкентда сақланаётган (инв № 2214) нусхаси Улуғбек замонида кўчирилган ва Али Қушчи таҳрир қилганлиги тўғрисида китобнинг ўзида изоҳ бор (А. Носиров, кўрсатилган мақола, 24-бет).

Али Қушчи «Шархи Тажрид ул-калом» номли асарига Ернинг шакли ва ҳаракати тўғрисида шундай деган: Ер ғарбдан шарққа томон ҳаракатланади. Шунинг учун ёритқичлар шарқдан чиқиб, ғарбга ботгандай туюлади. Дарёда сузиб кетаётган кемадаги одамда ҳам шундай туйғу бўлади: гарчи қирғоқ қимирламай турса-да, гўё кемага томон юриб келаётгандай кўринади (Ғ. Жалолов, кўрсатилган асар, 383-бет).

Али Қушчининг Хитой сафарномаси «Тарихи Хоқони Чин» деб аталган, аммо асарнинг ўзи аниқ маълум эмас. Аксинча, бу асардан андаза олиб ёзилган бошқа бир географик асар маълумки, уни ҳам асли ўртаосиёлик киши — кейинчалик Истанбулга бориб туриб қолган Али Акбар ёзган. Ҳар ҳолда Али Акбар саёҳатининг Али Қушчига алоқаси бор, буни Али Акбарнинг ўзи сўз бошида зикр этган: «Менинг асар ёзишимга яна шу далда бўлдики, марҳум султон Улуғбек Хитойга (менинг) устозим Али Қушчини (совға) шер билан юборган эди ва элчиларга: нимаики кўрсангиз ва эшитсангиз ёзиб боринг, чунки Хитойнинг ҳамма нарсаси ажойиботдир. Кофирлар тўғрисида ёзиш — кофирлик эмас, деб тайинланган.

Камина қаландар эса фақат кўрганларини айтади, дарҳақиқат, ҳаммаси ажойиботдир» (Крачковский, IV, стр. 523—527).

Али Акбарнинг асари аслида бутун Хитойнинг географик тасвири деса бўлади. Унда мамлакатнинг 4 та вилояти: Хито (Шимолий қисм), Хўтан (Турфон ва жануби ғарбий қисм), Чин (Марказий қисм) ва Мочин (Жанубий қисм) китобнинг 20 та бобида тасвир этилган.

Бу боблар шулар: 1) чегаралари, истеҳкомлари, йўллари; 2) дини ва урф-одатлари; 3) иморатлари, шаҳарлари ва қалъалари, идора тартиби, хат ташиши, кўриниш маросимлари; 4) қўшини; 5) хазина ва давлат дўконлари; 6) олий идораси, ҳоқон саройи, 12) вилоятнинг бошқарилиши; 7) қамоқхоналари; 8) оммавий байрамлари; 9) 12 вилояти; 10) экинзор ва боғлари; 11) ошхона ва исловатхоналари; 12) фан, санъат, ҳунар ўйинлари; 13) Хитой давлати ва тузумининг тарихи; 14) мактаблари; 15) Ғарб давлатларига муносабати, Хитойда ислом динининг тарқалиши; 16) дашт халқларига, Тибет ва Ҳиндистонга муносабати; 17) ерни ишлаши, қажатчилик ва ёнғинга қарши тадбирлар, тошқўмир қазиш, тегирмонлар, ибодатхоналар, зиёратчилик, қаландарлар; 18) танга ва қоғоз пуллари, мушаклар; 19) эҳтиёт қонунлари, жазолаш; 20) томошалари, йиғинлари, зиёфатлари, безакдор кийимлари, мақбараларни безатиши, йил ҳисоби, аҳолиси, урушлари ва ҳоказо.

Али Акбар Хитойда 3 ойча саёҳат қилган, ўз бошидан кўп машаққатлар чеккан, ҳатто 26 кун қамоқда ётиб чиққан, хотин амалдорлар билан учрашган.

Бу асар форс-тожик тилида ёзилган, лекин автори ўзбек эканлиги унинг жумлаларидан сезилиб туради. Кейинчалик бу асар турк тилига ва Ғарбий Европа тилларига ҳам таржима қилинган.

Шундай қилиб, шарқшуносларимизнинг юксак баҳоларига яраша, Али Акбарнинг асари фан учун ниҳоятда муҳим ва жиддий бир манбадирки, Хитой тўғрисида бошқа китобларда ҳам тўла ёритилмаган даврнинг ҳолатини ойдинлаштириб беради. Материалнинг бойлиги жиҳатидан бу асар Хитойнинг энг мукамал тасвирларидан биридир.

Биз таърифлаб ўтган Али Қушчи ва Али Акбар иккалови ҳам географ олимдир, аммо Али Қушчи табиатшунос олим, кўпроқ астроном ва математик, Али Акбар эса сайёҳ ва тарихчидир.

ЗАҲИРИДДИН БОБИР ВА ҲАЙДАР МИРЗА

XVI асрнинг биринчи ярмида андижонлик Заҳириддин Бобир (1483—1530) ва тошкентлик Муҳаммад Ҳайдар мирза (1499—1551) ўз саёҳатлари ва ёзган асарлари билан география тарихи саҳифасидан каттагина ўрин олдилар.

Бобирнинг шоҳ асари «Бобирнома», қизи Гулбадан-бегимнинг «Хумоюннома»си, Ҳайдар мирзанинг «Тарихи Рашидий» асари Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон, Тибет ва Қашқар географиясига доир қимматбаҳо тарихий манбалардир.

Аmmo китобимизда булар тўғрисида махсус тўхталмай, балки шу темадаги китобларга ҳавола қилиб кифояланамиз¹¹¹.

* * *

Ўрта Осиёда яратилган китоблар орасида агрометеорологияга тегишли қимматли асарлар ҳам бўлган. Чунончи, 1515 йилда ёзилган «Иршод уз-зирофи илм ул-хароша» («Деҳқончилик илмида экин экиш қўлланмаси») ажойиб кўрсатмадирки, ҳозирги тилда «миришкор маслаҳатлари» деб атар эдик. Масалан, китобда тупроқни ўрганиш, унинг хосиятлари, турли экинларга мослиги ёзилган ҳамда дон экинлари, ток, сабзавот, гулчилик, дарахт ўтқазिश усуллари, асаларичилик, сувни тақсимлаш каби масалалар ёритилган.

«Фан кашфи зироат» («Деҳқончилик фани») китобида ҳам айни шундай кўрсатмалар бор, қўшимча равишда метеорологик маълумотлар ҳам берилган¹¹².

ҲОФИЗИ ТАНИШ БУХОРИЙ

XVI аср охирларида Ўрта Осиёда яратилган муҳим тарихий географик асарлардан бири «Шарафномаи шохий»дирки, у Бухоро хони Абдуллахон II нинг (1533—1589) тарихи бўлганидан, «Абдуллонома» номи билан

ҳам машҳурдир. Уни бухоролик шоир, тарихчи ва ўлкашунос Мир Муҳаммад Ҳофиз Таниш 1584—1591 йиллар орасида ёзган.

Бу асар географик жиҳатдан ҳам жуда қимматлидир, чунки XVI асрда Ўрта Осиёнинг тарихий географияси, ҳарбий ҳаракат майдонлари, турли кўприк, кечув, қалъа, манзил, қудуқ, шаҳар ва қишлоқлар таърифланган, шу билан бирга ўртаосиёлик бошқа олимларнинг асарларидаги географик маълумотлардан фойдаланилган. Жумладан, Наршахий, Ҳофиз Абру, Муҳаммад Ҳайдар мирза сингариларга асосланиб, анчагина мисоллар келтирган.

Китобда бошқа асарларда учрамайдиган ҳар турли муҳим маълумотлар кўплигидан, ўтган аср рус шарқшуноси В. В. Вельяминов-Зернов унга жуда юксак баҳо бериб, «Абдуллонома»ни ўқиган сари, унда ўрганилиши зарур бўлган янгидан-янги масалаларни топасан» деган эди¹¹³.

«Абдуллонома»нинг айрим географик сатрларидан, унинг ўзи қайси манбадан олинганлигидан қатъи назар, парчалар келтирамиз.

«Самарқанд. Сўғднинг энг пок шаҳарларидан (бўлган) хушбўй шаҳар Африкентдир. Унинг обиҳавоси ғоят яхши бўлиб, аҳолиси ободонликни дўст тутувчи эди...

Мовароуннаҳрнинг қиёси ва у дилкушо мамлакатнинг вилоятлари ва шаҳарларининг таърифи баёни. Фазлу заковат эгалари, аҳлу фаросат аҳлининг фикр ва хотираларидан махфий қолмасинки, Мовароуннаҳр хос ва авом орасида нозу неъматлари ва кенглиги билан машҳурдир.

Унинг аксарий қисми бешинчи иқлимдадир. Унинг узунлиги ғарбда Хоразмдан бошланади ва Жазоирни Холидотдан тўқсон беш даражада бўлиб, шарқи то Қошғар ва Хўтан вилоятигачадир. Унинг эни (жанубда) тўртинчи иқлим охири ва бешинчи иқлимнинг бошланиши ҳисобланган Амударёдан то (шимолда) бешинчи иқлим охири бўлган Фарғона томонларгача ва илгари олгинчи иқлимга қарашли бўлган Қошғар ва Олмалиққачадир. Бунга қараганда, Мовароуннаҳрнинг юзаси ва масофаси, тахминан энига юз, узунасига 240 фарсахдир. (Шунда эни 600—800 км, бўйи тахминан 1500—1900 км га тўғри келади). Баъзилар Мовароуннаҳр мамлакати икки сув: бири Жайхун, иккинчиси Сайхун орасида, деб

айтадилар. Унинг чегараларини шундай баён қилганлар: шарқий чегараси, жанубга мойил (бўлган) томондан Панжоб мавзеи ва Бадахшон тоғларидир. Унинг шимолга туташган тарафи Қошғар вилояти ва Хўтандан то Мўғулистон чегараларигача. Уйғур замини ҳам унга доҳилдир. Мовароуннаҳрнинг ғарбий чегарасида Хоразм жойлашган. Уни баъзилар Мовароуннаҳрга, баъзилар эса Журжонга қарашли, деб ҳисоблайдилар. Мовароуннаҳрнинг ғарбдан шимолга туташган тарафида Дашти Қипчоқ, Ўзбек мамлақати ва Туркистон жойлашган. Унинг жанубга муътасил томони Хоразм, Хуросон ва Хазар денгизи ўртасига жойлашган чўлдир. Мовароуннаҳрнинг шимолий чегараси олтинчи иқлимдир. Унда жами турклар мамлақати бўлган Олмалиқ ва Баласоғун бор. Мовароуннаҳрнинг жануб тарафи Амударё бўлиб, у Мовароуннаҳр билан Хуросон ўлкалари ўртасидадир. Мовароуннаҳр аталиши ҳам шундадир.

Мовароуннаҳрни баъзилар шундай таърифлайдилар: «Унинг тарафлари нозу неъмат хусусида мамлакатларнинг энг ободидир. У очиқлик жиҳатдан энг каттадир. Ундаги хоҳ шаҳар бўлсин, хоҳ қишлоқ бўлсин, хоҳ текислик бўлсин, хоҳ ўтлоқ бўлсин ободонликда унга тенг мамлакат йўқ. Ҳавоси — ҳаволарнинг энг мусаффоси, суви — сувларнинг энг ширини ва энг енгили, суви — унинг барча тоғ ва атрофларида барабар шириндир. Унинг тупроғи — тупроқларнинг энг хушрўйи. Катта шаҳарлари: Бухоро, Самарқанд, Хўжанд бўлиб, халқи диндор, илмлик, тақводор, жувонмард ва шижоатлидир. Мовароуннаҳр шаҳарларининг тавсифида шоирларнинг кўп байтлари ва сон-саноқсиз шеърлари бор. Улардан баъзилар мана булар:

МАСНАВИЙ

Мовароуннаҳрнинг кўрки — тўрт томонида жойлашган
тўрт шаҳардир.

Уларнинг ҳар бири кўркли жаннатдан ҳам яхшироқдир.

Биринчи — илму фазл манбаи бўлган Бухоро.

Унинг тупроғи Рум ва Чин мамлакатларига фаҳрдир.

Иккинчиси — салтанат ўрни ҳазрат Самарқанд,

Шон-шарафда бошқа шаҳарларга нисбатан узукдек,

тагида эса кўздекдир.

Улардан сўнг авлиё ва саҳобалар макони Термиз,

Жаҳондаги оқар сувлар ғайр қиладиган дарёлар лабидадир.

Тўртинчиси ишрат жойи, поклик мавзон, сўфилар макони

Хўжанд.

Унинг четидан жаҳон бошланади.

Тарих аҳли Мовароуннаҳр ажибларидан қуйидагиларни ҳам ёзганлар: у ерда бир (тоғда) ғор бор, ғордан бир булоқ қайнаб оқиб туради. Булоқ суви қишда шу қадар иссиқ бўладики, унга тушган киши ҳароратига бардош беролмайди. Ёзда у шу қадар совуқ бўладики, ҳатто музлаб қолади. Туркистон билан Мовароуннаҳр ўртасидаги тоғда бир хил қора тош бор: у кўмирга ўхшаб ёнади. Уни эшакларга ортиб шаҳарларга келтирадилар. Шаҳар халқи уни сотиб олади. Ендирилганда, кули оқ бўлади. Уни кийим ва саллани оқартиришда ишқор ўрнида ишлатадилар. У тоғда яна бир хил тош ҳам борки, уни сувга ташлаганда шамол, булут, чақмоқ ва ёгин пайдо бўлади. Ҳикмат аҳли буни у тошнинг хоссаларидан деб биладилар.

... Малики Жувайний «Тарихи Жаҳонгушай» номли китобида Бухоронинг фазилати ҳақида шундай ёзган эди: «Бухоро» сўзи «Бихор» сўзидан келиб чиққан бўлиб, оташпарастлар тилида «илм макони» демакдир. Бу талаффуз уйғур ва хитой бутпарастларининг тилига яқиндир, чунки уларда сиғиниш жойлари бўлган маъбарни «Бухоро» деб атайдилар. Бухоро шаҳрининг номи аслида Бумижкат бўлган. Аҳмад ибн Наср дедикки, Бухоронинг номлари кўп, лекин «Бухоро» номи уларнинг барчасидан машҳурроқдир ва Хуросоннинг ҳеч бир шаҳрига шунча кўп ном берилган эмас. Бухоронинг яна бир номи аввалдан «Фоҳира» бўлиб келган.

Бухоро қадимдан суви ширин, ҳавоси латиф, атрофи кенг, нозу неъматли, моллари кўп бўлиши билан зиннатланиб, ҳозиргача уламо тоифасининг тўпланадиган жойи, фасоҳат, балоғат ва ширин сувларининг манбаи бўлиб келган. Сомон сулоласининг тарихида унинг атрофи қарийб 252 фарсанг бўлиб, ерлари боғ, экинзор ва обод қишлоқлари бўлган».

МАҲМУД ФИЖДЕВОНИЙ

Бу шахс — ажойиб саёҳларимиздан. Исми-шарифи Жони Маҳмуд бин Шайх Али бин Имомиддин ал Фиждевоний бўлиб, XVI аср биринчи ярмида яшаган ва ижод қилган.

Ғиждевонийнинг иккита устози бўлган, бири — Шайх Камолиддин Ҳусайн Хоразмий, иккинчиси — Шайх Ҳожи Муҳаммад ал Хабушоний. Ғиждевоний ёшлигидан ана шу устозларининг саёҳатларида бирга бўлиб, ўзи ҳам мустақил равишда Урта Осиё ва Эрон оралигида саёҳат қилган. Шулар ҳаммаси — устозларининг саёҳатлари, эҳтимол, уларнинг ҳикоялари (эсдаликлари) ва автор ўз саёҳатларини бирга қўшган-у, «Мифтоҳ ут-толибин» асари (1543 йил) яратилган.

Ғиждевонийнинг бу асари форс тилида ёзилган эди, уни XIX аср олимимиз Огаҳий ўзбек тилига таржима қилган. Асарнинг охирида кўрсатилишича, Огаҳий уни 44 кунда таржима қилиб бўлган. Ҳозир бу таржима Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда, инв. № 8473¹¹⁴.

Ғиждевоний асарида XVI аср бошларида Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Хабушон (Кучон), Машҳад, Марв, Ҳирот, Неса (Ашхобод) шаҳарлари, ўша даврдаги тарихий воқеалар, урф-одат, савдо-сотик, айрим шахслар ҳаёти яққол тасвирланган. Айниқса табиат ва хўжаликка доир қисқа-қисқа, аммо муҳим маълумотлар берилган.

Автор ва устозларининг саёҳатлари даврида озмунча саргузаштлар бўлмаган. Демак, биз «Муфтоҳ ут-толибин» асарида учта сайёҳни кўрамиз: икки устоз — кексалар ва бир шогирд — Ғиждевонийнинг ўзи.

Лекин ҳодисалар шундай баён қилинганки, баъзан, бу уч кишининг айрим хизматлари унча аниқ эмас, устозларнинг саёҳати, шогирдникими ёки ҳамиша биргаликда юрилгани — сезилмай қолади. Аммо, бу саёҳатларнинг кўпчилигида Ғиждевонийнинг қатнашганлигини эътиборга олиб, бир қадар шартли равишда бўлса ҳам, Ғиждевонийнинг саёҳати деб ҳисоблашимиз хато бўлмас. Ахир барча саёҳатларни унинг ўзи тасвирлаб бера олган-ку.

Асардан айрим мисоллар келтирайлик.

Хоразмда (баъзан ўша даврдаги Урганч, яъни Қўҳна Урганч, Хоразмшоҳ шаҳри деб аталган) шундай қаттиқ совуқлар бўлганки, кишилар дарёдан муз синдириб олиб, уйда, оташда эритганлар.

Жайхун дарёси эса, Хоразм шаҳрининг бағридан оққан. Демак, Жайхун (Амударё) нинг каттагина бир тармоғи ғарб томонга — Қорақум чўли томон оқиб турган

эканки, унинг ўнг қирғоғидан чап қирғоғига қайиқларда сузиб ўтилган.

Ғиждевонийнинг устозларидан бири — Қамолиддин, Хоразмдан Самарқандга кўчиб келган ва шу ердан туриб, «шогирдларидан хабар олиш» мақсадида, турли шаҳарларга бориб турган. Йўл-йўлакай тузуккина савдо-сотик билан шуғулланган.

Сайёҳлар Хоразмдан ғарб томонга — Вазир шаҳри ва Бақирғон даштига ҳам ўтишган. У ерда Ҳаким ота, Саид ота ва Хуббихўжаларнинг мазорларини зиёрат қилганлар.

Унинг тез-тез қатнаб турадиган жойларидан бири Манқишлоқ бандари бўлган, у Хоразмдан 20 кунлик масофада, 5 манзилга тўхтаб сафар қилишган. Қорақумнинг сувсиз чўлларида ҳам, хилват ва хатарли йўлларида ҳам чўчимаганлар.

Маълумки, Манқишлоқ — Каспий денгизининг шарқидаги энг йирик порт бўлиб, унга Кавказ томондаги давлатлардан, ҳатто Шарқий Европа мамлакатларидан савдогарлар келиб турар эди. Манқишлоқда катта-катта кемалар тўхтайдиган иншоотлар ҳам бўлган.

Ғиждевоний Қорақум ичкарасида ташқи салор қабилалари, денгизга яқин эса ички салор қабилалари яшаганини ҳикоя қилади.

Бир гал, деб ҳикоя қилади Ғиждевоний, Чоржўй ёнида Амунинг бир бетидан иккинчи бетига ўтаётганда, солнинг арқони узилиб кетган. Шайх билан Ғиждевонийни дарё қуйи томон оқизиб кетиб, 4 кун деганда Дарғон ота ёнидагина қирғоққа чиқиб олганлар...

Хоразм шаҳрида 1532 йилда юз берган вабо ҳақидаги маълумоти ҳам ҳаяжонлидир.

* * *

ЎТАМИШ ҲОЖИ

«Ҳар кишики Идил дарёсини Басқунчоқ яқинидан кечиб Ёйиқ дарёсиғаки ўртурлар, ул тоғ бир кунликка яқин бир кишининг ёнидан қолмастурур». Яъни: Идил (Волга) дарёсини Басқунчоқ кўли ёнидан кечиб, шарқ-

қа томон юрсангиз, Ёйиқ (Урал) дарёсига қараб борсангиз, шимол томонингизда бир тоғ борки, у куни билан кўриниб туради.

«Идил дарёсининг яқосинга ким келдилар, хабар етдиларким, Хулоқухон азим лашкари билан Қулзум дарёси ёқалаб келотур. Идил дарёсини кечиб Қулзум дарёсини ёқолаб Хулоқухон лашкаринга ўтрув юрдилар. Ул йўлда мучоқлар Қулзум дарёсидин шохча-шохча сувлар чиқар — йўл ул сувларнинг бешларин касо китор қумлиғ бийик тўболари бўлур. Фақир ул ерларни кўргантурман. Тийр мучоқ ерлардондир, нору дарёдин шохча сув чиқмойтирур. Унга бир улуг тўғойи бордир» (варақ 42 а—б)

Яъни: Хулоқухон лашкарининг изидан борганда, Волга дарёсини кечиб ўтганлар, Каспий денгизини¹¹⁵ ёқалаб юрилган. Шу йўлда денгизнинг мучоқ (қўлтиқлари)¹¹⁶, шохча-шохча сингари чиқиб турипти. Йўлда бештача тармоқдан ўтилади. У ерда коса сингари қубба баланд қум тепалари бор. У ерларни ўзим кўрганман. Бу қўлтиқчалардан нарида (жанубда) денгизнинг бошқа шохча сув (қўлтиқчалар) йўқдир. Катта бир тўқайи бор.

Волга этагининг ўзбек тилидаги бу тасвирини хоразмлик Утамиш ҳожи бин Мавлона Муҳаммад Дўстий «Чингизнома» номли асарида ёзиб қолдирган.

У Хоразм ҳоқими ўзбек Элборсхоннинг хизматида бўлган, сўнгра 1550 йилларда шу асарини ўзбек тилида ёзган эди. В. В. Бартольднинг айтишича, «бу XVI асрга доир бирдан-бир Хива адабий ёдгорлигидир».

Асарда Сирдарё, Хоразм, Қрим тўғрисида ҳам тасвирлар бор. Демак, Утамиш ҳожи — XVI аср бошида Шарқий Европанинг жанубий қисми, Каспий бўйи пасттекислиги ва Ўрта Осиёнинг шимолини саёҳат қилган, тасвирлаган сайёҳ ва ёзувчи деб аталиши керак.

Шарқшунослик институтида бу асарнинг битта нусхаси бор аммо тўла эмас (инв. № 1552/III; СВР, I, стр. 65).

СУЛТОН БАЛХИЙ

XVI—XVII асрларда Балх шаҳрининг ҳам бутун сиёсий ҳаёти, хўжалиги ва маданияти Ўрта Осиё билан боғлиқ бўлиб, унда яратилган маънавий ёдгорликлар

эса, ҳеч шубҳасиз. Урта Осиё фанининг бир қисми-дир.

География ва коинотга доир бир қанча асарлар ёзилганлиги маълум. Лекин шулар орасидан энг йирик ва қимматли 3 та асарни алоҳида билишимиз зарур.

Бу асарларни Султон Балхий, Маҳмуд бин Вали ва Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосим ёзганлар.

Балхлик Султон Муҳаммад бин Дарвиш Муҳаммад ал Муфти ал Балхий 1573 йилда вафот этган. «Мажмаъ ул-ғаройиб» китобини дастлаб Султон Муҳаммад 1565 йилда ёзган. Шундан ўн йилча кейин, Султон Муҳаммаднинг ўғли — исми номаълум — китобни бошқатдан таҳрир қилиб, дадаси номи билан яна кўчиртирган (1576 йил), яъни бу китобнинг икки хил варианты мавжуд. Лекин улар бир-биридан жуда оз фарқ қилади.

Бу қўлёзмаларни астойдил таққослаб текширган ленинградлик шарқшунос А. Т. Тоҳиржоновнинг муфассал шарҳига қўра китобнинг мазмуни шундай:

Бу асар асосан география ва астрономия, қисман тарих (қадим замонлардан то 1576 йилгача) соҳаларига бағишланган.

Унда авторнинг ўз кузатишлари, Балх, Бухоро ва бошқа шаҳарларнинг тасвирлари бор. Бу китобни ёзишда 60 гача турли асардан фойдаланилган. Китоб 20 бобдан иборат, унинг географияга тегишли боблари шулар:

1-боб — Осмон сфералари ва осмондаги ажойиб ҳодисалар.

3-боб — Дунё мамлакатлари ва шаҳарларининг тасвири.

4-боб — Одам; Одамлар хосиятининг баёни.

5-боб — Ҳайвонот.

6-боб — Ўсимликлар.

7-боб — Тоғлар ва булоқлар.

8-боб — Чўллар.

10-боб — Баъзи денгиз ва дарёларнинг узунлиги, кенглиги ва чуқурлиги; денгиздаги ажойиб ҳодисалар.

11-боб — Ер юзаси ва шаҳарлар орасидаги масофалар.

12-боб — Макка ва муқаддас жойларнинг тасвири.

14-боб — Қимматбаҳо тошлар.

19-боб — Баъзи ҳайвон ва паррандаларнинг неча йил яшаши.

20-боб — Воқеалар тарихи.

Султон Муҳаммад ўз асарини ёзиш учун фойдаланган манбалар орасида Биржандийнинг «Ажойиб ул-булдон» («Мамлакатларнинг ажойиблари») номли асари ҳам тилга олинган. Шунинг асосида иккита хулоса чиқариш мумкин бўлди: биринчидан, Биржандий Улуғбекнинг мухлиси эди, «Зижи Курагоний»га шарҳлар ёзган олим, Султон Муҳаммад эса Тусий, Улуғбек, Биржандийларнинг таъсирида бўлган. Иккинчидан, «Ажойиб ул-булдон» асарининг автори кўп вақтгача номаълум эди.

Қўлёзмаларнинг текстларини синчиклаб текшириш натижасида, бу асар ҳақиқатан ҳам Биржандий асари эканлигини совет шарқшуноси Н. Д. Миклухо-Маклай исботлаб берди (I, стр. 273).

«Мажмаъ ул-ғаройиб» («Ғаройиблар йиғиндиси») Урта Осиёда жуда машҳур бўлган географик асарлардандир. Совет Иттифоқининг кутубхоналаридагина унинг 30 дан ортиқ нусхаси топилган (Ленинградда — 16 та, Тошкентда — 6 та, Душанбада ҳам бор).

Бу китобнинг бир копиясини 1851 йилда мулла Довуд Мирза Тошкандий ўз қўли билан кўчирган ва бошқа бир ўзбекча асар билан қўшиб, бир муқовага солган (А. Т. Тагирджанов, стр. 400).

Янги Бухоро (Қогон)да 1904 йилда тошбосма нашри ҳам бўлган.

МАҲМУД БИН ВАЛИ

Маҳмуд бин Амир Вали XVII аср биринчи ярмида яшаган, саёҳат ва ижод қилган балхлик олим, ўз замонасининг анча билимдон кишиларидан бўлган. Аввало адабиёт билан шуғулланиб, «Мухаббатнома» «Нужми соқиб», ғазал ва қасидалар девонини ёзган. Кейин 10 йилча зовияга кириб, дарвишхонада яшаган. 1624 йилда эса Ҳиндистон саёҳатига кетган.

Уша даврда Ҳиндистон бобирийлар қўлида эди. Шоҳжаҳон подшолик қиларди. Ўзбек ва форси тилларида тарих, география, адабиётга доир жуда кўп қимматли асарлар, жумладан «Бобирнома», «Хумоюннома», «Ақбарнома», бир қанча астрономик асарлар нусхалари кўчирилган, таржима қилинган, савдо-сотиқ ва борди-келди ривож топган давр эди.

Ҳиндистоннинг ана шу шароитига кириб қолган Маҳмуд бин Вали тарих ва географияни астойдил ўрганган. Ҳиндистоннинг ўзида, 1628 йилда, дарё орасидаги Бакра қалъасида туриб, бир китоб ҳам ёзган. 7 йиллик сафардан сўнг, яна Балхга қайтиб келган.

Шу ерда вилоят ҳокими Нодир Муҳаммаднинг (аввало Балх ҳокими, кейинчалик Бухоро ҳокими бўлган) топшириғи билан жаҳон тарихи ва географияси, осмон ҳодисалари ҳақида катта бир асар ёзишга киришган.

Форс тилидаги бу асарнинг номи «Баҳр ул-асрор фи муноқиб ул-ахёр» («Хайрли кишиларнинг юқори хислатлари тўғрисида сирлар денгизи»), бошқача номи «Баҳр ул-асрор фи маърифат ул-ахёр»—«Хайрли кишиларнинг маърифат тўғрисидаги сирлари денгизи».

Асар 7 жилд бўлиб, ҳар бири 4 бўлимдан иборат.

I жилд, учинчи бўлим — оташ, ер ва сув тасвири, Жумладан, сув қисмида дунёдаги денгиз, булоқ, орол ва бандар (порт) ларнинг алфавит тартибида ёзилган рўйхати ва баёни бор. Ер қисмида эса — етти иқлимга бўлиниш, ҳар бир шаҳар, мамлакат ва тоғларнинг (бу ҳам алфавит тартибида) баёни берилган.

Тўртинчи бўлим — металл ва минераллар, ўсимлик ва ҳайвонлар баёни. Шуниси ҳам муҳимки, бу нарсаларнинг ҳаётда қўлланилиши, ҳозирги фан тили билан айтганда, «табиий ресурсларнинг хўжалик аҳамияти» ҳам уқтириб ўтилган.

Масалан, олтин ва кумушни тасвирлаган вақтда турли пуллар, тангалар борлиги айтилиб, улар бир-бирига таққосланган.

Ўсимлик ва ҳайвонларни тасвирлашда, уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти баён этилган. Шундай қилиб, бу асарда турли соҳалардан жуда бой ва аниқ маълумотлар бор. Гарчи асар, умуман олганда, илгариги бошқа китоблардан кўчирилган бўлсада, авторнинг шахсий кузатишлари ва мулоҳазалари ҳам анчагина (СВР, V, стр. 71—74).

Олтинчи жилднинг биринчи қисми — Чингизхон ва унинг Хитой ва Эрондаги авлодларининг тарихи, иккинчи қисм — Урта Осиё, Еттисув ва унинг шарқидаги чифатойлар (1636 йилгача) тарихи, учинчи қисм — Жўчилар ва Шайбонийлар тарихи (Абулхайрхондан то Абдул Мўмингача, 1598 йил), тўртинчи қисм — Аштархоний сулоласидан бўлган Бухоро хонларининг тарихи.

Бу жилднинг охирида хотима қисми бор, унда турли туркий қабилаларнинг ташкил топиши таърифланган. Энг кетида эса авторнинг 1626 йилги Ҳиндистон сафари баён қилинган.

Маҳмуд бин Валининг ушбу асари дастлаб тошкентлик генерал Жўрабекнинг кутубхонасидан топилди ва уни В. В. Бартольд таърифлади¹¹⁷. Аммо, кейинчалик Бухорода топилган «Мужалиди аввал аз китоби Баҳр ул-асрор фи маъруфат ул-ахёр» сарлавҳали қўлёзмадан маълум бўлдики, Бартольд кўрган илгариги қўлёзма бутун эмас экан, балки катта бир — 7 жилдлик асарнинг фақат 6-жилди бўлган халос (ЗВОРАО, XXIII).

Аммо, афсуски, шу чоққача Маҳмуд бин Валининг бу ажойиб асари тўла равишда топилмаган. Тошкентда унинг 1 ва 6 жилдлари бор, аммо ками-кўстроқ.¹¹⁸

«Баҳр ул-асрор»ни ўрта аср географиясининг сўнгги асарларидан деб ҳисоблашимизнинг асосларидан бири яна шуки, Маҳмуд бин Вали ўз асарини ёзишда асосан Ҳофиз Абру ва Абдураззоқ Самарқандий асарларидан, шунингдек, ўзбек тилидаги «Зубдат ул-асар»дан ва тошкентлик Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» номли асаридан фойдаланган. Шунинг натижасида Вали Урта Осиё, Қозоғистон, Қашқар, Афғонистон, Ҳиндистон тарихи ва географияси билан яхшигина танишиб, Балх шаҳри ва унинг атрофлари тўғрисида эса анча мукамал маълумот беради.

САЙИД МУҲАММАД ТОҲИР ИБН АБУЛ ҚОСИМ

«Ажойиб ат-табақот» ҳақиқатан ҳам Урта Осиё географиясининг энг ажойиб дурдоналаридан биридир. Аммо бу асарни кўплар билмайди, ундан шарқшунослар ҳам деярли фойдаланишмаган.

Асар 1640 йилларда ёзиб тамомланган, атери жуда билимдон табиатшунос, шу билан бирга ўзи сайёҳ ҳам бўлганидан, кўрган жойларини ва ҳодисаларини маҳорат билан тасвирлайди.

Китобнинг бир қанча нусхалари бор (жумладан, Ленинград, Душанба ва Тошкентда), улар мавжуд ка-

талогларда қисқа-қисқа изоҳланган. Аммо мукамал ўрганилмаган, ҳатто мундарижаси ҳам текширилмаган. Шу нуқсонни эътиборга олиб, бу асарга алоҳида ўрин бермоқчимиз.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган 5 та нусхадан (инв. № 409/II, 411/I, 1263/II, 1993/I ва 2797) бизга фақат иккитаси маъқул тушди. Биринчи № 411/I— ҳуснихат билан кўчирилган, текис, ранг-баранг чизик ва рамкаларга олинган тўла нусхаси; уни 1847 йилда, бухоролик атоқли тарихчи, сайёҳ ва шоир Аҳмад Дониш кўчирган.

Зар қадрини заргар билар, деб шуни айтсалар керак — ажойиб географик асар ажойиб олимнинг қўли билан кўчирилган, албатта, маъносига тушуниб, тартиби билан, батафсил фикраст (мундарижа-кўрсаткич) тузиб кўчирилган, 74 та катта (20,5×30,5 см) варақдан иборат.

Иккинчиси инв. № 2797— бу ҳам очиқ, равон ҳуснихат билан кўчирилган. Барча нусхалардан энг янгиси бўлса керак (1901 йилда кўчирилган). Аҳмад Дониш нусхаси билан солиштирганимизда баъзи жумлалар қисқартириброқ кўчирилгани билинди.

Бундан кейинги шархларимиз асосан шу № 411/I— Аҳмад Дониш кўчирган аъло нусхага тегишли ва унинг фақат география қисмигина таҳлил қилинади.

Китобдаги сарлавҳалар: 1) Ер ва осмоннинг ҳолати, ҳукуматлар ва рубъи маскуннинг иқлимларга бўлиниши, мамлакатлардаги ажойиб ва ғаройибларнинг зикри; 2) Ернинг сифати; 3) Бошланғич иқлим; 4) Иқлимларнинг узунлиги; 5) Жануб томонда иқлимлардан ташқари маълум бўлган мавзелар; 6) Иккинчи иқлим; 7) Учинчи иқлим; 8) Тўртинчи иқлим; 9) Бешинчи иқлим; 10) Олтинчи иқлим; 11) Еттинчи иқлим; 12) Шимол томонда иқлимлардан ташқари маълум бўлган мавзелар; 13) Хуросон; 14) Балх; 15) Хулм; 16) Бадахшон; 17) Юмғон.

Сўнгра, кетма-кет бошқа шаҳар ва вилоятлар, дарё ва кўллар тасвирланган (Марви Сарахс, Бомиён, Ҳирот, Ғазна, Тус, Сейистон, наҳри Ҳирманд, Табаристон, Дамованд, Тажан, Астробод, баҳри Табаристон, жазираи Боку, Ироқи Ажам, Озарбайжон, Макрон, Форс, Сироф ва ҳоказо).

Шундан кўриниб турибдики, мамлакатлар ва шаҳарлар тасвири авторнинг ўз юртидан бошланиб, сўнгра қўшни ўлкаларга ўтилган, яъни яқин жой тўғрисида гапирилиб, кейин аста-секин узоқлашилган.

Шуниси ҳам аёнки, автор бу асарда X—XV асрларда араб, форс ва ўзбек тилида яратилган турли географик манбалардан анчагина фойдаланган, уларни жам қилган. Демак, «Ажойиб ат-табақот» Урта Осиё географиясининг бир якуни, обзори, хулосаси деб ҳисобланиши мумкин. Ҳозирги кутубхоналарда сақланмаган, умуман йўқолиб кетган қимматли асарлар ва номаълум олимларнинг асарларидан олинган парчалар бу китобда сақланиб қолган.

Китобни варақлаб кўрайлик.

Фарғона бобида шундай маълумотлар бор: «Илгари Ҳархона ёзилган, кишиларнинг тилида Фарғона бўлиб кетган»; 1625 йилдаги Аҳси зилзиласини авторнинг ўзи кўрган: «Дарё суви тоғ этагигача кўтарилган» (варақ — 58а).

Фарғонада «бир чашма борки, қишда бағоят иссиқ, ёзда бениҳоят салқин» (варақ — 58б).

Тошкент чегарасидаги «тоғларда нефть, фируза ва тилла маъданлари кўпдир» (варақ — 58б).

«Парак дарёси Тошкентнинг чеккасидан оқиб туради ва (шаҳарнинг бутун) суви шу дарёдан дир».

Маълумки, Парак — Чирчиқ дарёсининг номи. Унинг устидаги «пули Барбар» — Барбар кўпригининг машҳур эканлиги ҳам айtilган.

Ўзбекистон дарёлари тўғрисида жуда аниқ маълумотлар берилган: «Сайхун (Сирдарё) Ўзганд ва Фарғона томондан келиб, Хўжанд (томонга) оқади. Бир қанча ирмоқларни олгандан сўнг, Хоразм кўлига ўтади» (варақ — 59а).

«Кўҳак (Зарафшон) тоғлардан чиқиб, Сўғд ва Самарқанд ва Миёнкол ва Бухоро вилоятидан ўтади ва Қорақўл (ёнида) тамом бўлади. Бу дарёнинг узунлиги 120 фарсахдир» (варақ — 60а).

«Жайхун (Аму) дарёси машҳур сувдир. У олтига дарёдан иборат. У Тибат тоғларидан бошланади ва Бадахшон тоғларининг чеккасидан ўтади.

Яна бир дарё Кўкчаки, Рустақ вилояти томонидан оқиб келиб, Бадахшонга ўтади (яна бири Қундуз).

Бошқа дарё Вахшки, Кўҳистон томондан Қўлоб вилоятига келиб, Вахш қалъасининг тагидан оқади.

Кофирниҳонки, Ҳисор вилоятининг чеккасидан келиб, Қабодиён ўртасидан ўтади ва Сағониён томондан келган бошқа дарё Сурхоб (Сурхон) билан ҳамроҳ бўлиб, Термиз ўртасидан ўтади... Балх вилоятининг шимолидан ўтиб, Колифга келади. У ердан Хоразм тарафга оқади ва Журжон денгизига қуйилади.

Бу дарёнинг узунлиги 500 фарсахдир ва эни, Колиф ёнида, (дарё қаттиқ оққан вақтда) уч минг ком келади» (варақ—60 б).

Охирги жумлада қавс ичида берилган изоҳ—«дарё қаттиқ оққан вақтда» («дар вақти шиддати об») 409-қўлёзма, саҳифа 215б дан топилди.

Узунлиги—«500 фарсах»—тахминан 3000 километр—ҳозирги аниқ ўлчовга кўра, 2620 километр дир.

Авторнинг Мовароуннаҳр чегаралари ҳақидаги мулоҳазаси ҳам диққатга сазовор дир.

«Мовароуннаҳр дейишнинг сабаби шуки, унинг (ғарб) тарафида Жайхун (Амударё) бор, шарқ тарафида Сайхун (Сирдарё) бор ва ҳар иккаласининг ўртасидаги вилоят Мовароуннаҳр дир.

Бу буюк мамлакат бўлиб, тўртинчи ва бешинчи иқлимдан дир. Унинг машҳур шаҳарлари Бухоро ва Самарқанд ва Сўғд ва Хўжанд ва Нур ва Кеш ва Сағониён ва Ҳисор ва Қабодиён ва Термиз».

Автор, Афғонистон шимолидаги Бомиён тўғрисида гапириб, у ерда Будданинг иккита санами (ҳайкали) борлигини тасвирлайди, ҳар бирининг бўйи 70 газ, эни ўн газ чамасида эканини ҳам кўрсатади.¹¹⁹

Саид Муҳаммад Тоҳир бу китобни ёзишда X—XII асрларнинг географик асарларидан фойдаланганини ҳалол равишда, ҳар гал аниқ айтиб ўтади. Жумладан, бир неча жойда Берунийни, буюк бир мўътабар олим сифатида, тилга олади («Абу Райҳон гуфтастқи...»).

Ҳарчи шундай бўлсада, бу асарга «нуқул бошқалардан кўчирилган» (компиляция) деб баҳо бериш хато дир. Чунки автор, ҳақиқатан ҳам зўр билимдон киши бўлиши билан бирга, ўзи сайёҳ бўлган, Ўрта Осиёга доир, жумладан Фарғона, Балх тўғрисида, анча янги маълумотлар баён этган.

* * *

Тошкентлик Муҳаммад Олим ас Сиддиқий ал Алавий (Ҳофизи Қўйқининг набираси) ёзган асарда XVII аср бошида Ўрта Осиё тарихий географиясига доир айрим маълумотлар бор.

* * *

Мутрабий тахаллусли самарқандлик авторнинг (1604—1605 йиллар) «Тазкирати шуаро» помли асарида (ЎзФАШИ инв. № 2253) иккита чизма берилган: иқлимлар доираси (варақ — 154б) ва дунё картаси (варақ — 156а).

Иқлимлар доираси, илгари тасвирланган Банокатийнинг иқлимлар доирасига айнан ўхшаш, фақат анча оддийлаштирилган. Дунё картаси эса рангли қилиб ишланган — денгизлар сариқ, ороллар қора доира ичида. Иқлимларнинг рақамлари ҳам қўйилган.

Шаклдан кўриниб турибдики, ушбу карта ҳаддан ташқари тахминий ва XVII аср боши учун муносиб эмас. Афтидан, Мутрабий географиядан ва картографиядан узоқроқ шоир бўлган.

Бухоролик Саидқул Аблин Россияга бориб, дипломатик хизматга киргани ва рус элчилари ҳайъатида 1660 йилда Хитой пойтахти Пекинга бориб, у ердан Петербургга бир неча пуд чой олиб келиб бергани ҳам маълум.

МАХТУМҚУЛИ — ТУРКМАН БУЛБУЛИ

Туркменистон ғарбидаги Сумбар-Атрек водийси, туркман Фарғонаси — «юртим Атрек, элим Гўкланг» — Махтумқулининг ватанидир. Махтумқули шу ерда, Санги тоғ этагида 1733 йилда туғилган ва шу ерга, 1790 йилларда — отаси шоир Озодий қабри ёнига дафн этилган.

Махтумқули Фирогий ниҳоятда зўр, таъсирли, халққа ёқадиغان, туркманга ҳам, ўзбекка ҳам ўз тилидек тушуниладиган шеърлари билан бутун Шарққа машҳурдир. Унинг асарларини Сурияда ҳам, Ироқда ҳам, Туркия

ва Эронда ҳам, Афғонистон ва ҳатто узоқ Арабистонда ҳам туркманлар фаҳр билан куйлайдилар. Афғонистонда бир кекса туркман бахшиси борлигини эшитдим, у Махтумқули шеърларини маҳорат билан ижро этишда ном чиқаргани учун ўзини «Махтумчи» дер экан.



Махтумқули ватанпарвар шоир, философ, географ ва сайёҳ ҳамдир. Биз унинг худди шу олижаноб хосиятига эътиборингизни тортмоқчимиз.

Махтумқули ўз ватанини, ўз халқини, ўз маданиятини ниҳоятда севган киши.

Қулоқ солинг:

Фироғий юз тутар Туркман элига,
Душман қўл урмасин қизил гулига.

(«Э н д и»)

Ҳар кимнинг ўзига Мисрдир жойи,
Едингиздан чиқмайди байрами, тўйи.

(«Э л я х ш и»)

Туркманлар, боғласак бир ерга белни,
Қуритар Қулзумни, дарёи Нилни.
Така, ёвмут, гўклаг, язир, алили,
Бир давлатга хизмат этсак бешимиз.

(«Е ш и м и з»)

Унинг ўткир ватанпарварлик руҳида ёзилган асарларидан бири «Туркманнинг» шеърдир. Бунда Туркман элининг қадрдон табиатига зўр ифтиҳор изҳор этилган:

ТУРКМАННИНГ

Жайхун билан баҳри Хазар ораси,
Чўл устидан эсар ели Туркманнинг;
Гул ғунчаси, қора кўзим қораси,
Қора тоғдан эсар сели Туркманнинг.
Ҳақ сайламиш, бордир унинг сояси.
Ейилар чўлида нори, мояси,
Ранг-баранг гул очар яшил яйласи,
Ғарқ бўлмиш райхонга чўли
Туркманнинг

Қишлоқлари гўзал эли Туркманнинг,

Доим анбар сочар гули Туркманнинг.

Махтумқули айниқса Санги тоғни (Сўнгтоғ) муҳаббат билан тилга олади. У, халқ орасидаги ривоятларга кўра, ҳаётининг сўнгги дамларида шу тоғ тепасига кўтарилиб, охириги шу шеърини айтган экан.

САНГИ ТОҒ

Эй севдигим Санги тоғи,
Баланд-баланд белинг сенинг.
Душман кўрса девдай бўлар,
Евмут, гўкланг элинг сенинг.

Кескин-кескин йўлинг кечар,
Қирлар бағри кўнглинг очар.
Салқин чашма сувинг ичар,
Турли-туман молинг сенинг.
Турли-турли ўтинг битар,
Ҳар даранг бир элга етар.
Қатор-қатор карвон ўтар,
Шифобахшдир йўлинг сенинг.

Махтумқули табиатни шу қадар севган, унинг сирларини билган, ҳамиша саёҳатга интилган, толмас, хушчақчақ ва ширин забон йигит бўлган.

Кўнглим истар, кезсам экан оламини,
Қанотим йўқ; учолмайман, найлайин.
(«Н а й л а й и н»)

Мажнун каби ҳайрон чиқай чўлларга,
Бориб маскан тутай сизни тоғлар, ҳей.
(«Б оғ л а р, ҳ е й»)

Кўрсам эди Миср, Шому Шариф, Рум, Фаранги,
Деҳистоннинг байиринда боди сабони кўрсам.

Сайёҳ шоир табиат ҳодисаларига шундай изоҳ беради:

Тоғлар — ернинг михидир;
Баланд тоғлар, буюкликда гердайма,
Хумчада сув бўлган зардек бўларсан.
Теран дарё, хайбатингга кеккайма,
Вақтинг етса, қуриб ердек бўларсан.

(«Бўларсан»)

Бағдодда киш бўлмас, қирғизда томус,
Булғорнинг шаҳрини сояси бўлмас.
Бағдодда нор пишса, Табризда анжир,
Ҳиротдек ҳеч ернинг пистаси бўлмас.

(«Устаси бўлмас»)

Қора тошли, боши туман бу тоғлар,
Тупроқ бўлар қора тошдан айрилса,
Сел бўлар ағдарилиб оқар булоқлар,
Чилла тўлиб, қорлар қишдан айрилса.

(«Айрилса»)

Махтумқулининг саёҳатлари тўғрисида унинг ўз асарларини ўқибгина хулоса чиқариш мумкин¹²⁰.

Маълум бўлишича, Махтумқули ёшлигидан саёҳатларда юриб, Қаспий бўйидан то Амударёгача кезган. Бухорода таълим олган, сўнгра Афғонистонга ўтган, Ҳиндистонда бир йилу уч ой турган, қайтиб, Фарғонани (Андижон, Марғилон) кўрган, Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрига борган. Хоразмга — Хивадаги Шерғози мадрасасига келиб ўқиган, сўнг яна ўз элига — Атрек дарёси водийсига, Деҳистонга қайтган.

Шундан сўнг Озарбайжон, Эрон, Туркиянинг шарқий қисми, Ироқни айланиб келган.

Кўзим кўрмуш Ҳиндистон,
Эйрон билан ҳам Афғон.
Уммон, Хазар, Деҳистон,
Борсам мизона тушмас.

(«Нуронга тушмас»)

Юқорда Ҳиндистонни,
Орқада Туркистони,
Авлиёлар Уммони.
Ул Румистонни кўрсам.

(«Кўрсам»)

Озарбайжон саёҳатидан олган таассуротини шундай ифодалаган:

Сафар этиб борсак Нуха мулкига,
Кўнгли истагандек яйлоқлари бор;
Сайран этсак гунчасига гулига,
Боғчасида булбул ўйноқлари бор.
Ери гўзал хаста одам соғ бўлур,
Оғриқ, бежон, ғариб кўнгли чоғ бўлур.

Серчаман дарахти билан боғ бўлур,
Ажаб, қуш солмоққа овлоқлари бор.

(«Я й лоқ лари бор»)

Махтумқули «Ҳамхона» шеърисида ўз саёҳатларидан ва орзуларидан шуларни эслайди:

Табриз, Хирот шаҳрини кўр, дада, сарбасар
Ширвон, Шамохи иккиси бўлғайму баробар?
Ул боғи эрам парилар манзили дерлар,
Андижон, Марғилон то Қашқар Қайсар,
Ҳинду, Ҳабаш, Чин-Мочин ила Самарқанд, Фарғон,
Ул шаҳри Бухорон, Ҳирот, Оқча, Шибирғон,
Кездим юрбон шаҳри Ҳирот яна Дамғон,
Андхўйи билан Балхи, Бадахшонга келгандир.

Унинг «Гўкланг», «Гурганинг», «Ҳасар тоғи», «Хазаристонга сари» каби шеърларида ҳам жойлар бадий географик тасвирланган.

Махтумқулининг Астраханда бўлганлиги ҳам, у ерда руслар ҳаёти билан танишганлиги ҳам ажаб эмас. Ҳатто Эрон билан Ҳиндистон орасидаги Уммон денгизи бўйларида — ё Уммон тупроғида (Арабистон ярим ороли билан Ироқ ўртасида), ё ҳозирги Покистон ерларида бўлганлигини тахмин қилиш мумкинки, бунга унинг шеърларида шама бор. Шоир Ўрта Шарқдаги барча туркман қабилалари орасига кириб, уларнинг аҳволини, озодлик, мустақиллик ва фаровонлик орзуларини билди, шу билан бирга оғзаки адабиётини ўрганди .

Махтумқули элдан-элга оралар,
Ҳижрон тиғи бирла бағрин поралар.

(«Гурганинг»)

Махтумқули асарларида, умуман олганда, шундай номлар учради:

Мағриб, Мағрибистон, Миср, Нил, Қулзум денгизи, Яман, Ҳабаш, Макка, Уммон, Рум, Румистон, Арзи Қарс, Юнон, Фаранг, Шом, Димишқ, Сақлаб, Булғор, Қипчоқ, Қозоқ (Қозоғистон), Ироқ, Бағдод, Қарбало, Эрон, Мозондарон, Исфаҳон, Кирмон, Форс, Афғон, Ҳирот, Балх, Дамғон Шибирғон, Ақча, Бадахшон, Қандахор, Андхўй, Хазаристон, Озарбайжон, Табриз, Шамохи, Нуха, Ширвон, Қорабоғ, Дарбанд, Турон, Хоразм, Жайхун, Хива, Бухоро, Самарқанд, Марғилон, Андижон, Фарғон, Сайром, Туркистон, Нурота, Бободарғон, Қашқар, Хўтан, Ҳинд, Чин-Мочин, Қоф тоғи.

Туркманистоннинг Деҳистон, Манқишлоқ, Атрек, Гурган, Баҳри Хазар ва бошқа жой номлари ҳам бор, География фани учун шоирнинг «Бу дунё» шеъри жуда қимматлидир. Бунда шоир дунёнинг катталигини, айрим мамлакатларнинг масофалари, тиллар ва бошқалар тўғрисида бадиий образлар билан қуйлайди.

Махтумқулининг шу географик шеърини айнан келтирамиз.

Мағрибдан Машриққа дунёнинг юзи,
Айтманг бизга номаълумдир бу дунё.
Ободи, хароби, дарёси, тўзи,¹²¹—
Юз қирқ олти минг оғач¹²² йўлдир бу дунё.

* * *

Бу жаҳон юзида ишлар пайдодир,
Ранг-барангдир, томошадир, ғавгодир.
Қирқ олти минг — денгиз, дарёдир,
Ўтмиш икки турли тилдир бу дунё.

* * *

Бир эллик минг узоқ йўллар унда бор,
Дев-пари маскани, қуллар унда бор,
Тошлар, тоғлар, оч арслонлар унда бор,
У ерда одамдан чўлдир бу дунё.

* * *

Ун икки минг оғач жойи Ҳиндистон,
Олти минг оғач йўл арзи Румистон,
Тўрт минг Сақлап, Санжоб¹²³, тўрт минг Деҳистон,
Гўё кечиб борган селдир бу дунё.

* * *

Тўрт минг фарсах Яман, бир минг ҳам Булғор,
Юнон ери бўлар — ҳамма як ҳазор,
Минг оғач йўл тоғдир бу мардуми хор,
Унда оқиб борган солдир бу дунё.

* * *

Беш минг оғач ажут-маъжут, минг саҳро,
Етти минг жазира, етти минг дарё,
Бу дунё шундайдир, бир тубсиз дарё,
Эллик минг, бир ботмон молдир бу дунё.

* * *

Икки минг уч юз оғач аҳли ислондир,
Ироқ, Озарбайжон, Мисрдир, Шомдир,
Хуросон, Форс, бадроҳида тамомдир,
Йўқ бўлганда қол-мақолдир бу дунё.

* * *

Махтумқули номинг бўлди Фироғий,
Фориғ бўлиб, торт ўзингни қирғоққа,
Ҳисоб этдим, дунё бошдан-оёққа,
Уч юз олтмиш йиллик йўлди бу дунё.

Шеърда кўрсатилган масофалар — «146 минг оғоч», «12 минги Ҳиндистон», «7 минг жазира» кабилар — албатта шартли, символик рақамлардир. Уларни на квадрат километр, на километрга айлантириб таққослаб бўлмади. Шундоқ бўлсада, бу шеър Махтумқулининг географик савияси кенг эканлигини исботлайди. Албатта, бу шеърнинг бутун сирлари ҳали астойдил, синчиклаб текширилиши лозим.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё маданиятининг фаҳри, ҳам ўзбек, ҳам туркман фарзанди Махтумқули Фироғий — XVIII аср ўрталаридаги ажойиб шоир, маърифатпарвар сайёҳ ва ватанпарвар сиймодир.

XVII—XIX АСР ХОРАЗМ ТАРИХЧИ-ГЕОГРАФЛАРИ

Абулғозихон. Хоразмлик Абулғозихон Араб Муҳаммадхон ўғли — XVII асрнинг буюк тарихчиси ва давлат арбоби, саркарда ва олимидир. Унинг икки тарихий асари: «Шажараи тарокима» («Туркманлар тарихи») ва «Шажараи турк ва мўғул» (1663 йилда ёзилган) шарқшуносларга кўпдан маълум, рус тилига ҳам таржима қилинган, катта-катта монографияларда, хусусан Ўзбекистон ва Туркменистон тарихи китобларида фойдаланилган. Абулғозихоннинг ҳаёти ва ижоди марҳум ўзбек шарқшуноси Карим Юсуповнинг асарида ёритилган¹²⁴.

Проф. А. Н. Кононов «Шажараи тарокима» асарини сўз боши, изоҳлар ва филологик анализ билан рус тилига таржимасини нашр этди¹²⁵. Хусусан, 7—24-бетлардаги кириш сўзи анча мазмундор ёзилган. Шунинг учун, Абулғозихоннинг ҳаёти ва тарихий фаолияти билан танишишни ўша асарларга ҳавола қилиб, фақат унинг географик мероси устида қисқача обзор бериб ўтамыз.

Абулғозихоннинг иккала асари ҳам ўзбек тилида, оммабоп, содда жумлалар билан ёзилган. Унинг ўзи тил

тўғрисида ажойиб сўзлар айтган: «Бу китобга «Шажараи тарокима» деб от қўйдуқ. Барча билининг (билсин) ким, биздин бурун туркий тарих эйтқонлар араби луғатларни (сўзларни) қўшубтурурлар ва форсини ҳам қўшубтурурлар ва туркийни ҳам сажъ қилибтурурлар — ўзларининг ҳунарларин ва устодлиқларини халққа маълум қилмоқ учун. Биз мунларнинг ҳеч қойсисини қилмоқ анинг учун ким, Бу китобни ўқуғучи ва тинглоғучи албатта турк бўлғуситурур, бас, туркларга туркона айтмоқ керак, то уларнинг барчаси фаҳм қилғойлар, бизнинг айтгон сўзимизни билмасалар андин не ҳосил. Бас, андоқ айтмоқ керакким, яхши ва ёмон барчалари билиб, кўнгулларига маъқул бўлғай» (67-бет).

Иккала асарда ҳам географик маълумотлар тўлиб ётипти. Автор жуда кенг масофани — Хитойдан Мисргача мамлакатларни йўл-йўлакай тилга олади, айниқса Монголия ва Ўрта Осиё ерларининг географияси батафсил изоҳланган. «Шажараи турк ва мўғул» да 280 тача ном, «Шажараи тарокима»да 110 тача ном тилга олинган бўлса, шунинг 56 таси иккала асарда ҳам учрайди.

Абулғозихон асарлари терминология ва транскрипция жиҳатдан ҳам жуда муҳим. Бу асарлардан юзлаб ном ва терминларнинг XVIII асарда ўзбекча ёзилишини билиб олиш мумкин.

Масалан: Туркменистоннинг жанубий тоғлик қисми (Хуросондан Астрободгача) — *тоғ бўйи* деб юритилган, Хоразм томон, Урганч ва Аму атрофлари — *дарё бўйи* дейилган.

«Туркилар ўз тилида дарёни сой деб атайти, тожиклар — руд, араблар — водий, мўғуллар эса — муран дейди».

Туркменистон ғарбидаги Болхон тоғлари Улуғ Абулхон ва Кичик Абулхон тоғи деб ёзилган.

Яна: Ўғурча (Огурчинский п-ов), Бўрсик (Барсуки), Сир суйи, Қорачиқ тоғи (Маҳмуд Кошғарийда Қорачуқ), Монқишлоқ ва ҳоказо шаклларда ёзилган.

«Шажараи тарокима» да қизиқ бир рақам келтирилган: «Ун олти орқа (авлод) тўрт юз йилда, харчанд кўп бўлса тўрт юз эллик йилда ўтар... Ҳар минг йилда қирқ орқа (авлод) ўтса керак» (64—65-бетлар).

Яъни 400—450 йилда 16 авлод, 1000 йилда 40 авлод ўтса, бир авлодга 25 йил тўғри келади — XVIII асрда

ва ундан олдинроқ Урта Осиё аҳолисининг ўртача умр кечирishi 25 йил бўлган, деган хулоса чиқариш мумкин дир.

* * *

XIX аср Хоразм тарихчилари — Мунис (Авазбий ўғли Шермуҳаммад мироб, 1778—1829), Огаҳий (Эрниёзбек ўғли Муҳаммад Ризо мироб, 1809 — 1872) ва Баёний (Бобожонбек ўғли Муҳаммад Юсуф, 1859—1923) ларнинг кўпгина асарлари географик жиҳатдан ҳам қимматли манбалар д ир. Бу асарларда Туркменистон, Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг чўллари, манзил ва йўллари, канал, тўғон, қалъа ва қудуқлари тўғрисида аниқ маълумотлар бор.

Хоразм тарихчиларининг бундай географик меросига А. Л. Кун, В. В. Бартольд, Яхё Фуломов ва Қ. Муниров, М. Йўлдошев, Т. Нетьматов ва бошқалар жуда юксак баҳо берганлар — ҳақиқатан ҳам шундай¹²⁶.

Жумладан, Мунис 1716 йили А. Бекович-Черкесский раҳбарлигидаги рус экспедицияси ҳақида ва Амударёнинг шохобчалари, каналлар тўғрисида муфассал баён этган. «Ундан ташқари, хонларнинг бирор ерга қилган юриши тасвирланар экан, шу вақтда хон аскарлари босиб ўтган шаҳарлар, қишлоқлар, дарёлар, кўллар, чўллар, тоғлар, қирлар, қумликлар ҳақида кўп географик маълумотлар келтирилган» (Қ. Муниров).

Масалан, Қорақалпоғистондаги Давқара (Тавқара) ҳавзасини шундай таърифлаган: (XVI—XVII—XVIII асрларда) «... Тавқара улуғ тенгиз эди. Даврасининг кенглиги тахминан 30 фарсанг бўла олғай. Кўк-ўзакнинг кўпрак суви анга оқар эрди... Қангли ва қипчоқ улуси анга оқатургон сувларни боғлаб эрди. (1790 — 1804 йилларда) ул тенгизнинг суви туганиб, экин экадиган ер бўлди. Алҳол Оқёқиш аҳлининг аксари зироат ва маҳсулот и андин ҳосил бўлур».

Орол денгизи: «Ани бахираи Хоразм атарлар. (Мирхонд ёзган) «Равзат ус-сафо» хотимасида анинг даврасини 100 фарсанг битибдурлар, алҳол 200 фарсангдан кўпроқ дерлар. Хоразм... бўлмасдан бурун Амуяким, Балх ва Хоразм дарёсиға ва Жайхунға машҳур д ир, Урганчи қадимнинг остидан ўтиб, Болхон тоғининг шарқий этагига тегиб, жануб тарафидан ғарбға уюрулиб, Ўғирчадин Мозандарон тенгизига қуяр эрди...

Хўжанд дарёсиким, ани Сайхун ва Сир дерлар, анга қуяр икки дарё ва Қуванг сувким, Сайхуннинг шохобчларидандир... Бу мазкур бўлгон дарёлардан бошқа катта анҳор Дашти Қипчоқдан келиб анга қўшилади. Аммо (Оролнинг) суви бағоят шўрдир. Мунча чучук сувлик дарёлар анга оқмоқ била таъмига ҳаргиз тафовут етмас. Ҳатто дарё қуйғон мавзеидан бир қадам илгарироқ сув ичиб бўлмас, Ғолибон бу жиҳатдин ани Аччиқ тенгиз дерлар ва аксари мавзоининг қаъри (чуқурлиги) маълум эрмас...»¹²⁷

Бу географик маълумот проф. Я. Ғуломовнинг аса-рида, таҳлил қилинган¹²⁸.

Мунис ва Огаҳийнинг таржимонлик фаолиятлари ҳам географияга алоқадор бўлганлигини унутмаслик керак.

Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асари, Маҳмуд бин Шайх Алининг «Мифтоҳ ут-толибин» асари, «Зафарнома» ва бошқалар ўзбек тилига таржима қилинган шундай тарихий географик асарлардандир.

Мунис, Огаҳий ва Баёний асарларининг тили ҳам география терминологияси нуқтаи назаридан алоҳида ўрганишга арзийди. Уларда: Қорақалпоқия, Туркмания шаклларида ёзилган, яъни халқ номига — *ия* суффикси қўшилиб, мамлакат номи ясалган. Уларнинг китобларида «Хивак», қисқача «Хива» деб ёзилган (Ҳолбуки, ҳозирги матбуотимизда баъзан Хева шаклида бузиб ёзилмоқда, ҳатто «Хива — русча, Хева — ўзбекча» деб даъво қилувчи кишилар ҳам учраб туради).

Шунингдек, Хўжаэли, Гурлон, Лавдон, Кўҳна Урганч, Қуба тоғ, Ойбукур қири, Эрдор йўли, Қуванг дарё сингари шакллар бор. Яна, Қорақум чўлининг шимоли шарқий қисми — Хоразмдан то Марвгача бўлаги Ҳаф-трег (Етти қум) номи билан аталган.

Такрор айтамикки, Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг географик мероси алоҳида бир муҳим тема бўлиб, келгусида мукамал таҳлилга муҳтождир.

* * *

Мир Абдулкарим бин Мир Исмоил Бухорий 1818 йилда Бухоро хонлигининг Туркияга юборилган элчиларига котиб бўлиб борган. Кейинчалик 1832 йилда у сафарини ҳамда қўшни мамлакатлар географиясини ёзиб берган.

Унинг асарида, жумладан, Дашти Қипчоқнинг аҳолиси ва иқлимнинг тасвири, Фарғона водийси ва ундаги шаҳарларнинг тасвири, Миёнкол ва Туркистон, Қашқар, Тибет ва Кашмирнинг тасвирлари бор. Мир Абдулкарим Бухорийнинг бу асари анча йилдан кейин, 1872 йилда Булоқ нашриётида (Қоҳира ёнида) босилиб чиқди. 1876 йилда асарнинг французча таржимаси ҳам нашр этилди¹²⁹. Шу французча нашрига илова қилинган Ўрта Осиё картасида, жумладан шундай белгилар кўзга ташланади. Ҳозирги Қизилқумнинг жануби ғарбий қисми, яъни Амударё — Бухоро — Қулжүктоғ оралиғи Ботоққум деб аталган. Шимоли шарқий қисмигина — Амударё этакларидан Сирдарё ёқалаб то Тошкентгача — Қизилқум деб аталган. Эҳтимол Ботоққум — Ботқоққум, майин қум, бархан қум деган маънода бўлса керак. Мўюнқум — Оққум деб аталган. Демак, Сирдарёнинг чап томони — Қизилқум, ўнг томони — Оққум деб аталган бўлиб чиқади. Верний шаҳри, ҳозирги Олмаота, Олмоли дейилган. Фарғона жанубидаги тоғлар — Олатоғ деб ёзилган (Бобир ҳам шундай деб атаган эди).

ФАРҒОНАЛИҚ САЙЁҲ

«Эрон маликаси сўрди: «Э қаландар бачча, на ердин бўлурсен, ва қайси ошъёнаи баланддин парвоз айлабдурсен ва номинг нимадур ва касбинг надур?»


Мен дедимки: Э маликаи ҳафти кишвар, қаландари-дурман, ер юзининг кўп қитъасида бўлгон ва айём кулфатини тортқон, Туронзамин иқлимидан ва Фарғона мулкидан, номим Ҳакимжон, иродам Мовароуннаҳр-дир».

Бу мисраларни Ҳакимхон тўра ёзган.

Ҳакимхон тўранинг узоқ бобоси асли косонлик — машҳур Аҳмад Хожаги ибн Жалолиддиндир (XVI аср боши). Уни «Маҳдуми аъзам» («Улуғ хўжайин») деб улуғлаганлар. Бир вақтлар у Заҳириддин Бобирнинг «пири» ҳисобланарди, Бобир Ҳиндистондан туриб, унга совғалар юборгани, «Рисолаи Бобирия» асарини унга бағишлагани ҳам маълум.

Ана шу шайхнинг XIX аср бошида яшаган авлодларидан бири — Ҳожи Муҳаммад Ҳакимхон тўра валад

Сайид Маъсумхон Маҳдум ўғли, қисқача Ҳакимхон тўра-дир. У, саёҳатлар тарихига ажойиб саҳифа ёзган, тили ўткир, дили шўҳ, қадами чаққон, зеҳни баланд, олим ва адиб, сайёҳликни ўзига касб қилган ўзбекдир.



Ҳакимхон Наманган ҳокими экан, қароргоҳи Тўра-қўрғонда эди. Шу вақтда Қўқон хони билан чиқишмай қолади-ю, Ҳакимхоннинг ўлдирилиш хавфи туғилади. Шунда Ҳакимхон «ҳожига кетиш» баҳонаси билан Фарғона водийсидан бир илож қилиб қочади-да, Шоҳидон орқали Тошкентга келади.

Шундан бошлаб, 1824—1830 йиллар орасида, «Етти йил ғурбат диёрида юруб, саёҳат қилдим. Ажойиб ва гаройиб оламни мушоҳида қилдим. Эмди хоҳларман-ким, ўз кўзим била кўргангни таҳрир ва баён айлағайман. ...Ложарам мингдан бир бағоят кўтохлик бирла баён қилурмен», дейди Ҳакимхон, ўзининг «Мунтаҳаб ут-таворих» китобида.

Китобхонларимиз бир қанча саёҳатномаларни ўқиганлар. Хусусан, «Бобирнома», «Шажаран турк ва мўғул» ва «Шажаран тарокима»нинг тили ва услубига ниҳоятда мойил бўлгандирлар. Ҳакимхоннинг «Мунтаҳаб ут-таворих»ини ўқиганингизда ҳам авторнинг гул қўлига, бол тилига қойил қоласиз, офаринлар айтасиз. Ҳатто Ҳакимхоннинг саёҳатини тузукроқ баён этишга ҳам ожизлик қиласиз. Чунки Ҳакимхоннинг асари — ҳақиқатан ҳам ўзбек маданиятининг, Фарғона ёзма традициясининг дурдоналаридан биридир.

Аввало унинг китоби тўғрисида бир-икки оғиз маълумот.

Ҳакимхоннинг «Мунтаҳаб ут-таворих» асари 1843 йилда ёзилган. Уша йилнەқ 10 нусхада кўчиртирилган. Сўнги йилларда ҳам ундан бир неча нусха (копия) олинган.

Ҳозир ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 5 та нусхаси бор. Инв. № 592 қўлёзма тожикча бўлиб, қўқонлик домулло Муҳаммад Амин 1843 йилда кўчирган нусхадир. Инв. № 593, 1899 йилда ўша нусхадан кўчирилган. Биринчи қўлёзма Хўжанд шаҳрида, Ҳокимхоннинг невараси қўлида сақланган вақтида, Сер Али Лапиннинг топшириғи билан ҳаттот мирза Абдусамат ундан нусха кўчириб берган эди¹³⁰.

№ 595 ва 596/1 ли қўлёзмалар ҳам ўша асарнинг тожикча нусхалари бўлиб, 1911—1912 йилларда Қўқонда кўчирилган, аммо чалароқ.


Инв. № 1560, ўзбекча нусхаси, 1878 йилда кўчирилгандир. Биз шу ўзбекча вариантдан фойдаландик, парчаларни ўшандан олдик.

Китоб анча катта ва қалин, 800 саҳифадан ортиқ.

Унда, аввало бутун Шарқнинг тарихи баён этилган. Урта Осиё тарихи, айниқса Фарғона тарихи анча мукаммал ёзилган. Қўқон хонлигининг тарихи 1843 йилга келиб (Оталиқхоннинг вафоти билан) тамомланган. Энг охирида эса авторнинг узоқ саёҳати ва саргузаштлари жуда қизиқарли қилиб баён этилган (СВР, I, стр. 87—89).

Ҳакимхон Тошкентдан кетгандан кейин, ушбу картада тасвирланган маршрут бўйича саёҳат қилди ва дунё кезди. Йўл-йўлакай кўрган нарсаларини, суҳбатлашган кишиларини, турли саргузаштларини кундалик тарзида ёзиб борди.

Автор гоҳ араб ихромини, гоҳ турк бўркини, гоҳ эрони либосини, гоҳ ўзбек чопонини кийиб юрган; бир неча марта жуда хатарли ҳолларни бошидан кечирган, қамоққа тушган, турмадан қон билан хат ёзган, қочган, бошқа 300 маҳбуснинг қутилишига ҳам сабабчи бўлган; пинхон подшо саройига ҳам кирган, маликалар, амалдорлар билан суҳбатда бўлган. Бетоб бўлиб, беҳуш ётган, неча бор ўғрилар қўлига тушган, «қазога тан бериб» юрган, чўлда шўр сув ичиб қаноатланган, ибти-



дой қабилалар ҳолини сўрган. Унинг географияга оид тасвирлари эса ҳар кимни ҳаяжонлантиради.

Сайёҳ, Қозоғистондаги Батпақдала даштидан ўтар экан, уни шундай тасвирлайди:

«Бадбахт деган даштга кирдукким, филвоқе бадбахт эрди. Тиканлари ништарни обдор масалликим, оёқ босқон ҳамон оёқдин қолур эрди. Уч кеча ва уч кундузлик ерда мутлақо сув мавжуд эмас эрди. Ҳар ким ўзиға

еткурлик сувни ўз тевасига юклаб юрурди. Ва сувни андоғ қадри бор эдики, бир қатра сув юз коса оби ҳаётдин қадрликроқ эрди. Кулон ва булон деган ваҳший от ва оҳу андоғ тўла эрдики, корвонийлар ўтарға йўл топмас эрдилар.

...Ул вақтда ҳаво бадаражаи иссиқ эрдики, сувсизликдин ул дашт ваҳшилари гала-гала йиқилиб, ўлуб ётур эрдилар. У дашт ҳавлинок ваҳшилар ўлукидин андоғ бўй олиб эрдики, йўл ранжидин ҳам қаттиқроқ эрди. Ва ул биёбони балохезни юз минг машаққат ва оҳулард олуд бечоралик бирла қатъий этар эрдик».

Ҳакимхон Иртиш дарёси бўйидаги Семипалатинск шаҳри (қозоқча Семей, ўзбекча Шамай вилояти)га келиб тўхтади. «Чин дарёси ул жонибдин келур эрди. Шаҳар каноридин ўтар эрди, мардум кашти (кема) бирлан ўтарларди. Бу дарёнинг интиҳоси Баҳри Азимға (океанга) қуюладур.

Ул вилоятларнинг иморати ёғочдин эрди».

Ғарбий Сибирь шаҳарларига «Фарғона ва Мовароуннаҳрдин кўп атрофлар тижорат учун анда бориб Қазоқиядан уйланиб турғун бўлуб қолибдурлар. Ва алардин фарзандлар вужудга келибдур. Аларни чала қозоқ дера».

Ҳакимхон Ирбит ярмаркасида ҳам бўлган. Ирбит бозорида «ҳар иқлимдин тужжор мавжуд. Алалхусус Мовароуннаҳр одамидин кўпроқ эрди, кўриб хурсанд бўлиб, шукурлар қилдим».

Яъни, ўртаосиёлик савдогарлар Уралдаги Ирбит ярмаркасига кўплаб мол келтириб сотар эканларки, бу ҳам, бир томондан, ўзбек ва тожикларнинг анча жаҳонгашта эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Ўрта Осиё билан Россиянинг савдо-сотик алоқалари дурустгина бўлганлигига мисолдир.

Сайёҳ, «бениҳоя улуғ дарё Эдилдан» — Волга дарёсидан кечиб, Аштархон ва Шимолий Кавказдан ҳам ўтиб, Қора денгизга етди. Уни дарёи Шўр деб атайди.

Дарёси шўр: «ул дарё эрди, на таги бору, на поёни. Айтибдурларки, Рум (Туркия) султонларининг бири дарёнинг (денгиз) қаърини билурға фармон айладикки, таноб этсунар. Чун таноб солиб, лангарни қўюб юбордилар. Минг беш юз газ таноб эрди, ерга етмади».

Яъни: Қора денгизнинг чуқурлигини ўлчаб кўрмоқчи бўлганлар, арқонга лангар боғлаб туширганлар, 1500

газ (тахминан 1200 метр) арқон денгиз тубига етмаган.

Ҳакимхон Мисрда бир йилча турган ва у ерда бир неча ўзбек муҳожирлари билан учрашиб, дўстлашган.

Қоҳирада бир қасрни кўриб, шундай мақтайди: «Андоғки, уни умрида на Моний кўрибдур ва на Беҳзод эшитибдур».

Нил дарёсида суза туриб, бир куни зирофани кўриб қолган. «Ҳабаш вилоятининг бир азим зирофа деган бир ҳайвон келтурдиларки, ани борасида уштар гов фалаанг дерлар. Ҳайвонат ичинда ажойиб маҳлуқдирки, сурати бағоят беназирдир. Икки оёғи узун ва икки оёғи қисқа ва бўйни узун. Ани баёз гардани ўзга ҳайвонотда йўқдур ва кўзлари оқу кўзига ўхшар ва думи ҳўкиз думига ўхшар ва икки шох ўрнига тождурки, гўё қаро ипакдин ясалгандек бағоят нозик ва бадани андоғки, бир каф ери рангдек қизил ва бир каф ери оқ. Ва ул ҳайвоннинг хўраги сут эркан».

Сайёҳ, Қизил денгизда кемада кезар эди, қаттиқ бўронга учраган. «Андоқ шамол бўлдики, Нуҳ алайҳиссалом тўфонларидин намуна эрди. Кемачилар шамол кирмай тургон ҳужрага кириб карталарини олдиға қўюб қарар эди. Ул (карта) тахтаи қоғоздурки, тамом денгизлар тасвири тортиғлиқ.

... Ул аснода дарёнинг авзон андоғ талотум айлаб эрдикки, ҳар мавжики, кемаға урса гўё овози тўпдек садо берур ва кема узасидан ошиб яна дарёға тушар эрди. Кема аҳли жонлардин умид узиб, мунтазир марг эдилар. Кеча зулмати кўтарилиб, олам нурониға мубаддал бўлди. Мулоҳаза этдикки, андоғ дарёни (нг) фўртанаси тўғён айлаб эрдикки, гўё юз минг тоғдек сув пайдарпай келур. Гумонимиз андоғ бўлдики, агар минг жон бўлса бири қутулмас. Вақти кўрар эрдикки, кема сув тоғиға чиқиб, яна сув остиға борур. Ва яна улў мавжлар яқин келур эрди. Кема яна юқориға чиқар эрди».

Сўнгра Ҳакимхон Арабистондан Шомга, ундан Ироққа ўтган. Бағдодда «ҳар кун Шомдин сўнгра Дажла лабиға чорогон сайра учун келур эрдим». Кейин Эрон ва Афғонистондан ўтиб, Амударёдан кечиб, Шаҳрисабзга етган. Етти йиллик ғурбат, ажойиб ва ғаройиб кузатишлар тамом бўлган.

«Мунтаҳаб ут-таворих»да Ўзбекистонга доир географик маълумотлар ҳам анчагина бор. Масалан, Ҳакимхон

1823 йили бутун Фарғонада юз берган зилзилани ўзи кўрган. Унинг таърифлашича, зилзила шу қадар даҳшатли бўлганки, ҳеч замон бу сингари ер қимирлашни кўрмаганлар ва эшитмаганлар. Кўпгина уйлар вайрон этилган, талай кишиларни том ва девор босиб қолган. Одамлар қамишдан чайлалар қуриб туришган. Тоғларда кўпгина хонадонларни ер ютган, ер ёрилиб, ичидан қора буғ гуриллаб чиққан. Сой ва ариқларнинг суви қозондаги сингари қайнаб кетиб, кўчаларга оққан. Олти ой мобайнида тупроқ тебраниб турган.

Ҳакимхон тўранинг асарига совет тарихчилари юксак баҳо берганлар. «Ўзбекистон халқлари тарихи»да бу китобни Ўрта Осиё ва Фарғона тарихига оид «катта асар», «Қўқон хонлигида яратилган энг ажойиб китоб» деб аталган.

География нуқтаи назаридан эса бу Ўрта Осиё географик адабиётнинг саргузашт-саёҳат жанрига мисол бўла олади. Шу билан бирга асарда тилга олинган жуда кўп жой номлари — автор ўзи қадам босган шаҳар, тоғ, денгиз, дарё, чўл ва даштлар ҳамда автор ўзи кўрмаган, аммо йўл-йўлакай эслатиб ўтган номлар (Булғор, Қозон, Макрия, Петербург, Фарангистон, Искандария, Судон каби) ҳамда «Урусия вилояти», «Қазоқия» каби тушунчалар — Ҳакимхоннинг астойдил саёҳатини, кўп нарсани кўргани ва билганини исботлайди. Шоир Ҳозиқнинг таъбирича, «Ҳакимхон фалак чавғонининг захмини кўп ебдур».

* * *

Абу Тоҳир хўжа Қози Абу Саид Самарқандийнинг «Самария» номли асари рус шарқшунослари тарафидан жуда мукаммал ўрганилган. Бу китоб асли тожик тилида ёзилган бўлиб, 1884 йилда ўзбекчага ва 1899 йилда русчага ҳам таржима қилинган. Яна бир ўзбекча таржимаси эълон қилинмай, қўлёзма ҳолида қолган.

«Самария» 1830 йилларда ёзилган. Китобда Самарқанд шаҳрининг тарихи ҳамда географияси тасвирланган.

* * *

1843 йилда Мир Абдул Қосимхўжа бин Мулла Мир Бадалхўжайи Бойсуний Бухорий таҳрири остида Ҳожи Халфанинг «Жаҳоннумо» номли машҳур географик аса-

ри араб тилидан тожик тилига таржима қилинди¹³¹. Тўғриси — тўла маънода тожик тилига эмас, балки аралаш тожик-ўзбек тилига таржима қилинган. Буни географик номларнинг ёзилишидан билса бўлади.

Таржимага 33 та рангдор карта илова қилинган (ярим шарлар картаси, Европа, Африка, Америка, Осиё карталари ва ҳоказо). Яна иқлимлар тақсимоти схемаси бор.

Номлари шундай ёзилган: Филиппус оталари, халижи Қустантин (Босфор бўғози), Ҳўрмуз бўғози, Басра кўрфази, Жазоир Чин ва Ҳинд (Ҳиндихитой, Индонезия), Арози Фалманкаи Жадида (Австралия) каби. Дунё томонлари компасга асосланган.

Шу китобнинг тожикча-ўзбекча таржимаси муносабати билан бизда бир мулоҳаза пайдо бўлди.

Ҳозирча, гарчи қўлимизда бирон ёзма далил бўлмаса ҳам, имонимиз комилки, Америка қитъасининг кашф этилганлиги XVI аср ўрталаридаёқ Урта Осиёга (ҳукмрон доиралар ва илғор олимларимизга) сал-пал бўлсада хабари келгандир. Бундай хабар бир томондан, Ҳиндистонга ўрнашган бобирийлар орқали (улар португаллардан эшитгандирлар) келиши мумкин эди, иккинчи томондан, Туркия орқали — турк сайёҳлари ва элчилари оғзидан эшитилган бўлиши мумкин.

Аmmo Америка қитъасининг картографик тасвири бўлмаган бўлса керак. Фақат ўша Ҳожи Халфанинг «Жаҳоннумо» си муносабати билан, 1843 йилдаги таржимада намойиш қилингандир, деб тахмин қиламиз.

Эҳтимол, келгусидаги жиддий тадқиқотлар бизнинг тахминимизни бошқа ёзма манбалар билан тузатиши ёки ўзгартириши мумкин.

* * *

Шаҳрисабзлик Муҳаммад Раҳим мулла Ҳиндистон ва Афғонистонда 27 йил (1840 йилдан 1867 йилгача) саёҳат қилиб, жуда кўп қўлёзма китоблар тўплаб ўз юртига қайтган. Аммо тўплаган китобларига Шаҳрисабзда «ҳеч ким қизиқмаганидан», бутун кутубхонасини Қўқонга элтиб, Худоёрхонга сотган. Узи 1889 йилда вафот этган (ЗВОРАО, XXIII, 1915, стр. 250).

* * *

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида тузилган «Фарсаҳи байни Бухорон Шариф ва Урганж» маълумотномасида (УзФАШИ, инв. № 2900/28, варақ 546 б — 547 а) турли шаҳарлар ва манзиллар орасидаги масофалар кўрсатилган, айрим жойларга изоҳлар ҳам берилган.

Масалан:

| | |
|-----------------------------------|-----------|
| Хива — Ҳазорасп тахминан | 8 фарсах |
| Ҳазорасп — канори дарё тахминан | 2 фарсах |
| Аз лаби дарё то Бозоргон тахминан | 3 " |
| Бозоргон — Машак | 2,5 " |
| Машак — Учучоқ | 3,5 " |
| Учучоқ — Туфроққалъа | 2 " |
| Туфроққалъа — Қамсулот | 2,5 " |
| Қамсулот — Қизилработ | 2,5 " |
| Қизилработ — Қўкардали | 3,5 " |
| Қизилработ — Бухорон Шариф | 26 санг |
| Қўкардали қаср — Тўртўгонли | 2¼ фарсах |
| Тўртўгон — Қийик сулот | 6 " |
| Дояхотун | 2,5 " |
| Қийик сулот — Қизилқалъа | 2 " |
| Қизилқалъа — Чикдали | 4,5 " |
| Чикдали — Нарқизқалъа | 3 " |
| Нарқизқалъа—Оқработ | 3 " |
| Оқработ — Ҳўжа канбаси | 3,5 " |
| Ҳўжа канбаси — Усти | 1¼ " |
| Усти — Қоракўл | 7 " |
| Қоракўл — Бухоро | 7 " |

* * *

Рус шарқшуноси А. Л. Кун 1870 йил апрель — июнь ойларида Зарафшон дарёсининг бошларига ва Искандаркўлга катта экспедиция уюштирган эди. У билан таржимон ва ёрдамчи сифатида бирга борган самарқандлик мирза Мулла Абдурахмон Муҳаммад Латиф Мустажир ўғли йўл-йўлакай кундалик ёзиб борган, унда бутун қишлоқ ва жойларнинг тасвири бор. Айни шу шахс бўлса керак, 1872 йили Кун билан Москвага келиб, Бутунроссия виставкасини ҳам тасвирлаган¹³².

* * *

Бухоролик Аҳмад Дониш (Аҳмад Носир ўғли, 1827—1897) — ХІХ аср ўрталарида энг билимдон маърифатпарварлардан эди. У Бухоро амири Насруллонинг

элчилари ҳайъатида дастлаб 1856 йилда Петербургга борди. Кейинчалик яна икки марта сафар қилиб, Россия ҳаёти билан танишди.

Аҳмад Дониш — Урта Осиё маданияти тарихида ўзининг олимлиги, философ ва шоир, ҳаттот ва муаллим, давлат арбоби ва дипломат, астроном ва географлиги билан машҳур бўлди. Унинг фаолиятини совет тадқиқотчилари ҳар тарафлама ўргандилар. Хусусан тожик ўртоқларимиз бу соҳада анча иш қилдилар. Унинг асарлари рус, тожик ва ўзбек тилларида нашр этилган.

Аҳмад Донишнинг астрономияга доир рисоалари — XIX аср хурофий шароитида, табиат тўғрисида ёзилган оммабоп мақолалардир¹³³.

Аҳмад Дониш бир рисоласида шундай деб ёзган эди: «Биз обод қилиш учун, дарё ва денгизларни текшириб ўрганиш учун, ер юзасидаги ҳамма бойликларни очиш ва ундан фойдаланиш учун дунёнинг ҳамма қитъалари ва аҳолисини билиш учун туғилганмиз» («Нодир ҳодисалар», ЎзФАШИ, инв. № 2095, 60-бет). Донишнинг география учун яна бир хизмати шу бўлдики, у 1847 йилда Саид Муҳаммад Тоҳир бин Абулқосимнинг «Ажойиб ат-табақот» номли астрономик-географик асарини яхшигина ҳуснихат билан кўчириб чиққан. Бу нусха, шу китобнинг энг тўла ва тартибли қўлёзмасидир (ЎзФАШИ, инв. № 411/1).

* * *

1885 йили Бухоро хонлигидан Петербургга юборилган элчилардан бири (кимлиги аниқ эмас) «Едвори сафар» номли йўл хотираларини ёзиб қолдирган¹³⁴.

Қори Раҳматулла Бухорий (Возих) 1886—1887 йилларда Туркменистон, Эрон, Кавказ, Истанбул орқали Арабистонга саёҳат қилиб, Ироқ — Эрондан қайтган ва йўл хотираларини «Ғаройиб ул-хабар фи ажойиб ус-сафар» номли асарида (бошқача номи «Савоних ул-масолик ва фаросих ул-мамолик») баён этган¹³⁵.

Асарда жуда кўп шаҳарлар, дарё ва каналлар, конлар, экинзорлар, ҳатто кўча, бозор мақбараларнинг изоҳоти бор.

ШАЙХ СУЛАЙМОН БУХОРИЙ

Шайх Сулаймон афанди Бухорий ҳам сайёҳ, ҳам луғатчи олимдир. Унинг луғати¹³⁶ география терминологияси ва топонимика жиҳатдан қимматли манбадир.

У ўзининг саёҳатини шундай тасвирлайди:

Бомиён бутларининг ости билан,
 Ҳиндукуш тоғларининг усти билан.
 Кобул ва Балх ва Ҳиротни кездим,
 Мулки Эрон ва Гилонни кездим.
 Хива ва баҳри Хазарда юрудим,
 Ахал ва Марвда кўп ўлтирдим,
 Туркманнинг ҳолини бир-бир билдим,
 Жинс ва миқдорини дафтар қилдим.
 Қадрим элти Бухороя қадар,
 Юруду ким ер на қадар, дур на қадар.
 Тинч дарёи Амудан ўтарак,
 Кобул ва Ҳинд йўлини тутарак.
 Шўр дарёсина кирдим ночор.
 Мулки Бағдод ила авдот этдим.
 Кўҳи чанбардан Ҳижоза кетдим.
 Бир замон Ясриб ва Бахтидан юруб,
 Мисрда бир неча кунлар туруб,
 Истанбулга машриф бўлдум,
 Туна наҳридан ўтуб кеталар,
 Сақдин шаҳрина тойтирлар.
 Мажористонни томоша кўрдим,
 Кулбобо турбасина юз сурдим.
 Хивадин Балх — Бадахшон қанча тош,
 Ёхуд ўзбек қанча тира қанча бош.
 Масалан, Марв ва Бухоро ораси.
 Неча фарсах қоч оғочдур қораси.

Сулаймоннинг луғатида изоҳланган номлардан шуларни кўрсатсак бўлади:

«Абулхон — (Турон) саҳроларида воқе бўлган бир тоғнинг исмидир».

«Фарғона — Туркистонда машҳур ва азим бир шаҳар номидир. Хуқанд ҳам дерлар. Андижон, Марғинон, Наманган у ердадир».

«Андижон — Фарғона қитъасида машҳур бир балда исмидир, номи қадимиси Одоқдир», яъни Андижоннинг қадимги номи Одоқ бўлган, демоқчи.

«Қоракўл. Бухоро етти туман, Қоракўл етти ярим туман дерлар. Сиёҳ қўзи териси ажам кулох йиғнаси у ердадир».

«Хоразм — Журжон ила Дашти Қипчоқ ва баҳри Хазар ила Бухоро иморати орасинда воқе ўлган азимадир. Пойтахти қадимда Кўҳна Урганч бўлиб, алём Хивақдир».

Яна Оқсув, Атил, Амударё, Андхўй, Ўш, Урганж, Иссиқкўл, Божун (Пекин), Бойсун, Бешариқ, Бағлон, Банорас, Тошқўрғон, Тошкент, Бешбалиқ, Тажан, Тибат, Турон замин, Жайхун, Хўтан, Хўжанд, Хито, Хўжаэли, Сайром, Шибирғон, Гиждеван, Ғулча, Сайхун, Қундуз, Миёнкол, Қорақош, Қозон, Дашти Қипчоқ, Нахшаб, Қорабўғоз сингариларнинг изоҳи берилган.

Географик терминлардан шуларни кўрсатайлик:

Арно — дарё, наҳрдан айрилган бир кўл сув.

Оғоч — масофа, фарсах, фарсанг, манзил тош.

Оёз — соф, шаффоф, ойлу кеча.

Секритма — тор йўл, жар.

Қуяр — икки сувнинг қуйилиши.

Қоқ — сув тўпланган жой, селоб ёмғири.

Чиғир — қор ичида очилган йўл, из.

Байир — биёбонда юксак ер ва ҳоказо.

Шундай қилиб, XIX асрдаги Шайх Сулаймон ўзидан бурун ўтган Маҳмуд Кошғарий, Замахшарий, Қарши тафсирининг автори, Толи Имоний Ҳиротий сингари филолог-географлар сифат намояндалардандир.

Яна XIX аср иккинчи ярмида бухоролик Муҳаммад Порсохўжа бинни Иноятулла хўжанинг Туркия ва Ҳиндистонга саёҳати, қўқонлик Муҳъийнинг Ҳиндистонга бориб-келиб турганлиги маълумдир.

Бухоролик мирзо Сирождиддин ҳам ўз даврига нисбатан узоқ саёҳат қилди. Шарқ мамлакатларини ҳам, Ғарбий Европани ҳам кезиб чиқди¹³⁷.

Қозоқ астрономи (эсабчи) Қозибек Наврузий қозоқлар орасида янгича бир календарь тарқатиб, йил ва ой ҳисобини ўзгартирган эди. Уларнинг кўпчилиги шу календарга амал қилганлар¹³⁸.

Туркманлар орасида йўл билар, жой танир «изчи»ларнинг ажойиб маҳорати ҳам жуда қизиқ бўлган¹³⁹.

Айрим шаҳарлар ҳақидаги рисолаларда, афсона ва диний ривоятлардан ташқари, географик маълумотлар

ҳам бор. Жумладан, Сайрам рисоласида¹⁴⁰ шундай топонимик изоҳ берилган:

«Сарёмнинг уч исми бартурур. Бир исми Мадинат ул-Байзо ва бир исми Исбижоб ва яна бир исми Сарёмтурур.

Мадинат ул-Байзо демак араб тилида, бизча Урункент демак бўлур. Ҳар ерда икки сувнинг ораси қуруқ ва тошлиқ бўлса они араб тили бирла Исбижоб дерлар.

Ҳар ерда икки сувнинг ораси тошлиқ бўлса туркий тили бирла Сарём дерлар» (9-бет).

«Уш рисоласида» ҳам кўпгина номлар таърифланган.

ҲОЖИ ЮСУФ ҲАЙЪАТИЙ

Китобимизнинг олдинги саҳифаларида XI асрда Абу Райҳон Беруний ясаган катта глобус ва XV асрда Мирзо Улуғбек расадхонасида турган бошқа бир глобусни айтиб ўтган эдик.

Ундан сўнг, то XIX аср охирларигача, ўртаосиёлик олимларнинг қўли билан турли карталар чизилганлиги маълум бўлсада, глобус ясалгани ҳозиргача аниқ эмас.

Фақат XIX аср охирида ишланган ва шу кунгача сақланиб келаётган бир ажойиб глобус тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.


Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти музейининг XIX аср залида катта бир глобус турипти. Унга: «XIX асрнинг 80-йилларида ишланган. Хўжандлик маърифатчи Хўжа Юсуф Мирфаёзов ишлаган глобус» деган ёзув илова қилинган.

Глобуснинг бўйи, остидаги тиргак пояси билан 117 см келади, шарнинг айланаси 160 см дир. Демак, масштаби 1 сантиметрда 250 км га тўғри келади. Шар градус тўрларига бўлинган, меридиан ва параллеллар қора чизиқлар билан, тропик чизиқлари ва қутбий доиралари қизил чизиқда кўрсатилган. Ноль меридиан ҳозиргидек Гринвичдан эмас, балки Африканинг энг ғарбий бурнидан, Яшил бурун оролларидан бошланган.

Демак, автор Канар ороллари таркибидаги Ферро ороли меридианни асос қилиб олган (бу орол 1884 йилгача Европада бошланғич меридиан ҳисобланар эди). Шу билан бирга бу бошланғич меридиан ўрта аср олим-

ларининг, жумладан Абу Райҳон Берунийнинг асос қилиб олган ноль меридианига тўғри келади.

Аммо, параллелларни бўлишда хаттистикиво (экватор) 90 градус деб олинган-у, шимолга ва жанубга ҳар 15 градусдан (75, 60, 45, 30, 15) параллеллар ўтказиб, қутбнинг ўзи 0 градусга тўғри келган. Бундай тескари ҳисобнинг баъзи сабаблари бўлса керак.



Глобуснинг ўзи елимланган қоғоз қипиқдан ясалиб сиртига зар қопланган, сўнгра қуюқ сариқ бўёқ берилган. Қуруқлик ва ороларнинг чегаралари, йирик ёзувлар ўйиб ёзилган. Африка қитъаси, Мадагаскар ороли тўқ яшил ранга бўялган. Бошқа қитъалар қизил рангда, номларнинг кўпи қора рангда, баъзиларигина қизил рангда.

Глобусдаги ёзувларнинг (улар салкам бир мингга яқин) деярли 90 проценти фақат ўзбек тилида ёзилган. 10% часи — тожик тилида. Ўзбекча *денгиз*, *бўғоз*, *бурун* терминлари ҳамма ерда ишлатилган, *орол* сўзи *жазира* дейилган. *Янги* сўз икки вариантда, масалан, *Ёни Зелонд* (Янги Зеландия) ҳамда *Колдуниаи жадиди* (Янги Каледония) шаклларида ишлатилган.

Глобусдаги номлардан яна баъзи намуналар келтирамиз.

Австралия ва унинг атрофларида: Тосмуниё (Тасмания), Австралия денгизи (Катта Австралия қўлтиғи),

Жуғрофиюн бұғози (Географ бұғози), Шимол бурни, Жазираи Шимолий, Орофур денгизи, Тимурлун жазираси, Жова денгизи, Жова жазираси (Ява ороли), Флорес денгизи, Турсун бұғози (Торрес бұғози), Қопонторий денгизи (Карпентария қўлтиғи), Сулаймон жазираси (Соломон ороллари).

Ҳинд океани «Баҳри Муҳиг Ҳиндистон» деб ёзилган ва унда Алдабр жазираси, Қумур жазиралари (Коморо ороллари), Мўзамбик бұғози, Мўмбоз (Момбаса шаҳри) ва бошқалар ёзилган.

Глобусдаги номлар шу қадар кўпки (Австралия қитъасига доир 70 тача ном кўрсатилган, Жанубий Америкада 100 дан ортиқ, Африканинг экватордан жанубдаги денгиз бўйларида 30 тача ном ва ҳоказо) бошқа глобусларда унчалик ном йўқ, ҳатто бу қадар зич ёзилган карталар ҳам кам учрайди. Бу, шубҳасиз, ушбу глобуснинг устунлиги ва қимматли маълумотнома эканлигини исботлайди.

Бизнингча, глобусни ясаган вақтда русча глобус ва карталардан фойдаланилгани шубҳасиздир, аммо бошқа тиллардаги манбалардан ҳам фойдаланилган бўлса керак, чунки русча традицион *Зонд* номи *Сунда* бұғози деб, индонезча шаклда ёзилган, Африка жанубидаги *Игольний бурни* ҳам *Агулияс бурни* деб португалча шакли ёзилган.

Умуман, глобусдаги терминология ва транскрипция масалалари алоҳида бир текширишни талаб этади. Шу билан бирга глобуснинг картографик манбаларини аниқлаш ҳам муҳимдир.

Глобусга қўшимча равишда ўрнатилган 12 бурж доираси ҳам қизиқарли ишланган. Глобуснинг нақ экватор атрофида чамбардай ишланган 8 қиррали бурж доираси 12 га бўлинган бўлиб, ҳар бири ранг-баранг расмлар билан (шер, қўй, қисқичбақа, чаён, балиқ, қўчқор, ҳўкуз ва бошқалар) безатилган. Бурж номлари ҳам (далв, жавзо, сунбула, мизон, ақроб каби) ёзилган.

Хуллас, ушбу глобус ҳам географик жиҳатдан, ҳам картография, астрономия, нақшкорлик жиҳатлардан ўрганиш ва текширишга арзийдиган бир илмий қуролдир.

Энди глобусни ясаган киши ҳақида баъзи маълумотлар берайлик. Музейдаги этикеткада ёзилганича «Хўжа Юсуф» эмас, балки «Ҳожи Юсуф»дир.

Ҳожи Юсуф Мирфаёз ўгли 1842 йилда Хўжанд шаҳрида туғилган. Эски мактабда ўқиган, кўпинча ўзи мустақил мутолаа қилиб, астрономия, табиёғ, география фанларига доир кўп китобларни ўқиб чиққан.

13 ёшида, хўжандлик карвон билан Арабистонга кетган, ўша томонда 7 йил қолиб кетиб, араб тили ва грек тилини ўрганган, Арабистон, Миср, Греция ва Сурияда бўлган.

Иккинчи саёҳати 1875 йилга тўғри келади. Бу гал Москва — Петербург — Одесса — Туркия — Сурия — Миср — Арабистон, сўнгра яна Миср — Жазоир — Марокаш — Испания — Франция — Италия — Греция — Туркия маршрути билан саёҳат қилган. Эрон орқали уйига қайтган.

Шундан кейин Ҳожи Юсуф яна бир неча марта сафарларда бўлган. Асосан Хўжанднинг ўзида ишлаб, тожик ва ўзбек маърифатпарвар арбоблар билан дўстлашган. У ўзи атоқли адиб Қошифнинг шогирди ва дўсти бўлиш билан Содирхон ҳофиз, Асирий, Ажзий, Рожий ва бошқаларнинг маданий гуруҳида ижод қилган. Булар ҳар ҳафта тўпланишиб, бедилхонлик қилганлар. Бу гуруҳнинг Қўқон демократик шоирлари Фурқат ва Муқимий билан алоқалари жуда яхши бўлган.

Ҳожи Юсуфнинг баъзи илмий қарашлари руҳониларга ёқмаганки, уни «ғайри динсан», «Маккадан кофир бўлиб келибсан» деб ҳам айблашган. Ҳатто бир кун унга «сен ўрис бўлиб кетдинг» деб, суиқасд ҳам қилишган. Шунга қарамай, Ҳожи Юсуф турли суҳбатларда табиат ҳодисаларининг асл сирини гапириб юрган, жумладан «Ой тутилганда жом чалиш аҳмоқлик», «Ер қимирлашининг сабаби моҳи гавда эмас, балки ер остидаги буғлардандир», «Рўза тутиш зарарли» деган гаплари қизи Шарифанисонинг эсида қолган.

Ҳожи Юсуф хусусан глобус ясаши билан дастлаб халқ орасида машҳур бўлди. У аввало кичик глобуслар ясаган, кейин Самарқанд вилоят виставкасига атаб 1890 йилда (юқорида тасвир этганмиз) катта глобусни ясаган.

Албатта, глобусни кўпчилик бўлиб ишлашган. Бу ишга заргарлар, наққошлар ҳам қатнашган. Дурадгор Яқуб Фаранг, зиёли Абдулла Файёз ва бошқалар ҳам ёрдам берганлар.

Ҳожи Юсуф 1924 йилда Хўжанд шаҳрида вафот этган. Қабри Шайх Муслиҳиддин мозорида.

Ҳожи Юсуфнинг фаолиятига бағишлаб ёзилган мақолалар ҳозирча жуда кам¹⁴².

Биз Ҳожи Юсуфнинг изидан анчагина қидириб, Хўжанд ва Душанбага бориб келдик. Унинг ёру биродарлари, барҳаёт қизи Шарифанисо опа, катта набираси Фағфур Фағуров (у киши ҳозир республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, ордендор, мактаб директори) ва бошқалар билан суҳбатда бўлдик.

Маълум бўлишича, Ҳожи Юсуф кўп йиллар мироблик қилган, каналлар қазиш ва тўғонлар қуришда қатнашган. Совет даврида Қизил Армия вакилининг илтимосига кўра Хўжанд — Уратепа тоғларининг йўллар картасини чизиб берган. Оғолиқон маҳалласидаги ўз ҳовлисида очилган шўро мактабининг ўқитувчилари билан яқин алоқада бўлиб, уларга (буни менга шарқшунос таржимон Муинзода айтиб бердилар) ер юзи географияси ва осмон ҳодисаларидан ҳикоялар қилиб турган.

Ҳожи Юсуфнинг табиблиги, Мирзачўл канали очилишида сўзлаган нутқи, «большевикларнинг иши юришади» деган дадил ишончи, мачитга бормаслиги, рус врачлари Чумаков билан ўртоқлиги, каттагина шахсий кутубхонаси бўлганлиги, қариган чоғида ҳам ҳар куни 10—15 минутдан физкультура билан шуғуллангани маълум бўлди. Афсуски, олимнинг кўп йиллик меҳнати ўлароқ тайёрланган «Фалакиёт» асарининг қўлёзмаси Хўжанд маориф шубчасига топширилганича йўқ бўлиб кетган.

Ҳожи Юсуф муносабати билан ва Хўжанд маърифатпарварларининг фаолияти тўғрисида проф. З. Ражабов ёзган асарларни ўқиб, биз шундай фикрга келдикки, XIX асрдан то XX аср бошларигача ўртаосиёлик олимларнинг алоҳида бир «Хўжанд мактаби», ҳатто «Хўжанд Фанлар академияси» бўлгандир. Аммо шу чоққача бу илмий марказнинг фаолияти тўғрисида жуда оз биламиз.

ФУРҚАТ САЁҲАТИ

*Кимики билди жуғрофия илмин,
Бу сўзга фикр этиб кўргузди ҳилмин.*

Зокиржон Фурқат (1858—1909) бу сўзларига тўла амал қилди ва уни асарларида намоён эгди.

Фурқат, ёшлик шеърларининг бирида саёҳатнинг фойдасини тарғиб қилиб, нашъасини куйлайди, буюк Саъдийдан илҳом олади:

Чунончи саёҳатда Саъдий юруб,
Китобиға ёзди кўп ишлар кўруб,
Сафар айлади неча йил даҳраро,
Қилиб неча кун сайр шаҳр аро.

(Танланган асарлар, т. II, 45-бет).


Яна бир хатида: «... Саёҳат хусусида Тошканд шаҳридин чиқиб, Самарқанд вилоятиға келиб, оташ аробасиға туштум» дейди (149-бет).

Фурқат ёшлигидан саёҳатга қизиққан, саргузашт ва жаҳонгашталиқ иштиёқида бўлган. У сафар машаққатларидан, кам-кўстидан қўрқмаган. Ҳиндистонда 7—8 ой турган ва «Мавлавий Икромиддин номли бир сайёҳ одам билан биродар бўлиб, Ҳиндистон музофатлариға азиямат» айлаган (152-бет).

Фурқат чет элларнинг қаерларида бўлган, деган саволга келсак, ҳали Фурқатшуносларимиз бунга аниқ жавоб берганларича йўқ. Адабиётшунос ўртоқларнинг Фурқат ижодига бағишланган бир қанча қимматли мақолаларида унинг саёҳатига оид маълумотлар бор. Аммо, булар унча тўлиқ эмас, ҳатто бир-бирига зид фикрлар ҳам айтилган.

Биз бу ўртоқларнинг мулоҳазаларидаги ҳеч шубҳасиз бўлган фикрларини қабул қилиб ва Фурқатнинг ўз хатлари ва мақолалари асосида умумлаштирилган янги бир схема чиздик.

Фурқат, Урта Осиё — Кавказ — Туркия — Арабистон — Яман йўли билан Бомбайға келиб тўхтаган. Сўнгра Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилган ва ўзининг ёзишича «қўҳи Сарондибға бориб ва андин ҳам ўтиб, кўб вилоятларни саёҳат айлаб, яна қайтиб Бомбайға келурман» (152-бет). Яъни, у Цейлон оролига борган ва шубҳа йўқки, Ҳиндистондаги «шуоролар пойтахти» Ҳайдаробод-



да ҳам бўлган. Бомбайдан Агра, Деҳли, Лоҳур орқали Қашмирга, сўнг Қашқарга ўтган.

Фурқат Лоҳурдан тўппа-тўғри Афғонистон орқали уйига қайтса яқин бўлмасмиди? Албатта, бу фикр унинг хаёлига келган, аммо ўша даврдаги Англия — Афғонистон муносабатларининг жиддийлиги, чегара районларидаги нотинчлик бунга имкон бермаган.

Хуллас, Фурқат 20 минг километрча масофа босган, охири Хитойнинг Еркент шаҳрида уй-жой қилиб, уйғурлар юртини иккинчи ватан деб, туриб қолди. Бу — туғилган жойи Қўқон шаҳридан 600 км ча нарида эди.

Фурқат биографиясига доир янги маълумотлар топилгач, унинг саёҳат йўли янада аниқланар. Ҳозирча унинг саёҳатлари ушбу картада кўрсатилганичадир¹⁴³.



* * *

Совет Иттифоқининг турли кутубхоналарида, хусусан Тошкент, Душанба ва Ленинградда ўнлаб ажойиб қўлёзмалар бор, уларда астрономия ва география масалалари баён этилган. Аммо уларнинг аксариси илгариги китоблардан кўчириб олинган парчалар, қайтариқлардир, озгинагина оригинал асарлар ёки фан тарихида тилга олинса арзийдиган қўлёзмалардир. Баъзилари чала, автори ва ҳатто асарнинг сарлавҳаси ҳам номаълум ёки ноаниқ. Биз уларнинг кўпчилигини варақлаб чиқдик, айримларинигина кўра олмадик, фақат каталоглардан билдик. Шулар ҳақида юқорида баён этганларимизга қўшимча қилиб, яна бир шингилдан ахборот бериб ўтмоқчимиз.

Шарқшунослик институти инв. № 177/III қўлёзма ўзи фақат 6 варақ, лекин ҳаммаси деярли географик жадвалдан иборат.

Бу жадвал араб тилида ёзилган бўлиб, XIII аср (1240 йил)да кўчирилган нусхадир (СВР, I, стр. 308).

Жадвалнинг манбаини қидириб Берунийнинг «Қонуни Масъудий» китобидан олинганлигини аниқладик. Фақат бир-икки рақамнинг ёзилиши ноаниқроқ бўлганидан, баъзи кўрсаткичлар сал бошқачароққа ўхшайди. Лекин бу нарса ҳаттотнинг айби бўлса керак.

«Табсират ул-ахвон» рисоласида (ЎзФАШИ, инв. № 2526, XVIII асрда кўчирилган; СВР, I стр. 231) астрономик маълумотлар, Ернинг иқлимларга бўлиниши, улардаги шаҳарлар, кузатиш асбобларининг тасвири ёзилган, 116 варақдан 16а варақчага географияга тааллуқлидир.

Бошқа бир рисола (инв. № 2741/1) Қуёш ва Ойнинг ҳаракатига бағишланган бўлиб, деҳқончилик мавсумлари, турли кунларни аниқлаш аломатларини баён этади.

«Илми устурлоб» рисоласида (инв. № 1207/II) астрономик маълумотлар билан бирга географик жадвал ҳам берилган (60а—61а варақлар).

Домла Муҳаммад Солих Хўжанинг «Тарихи жадиди Тошкент» (Тошкентнинг янги тарихи) асарида (1862—1887 йиллар орасида ёзилган), унинг учинчи бобида Тошкент шаҳрининг тарихий топографияси, иқлими, деҳқончилиги, ҳунар касби муфассал баён этилган.

«Глобус ҳақидаги рисола»да осмон глобусининг тузилиши ва ер глобуси тўғрисида қизиқ маълумотлар бор (ЎзФАШИ, инв. № 465/II, 466/II).

«Мажмуаи ал-арқом» рисоласида (инв. № 2463/1; СВР, I, стр. 219) амалий арифметика билан бирга аҳоли сонини ҳисобга олиш тўғрисида кўрсатма бор. Шунингдек, маъмурий терминларнинг (қария, туман каби) изоҳи берилган.

Шарқ географиясининг классик асарларидан бири бўлган тарихий географик «Муруж уз-заҳаб ва маодан ул-жавоҳир» («Зар ўтлоқлар ва жавоҳир маъданлари») китоби — автори X асрнинг ажойиб географи бағдодлик ал-Масъудий — 1905 йилда Хивада, ўзбек тилига таржима қилинган (инв. № 839; СВР, I, стр. 16—17).

Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Софлик боғи») асарини Огаҳий ўзбек тилига таржима қилди. У китобнинг 100 бетчаси географик қисмдир.

Ленинград кутубхоналарида Қазвинийнинг ва Султон Муҳаммад Балхийнинг фалакиёт ва географияга оид асарларининг ўзбекча таржималари сақланмоқда¹⁴⁴.

«Еддоштҳо» сарлавҳали 55 варақдан иборат, тожик ва ўзбек тилида ёзилган қўлёмзанинг автори номаълум, лекин у XX аср бошидаги анча юксак савияли зиёли томонидан тузилган. Автор, Қарши вилоятининг қозиси бўлиб ишлагани, сўнгра 1919 йилда 74 ёшида Кобулга

элчи сифатида борганини ҳам айтган. Қўлёзмада ҳар турли қисқа-қисқа маълумотлар тўпланган, жумладан географияга тааллуқли маълумотлар ҳам бор:

1918 йилда ғалла ва чорва нархи, 1907 йилда Самарқанд, Бухоро ва Фарғонада юз берган зилзила, санан қамария бўйича кунларни ҳисоблаш, 1902 йилги Андижон зилзиласи, 1910 йилда дунё аҳолисининг сони, Амударё кўпригининг қурилиши ва бошқалар¹⁴⁵.

Айни шу тарзда ёзилган бошқа бир «хотиралар» дафтари ҳам бор (ЎзФАШИ, инв. № 406/14). Унда номаълум автор ўзининг Шарқ мамлакатларига саёҳатини тасвирлаб, қуйидаги шаҳарларни кўрганлигини айтади: Қарши, Мозори Шариф, Тошқўрғон, Қундуз, Толиқон, Бадахшон, Дашти Помир, Сарикўл, Янги Ҳисор, Қашқар, Еркенд, Сончу, Тибет, Кашмир, Равалпинди, Лоҳур, Азимобод, Алигарх, Муродобод, Лакхнав, Бомбай ва бошқалар.

Бу саёҳат 1875—76 йилларда бўлган.





ХУЛОСА

Ўрта Осиё география фанининг тарихига — саёҳатлар, географик тадқиқотлар, тарихий-географик илмий асарларнинг қисқача обзорига яқун ясаб, шундай хулосаларга келиш мумкин:

1) Ўрта Осиёда минг йил мобайнида юзлаб жасур сайёҳларимиз бўлган ва табиий илмий масалаларга доир юзлаб асарлар вужудга келган.

2) Ўрта Осиё фани тарихидан маълум бўлдики, географларимиз математик география билан (зижлар тузиш, карталар чизиш), тасвирий география билан (саёҳатномалар, айрим мамлакатларнинг тасвирлари, йўлномалар, тарихий географик асарлар), табиий географик илмий текширишлар билан, аҳоли ва қабилалар географияси билан ҳамда луғатчилик билан шуғулланганлар.

3) Птоломейнинг Ўрта Осиё географик мактабига таъсирига келганда шуни дадил айта оламизки, биринчидан, Птоломей (Батлимус) ва бошқа қадим дунё олимлари IX—XI асрларда ҳеч шубҳасиз улуғ олим сифатида, устоз сифатида ҳурмат билан тилга олинган. Птоломейнинг асарларидан кўплаб нақл қилинган. Талай масалаларда Птоломей таълимоти асос қилиб олинган. Хуллас Птоломейнинг Шарқ географиясига таъсирини ҳеч ким инкор этолмайди.

Аммо бу эътирофимиздан Ғарбнинг баъзи буржуа олимлари камситиб айтганидай, Шарқ географияси Птоломейнинг таржимаси ва шархидан иборат деган қабиҳ хулоса чиқмаслиги керак. Аксинча, Птоломейнинг ўзи, умуман қадимги дунё ва ўрта аср Ғарб география фанининг ўзи Сурия, Бобил, Ўрта Осиё, Ҳинди-

стон, Хитой ва Эрон, кейинчалик араб география фанининг ютуқларидан баҳраманд бўлди. Бу табиий нарса, албатта. Фан — жаҳондаги бутун халқларнинг маҳсулидир. Илм-фан ва маданият меросхўрлик билан ривожланади. Бир халқнинг ютуғини иккинчи халқ ўрганади. Бир олимнинг меросини иккинчи олим давом эттиради.

Ўрта Осиё география фани ҳам, биринчи навбатда ўзининг маҳаллий меросини ўзлаштириб, қўшни халқлар эришган ютуқлардан ҳам доимо фойдаланиб турди. Шу билан бирга Ўрта Осиё фани, ўз томонидан, бамисоли ёрқин алангадек, ўз нурини ва ҳароратини тева-рак-атрофга — то арабларга ва европаликларга қадар сочиб турган.

Ўрта Осиё олимларининг географик мероси ичида Птоломейнинг ҳиссаси унча кўп эмас. Ва бу ҳисса XI асрдан кейин тобора камайиб-камайиб, XV асрларда ва ундан кейин ҳатто «сафдан чиқиб» унутилиб ҳам кетди.

Птоломейнинг тасаввурича. ер юзида қуруқлик кўпроқ, денгиз камроқ; Ҳинд океани ёпиқ бир ҳавза; Африка қирғоқлари Жанубий номаълум ер (Антарктика ва Австралия) билан қўшилиб, то Тинч океанга қадар чўзилган. Беруний эса дунёни тамомла бошқача тасаввур этган, бу дунё картасидан ва океанлар тасвиридан кўриниб турипти.

Птоломей географиясига жуда кўп янги маълумотлар қўшилди, янги фикрлар, назария ва тахминлар айтилди. Янги карта ва суратлар чизилди. Буларнинг ҳаммаси ўртаосиёлик олимларимизнинг ижодлари, кузатишлари ва саёҳатлари натижасидир.

3) Ўрта Осиёда вужудга келган бу география ва табиатшунослик фани ўзининг илмий даражаси жиҳатдан дунё фанининг энг илғорлари қаторида бўлиб, жаҳон фанига, хусусан география фанига салмоқли ҳисса қўша олди.

4) Ўртаосиёлик олимларнинг асарларини ўқиб, улардаги географик тасвирлар бир китобга жам қилинса, Ўрта Осиёнинг табиий ва иқтисодий географияси — географик ўрни, тоғлари ва қумлари, иқлими ва дарё-кўллари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги, ички ва ташқи савдоси, аҳолиси, шаҳарларининг топографияси, асосий йўллари ва ма-

софалари — батафсил ва очиқ-ойдин маълум бўлади. Хусусан табиий географик маълумотлар жуда мукамал ва қизиқарлики, ҳозирги замон илмий географияси унга қойил қолади.

5) XVIII—XIX асрларда ва ҳатто XX аср бошларида ҳозирги замон фан аҳиллари аниқлаган Ўрта Осиёга доир кўпгина табиий географик хусусиятлар илгаридан илғор олимларимизга маълум ва аён бўлган.

6) Ўрта Осиё географиясининг ривожланишида хусусан Хоразмий, Жайхоний, Балхий, Беруний ва Улугбекнинг буюк сиймолари машъал бўлдилар.

7) Шу билан бирга, ушбу китобимиз минг йиллик илмий тарихимизнинг жуда қисқа баёни деб тушунилиши керак. Ҳали тадқиқотчи кўзи тушмаган ва қўли тегмаган ажойиб қўлёмаларимиз бор, номи тилга олинмаган устоз аждодларимиз бор.

Келгусида ўртаосиёлик географлар, сайёҳлар, табиатшунослар ва илмий қўлёмаларга бағишлаб том-том асарлар ёзилишига умидвормиз.





ҚИСҚАРТМАЛАР

Китобда фойдаланилган ва бир неча марта қайтариладиган баъзи адабиётлар номи қуйидагича қисқартириб берилган:

Бартольд, Худуд — В. В. Бартольд, Худуд ал-Алем, М.—Л., 1930.

Бартольд, I — В. В. Бартольд, Сочинения, т. I, 1963.

Беруний, «Осори боқия» — Абу Райҳон Беруний, «ал Осор ул-боқия анил қурун ул-холия», русчаси — Бируни, Памятники минувших поколений, перевод М. Салье, Избранные произведения, т. I, Ташкент, 1957.

Беруний, «Ҳиндистон» — Абу Райҳон Беруний, «Китоб фи таҳқиқи мол ул-Ҳинд мин мақола мақбула фил ақл ау марзула», русчаси — Бируни, «Индия». Избранные произведения, т. II, Ташкент, 1963.

Беруний, «ат-Тафҳим» — Абу Райҳон Беруний, «ат-Тафҳим ли авоил синоат ут-танжим», тожикча-форсча тексти, қўлёзма.

Беруний, «Қонуни Масъудий» — Абу Райҳон Беруний, «ал-Қонун ул-Масъудий фил ҳайъа ван нуҷум», араб тилида, Ҳайдаробод (Ҳиндистон) нашри, 1954—1956.

Беруний, «Геодезия» — Абу Райҳон Беруний, «Таҳдид наҳоёт ул амокин ли тасҳихи масофат ул-масокин», араб тилида, Истанбулдаги 3386-қўлёзма.

Беруний, «Минералогия» — Абу Райҳон Беруний, «Китоб ул-Жамоҳир фи маърифат ул-жавоҳир», русчаси: Ал-Бируни, Собрание сведений для познания драгоценностей, перевод А. М. Беленицкого АН СССР, Л., 1963.

Бируний тўплами — Бируний — ўрта асрнинг буюк олим, Беруний вафотининг 900 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами, ЎзФАН, Тошкент, 1950, ўзбек тилида.

«Бобирнома» — Заҳириддин Муҳаммад Бобир, «Бобирнома», Тошкент, 1960.

Заходер, Каспий — Б. Н. Заходер, Каспийский свод сведений о Восточной Европе, М., 1962.

Маҳмуд Кошғарий, «Девон» — Маҳмуд Кошғарий, «Девону луготит турк», ўзбек тилида, I—II—III томлар, Тошкент, 1960—1963.

Крачковский, IV — И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, М.—Л., 1957.

Миклухо-Маклай, Описание. I — Н. Д. Миклухо-Маклай, Описание таджикских и персидских рукописей Института востоковедения, М.—Л., 1955.

Миклухо-Маклай, Описание. II — Н. Д. Миклухо-Маклай, Описание таджикских и персидских рукописей Института народов Азии, выпуск 2, биографические сочинение М, 1961.

Минорский, ... Мусулмон — V. Minorsky, Geographes et voyageurs musulmans, Caig, 1949 йил февраль-мартда Қоҳирада қилинган доклад.

Тагирджанов, Описание — А. Т. Тагирджанов, Описание таджикских и персидских рукописей Восточного отдела библиотеки ЛГУ, т. I издательство Ленинградского университета, 1962.

Толстов, По следам — С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, М.—Л., 1948.

«Худуд ул-олам» — «Худуд ул-олам», В. В. Бартольд нашр этган қўлёзманинг фотосурати (факсимиле), М.—Л., 1930.

Юсуф Камол — Joussof Kamal, Monumenta cartographica, leiden, 1932.

Я. Фуломов, Хоразм — Яхё Фуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, ЎзФАН нашриёти, Тошкент, 1959.

«Қирқ олим» — А. Ирисов, А. Носиров, Н. Низомиддинов, «Ўрта-осиёлик қирқ олим», Тошкент, 1961.

Қориниёзий, Улугбек — Т. Н. Кары-Ниязов, Астрономическая школа Улугбека, М.—Л., 1950.

ЎзФАШИ — Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди.

ЗВОРАО — Записки Восточного отдела Русского археологического общества.

ИВГО — Известия Всесоюзного географического общества.

МИТТ — Материалы по истории туркмен и Туркменистана, т. I—II, М.—Л., 1938.

СВР — Собрание восточных рукописей АН УзССР, I—VI томлар, Тошкент, 1952—1960.

ИЗОҶЛАР

- ¹ С. П. Толстов, По следам древнорезмийской цивилизации, М.—Л., 1948, стр. 267.
- ² В. В. Стасов, Собрание сочинений, т. II, стр. 201. Қаранг: В. В. Стасов об искусстве Средней Азии, «Советская этнография», № 4, 1951, стр. 137.
- ³ «Отлично знать географию», «Правда», 1937 йил, 10 сентябрь.
- ⁴ Рус географ ва сайёҳларнинг фаолияти баён этилган энг йирик асарлардан шуларни кўрсатсак бўлади.
Д. М. Лебедев, География в России XVII века (до петровской эпохи), Очерки по истории географических знаний, М. Л., 1949, 235-бет.
Д. М. Лебедев, Очерки по истории географии в России XV и XVI веков, М., 1956, 240 бет.
А. В. Ёфимов, Из истории великих русских географических открытий, М., 1950, 318 бет.
Коллектив, Русские мореплаватели, М., 1963, 672 бет.
Н. Н. Зубов, Отечественные мореплаватели-исследователи морей и океанов, М., 1954, 474 бет.
Н. А. Северин, Отечественные путешественники и исследователи, М., 1956, 303 бет.
А. Азатьян, Выдающиеся исследователи природы Средней Азии, Ташкент, 1960;
О. В. Маслова, Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию, части I—II—III, с 1715 по 1880 гг., Ташкент, издательство САГУ, 1955—1962 гг.
Коллектив, Люди русской науки, Очерки о выдающихся деятелях естествознания и техники, геологии, географии, М., 1962, 580 бет.
Альбом — «Русские географы и путешественники», выпуск первый (42 сайёҳ), М.—Л., 1948.
«Великие русские путешественники», открыткалар, М., 1957.
- ⁶ Дж. Бейкер, История географических открытий и исследований, перевод с английского под редакцией И. П. Магидовича, М., 1950.

- И. П. Магидович, Очерки по истории географических открытий, М., 1957.
- ⁷ Я. Ф. Антошко, А. И. Соловьев, История географического изучения Земли (краткий курс), для студентов географических факультетов государственных университетов, вып. I, М., 1962, стр. 45—53.
- ⁸ Рихард Хенниг «Неведомые земли», перевод с немецкого, т. т. I—IV, М., 1961—1963.
- ⁹ Краткая географическая энциклопедия, проект словника, стр. 7—8.
- ¹⁰ С. Умурзаков, Очерки по истории географических открытий и исследований Киргизии, Фрунзе, 1959.
- ¹¹ Б. Н. Заходер. Еще одно раннее мусульманское известие о славянах и русах IX—X вв, ИВГО, т. 75, вып. 6, 1943 стр. 33.
- ¹² Минорский, Мусулмон, 21 бет.
- ¹³ С. П. Толстов, По древним дельтам Окса и Яксарта, М., из-во восточной литературы, 1962, стр. 248.
- ¹⁴ Т. Н. Кары-Ниязов, Астрономическая школа Улугбека, М.—Л., 1950, стр. 13—16.
М. Салье. Улуг ўзбек олими Муҳаммад ал Хоразмий, Тошкент, 1955.
А. Ирисов, А. Носиров, И. Низомиддинов, «Ўрта Осиёлик қирқ олим», Тошкент, 1961, 8—13-бетлар.
А. Ирисов, Хоразмий ва Форобий, Тошкент, 1961.
А. П. Юшкевич, История математики в средние века, М., 1961.
- ¹⁵ Хоразмийнинг ўзи «Алжабр» китоби тўғрисида шуларни айтган: «Мен бу ҳисоб ҳақида қисқа бир асар ёзишга журъат қилдим, чунки одамларда ўз меросларини бўлишда, васиятларини ёзишда, савдо, ер ўлчаш ва ариқлар қозиш ва бошқа кўп ишларда бундай китобга зарурат туғилмоқда».
- ¹⁶ Карло Алфонсо Наллино (1872—1938) — итальян арабшуноси, Шарқ географияси тарихининг билимдонларидан бири.
- ¹⁷ К. Цегледи, Acta orientalia № 1, 1950, венгр тилида, «Советское востоковедение», № 3, 1955, стр. 186.
- ¹⁸ Л. Е. Куббель и В. В. Матвеева, Арабские источники VII—X веков, М.—Л., 1960, стр. 269—292.
- ¹⁹ М. С. Боднарский, Античная география, М., 1953, стр. 281—282.
- ²⁰ Абулқосим Убайдулла ибн Абдулла ибн Хурдодбеҳ (820—912) — асли эрони, Бағдодда таълим олган, Жибал вилоятида почта ва хабар соҳибни бўлиб хизмат қилган. Халифа Муътаминнинг яқин кишиларидан бўлиб, адабиёт, музи-

ка, тарих билан ҳам шуғулланган. Унинг «Китоб ул-масолик ва ал-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар китоби») номли географик асари машҳурдир. Асар биринчи марта 877 йилда ёзилган, сўнгра, иккинчи марта 886 йилларда яна баъзи қўшимчалар билан ёзилган. Буни араб тилида ёзилган энг илк асарлардан деб ҳисоблайдилар.

- ²¹ Я ъ қ у б а л К и н д и й (874 йилда вафот этган) — «арабларнинг файласуфи» деган лақаби билан машҳур бўлиб, ер юзи, денгизлар, сув қалқиши ва қайтиши тўғрисида китоблар ёзган, ўзи денгиз бўйида тажрибалар ўтказган.
- ²² Ю с у ф К а м о л, т. III, I-қисм, 1932.
- ²³ Е. Э. Б е р т е л ь с, Вопрос о филологической основе изучения восточных рукописей, «Советское востоковедение», № 3, 1955, стр. 15.
- ²⁴ «У ўз билимини асосан ҳинду ва форсларнинг илмий китобларидан ўрганган» дейди ҳозирги замон араб олими Ханна ал Фахурий. (Ханна аль Фахури, История арабской литературы, из-во иностранной литературы, 1961, стр. 235.)
- ²⁵ А. П. Ю ш к е в и ч, О математике народов Средней Азии в IX—XV веках, Историко-математические исследования, вып. IV, М.—Л., 1951, стр. 459, 476.
- ²⁶ А. М. Б о г о у т д и н о в, Очерки по истории таджикской философии, Душанбе, 1961, стр. 50.
- ²⁷ В. В. Б а р т о л ь д, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. I, стр. 306.
- ²⁸ Б а р т о л ь д, Худуд, стр. 17; Сочинения, I, стр. 58.
- ²⁹ К р а ч к о в с к и й, IV, стр. 194—196; Б а р т о л ь д, Худуд, стр. 11—17.
- ³⁰ Китоб рус ва ўзбек тилларига ҳам таржима қилинган. Н. Лыкошин, История Бухары, Ташкент, 1897, Бухоро тарихи, таржимон Абдуфаттоҳ Расулов, Шарқшунослик институти фондида; Тошкентда бу китобнинг бир қанча қўлёзмалари бор. Қаранг: СВР, 1, 45—53-бетлар.
- ³¹ А. Г. Т у м а н с к и й, Новооткрытый персидский географ X столетия и известия его о славянах и русских, ЗВОРАО, X, 1896, стр. 121—137.
- ³² В. В. Б а р т о л ь д, Худуд ал-Алем, М.—Л., 1930.
- ³³ V. Minorsky, Hudud al-Alam, The Regions of the World. Translated and explained by V. Minorsky, London, 1937.
- ³⁵ «Худуд ул-олам» қўлёзмасининг феҳрастида (варақ — 16) «Бажаноки турк вилояти» ёзилмаган ва «35. Озарбадгон вилояти, 36. Ар-

миния ва Аррон вилояти» деб айрим берилган, жами 60 боб кўрсатилган, текстда эса — ички саҳифаларда «бажонаки турк» сарлавҳаси бор, ammo Озарбадгон билан Армения ва Аррон қўшилиб, бир сарлавҳада берилган, бари бир 60 боб бўлган.

В. Минорскийнинг инглизча таржимасида боблар 61 та бўлиб қолган. Сабаби: «Озарбадгон, Армения ва Аррон» икки сарлавҳага ажратилган (текстга тўғри келмас ҳам, феҳрастга мосланган).

Бизнингча, боблар сони 60 та бўлиб тургани тўғри — қўлёзмада шундай.

- 86 Қўлёзмада **عمودکوه** (амуд қўҳ) дейилган. Минорский инглизчага called Ridges («тоғ тизмаси») деб таржима қилган (60-бет). Биз «ўқ тоғлар» дейишни афзал кўрдик («ўқариқ»қа ўхшатдик).
- 87 «Еқут» сўзини Минорский негадир «корунд» деб берган. Қолбуки Цейлонда бу хил қазилма машҳур эмас. Еқутни рубин, сапфир ёки берилл деб таржима қилиш маъқул эди. Абу Райҳон Беруний ҳам Сарандиб оролининг еқутини таърифлаган (Беруний, «Минералогия» китоби, «Еқут» банди). Қаранг: Цейлонда «учрайдиган энг муҳим қимматбаҳо тошлар — рубин (лаъл) ва сапфир (яшил еқут)дир». (С. Ф. де Силва, География Цейлона, М., 1955, стр. 13); «Цейлоннинг рубин, сапфир,... ой тошлари уч минг йиллар мобайнида султонларнинг хазиналарини тўлдириб келди, подшоларнинг тожини безатиб турди» (Л. И. Бонифатьева, Ю. А. Ершов, Цейлон, М., 1962, стр. 9).
- 88 Бу жумла Минорскийда: «Унинг тупроғи қумликдир» деб таржима қилинган. Қолбуки **ئسفاده** сўзи аслида «қайроқтош», бу бобнинг мавзун ҳам қазилмаларни санаб берган. Оддий қум тупроққа даҳли бўлмас керак.
- 89 Маҳмуд Кошгарий картасининг жануб чеккасида, Сарандиб тоғларида «Одам алайҳиссалом тушган жой» деб ёзиб қўйилган. Бу ҳозирги Одам чўққиси бўлиб, у тўғрида турли афсоналар тўқилган.
- 40 Бу сўзни Минорский «ялонғочдир» деб таржима қилган. Биз аслига мослаб, «ҳиндлардир» дедик.
- 41 Қўлёзмада **دریا اسکوک** (дарён Искук) тарзида ёзилган
- 42 «Узбекская ССР», Ташкент, 1963, стр. 75—76.
- 43 В. Минорский бу сўзни таржима қилмасдан, пу-диг шаклида ёзган. Биз Нурдара ёзишни маъқул топдик.
- 44 Бир фарсаҳ аксари 6—7 км, лекин Бухоро фарсаҳи 8 км бўлган, яъни ўзбекча тош ва ёғоч дейилган масофа ўлчовига барабар келади.
- 45 Китоб ва Шаҳрисабз ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг энг серёгин жойидир.
- 46 Хатлон ёки Хутталон — ҳозирги Тожикистоннинг Панж ва Вахш

дарёлари ораллигидаги ерлар. Чағониён — Сурхон водийси. Унинг маркази Чағониён шаҳри ҳозирги Денов ёнида бўлган.

- ⁴⁷ Уттор шаҳри — Арис сувининг Сирдарёга қуйилиш жойидаги шаҳар. Уни Фороб, Қорачуқ ҳам деганлар.
- ⁴⁸ Крачковский, IV, стр. 240; Юсуф Камол, III, 2-қисм, 678-бет.
- ⁴⁹ Юсуф Камол, т. IV, 1-қисм, 678-бет.
- ⁵⁰ С. Волин: «Ал Беруний деб ёзиш тўғрироқ бўлар эди, лекин илмий китобларда одат бўлиб қолган шаклига риоя қиламиз» дебгина «Бируни» ҳолида ёзган (С. Волин, Вестник древней истории, № 1, 1941, стр. 192) Т. Н. Қориниёзий бу номнинг ёзилишини таҳлил қилиб, рус тилида ҳам «Беруни» шаклини тўғри топган. (Т. Н. Кары-Ниязов, Очерки истории культуры Советского Узбекистана, из-во АН СССР, М., 1955, стр. 18).

⁵¹ البيروني، مولانا عبدالسلام ندوي، دارالمصنفين، اعظم گره

255-бет.

(Ўрду тилидан Тошкент давлат университети Шарқ факультетининг ўқитувчиси Р. Муҳаммаджонов таржима қилган).

- ⁵² «Номанидоншварон», УзФАШИ, Абдулла Носиров папкаси, «Беруний», мақоласи, 1-бет.
- ⁵³ Мен 1959 йилда Ғазнида бўлдим. Илгариги улугвор Ғазнидан ҳеч асар қолмапти. Қадимий бинолар 5—10 метр тупроққа кўмилган. Маҳмуд мақбараси ва яна 5—6 та мақбарасига бор. Маданият ва техникадан узоқ, хилват бир қишлоқ ҳолига тушган. Аҳолиси 30 минг киши. Ҳозир бу шаҳар археологларни жалб қилган, у ерда қазилмалар бошланган эди.
- ⁵⁴ Ҳозирги шарқшуносликка доир кўпгина китобларда Берунийнинг вафот этган йили «1048» деб кўрсатилади. Аммо сўнгги текширишлар натижасида олимнинг энг охириги асари «ас-Сайдала» 1051/1052 йилларда ёзилганлиги аниқланди. Демак, у 1051 йилдан олдин вафот этиши мумкин эмас эди.

Берунийнинг ўзи «Сайдала» китобини саксон ёшдан ошганимда ёзишга киришдим, деб айтган ҳам. Шуларга асосланиб, марҳум арабшунос М. Салье «1052» йилни маъқул кўрган.

1959 йили ГДРда нашр этилган Шарқ адабиёти тарихи китобида ҳам Беруний «1051 йилда вафот этган» деб ёзишди. *Iranische literatur geschichte, von jan Rypka, leipzig, 1959, 151, 171-бетлар; islam Ansiklopedisi, Biruni, 635-бетда ҳам «973—1051» йиллари олинган.*

Яқиндагина Б. А. Розенфельд: «У 1050 йилга яқин вафот этган» деб янгича муддат белгилади. (Б. А. Розенфельд, А. А. Крайнов ва М. М. Рожанская, О математических работах Абу-р-Райхана ал Бируни. Из истории науки и техники в странах Востока, вып. III, ИВЛ, М., 1963, стр. 73).

Мақбараси бузилиб кетган бўлса керак, чунки мен Ғазнида вақтимда ҳам ҳеч ким уни аниқ кўрсата олмади.

- ⁵⁵ Народы Средней Азии и Казахстана, т. 1, из-во АН СССР, М., 1962, стр. 140; ҳозирги Хоразм ўзбекларининг тилида қадимий Хоразм сўзларидан «арна» (катта канал), «ёп» (ариқ) каби суғориш ифодалари сақланиб қолган.
- ⁵⁶ А. Н о с и р о в, Бируний асарларининг рўйхати (фехрасти), Бируний тўплами, 144—148-бетлар.
- ⁵⁷ «Қарталар ва ер юзасини билиш китоби»нинг тўла текстини шарқшунос Абдуфаттоҳ Расулев ўзбек тилига таржима қилган.
- ⁵⁸ С. В о л и н. «К истории древнего Хорезма (О неопубликованном отрывке сочинений средневекового ученого ал-Бируни, 1025)», Вестник древней истории, 1941, № 1, стр. 192—196.
- ⁵⁹ П. Г. Б у л г а к о в, Фахриев секстант в «Геодезии» Бируни, «Общественные науки в Узбекистане», № 6, 1963, стр. 50—55.
- ⁶⁰ «Ҳиндистон» китоби тўғрисида А. Ирисовнинг «Бируний ва Ҳиндистон» брошюрасида (ЎзФАН нашриёти, Тошкент, 1963) батафсил маълумотлар бор. Унда «Ҳиндистон» асаридаги 80 бобнинг мундарижаси ҳам берилган. «Ҳиндистон» китобидаги астрономик маълумотлар Ғ. Жалоловнинг мақоласида таҳлил қилинган: Ғ. Д ж а л о л о в, Индийская астрономия в книге Бируни «Индия», Историко-астрономические исследования, вып. VIII, из-во физ-мат. литературы, 1962, стр. 195—220.
- ⁶¹ Дж. Н е р у, Открытие Индии, М., 1955, стр. 246—247.
- ⁶² The Book of instruction in the elements of the art Astrology, by Al-Biruni, London, 1934.
- «Китоби ат-Тафҳим ли авоили синоати ат-танжим», толиф устод Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний, Жалол Хумоий таҳрири остида, Техрон, 1937—1939 йиллар.
- ⁶³ Abu Rayhan Muḥammad b. Ahmad al Beruni, Al-Qanunul-Mas'udi (Canon Masudicus), vol. I—II—III, Hyderabad-Dn, india, 1954—1956.
- ⁶⁴ Б. А. Розенфельд, Звездный каталог ал-Бируни с приложением каталогов Хайяма и ат-Туси, Историко-астрономические исследования, вып. VIII, из-во физ-мат. лит., М., 1962, стр. 83—192.
- ⁶⁵ У. У. С а д ы к о в, Бируни и его работы по астрономии и математической географии, из-во технико-теоритической литературы, М., 1953.
- Ғ. Ж а л о л о в, Бируний ва картография, «Бируний» тўплами, 98—104-бетлар.
- М. Т е ш а б а е в, Картографические и геодезические работы аль-Хорезми и Бируни, Известия Узбекистанского филиала географического общества СССР, т. III, 1957, стр. 181—186.

- ⁶⁶ А. М. Беленицкий, О «Минералогии» Бируни, сб. Бируни, под редакцией С. П. Толстова, из-во АН СССР, М. Л., 1950, стр. 88—105. Тўла таржимаси: Бируни, Собрание сведений для познания драгоценностей (минералогия), перевод А. М. Беленицкого, из-во АН СССР, Л., 1963.
- А. М. Беленицкий, Глава «О железе» минералогического трактата Бируни, Краткие сообщения Института истории материальной культуры им. Н. Я. Марра, вып. XXXIII, 1950, стр. 139—144.
- Яна шу тўпламда: Б. А. Колчин. Несколько замечаний к главе «О железе» минералогического трактата Бируни, стр. 145—151.
- А. М. Беленицкий, Историко-географический очерк Хутталы с древнейших времен до X в. н. э., Материалы по истории и археологии СССР, № 15, стр. 109—127.
- Г. Г. Лемлейн, Минералогические сведения Бируни, сб. Бируни, М.—Л., 1950, стр. 106—127.
- ⁶⁷ Al-Biruni, Commemoration volume, Calcutta, Iran Soc. 1951.
- ⁶⁸ Юсуф Камол, т, III, 3-қисм, 713 б-бет.
- ⁶⁹ Djografija, Encyclopedie de l'islam, supplement, Paris, 1938, p. 72—73.
- ⁷⁰ Дж. Бейкер, История географических открытий и исследований, М., 1950, стр. 91.
- ⁷¹ Seyd Hasan Barani, Al-Biruni and His Magnum opus Al-Qanunul Mas'udi, „Al-Qanunul Mas'udi“, vol. III, Hyderabad, India, 1956, XXIX—XXX бетлар.
- Марҳум Саид Ҳасан Бороний—1914 йилда Беруний ҳаёти ва ижоди тўғрисида, урду тилида каттагина китоб ёзган, кейинчалик ҳам «Қонуни Масъудий», «Геодезия» китоблари асосида «Ислом олимларининг геодезияга доир текширишлари» деган мақола тайёрлаб, Берунийнинг хизматларини таҳлил қилди.
- ⁷² А. И. Михайлова, Каталог арабских рукописей Института народов Азии, вып. 2, географические сочинения, издательство восточной литературы, М., 1961, стр. 32.
- ⁷³ Э. М. Мурзаев, Средняя Азия, очерки природы, Гос. из-во географической литературы, М., 1961, стр. 37.
- ⁷⁴ С. Ю. Геллер, Развитие и характер рельефа Средней Азии. «Средняя Азия», под редакцией Э. М. Мурзаева, из-во АН СССР, М., 1958, стр. 111.
- ⁷⁵ Низовья Аму-Дарьи, Сарыкамыш, Узбой. История формирования и заселения. Материалы Хорезмской экспедиции. Вып. 3. Под общей редакцией С. П. Толстова. рис. 2—3—4, стр. 16—20, из-во АН СССР, М., 1960.
- ⁷⁶ Яхё Фуломов, Беруний Амударё оқимининг тарихий географияси ҳақида, Бируний тўплами, 70—76-бетлар.
- Шу авторнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» монографиясида ҳам, 26—28-бетлар ва бошқа бетларда Беруний мулоҳазалари таҳлил қилинган. —

- 77 М. Е. М а с с о н, Прошлое Ташкента, Известия АН УзССР № 2, 1954.
- 78 Lelevel I. Geographie du Moyen age, Bruxelles, 1850.
- 79 В. В. Г р и г о р ь е в, Караханиды в Мавераннахре по «Тарихи Мунежжимбаши», стр. 195.
- 80 А. Е. Б е р т е л ь с, Насири Хосров и исмаилизм, М., 1959, стр. 175.
- 81 «Сафарнома»нинг русча тўла таржимаси: Насири Хисроу, Сафарнамэ — книга путешествия, перевод и вступительная статья Е. Э. Бертельса, М.—Л., 1933. Кейинчалик қисқартирилган айрим бобларигина берилган вариантлари ҳам бўлди: Носир Хисроу, избранное, составитель И. С. Брагинский, вступительный очерк Л. Бузургзода, Таджгосиздат, 1948; бу вариант 1954 йилда қайта нашр этилди.
Бу китобнинг французча, инглизча ва қисман немисча таржималари ҳам бор.
- 82 Яъни 23 минг *кв км* чамаси, ҳозирги маълумот —25,4 минг *кв км*. Бундан 900 йил илгари атиги 1,5 минг *кв км* янглиш ҳисобланган, холос.
- 83 А. А. С е м е н о в, Критика и библиография на берлинское издание Носира Хосроу «Книга путешествия», сб. Иран, 1, 1926, стр. 28.
А. Е. Бертельс, кўрсатилган асар. 149, 161, 164-бетлар.
- 84 Узбек тилида Носир Хисравнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида. Қаранг: Шоислом Шомуҳамедов, Форс-тожик адабиёти классиклари, Тошкент, 1953, 64—82-бетлар. Шеърлар таржимаси шундан олинди.
- 85 Маҳмуд Кошғарийга тегишли асосий китоблар рўяхатини берамиз: Маҳмуд Кошғарий, «Девону луғотит турк», Солиҳ Муталлибов таржимаси, I—III томлар, УзФАН нашриёти, Тошкент, 1960—1963. И. Ю. К р а ч к о в с к и й, IV, стр. 267—270; Ҳ. Ҳ а с а н о в, Маҳмуд Кошғарий, Тошкент, 1963. Шу брошюрада рус, немис ва турк тилларидаги бошқа китоб ва мақолалар ҳам кўрсатилган.
- 86 Ю с у ф К а м о л, III, 3-қисм, 793-бет.
- 87 «Шархи ал мулаххас фи ал-ҳайъа». УзФАШИ, инв. № 1341; СВР, I, стр. 227. Шарх 59 варақдан иборат, кичик қоғозли бўлиб, унинг 50 б варағида иқлимлар схемаси ҳам чизилган.
- 88 Ҳ. С и д д и қ о в, Хоразм мутафаккирлари фан ва дин ҳақида, Тошкент, 1960, 22—23-бетлар.
- 89 Ч ж у К е - ч ж э н — Вклад китайских ученых в астрономию в древние и средние века, «Природа», № 10, 1953, стр. 66—75.
- 90 Бу китобнинг умумий мазмуни: О. Д. Ч е х о в и ч, «Рукопись тарих-и Беканати из библиотеки Хивинских ханов», бюллетень АН УзССР, № 10, 1947, стр. 30—32.

- ⁹¹ Ҳофиз Абрунинг географияси ушбу китобда баён этилмади, чунки Ўзбекистон ССР Фан нашриётида унинг тўғрисида алоҳида брошюра тайёрланмоқда.
- ⁹² Туркча таржимасининг бирига — «Ажойиб ул-латоиф» деб сарлавҳа қўйилган, бошқа бир таржимаси (1495 йилда қилинган) «Тарихи Хитой» ва «Рўзномаи мавлоно Ғиёсиддин наққош элчии Хитой» деб аталган.
- ⁹³ Крачковский, IV, стр. 519—522; Рихард Хенниг, Неведомые земли, стр. 39—43.
- ⁹⁴ Персидско-русский словарь, составитель Б. В. Миллер, М., 1953, стр. 567—568.
- ⁹⁵ А. Уринбоев. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси, масъул муҳаррир С. Азимжонов, ҳаттот Ю. Ҳакимжонов, Тошкент, 1960. Шу бобга оид мисолларимизда ўша китобнинг саҳифалари кўрсатилган.
Б. Абдураззоқовнинг шу китобга тақризи бор: «Ўзбекистон маданияти», 1960 йил, 7 декабрь; қўшимча маълумотлар: Крачковский, IV, стр. 520—522.
- ⁹⁶ И. И. Срезневский, «Хождение за три моря Афанасия Никитина в 1466—1472 гг.». СПб, 1856, стр. 254.
- ⁹⁷ Биз фойдаланган нашр: «Хождение за три моря Афанасия Никитина 1466—1472 гг.», под редакцией академика Б. Д. Грекова, М.—Л., 1948. Шу нашрнинг саҳифалари кўрсатилади.
- ⁹⁸ Т. Н. Кары-Ниязов, Астрономическая школа Улугбека, М.—Л., 1950. Астроном Ғиёс Жалоловнинг бир қанча мақолалари ҳам бор. Жумладан: Г. Джалалов, «Отличие «Зидж Гурагони» от других подобных зиджей» ва «К вопросу о составлении планетных таблиц Самаркандской обсерватории», Историко-астрономические исследования, вып. I, М., 1955, стр. 85—118.
- ⁹⁹ С. М. Горленко, Географическая таблица Улугбека, Труды Узбекского государственного университета, Новая серия, выпуск 74, Самарканд, 1957, стр. 57—68.
- ¹⁰⁰ Г. Д. Мамедбейли. Основатель Марагинской обсерватории Мухаммад Насиреддин Туси, Баку, 1961, стр. 232; авторнинг исми шафи озарбайжонча Ҳабибула Жаъфар ўғли, аммо русчада Габибулла Джафарович тарзида ёзилган, шунинг учун биз ўзбекчада ҳам «Ҳ. Ж. Мамедбейли» деб ёзавердик.
- ¹⁰¹ Улугбек бин Шохрух бин Темур Кўрагон, «Зижи султони Кўрагоний», ЎзФАШИ, инв. № 2214, 215 varaқ, XVI асрда кўчирилган нусха. Хаттот Азизулла.
- ¹⁰² Биржандий, «Шархи Зижи Кўрагоний», ЎзФАШИ инв. № 704, varaқ 91 б.
- ¹⁰³ معرفت اسطرلاب «Маърифати устурлоб», автори номаълум. ЎзФАШИ, инв. № 1207, форс тилида, 60 а — 61 а varaқлар.

- 104 زنج جدید محمد شاہی «Жижи жадиди Муҳаммадшоҳий», тузув-чи Р о ж а С а в о й Ж о й С и н г, ЎзФАШИ инв. № 440, 1046 — 106 в варақлар. Унда 293 жойнинг координаталари берилган.
- 105 Р. Р. О р б е л и, Собрание грузинских рукописей Института востоковедения, Ученые записки Института востоковедения, т. IX, стр. 64.
- 106 Б и р ж а н д и й, Шархи Жижи Кўрагоний, варақ 94 а, Т. Н. Қориниёзийнинг «Улугбек» китобидан нақл қилдик, 188-бет.
- 107 В. П. Щ е г л о в, К вопросу о географических координатах и азимуте секстанта обсерватории Улугбека в г. Самарканде, «Астрономический журнал», т. XXX, вып. 2, 1953, стр. 226.
- 108 Қадимги дунё сайёҳлари Азор оролини билганлар ва уни «о-ва Блаженных» («Саодат ороллари» — «Саъда») деб атаганлар. Қаранг: Claur R. Kannte das Altertum die Azogen, 1962, стр. 106.
- 109 Г. Д. Д ж а л а л о в, Некоторые замечательные высказывания астрономов Самаркандской обсерватории, «Историко-астрономические исследования», вып. IV, М., 1958, стр. 384.
- 110 Г. Д. Д ж а л а л о в, кўрсатилган мақола, 318—385-бетлар. А. Н о с и р о в, Али Қушчи, «Ер ва эл», № 4, 1962, 24—25-бетлар. К р а ч к о в с к и й, IV, стр. 523.
- 111 З а ҳ и р и д д и н Б о б и р, «Бобирнома», Тошкент, 1960, Г у л б а д а н б е г и м, «Ҳумоюннома», С. Азимжонованинг кириш сўзи билан, Тошкент, 1959, Ҳ. Ҳ а с а н о в, Заҳириддин Бобир — сайёҳ ва олим, Тошкент, 1960, Ҳ. Ҳ а с а н о в, Бобир жойлари (Афғонистондан хат). «Шарқ юлдузи», № 5, 1963, 150—155-бетлар. М у ҳ а м м а д Ҳ а й д а р м и р з а тўғрисида махсус брошюра тайёрланмоқда.
- 112 У з Ф А Ш И, инвентарь № 565/II ва 561/I; СВР, I, стр. 312—313; М. А. А б д у р а и м о в, Два среднеазиатских сочинения по истории агротехники, Изв. АН УзССР, Тошкент, № 6, 1956; И. П. П е т р у ш е в с к и й, Персидский трактат по агротехнике времени Газанхана, Материалы Первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в г. Ташкенте, Ташкент, 1958, стр. 586—599.
- 113 Бу китоб тўғрисида умумий маълумотлар: И. И. У м н я к о в, Абдулла-Намэ Хафиз-Таныша и его исследователи. Записки коллеги востоковедов, V, 1930, стр. 307—326. Б. А ҳ м е д о в, Қ. М у н и р о в, Ҳофиз Таниш Бухорий, УзФАН, Тошкент, 1963, УзССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида ҳозир бу асарнинг ўзбекча таржимаси нашрга тайёрланмоқда.
- 114 В. В. Б а р т о л ь д, Отчет о командировке в Туркестан, ЗВОРАО, XV, 1904, стр. 205—211. К. М у н и р о в, Мунис, Огаҳий ва Баённинг тарихий асарлари, Тошкент, 1960, 29-бет.

- 115 Каспий денгизининг 70 дан ортиқ номи бор. Жумладан, Қулзум дарёси деб ҳам атаганлар. Қаранг: Ҳ. Ҳасанов. Жой номларининг сири, «Ер ва Эл» № 3, 1962, 16—18-бетлар.
- 116 **مجاق** сўзини В. В. Бартольд «эмчоқ» деб ўқиган. Шундай бўлиши мумкин албатта. Чунки «эмчоқ» — денгизнинг қуруқлик ичига чўзилиб кирган қўлтиқчаларига жуда ўхшайди. Афсуски, Бартольд ўқиган нухасини биз тополмадик.
- 117 В. В. Бартольд. Отчет о командировке в Туркестан, ЗВОРАО, XV.
- 118 Уз ФАШИ, инв. № 1375, № 1385, № 2372. Қаранг: СВР, I, стр. 71—77.
- 119 Бомиён санамлари тўғрисида бизнинг саёҳат хотираларимизда маълумот берилган, Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда, Тошкент, 1962, 61—67-бетлар.
- 120 Магтымгулы. Сайланан эсерлар, I ва II жилдлар, Ашгабат, 1959; Магтымгулы. Ядыгарлик, Ашгабат; Махтумқули, Избранное, М., 1960, Махтумқули, Танланган асарлар, Ж. Шарипов таржимаси, Тошкент, 1960. Д. Аманеков, К. Вейсов, Магтымгулынинг сыхатлари, «Мугаллыма комек», № 4, 1959, 19—26-бетлар.
- 121 Туз — текислик, дашт ер.
- 122 Огоч — масофа ўлчови, тахминан 7—8 км.
- 123 Санжоб — шеър қўлёзмасидан ноаниқроқ кўчирилган ном. Туркманча нашрда бу номдан сўнг вергул ҳам қўйилмаган, гўё бу ном Деҳистонга тааллуқли бўлиб қолган. Аслда алоҳида ном бўлиб, Осиёнинг шимолини, ўрмонларни, мўйна ҳайвонларни (олмахов) кўп жойларни — Сибирни Санжоб деб аталган.
- 124 Қарим Юсупов, «Абулгази и хивинское ханство в первой половине XVII в». Рукопись кандидатской диссертации. Государственная публичная библиотека им. В. И. Ленина, М., 1950.
- 126 А. Н. Кононов, Родословная туркмен, сочинение Абулгази хана Хивинского, М.—Л., 1958.
- 126 В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, СПб, 1914; Сведения об Аральском море, Ташкент, 1902 ва бошқалар; Я. Фуломов, Хоразм; К. Муниров, Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари, Тошкент, 1960. М. И. Йўлдошев, Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши, Тошкент, 1959, Т. Нейматов, Хива билан Россия ўртасидаги муносабатлар тарихига доир баъзи манбалар, Тошкент, 1957.
- 127 Мунис ва Огаҳий, «Фирдавс ул-иқбол», УзФАШИ, инв. № 5364/1, варақ 145 б ва 146 б — 147 а; К. Муниров китобидан олинди.
- 128 Я. Фуломов, Хоразм, 202—204-бетлар.
- 129 Histoire de l'Asie centrale, Mir Abdoul Kerim Bokhory. Paris, 1876.

- 130 Бартольд. Отчет о командировке в Туркестан, ЗВОРАО, XV, 1904, стр. 218—219.
- 131 УзФАШИ, инв. № 109; СВР, I, стр. 307—308. Мустафо ибн Абдула Ҳожи Ҳалфа, тахаллуси Котиб Чалабий (1609—1657). Истанбуллик атоқли географ ва энциклопедист олим. Асарларини турк ва араб тилида ёзган. Асосий асарлари «Қашф аз-Зунун» ва «Жаҳоннумо». Бу иккинчи асар дунё географиясининг баёнидан иборат бўлиб, Шарқ ва Ғарб география ва картография фанларига асосланиб ёзилган.
- 132 Ленинградское отделение Института народов Азии, А. Л. Кун архиви, Д—133, Д—134, В—806 делолар.
- 133 До ни ш — м у н а ж ж и м, «Маориф ва маданият» газетаси, тожик тилида, 1962 йил, 13 январь.
- 134 Душанба нусхаси, инв. № 1898/II. Қаранг: Каталог восточных рукописей АН Таджикской ССР, I, Душанбе, 1960, стр. 193—194.
- 135 УзФАШИ, инв. № 2106 ва 2336/III, Душанба нусхаси, инв. № 828. Бошқа нусхалари ҳам бор, Н е ъ м а г з о д а, Дар бораи Возех ва асари у, Труды Таджикского университета, Душанбе, 1957.
- 136 Ш а й х Су л а й м о н Б у х о р и й, Лугати чигатой ва турки усмоний, Истанбул, 1298 ҳижрий (1880 йил).
- 137 И. Н и з о м и д д и н о в, Урта Осиёнинг чет эл Шарқи билан муносабатлари, Тошкент, 1961, И. Н и з о м и д д и н о в, Мирза Сиरोжиддин, Тошкент, 1963.
- 138 З. Л. Б у д а г о в лугати, т. II. 294-бет.
- 139 И о м у д х а н К а р а ш х а н о г л ы. Изчи — следопыты у туркман, ИТОРГО, т. XVII, Ташкент, 1924, стр. 146—150.
- 140 «Сарём шаҳри хусусида рисола», литография, Тошкент, 1884.
- 141 «Уш шаҳри хусусида рисола», Н. Остроумов нашр этган, Тошкент, 1885.
- 142 Бизга маълум бўлганлари: «Ўзбекистоннинг биринчи жуғрофия олими» сарлавҳали мақола, ўзбек тилида, «Маориф ва ўқитувчи» журнали, № 7—8, 1927 йил, 66—68-бетлар. С. Н у р м а т о в, «Муҳандиси об», тожик ва рус тилларида, «Тожикистон» журнали, № 5, 1957, 22—23-бетлар; яна: Ҳ. Ҳ а с а н о в, Ўзбекча глобус тарихидан, «Совет мактаби», № 9, 1962, 39—42-бетлар.
- 143 Ҳ. Ҳ а с а н о в. Фурқат саёҳати, «Совет мактаби» 10, 1961, 32—34-бетлар.
- 144 «Востоковедные фонды крупнейших библиотек Советского Союза», статьи и сообщения, М., 1963, стр. 32.
- 145 Душанба нусхаси, инв. 1917/I. Қаранг. Каталог восточных рукописей АН Таджикской ССР, I, Душанбе, 1960, стр. 189—190.

МУНДАРИЖА

| | | | |
|----------------------------------|-----|---------------------------------|-----|
| Муқаддима | 3 | Заҳриддин Бобир ва | |
| Муҳаммад Хоразмий | 13 | Хайдар мирза | 188 |
| Абул Аббос Фарғоний | 26 | Ҳофиз Таниш Бухорий | — |
| Жайхоний | 29 | Маҳмуд Ғиждевоний | 191 |
| Абу Зайд Балхий | 34 | Утамиш ҳожи | 193 |
| Наршахий | 37 | Султон Балхий | 194 |
| «Худуд ул-олам» | 40 | Маҳмуд бин Вали | 196 |
| Абу Абдулла Хоразмий | 62 | Сайид Муҳаммад Тоҳир | |
| Абу Райҳон Беруний | 64 | ибн Абулқосим | 198 |
| Носир Хисрав | 135 | Махтумқули — туркман | |
| Маҳмуд Кошғарий | 145 | булбули | 21 |
| Харақий ва Замахшарий | 146 | XVIII—XIX аср Хоразм | |
| Самъоний | 149 | тарихчи-географлари | 209 |
| Чағминий | 150 | ✓ Фарғоналик сайёҳ | 213 |
| Бухоролик Авфий | 152 | Шайх Сулаймон Бухорий | 223 |
| Фаҳриддин Банокатий | 154 | Ҳожи Юсуф Ҳайъатий | 225 |
| XV аср географияси | 158 | Фурқат саёҳати | 230 |
| Ғиёсиддин наққош | 159 | Хулоса | 235 |
| Абдураззоқ Самарқандий | 162 | Қисқартмалар | 238 |
| Улуғбек географияси | 171 | Изоҳлар | 240 |

На узбекском языке

Ҳамидулла Ҳасанов

Кандидат географических наук

СРЕДНЕАЗИАТСКИЕ ГЕОГРАФЫ И ПУТЕШЕСТВЕННИКИ

Издательство „Узбекистан“ — 1964 — Ташкент

Редактор *М. Миралиев*
 Рассом *В. Яковлева*
 Техредактор *А. Салахутдинова*
 Корректор *М. Каримова*

Теришга берилди 31/III 1964. Босилга рухсат этилди 30/Х 1964. Формати 84×108/32.
 Бос. л. 7,875. Шарт. бос. л. 13,23. Нашр. л. 14,1. Тиражи 5000. P-13637.
 „Узбекистон“ нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
 Шартнома № 24—64.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитетининг Ихтисослаштирилган ҳарф терув фабрикасида тайёрланган матрицадан 1 босмаҳонасида босилди.
 Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. Заказ № 362 Баҳоси 66 т.